

НҮЙМОН РАХИМЖОНОВ

Бадиий  
сўз  
ЭСТЕТИКАСИ



НҮЙМОН РАХИМЖОНОВ

# БАДИЙ СҮЗ ЭСТЕТИКАСИ

(Адиб, адабиётшунос, таржимон  
Иброҳим Гафуровнинг ижоди саҳифалари)

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI

ГАФУР ГУЛОМ НОМИДАГИ НАШРӢӢ МАГАЗИНКОДИӢ

Тошкент – 2017

No 1704

1/10

## *Kitob quyidagi ko'rsatilgan muddatda topshirilishi shart*

## Oldingi foydalanishlar miqdori


*Л.са*  
НҮЙМОН РАХИМЖОНОВ

# БАДИЙ СҮЗ ЭСТЕТИКАСИ

(Адиб, адабиётиунос, таржимон  
Иброҳим Гафуровнинг ижоди саҳифалари)

Гафур Гулом номидаги нашрие мактабаси

Тошкент – 2017 № 1704



**Масъул мухаррир:**  
Хуршид Дўстмуҳаммад,  
ёзувчи, филология фанлари доктори

**Такризчилар:**  
Дармоной Ўраева,  
филология фанлари доктори, профессор

Дилрабо Қувватова,  
филология фанлари доктори

Атокли адиб, адабиётшунос олим, таржимон Иброҳим Гафуровнинг адабий ўйларидан муҳташам тадқикотларигача, тахлий-танқидий маколаларидан бадиалари, такризларигача сўз санъати асарлари тахлилида бадиият масалалари устувор. Ўзбек адабиёти равнакига, эстетик тафаккур табиатига, истеъод феноменига, адабий асар жозибасига оид кузатишлари, фикр-мушоҳдалари, ўйларини XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб китобхонлар дунёсига хавола килиб келади. Ушбу ходисалар унинг биринчи китобидаёк (“Гўзалликнинг олмос кирралари”, 1964 й.) яккот кўзга ташланган, кейин бутун ижодий йўли давомида кучайиб, тераплашиб борган эди.

Шу боис тадқикотимиз асосини Иброҳим Гафуровнинг бадиий сўз эстетикасига доир карашлари тахлили, эстетик ғояларининг талкин хусусиятлари ташкил киласди.

И.Гафуров асос солган мансура жанрининг мундарижаси, шакллари, эстетик табиатини ёритишга харакат килинди.

Тадқикот адабиёт, сўз санъати билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.


**ИБРОҲИМ ГАФУРОВ  
ХАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ  
АСОСИЙ САНАЛАРИ**

(Муқаддима ўрнида)

Иброҳим Гафуров 1937 йил 27 декабрда Тошкент шаҳрида хунарманд-новвой оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, Ўрта Осиё Давлат университетининг (хозирги ЎзМУ) филология факультетида (1956–1961) тахсил олди. Университетни имтиёзли диплом билан битириб, ўзбек тили ва адабиёти (филолог) ўқитувчиси ихтиносслигига эга бўлди. Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриётида (хозирги Гафур Гулом номидаги) мухаррир, бўлим мудири, бош мухаррир ўринбосари бўлиб ишлади (1961–1982).

Ўзбекистонда бадиий, илмий, адабий-танқидий, адабиётшунослик, мумтоз адабиёт, халқ ижоди намуналари, бадиий таржима адабиётлари, кўп томлик хамда туркум асарларни чиқариш билан шуғулланди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида бош мухаррир ўринбосари лавозимида хизмат килди (1982–1995).

Ўзбекистонда сиёсий ислоҳотлар қизгин паллага кирган даврда кўп партиявийлик шаклланди. Бир гурух зиёлилар билан биргаликда “Миллий тикланиш” демократик партиясини тузиш ташаббусига қўшилди (1995). Сиёсий партияни ташкил этишда фаол қатнашди. Партия раисининг биринчи ўринбосари, “Миллий тикланиш” газетасининг бош мухаррири (1995–2005), партия МК раиси (1996–2004), МК мафқуравий ишлар котиби (2004) лавозимларида ишлади. Мустакиллик мафқураси ғояларининг



ISBN 978-9943-5015-2-2

© Нўймон Раҳимжонов  
© Гафур Гулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2017

ёйилиши, илдиз отиши, демократик сиёсий тафаккурнинг кучайишига хисса кўшди. Сиёсий-публицистик маколаларида миллий, мағкуравий, маънавий-маърифий тикланини жараёнларини ёритди.

Янги замонда ўзбек халқининг кенг тарзда замонавий барча ихтисосларни эгаллаган халқка айланишини орзу килди.

1- ва 2-чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутати (1996–2004). Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот кўмитаси раисининг ўринbosари (2000–2004), фракция раиси лавозимларида ташкилий ишлар олиб борди.

Адабий танкидий, адабиётшуносликка доир асарлари: “Гўзалликнинг олмос кирралари: адабий ўйлар” (1964), “Усмон Носир (шеърияти хакида ўйлар)” (1967), “Жозиба. Адабий бадиалар, шеъриятимиз хакида ўйлар” (1970), “Она юрт куйчиси. Миртемирнинг хаёти ва ижодий йўли” (1970), “Ёнар сўз” (Адабий маколалар, 1973), “Ям-яшил дарахт” (Адабий-танкидий маколалар, 1976), “Ўртоқ шоир” (Максад Шайхзода ижодиёти, 1975), “Юрак – алнга” (Адабий маколалар, 1979), “Прозанинг шоири” (Сайд Аҳмад хакида ижодий очерк, 1981), “Лириканинг юраги” (Адабий ўйлар, 1983), “Шеърият изланиш демак” (монография, 1984), “Ўттиз йил изҳори” (Адабий ўйлар, маколалар, 1987), “Илтижо” (Мансуралар, 1991), “Дил маколалар, 1998). Беш юздан зиёд адабий-танкидий, илмий-оммабоп маколалар муаллифи. Уч китобдан иборат вашлар мажлиси” (2010) номли мансуралар, эссе ҳамда назарияси”га бағищланган дарслик китобларини ёзиб тутиб олди. “Илтижо”, “Дил эркинлиги”, “Хаё – халоскор” китоблари билан мансура жанрига асос солди.

“Ёнар сўз” китоби Ўзбекистон ёшлар мукофоти билан тақдирланди (1973). “Максад Шайхзода лирикаси” мавзуда филология фанлар номзоди илмий даражаси учун диссертация ёклиди (1973).

Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” (1963) кисаси, “Алвидо, курол” романи (1973), Сулаймон Раҳимнинг “Моҳитобон” романи (1972), К. Паустовскийнинг “Олис йиллар” романи (Х.Тўрабеков билан ҳамкорликда, 1967), В. Кожевниковнинг “Қилич ва қалқон” романи (I қисм. X. Эргашев билан ҳамкорликда, 1969), Мирзо Иброҳимовнинг “Бўрон қуши” кисаси (1975), “Киржали” кисасини (Миртемир, Ҳ.Ғулом билан ҳамкорликда, 1977), “Парвона” романи (М. Аъзам билан ҳамкорликда, 1980), Ги де Мопассаннинг “Азизим” романи (1975, 2006), Фёдор Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” (1977), “Телба” (1979), “Қиморбоз” (1984), “Иблислар” (2013) романлари, Нозим Ҳикматнинг “Суур” романи (1970), Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат” (“Кунда”, 1987), “Чингизхоннинг оқбулути” (2001) кисаси, “Қулаётган тоғлар” (“Мангу қайлиқ”, 2011), “Қиёмат” (бир томлик, 2011) романлари, хинд эпоси “Панчанантра” ёхуд Беш мукаддас китоб (1993, 2013), Конфуцийнинг “Ҳикматлар” (1997–2000) асари, А.Солженициннинг “Ҳикоялар”и (1990), В.Распутиннинг “Ёнғин” кисаси (1986), Эдгар Понинг “Ҳикоялар” (1997), Фолкнернинг “Ҳикоялар” (2013) мажмуалари, Темур Пўлатовнинг “Фойибнинг қайтиши” кисаси (1983), Ф. Нитщенинг “Зардушт таваллоси” насрый достони (2004), Г. Маркеснинг “Бузрукнинг кузи” романи (2005), Жеймс Жойснинг “Улисс саргузаштлари” (I қисм, 2011), “Улисс” романи (2013), Жан Поль Сартрнинг “Девор” хикояси (2011), Мишел Монтеннинг “Уч фидойи аёл кисаси” (1993) шеърларини ўзбек китобхонининг маънавий мулкига айлантириди. Бу таржималар Ўзбекистонда ижти-

моий-маданий фикр ва адабий тил тараккиётида ўз ўрни, кимматига эга.

Иброҳим Faфуров том маънода серкирра ижодкор. “Алиф”, “Амир Алишернинг тавбаси”, “Дил ойнаси”, “Кўнгиллинг нозиклиги”, “Танишув”, “Чўлок карға”, “Ҳомий” ва х.к. ўнлаб ҳикоялари, “Даштларда”, “Достоевский билан тунги сухбат”, “Мунис ҳол ва шарпа”, “Она ризоси – роҳат”, “Тасаввуф сайқали” сингари бадиалари, эсслари, “Ой кусуф бўлган кеча”, “Тонг отганда, шом тушгандан...”, “Эмраниш”, “Ҳабиба Нисо”, “Бродскийга ўхшатма”, “Абдулатиф”, “Туркистон”, “Мариянинг боғи ва тахти”, “Оворалик”, “Америкаликка кўрпача”, “Одамнинг кўнгли”, “Ўпка”, “Сония”, “Айлансанг”, “Доира” каби мансуралар туркумлари катта шахс ва истеъоддинг турфа намоён бўлиш шаклларидир.

“Ўттиз йилнинг изҳори” китоби Давлат мукофоти билан тақдирланди (1989). “Дўстлик” (1996), “Мехнат шуҳрати” (2007) орденлари ва “Ўзбекистон белгиси” кўйкак нишони билан мукофотланган (1995), “Гафур Ғулом”, “Мақсад Шайхзода”, “Зулфия”, “Бобораҳим Машраб” хужжатли фильмлари сценарийси муаллифи. ЎзТВда муаллифлик кўрсатувлари олиб борди (“Тафаккур ёлқинла-

Иброҳим Faфуров 2006 йилдан бўён Жаҳон тиллари университети Таржимонлик факультетида доцент лаво-зимида таржима назарияси фанидан маъruzалар ўқиди. “Таржимонлик мутахассислигига кириш” (2008), “Таржимонлик назарияси” (2012, О. Мўминов, Н. Қамбаров билан ҳамкорликда) дарслкларини ёзди.

Асарларида бадииятда ҳакконийлик, инсонийлик, адопнамоён бўлиши ходисаларини кузатади, таҳлил киласди, илмий-танкидий изланишлар олиб боради. Жаҳон адабиёт мумтоз намуналарининг миллий адабиётимизга ки-

риб келишига, адабий алоқаларнинг бойишига салмокли хиссасини қўшиб келмоқда.

Олимнинг шеър санъати, адаб маҳорати, бадиий сўз нафосати хусусидаги тадқикотлари, китоблари (“Ўртоқ шоир”, “Прозанинг шоири”, “Лириканинг юраги”, “Усмон Носир”, “Жозиба”, “Юрак аланга” ва х.к.) босилиб чиқкандан кейин республикамизнинг катор олий ўкув юртлари ва малака ошириш институтларида бадиий маҳорат бўйича маҳсус курслар ташкил этилди. Филология факультетларида бадиий сўз санъати, маҳоратшуносликнинг маҳсус фан сифатида ўқитилишида, алоҳида курсларнинг очилишида, шубҳасиз, Иброҳим Faфуров тадқикотларининг таъсири, ўрни ва аҳамияти нуфузлидир.

Абдулла Қодирий, Ойбек, F.Ғулом, Абдулла Қаҳхор, Сайд Аҳмад, Шуҳрат ижодида бадиий сўз сехри, адабий-эстетик ғоялари бўйича нозик ва фасоҳатли кузатишларини умумлантирувчи катор мақолалари юзага келди. Уйғун, Ғайратий, Зулфия, Шукрулло, Р.Бобоҷон, Одил Ёқубов, Суннатилла Анорбоев сингари сўз заҳматкашлари эстетикаси бўйича олиб борган изланишлари мақолалар, бадиалар, этюдлар, кузатишлар, адабий ўйлар тарикасида майдонга келди.

Иброҳим Faфуров асарлари тарихий давр тақозоси, маънавий-интеллектуал зарурат ва эҳтиёжга кўра юзага келган, бир неча авлод ижодкорларининг адабий тажрибаларини назарий умумлаштиришга, нафосат туйғуси ила вобаста таҳлил этишга эришган гўзаллик ходисасидир. XX аср ўзбек адабиётининг тараққиёт тамойилларини инсон онги ўзгаришлари, бадиият тарихи, бадиий тафаккур эволюцияси нуктаи назаридан кузатиш етакчилик қиласди. Яна ҳалқимизнинг маънавий-интеллектуал камоли жараёнида юзага келган бадиият масалаларига (миллийлик, қаҳрамонларнинг психологик олами, ақлий-ахлокий кадриятлар) онг-дунёқарашдаги эврилишлар билан узвий

боғликларда жавоб излайди. Яъни, руҳониятда кечган эврилишлар адиларнинг ижтимоий-фалсафий, адабий-эстетик карашлари билан яхлит уйғунликда ўрганилади.

Факат шоир-ёзувчиларгина эмас, камёб истеъодли мунаққидлар ҳам ўз асарлари билан давр дидини, халкнинг бадиий савиясини юксалтиришга, эстетик диднинг ҳар бир миллатга хос миллий хусусиятларини шакллантиришга хизмат киласди. Иброҳим Фафуров илмий-ижодий фаолияти ана шундай хайрли, эъзозли, олийжаноб вазифаси билан гўзаллик ҳодисасидир.



## БАДИЙ ОНГНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ЭСТЕТИК ТУЙГУСИ

### Истеъоддининг табиати

Шахснинг шаклланиши фоят мураккаб жараён, унча-мунча аниқ таъриф-тавсифга бўй бермайди. Ҳатто энг катта адиларнинг, ёркин истеъодларнинг таржимаи ҳоллари ҳам болаликдан кексайгунгача кечган ҳаёти йўлларини, тириклик сахифаларини тўла-тўқис камраб ололмайди. Ёхуд, айтайлик, бир оиласда ўсан ўнта боланинг феъл-атвори ўн хил. Бири иккинчисига ўхшамайди. Шу боисдан ўнта бўлсаям ўрни бўлак, дейишади. Шу сабабмикан, ноҳакликка, ёлғонга рўбарў келганда бири ловуллаб кетса, исён кўтарса, иккинчиси “шунакаси ҳам бўлади”, дегандек лоқайд, бепарво ўтиб кетади. Ва, лекин, айнан ана шу ҳолатга ёки ҳодисага муносабатда одамнинг шахслик даражаси намоён бўлади. Кўнглига жойланган ёруғликнинг харорати, шуълаворлиги ўзлигини ошкор қиласди. Унинг исми – истеъод. Муайян бир босқичда кўпчиликнинг бурчини ўз зиммасига олади. Уни истеъоддининг масъулияти, деб аташ ҳам мумкин.

Зоро, истеъод – кўнглида кўкарган ёруғликнинг шарофати билан ҳаёт ҳодисалари моҳиятини, жараёнлар кўламини сезгир кўра олади, кўрсата билади.

Истеъоддининг жозиба кучи, сехр-сири айнан шу салоҳиятида восил бўларкан. Еру осмонлардан майса-гиёҳларгача, тоғ-тошлардан дов-дараҳтларгача, ўрмонлардан уммонларгача – барча-барчасининг турфа ранглари-ю оҳанглари, шакл-шамойиллару, таъми тот-

лари бор. Уларни фарқлаш, гўзалликнинг маъноларини айтиб бериш онг-шуур, аклнинг сажиясини кўрсатади. Инсон пешанасига битилган буюк бойлик бор; бу хиссий идрок билан аклий ифода омухталигидан юзага келгучи тафаккур маданияти, фикрлаш лаёкатидир. Бу – бадиий дид ва эстетик савия тарзида зухур топган маънавий гўзалликдир.

Ҳассос бадиий диднинг бош белгиси ер билан осмонлар оралиғидаги гўзалликлардан, инсон феъли фазолиятининг тансик самараларидан, яхшиликлардан завқлана билишда, ҳайратлана олишда, фароғат туйиш лаёкатида зухур топаркан. Ҳар қандай хиёнат, залолат, хунуклик кўринишларидан, ёмонликдан нафратлана олишда намоён бўларкан. Мухими, табиат ва жамият ҳодисаларини, олам ва одам сир-синоатларини тушунишию тушунтиришидаги, гўзаллик билан хунукликни азиз экан. Иброҳим Faфуров ана шундай камёб истебадиятга туганмас меҳр-мухабbat тарзида зухур топиб келмоқда.

Бадиий диднинг энагаси, бешиги – муттасил мутолаа, тинимсиз таҳсил экан. Бир сўз билан айтганда – ўкиш, укиш ва ўз билим-савиясини ўқувчиларга ҳам юқтиришдан иборат. Ҳар бир миллат зиёлиларининг билим-сажияси илмий-назарий тафаккур савияси даражасини, халқнинг маърифатлилик миқёсларини, ва шу билан баробар, бир йўла давр дидини ҳам белгилайди.

Бадиий дид – бу ноёб истебод билан эгизак. Тўғри, соҳир салоҳият Биру Борнинг суюкли бандаларига марҳамати, инъоми. Шу билан баробар уни юзага чиқариш, камол топдиришнинг бирдан-бир йўли – узлуксиз меҳнатдан иборат. Ёш Иброҳимжон кўнглига экилган

бадиий туйғуни болалик хусусиятлари, дея англатишига интилади: “Ўқиши бехад яхши кўрардим. Миямда сўзлар шовқин солади. Доим ўз-ўзим билан кичқириб, нималарнидир бичиб-тўкиб абдирайверардим. Сўз абдираш ҳолати мени ҳанузгача тарк этмаган. Миямда ҳеч кутилмаган бирон сўз қайдандир пайдо бўлиб, чик этиб чироғини ёқади-ю тилим уни ҳар оҳангда тинмасдан тақрорлайди. Бошка бир пайт бошқа бир сўзнинг чироғи ёнади. Мен бунинг нималигини билмайман. Эс-хушим жойида... Кейин-кейинлар Фрейдни ўкиш имконияти туғилганда бу болалик хусусиятларини бир оз англағандай бўлдим”<sup>1</sup>.

Истебоднинг табиати бағоят рангин, турфа хил кўринишларга эга бўларкан. Ёш Иброҳимжонда у борликни, атроф-ён теварагида кечётган нарсаларни билишга, англашга, тушунишга сафарбар этилган адоксиз иштиёқ, интиҳосиз завқ шаклида зохир бўла бошлади. Хусусан, 3-4 яшарлик пайтларини эсларкан, дадаси елкасига ўтказиб Чорсу гузарига олиб чикқани хотирасида жонланади. Тийран чакнаган кўзларида суратланиб колган туйлар ва уларнинг кўзлари ёш қалба уйғотган хиссияти билан нажиб-эътиборлидир. Тўғри, таассурутлар ўткинчи ва ўзгарувчан бўлади. У кўпинча кайфият билан боғлиқ ҳолда намойиш топади. Айтайлик, бугун кўзингизга кўркам бўлиб нақшланган расталар бир ойми, бир йилдан кейинми, буткул ўзгача таассурот колдириши табиий. Бонис, нуктаи назарда; у эса қотиб колган тушунча эмас; у ҳамиша ўзгариб такомиллашиб боради. Бугун қизиқарли, жозибали кўринган жонзод, айтайлик, от ёки туюми, ҳанги ёки кўзичоқми – эртаси куни шунчалик эътиборимизни тортмаслиги, қизиқиши

<sup>1</sup> “Ҳаёт – ҳаёл – хиёбон” мажмун. Тошкент, 2007, 210-бет. (Кейинги мисолларда унбу нашр сахифаси кўреатилади.)

уйғотмаслиги мумкин. Бунинг учун кўнглимиздаги хавас-майл шунчаки қизикиш эмас, муқим туйғу сифатида катъият касб этиши лозим экан. Ёш Иброҳимжоннинг кўнглида ниш уриб куртак ёзишга чоғланган завқ шунчаки қизикиш эмас, аксинча, чиройли нарсадан хунукликни, яхсидан ёмонликни фарқлаш, фахмлани лаёкатига эга бўлган тансик туйғу маданияти эди. У ўша, кайталанмас сурурли лаҳзаларни тушунтирас экан, исми гўзаллик эканлигини таъкидлайди:

“Гузар бозори атрофларида туялар бўларди. Улар оғизлари кўпирис, тинимсиз кавшаниб, узун-узун киприкли орасидан одамга мулойим эркалангандай боқишаради. Яратган ўзи ясаган, мусавирилик килган туялару сигирлару бузоклару оҳулару қушлару барча парранда-даррандаларнинг кўзларини бехад чиройли килиб қўйган. Улардан сизга Худонинг ўзи қараб турганга ўҳшайди. Тирик олам бор экан, унда гўзалликда заллик йўқ. Худо оламга бокадиган ойнасини маҳлукотнинг кўзларига жойлаган. Кўзлар чексиз самоларнинг дарчалари” (209-бет).

Ёш Иброҳимжоннинг болалиги табиат кучоғида, боғ-роғлар оғушида кечди (“Кўклам, ёз, кеч кузгача “Тешикқопқа”даги боғимизда турамиз. У Тошкентнинг нақ шимолида. Боғнинг охири кўринмайди... То сершовқин Қичқириқ сойгача чўзилиб боради. Кейин қуюқ 207-бет). Дўланазорлар гуллагандан оппоқ хурпайиши, кеч кузакда кип-қизил анвойи тусга кириши, киш бўйи карға-кузғунлар бошидан аримаслиги, хайбатли бўйдор дараҳтларнинг қуюқ кўланкаси, тол оғочларидан эгиб ясалган ишкомлар, отнинг калласидек катта-катта узум бошлари, Қичқириқнинг пишқириб, уввос солиб, бура-

либ-буралиб оқиши – барча-барчаси бетакрор ранглари, товуши кўнглига солган енгил титрок шовуллашлари ваҳималари билан бир умр кўз ўнгиди михланиб, суратланиб колган. Улар ёлғиз болалик таассуротларигина эмас. Яна, мухими, шовқини, сурури, таровати билан корачиғига сингиб қолаверган мазмундор лавҳалардир. (“Болалигимизда Тошкент деворининг нураган, тепаликларга айланган, чим босиб ётадиган яккам-дуккам сакланган ерларида ўйнаб, баландликларида қўй-эчки бокардик. Сал коронги тушса бу жойлар жуда ваҳимали”, 208-бет). Боғлар ёқалаб ўтган, зўрга бир арава сиғадиган, билқиллаган тупроқли кўча, ўрикзор, нокзор, олмазор боғларга туташ йўллар ҳавоси, тафти ҳали-ҳануз Иброҳим Ғафуров билан бирга яшаб келаётир. Уларни сира-сира унугиб бўлмайди. Тупроқ кўчаларда яланг оёқларининг излари қолган. Тотли орзу-умидлари, хузурбахш ўй-хаёллари боғларга сингиб кетган. Улар ёш Иброҳимжоннинг кўнгил мулкига айлангани боисидан ҳам хотирасидан ўчмайди. Беназир туйғу-кечинмалардан, оҳорли ўй-фикрларидан ташкил топган хиссий-аклий (маънавий-интеллектуал) жамғармаси сифатида ҳаётига мазмун бағишлади.

Кўхна Шарқда қадим-қадимдан ва ҳозирги кунларда ҳам янги туғилган чақалоқлар қулоғига аzonни шеър билан айтиб келишади; чақалоқларнинг танглайнини шеър билан кўтаришади. Шу боис шеърий завқ-сурур, шеърий нафосат ва заковат болалигиданоқ миллатдошлиарим вужудига сингиб кетган. Лаёқат, салоҳият, истеъод деб аталган ушбу туйғу ота-боболаримиздан, она-момоларимиздан ота мерос, она мерос тариқасида ўтиб келаётир. Бобоси Ибодбекнинг беш киз, бир ўғли бўлган. “Онам раҳматлик бешинчи қиз эдилар, – дея эслайди Иброҳим Ғафуров “Адабиёт – изхор сифатида”

номли сұхбатида. – Мақол-мatal билан сўзловчи әдилар. Холаларимнинг хаммалари ҳам сўзга ғоятда чечана онам каби доим байту мақол-мatal айтиб сўзлардилар”, (210-бет). Ушбу ёруғликнинг хосиятини Иброҳим Фафуров шундай тушунтиради: “Бу хислатлар менга қон билан ўтган меросий эканми, ҳамон сакланиб қолган. Ҳамон ичимдан: “Ё Амарахспанду!” – деган нидо келади баъзан. Ҳайрон бўламан. Амарахспанду кимлигини билмайман. Зардуштийликдан ёдимда колган сўзмикан дейман” (215-бет).

Қодир Эгам солиҳ бандаларига ўз мулкидан инъом килур. Қобилият деб аталгувчи туйғу маданияти рўшинолик кўрсин, ўзлигини тўқис намоён этсин, деган маънода ҳаво, олов, сув, тупрок билан умргузаронлик кечиришини лозим кўради. Ёш Иброҳимжон оловнинг пешанасидан ўпди, ҳаво-шамолларнинг этагидан тутди; тупроқда ўмбалоқ ошиб, сув келса симирди, тош келса кемирди. Истеъдод деб аталган камёб туйғунинг кўринишлари, шаклу шамойиллари, маънолари турфа хил бўларкан. Кимларгадир Биру Бор тоғларни талқин килгудек хайратангиз куч-кудрат ато этаркан. Кимларгадир борлик ва ўқуликнинг ранглардан иборат мазмунини бўёкларда жонлантиришдек ажиб иктидорни ноил киларкан. Яна бир кўп кишилар қалбига ўн саккиз минг оламнинг, баҳру баррларнинг асослари (ҳаво, сув, олов, тупрок) билан тиллашиш, дардлашиш ва алал-оқибат уларни сўзлатишдек илохий салоҳият жойларкан.

Ушбу тўрт унсур ҳаммага ҳам кўнглини ёравермайди. Улар билимли, маърифатли, кўнглида чироги бор Аллоҳнинг суюкли бандаларига дилини очади. Қодир Эгамнинг тажаллиси. Олам жилвалари-ю баҳру

баррлар жамолида нур бор. Ёруғ маъно бор. Модднион – ашёлар дунёсининг ҳам ўзига яраша қалби бор. Фақат уни туйишга, тушунишга интилиш жоиз. Зоро, улар унар-унмасга қалб дарчасини очавермайди. Кимда-ким эшигини такиллатиб келса ботинидаги маънолар ила ошно этавермайди. Бежиз товонга тикан кирмас, дейди машойихлар. Ҳеч бир нарса бежизга бунёд бўлмаган. Ҳар бирининг ўз вазифаси, адо этадиган юмушилари бор. Уни эса Биру Борнинг ўзи билади. Ўзгалар учун эса сирли тилсимот.

Аллоҳни билган, таниган, кўнгил тўрида саклаган билимли бандаларгагина дунё сир-синоатлари ўзини ошкор килади. Борини бордек кўрсатади. Бежизга одам Аллоҳ томонидан ердаги халифаси рутбасига ноил этилмаган. Бу, демак, Қодир Эгам борлик ва ўқулик асрорларини бандаларига билдиргувчиdir. “Сиз тоғларни қўриб (мангу) котиб турувчи, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булатлар (сузиб) юргандек (хавода сузиб) юрарлар. (Бу) барча нарсани пухта килган зот – Аллоҳнинг синоатидир. Албатта, У зот сизлар килаётган (барча) ишлардан огоҳдир”<sup>1</sup>. Яратикларнинг мазмун-моҳиятини билиш, англаш асноларида Эгамнинг ўзи бандаси кўнглида кузатиб туради. Бу – шундай бир ажиб сирли жараёнда Аллоҳнинг ўзи ҳам иштирок этади. Зоро, шарофат туфайли билган, билгувчи банда билдириш лаёкатига ҳам эга бўлади. Бу – Биру Борнинг яратгувчи нури бандасининг кўнглига экилди, демакдир. Бу – кўнгилга экилган истеъдод нури ҳамиша Эгамнинг назаридан бўлади, демакдир. Шунинг учун ҳам табаррук кексаларимиз дуога қўлини очаркан. Ярат-

<sup>1</sup> Куръони Карим маъноларининг таржимаси. Тошкент, 2001. “Намл” сураси, 88-оят (таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур).

гувчининг назаридан қолгулик қилмагин, дея юкинади. Илтижолари мустажоб бўлишидан умидини узмайди.

“Ана ўша ғойиб ва хозирни билувчи, қудратли ва меҳрибон, барча нарсани чиройли килиб яратган Зотдир. Инсонни яратишни эса лойдан бошлади. Сўнгра унинг наслини ҳакир бир сувдан иборат нутфадан пайдо килди. Сўнгра уни тиклаб, ичига Ўз (мулкидаги) руҳидан кирилди. Сизлар учун қулок, кўз, дилларни пайдо килди. Шукрни эса кам қилурсизлар”<sup>1</sup>. Ёш Иброҳимжоннинг кўнглига сингдирилган Нур-шуъланинг исми Сўз эди. Унинг бир ёнида ўчмас хотира, иккинчи канотида сўн- мас ёзиш – яратиш – бунёд этиш лаёқатини ноил этди. Ана шу тенгсиз илохий шафоатнинг амалий-кўримли шарофати тарикасида ёш Иброҳимжоннинг кўрган ва билганлари хотира аврокларида нақшланиб келаётир. Улар ўчмайди; ўчириб ҳам бўлмайди. Боиси, улар истеъ- доднинг тийран кўзларига кўчиб ўтган ҳаётнинг жонли лавҳаларидир. Бола – бошидан, тоғлар – тошидан, деб бежиз айтилмаган. Иброҳимжон эсини танибдики, кўр- ган, эшитган, билган нарсаларини туйғу-кечинмалар, фикр-ўйлар жамғармаси сифатида юрагида асраб-авай- лаб ардоклаб келади. Бу тахлит кечмиш, кимлар учун- дир унutilгувчи, хотирадан ўчгувчи ўтмиш лавҳалари бўлиб қолиши мумкин. Ва лекин, улар ёш Иброҳимжон учун маънавий дур, гавхар, жавохир бўлиб, дилдан си- дирилиб кетмас дамлардир. Истеъдодининг хиссий-ак- лий мулкидир.

У 1943 йили Корасаройдаги 28-мактабга латта жил- дини кўтариб 1-синфга ўқишига борди. Болалик ўртоғи Мансурхон билан жимжилокларини чалиштириб, бир

<sup>1</sup> Куръони Карим маъноларининг таржимаси. Тошкент, 2001. “Саждә” сураси, 6,7,8,9-оятлар (таржима ва изохлар муаллифи Аб- дулазиз Мансур).

умр дўст бўлишига аҳду паймон килишди. Болалик идро- ки одамларни, оламни бехад чиройли қабул килар, бор- лик факат гўзалликка чайиб олингандек таассурот қол- диради. (“Болалик ва ўсмилик чоғларимда одамлар кўзимга йирик-йирик, самимий, меҳрибон, аёллар эса баланд бўйли, самбитдай ингичка ва ғоятда келишган, нозик, кўхлик эдилар. Улар одамни маҳлиё килиб кўйи- шарди: ёш бошим билан уларнинг ҳаммаларини севар- дим. Кўксиларига бош кўйгим, этакларига яширингим келарди. Болалигимда биронта хунук хотин кўрганим- ни эслолмайман. Улар бехад-бехудуд мушфиқ, хаёт дардларининг малҳами бўла олгувчи аёллар эдилар. Бир-бирларига ҳамиша ёрдамга шошилар, бир мағизни ростдан ҳам кирқ бўлиб ер эдилар” (210-211-бетлар). Ҳаёт, турмуш факат қанд-курс билан, гўзаллик билан сийламас экан. Унинг аччик-чучук, оғир-юпун лаҳзала- ри ҳам одамни сергаклантирас, яашага чоғлар экан.

Корасаройга борадиган кўчалар қиши-қировли кунлари лой-муз, тайғанчик эди; энгил-боши жул- дур-юпун, оёғида йиртиқ елим калиш, кора совуқдан оёқ-кўллари, лаблари, ёноклари тарс-тарс ёрилиб, сал нарсага қон силкиб турарди. Улар тириклик шевалари, ҳаётнинг ранглари сифатида ёш Иброҳимжон хотира- сида михланиб қолган, албатта. У болалик тасаввури ва тушунчаларидан маъно-мазмун ахтарарди, кўрарди. Ёш идрокида зилзилалар ҳосил қилгудек силкиниш- ларни юзага келтирарди. Иссиқ ёнида дийдиратгувчи совуқ, ширин тотли таъмлар билан аччик, тахир, нор- дон нарсалар ёнма-ён яшашлигини аста-секин англай бошлади. Таъвил, талқинлар ёш идроки тасаввурида ғужғон ўйнарди, қайнарди. Ўз шакли шамойилига монанд маъно топишликка монанд маъно топишликка, остикдек такялар лўлаболишлар монанд маъно топишликка.

туюларди. Гирди түзөн талололари бўрон хайкириклиари мисоли эшитиларди. Карч қояли ҳайбатли тоғлар йўнидан кўзғалиб, кон-кора кўнғир булувларга айланиб учуб кетаётгандек кўринарди.

Ёш Иброҳимжон хаёlinи, шуурини банд этган но маълум нарсалар охиста-охиста ўз киёфасини, қади-бастини, исм-шарифини танита бошилади. Китобга бўлган адоксиз меҳр-мухаббати, илмга, билимга ташналик ана шу дил амрининг, кўнгил эҳтиёжининг амалий ифодаси эди. Катта, ҳайҳотдек боғлари этагида маҳалласининг уч-тўрт кўркам йигитлари дарс тайёрлашарди. ТошМИ талабаларининг катта, тушунарсиз китоблари учинчи синф ўқувчиси Иброҳимжонда ўзгача иштиёқ, майл уйғотарди. Ўшандан бери ёстиқдек-ёстиқдек қалин китобларга ихлоси баланд. Уларга ўрик, нок, ёнғоқ қоқиб берар, улардай бўлишни, катта тушунарсиз китобларни ўқиши орзу киласиди. (“Мактабга боргач, тарих, география, она тили, адабиётни жонимдан ҳам сўйдим. Бу фанларни бола дилимизни тонг колдирадиган жуда сўзамол сехргар муаллимлар ўтишарди”, 211-бет.)

Ёш Иброҳимжон учинчи синфда ўқиб юрган пайтлари – 9–10 ёшлардан бадиий ижодга майл кўрсатди. Юрагининг қават-қаватларига яширинган нур кушча тилига кириб, шеърлар тўқий бошлаган эди. Ўқиш китобидаги Миркарим Осимнинг кичик тарихий ҳикоялари, Ўйғун ва Faфур Fулом шеърлари адабиётга ошуфта кўнгилни ром этганди. “Бу шеър ва ҳикояларнинг мардона, қаҳрамонона оҳанглари менга жуда қаттиқ таъсир килар, уларнинг сўзларини дам-бадам такрорлаб юрардим, – дейди И.Faфуров ўша фараҳбахш дамларни хотирлаб. – “Судхўрнинг ўлими”, “Қуллар”, “Дохунда”, “Эсадаликлар”, “Қутлуғ кон”, “Навоий” мени эски дунёлар ичига олиб кириб кетар, улар ёш юрагимни қаттиқ

эзарди. Кўз ўнгимдаги хаёт шу эзгинликларга жуда ўхшарди. Миркарим Осимга эргашиб бирталай тарихий ҳикоялар машқ килдим” (212-бет).

Қадимги ривоятларда ижодкорлар наслига сувдек сероб бўлгин, дея дуо кетган дейиншади. Бу нарса айрим қалам ахли фикрга, теран маънога эмас, сўзга нисбатан қабул қилишган кўринади ёш Иброҳимжон наздида. Сўзни сувдек сероб қўллаб юборишликни шеърнинг ҳам, ҳикоянинг ҳам табиати кўтармас экан. Бу нарса мазмунни қуюклаштиришга эмас, фикрни суюлтириб юбораркан. Бу нарсани ёш Иброҳимжон “йилтироқ сўзлар” деб агади. “Ширин билан Шакар”, “Кунтуғмини” достонларини қайта-қайта ўқиган маҳали улардаги ноёб татти сўзлар ёдида сакланиб колар, уларни шеърларида, ҳикояларида қўллашга интиларди. Ботинидаги нур сўз заргарига айланиб, ёш Иброҳимжон адабий дидини чархлашга, оташгоҳида тоблашга тутинали. Садриддин Айний, Ойбек, Faфур Fулом ва бошка адиллар, фольклор асарларида сўз қадрини ғоят баланд тутиши катта меҳр ва хавас уйғотади. Ноёб сўзларга, уларнинг жаранглашига ишкибоз эди. Сўзларнинг поэтик маъно касб этишидаги қўлланишигина эмас, танланиши ва товланиши ҳам ўта хассослик, заргарона маҳорат самаралари эди.

Етук бадиият, маҳорат мактаби ёш Иброҳимжоннинг шундоккина кўз ўнгидаги эди. Уни сувдек симиришга тутинди. Бу майлни у бурч-масъулият ҳиссининг даъвати, деб билди. Ўзи учун фарз, дея тушунди. Олдидан оққан сув асло қадрини йўқотмаслигини дил-дилидан чукур туйганди. Матбуот, адабий мухит ноёб сўзларни эскилик, арабизм, форсизм, архаик деб ёқтирмаётган, чиқишишимаётган, асарларда қўллашга йўл кўймаётган бир пайтда ёш Иброҳимжон уларни кўнглида ардоклади. Сабр-каноат билан меҳр-оқибат, шафкат, иззат-хурди.

мат кўрсатди. “Аллоҳ осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсани олти кунда яратиб, сўнгра Арш узра муставий бўлган зотдир. Сизлар учун Ундан ўзга бирор дўст ва окловчи йўқдир”<sup>1</sup>

Ёш Иброҳимжон кўнглига жойланган тансик ис-  
теъдод нури Яратгувчининг назари мақомида сўзларни  
заргарона саралар, шеър, хикоя шаклида янги сўз ай-  
тишга рағбатлантирар эди. Зоро, ижод илохий ҳодиса  
бўлгани боис унда Аллоҳнинг ўзи огоҳ ва ҳомий си-  
фатида иштирок этаркан (“Албатта, Аллоҳ билимли ва  
хикматли зотдир. Раббингиз (томони)дан Сизга вахий  
килинадиган оятларга эргашинг. Албатта, Аллоҳ сизлар  
килаётган амаллардан огоҳдир. Аллоҳга таваккул ки-  
линг! Аллоҳни ўзи етарли вакил (ҳомий)дир”<sup>2</sup>. Бу – шун-  
дай бир суурли асноларки, уни айтиб, тушунтириб  
бўлмайди. Сехрли дақиқалар мазмунини, яъни Аллоҳ  
билан истеъдод ўртасида кечеётган асло қайталанмас  
мулоқот ҳолатларини англатишга сўз ожиз. Ушбу жара-  
ённи Биру Борнинг яратгувчилик шукух-сафолари да-  
вомидек қабул қилиш, англатиш жонамшини<sup>3</sup>.

Ижоднинг нурга йўғрилган, шуълаларга чайилган ас-  
ноларида банда Эгамнинг Ўзидан кўмак-имдод сўрай-  
ди. Саждага бош қўйиб, мадад беришлигига ўтинади.  
Албатта, солиҳ бандасини Ўзи ёлғизлатиб қўймайди.  
Айниқса, ер юзидағи халифаси сифатида Ўзининг ярат-  
гувчилик юмушини давом эттираётган беназир дақиқа-  
ларда кўмакка келади, далда бўлади.

<sup>1</sup> Куръони Карим маъноларининг таржимаси. “Ахзоб” сураси, 1,2,3-оятлар (таржима ва изоҳлар муддати). Абдуллаев, Абдуллаев.

<sup>2</sup> Куръони Карим маъноларининг таржимаси. Тошкент, 2001, “Сажда” сураси, 4-оят (таржима ва изохлар муаллифи Абдулазиз Мансур).

Беназир истеъдол сохиби Иброҳимжон шеърлар, хикоялар машқ қилинди давом этар, айниқса, тарихий хикоялар битинига кўпроқ рағбат кўрсатарди, юраги ун-дайверарди. Шу тахлит хаёт, китоб ва Миркарим Осим Иброҳим Гафуровнинг бир умрлик устози бўлиб колди. Болаликдан кўрган, билган, эшитган, кузатган ва укканлари хаёт сабоклари сифатида кўнглининг қатим-қатимларига жойланади. Чорсудаги уйининг оркаси жарга тулашиб борар, уйидан Самарқанд дарвоза, Чакар кўчаларига тулаш катта гузар кафтдек кўзга ташланиб турарди. Борлиқка хавас ва ташна нигоҳ билан боккан Иброҳимжон уйидаги баланд тахта зинага ўтириб жарнинг нариги бетидаги одамлар ва от-аравалар гавжум гузарни тамоша қилиб кузатишни хуш кўрарди<sup>1</sup>.

## Сүзга айланган зиё

Бадий адабиётга, адабий ижодга бўлган меҳр-муҳаббат Иброҳимжонни Тошкент Давлат университетининг филология факультетига ўқишига етаклади (1956 йил). Университет даргоҳига йўл олиш Иброҳимжон учун адабиёт остонасига қадам қўйиш, дегани бўлди. (“Университет менга иккинчи падар бўлди, хар жиҳатдан тарбиялади. Университетга муҳаббат қўйдим. Кўз ўнгимда алвон китоблар, фан оламлари очилди. Домлаларимга қараб миллат зиёлилари, олимлар, инсонни тарбияловчилар, маданий кишилар қандай бўлишини билдим. Уларга эргашишга ҳаракат килдим. Улардай халқ зиёлиси бўлишга интилдим”, 211-бет). Беш йил (1956–1961 йиллар) бадалида Ғулом Каримов, Айюб Фуломов, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Шавкат Рахматуллаев сингари тил-адабиёт илми закийларидан сабок

<sup>1</sup> “Хаёт – хаёл – хиёбон” мажмуси. 209-бет.

олди. Устозлар ташна қалбда куртак туккан лаёкатни илдиз отиб палак ёзишида раҳнамолик кўрсатишиди.

Не саодатки, табиатидаги истеъдодга монанд ҳавас килгулик адабий муҳит, устозлар ва ижодий давра насиб этди. Талабалик йилларида ёк Эркин Вохидов, Анвар Эшонов, Тўлқин, Анвар Исройлов, Шукур, Раҳматилла Иноғомов, Омон, Тальят Солиҳов, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев каби қадрдан тенгқурлари билан топишди. Энг муҳими, ҳамфир, ҳамнафас, эътиқоддош авлоднинг мағзига айланишиди. Мазкур адабий муҳит бадиий адабиёт, тасвирий ва амалий санъат, мусиқа ва кино санъати асарлари замиридаги маъноларни чакиши, моҳиятини уқиши, косанинг тагида нимкоса тарзида айтилмаган, яширин мазмунни идрок этиш малакасини шакллантириди; бугунги кунда ҳам унинг кутлуғ самараларини кўриниш кувониши мумкин. Ҳамкурси Тўлқин Имомхўжаев<sup>1</sup> билан

<sup>1</sup> Кейинчалик “Тўлқин” тахаллуси билан таникли шоир бўлиб танилди. У 1938 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни тутаттагач, Тошкент Давлат университети (хозирги ЎзМУ)нинг филология кулиётида ўқиди (1956–1961 й.й.). Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида мухаррир, Тошкент телестудиясида катта мухаррир, “Янги аср авлоди” нашриётида бўлим бошлиги бўлиб хизмат килди. (1961–1970 й.й.) Илк шеърий тўплами 1962 йилда “Жилгалар” номи билан чоп этилган. “Юрак тинчимайди” (1963), “Севгим” (1965), “Булок кўшиғи” (1966), “Юрагимдан излангиз” (1968), “Юлдузлар тўқилмайди” (1968), “Севги кўприги” (1974), “Умрдан хадя” (1978), “Биринчи мухаббат бекати” (1980), “Ўша мухаббат” (1988), “Яна учрашамиз” (1988), “Бир хиёнат фожиаси” (1995), “Сочилган сирлар” (1996) каби ўйлаб шеърий ва насирий тўпламлари чоп этилди. “Бола ва бургут” (1968), “Қулуқданги кутича” (1968), “Салом, ассалом” (1979), “Севара” (1980), “Гуниҷалар” (1986) каби ёшлар ва ўсмиirlар учун алоҳида китоблари ҳам мавжуд. Тўлқин шоир ва носир бўлиши билан бирга бир неча саҳна асарлари ҳам яратган. Муқимий театрида (“Олтин камар”, 1979), Сатира театрида (“Бувам уйланмокчи”, 1993), Ёш томошабинлар театри саҳнасида (“Кайнар хумча”, 1996) намойиш этилган.

дўстлашди. Эски шаҳардаги Маданият уйи (хозир ўрни текисланиб, сайҳон-сайлгоҳга айлантирилган) қошидаги Гайратий домла олиб борадиган адабиёт тўғарагига у билан бирга борди; машғулотларига қатнашди. Эркин Вохидов, Ҳайридин Салоҳ, Юсуф Шомансур, Анвар Эшонов, Сайёрпўлат Файзулаев, Тўлқин Илҳомов, Муроджон Мансуров, Тамилла Қосимова, Анвар Исройлов, Анвар Юсупвларнинг шеърларини, ҳикояларини эшитди. Ўзининг ҳам шеър-ҳикояларидан намуналар ўқиди. Тенгқурлари, устозлари эътиборини торти, назарга тушди.

“Кимки чиройли амал қилувчи бўлган холида ўзини Аллоҳга топширса, бас, у мустаҳкам тутқични ушлабди. Барча ишлар оқибати факат Аллоҳга (борур!)”<sup>1</sup>. Иброҳимжон юрагидан тўлқин уриб жўшган ҳис-туйғулари нишабини шеърлар, ҳикояларга бурди. Тарихий ҳикояларини қўлтиқлаб Ёзувчилар уюшмасига – наср бўлими маслаҳатчиси ёзувчи, таржимон Ваҳоб Рўзиматов ҳузурига катнай бошлади. Маслаҳатли иш тарқамас, деганларидек Ваҳоб аканинг одми-одми, шу билан бирга кутилмаган фикр-мулоҳазалари билан ҳикояларининг лойини пишилди. Қайта-қайта ишлаб, анча эпакага келтирди, чоғи. Тешикқопқадаги боғлари этагида хилхонага туташ жойда шоир Неъмат Тошпўлатнинг чоғроқкина боғи бўларди. Тоғаси, адабиёт муаллими Ҳусанбек Ибодов маслаҳати билан ёзилган нарсаларини кўшилари Неъмат Тошпўлатга кўрсатишга жазм этди. Ўша пайтда Н. Тошпўлат “Саодат” журнали редакциясида фаолият юритарди. Редакция ходимлари (Н. Тошпўлат, Ҳолида Аҳророва, Ҳасан Салоҳ) “Танишув” ҳикоясини ўқиб чиқиб маъқул топишди. 1959 йил май ойи сонида

<sup>1</sup> Куръони Карим маъноларининг таржимаси. “Лукмон” сураси, 22-оят.

сурати билан босилиб чиқди. Университетга кириб канчалик баҳтиёрик туйган бўлса, нафузли журналда илк хикоясининг чоп этилишидан шунчалик кувонди.

Худди шу йили “Ўзбекистон маданияти” (хозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” хафталиги) газетасида Фуркатнинг икки жилдлик танланган асарлари нашрига ёзган каттагина мақоласи ҳам босилди. (“Менда, танқид матбуотда тез чиқар экан, деган фикр туғилди. Бот-бот тақризлар, маколалар ёзишга киришдим, – дейди Иброҳим ака ўша асноларни хотирлар экан. – “Танишув”га қалам ҳаки беришди. Эгним ночор бўлиб қолган эди. Янги кўк костюм-шим олдим. Бу адабиёт дунёсининг менга кийдирган илк тўни эди”, 213-бет.) Илк ижодий қадамлари сабаб тенгдошларининг оғзига тушди, устозлар эътиборини тортди, адабий-илмий жамоатчиликда жиддий кизиқиш уйғотди.

Имий тўлқинланиши ва даъват Иброҳимжонни китоб дунёсига муқкасидан тортиб кетди. Мактаб йиллари Гюго, Жонатан Свифт, Даниэл Дефо, Гарриет Бичер Стоу, Распе, Марк Твен, Пушкин, Гоголь, Радищев, Толстой, Гаршин, Тургенев, Успенский, Горький сингари адилар асарлари билан ошно тугинди. (“Ўкувчилик йилларимиз бадий адабиёт тўғрисида кўпроқ романтик хаёлий тасаввурларда юрардик, – дейди ИброҳимFaуров. – Тасаввурларим, мени куршаган мухит, макон, дунёнинг янгиланиб турган...”, 216-бет.) Талабалик йиллари янги бадий дунё кўнглига ёпирилиб кириб келди.

Гегелнинг тўрт жилдлик “Эстетика”, “Тарих фалсафаси”, Шеллингнинг “Санъат фалсафаси” асарлари, Фитратнинг талабалар орасида қўлма-қўл ўқилган шеър, хикоя, драмалари, Нозим Ҳикмат, Франс

Кафка, Зигмунд Фрейд, Исиқава Такубоку, Пол Элюар, В.Незвал, Осип Мандельштам, Андрей Белий асарлари, Чингиз Айтматовнинг қалдирғоч киссалари, бадий ижод сирлари, адабий асар сехр-таровати, адабиёт илми ҳакидаги сұхбатлар (тўрт жилдлик “Русские писатели о литературном труде” каби) дикқат марказига кўчди. Талабадошлар тўлиб-тошиб, куйиб-пишиб, ёзғириб-жўшиб баҳслашарди. Самимий, табиий фикр алмашувларнинг охири кўринмасди. Бири олиб, иккинчиси кўйиб, учинчиси давом эттирган, тонгни шомга улаган пайтлар ҳам кўп бўларди.

Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари, фалсафий-ижтимоий ғоялари хусусида илмий асарлар яратиш нияти Иброҳим Faуров кўнглида ўша пайтда ниш урган, куртак туккан эди. Лекин ўша 60-йиллар бошида “миллатчи шоир”, “миллатчи адиб” тамғаси ёпиширилган, мафкуралашган адабий мухитда, сиёсатлашган адабиёт илмиди Чўлпон, Фитрат, Қодирий ижодини ўрганиш катта сиёсий хато, сиёсий кўрлик, қалтабинлик ҳисобланарди. Таниқли адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор Эрик Каримов ўтган асрнинг 70-йиллари ўз тадқиқотида (“Реализм в узбекской литературе”) Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий номларини тилга олганлиги, асарларига мурожаат этганлиги боис бошига не-не маломат тошлари ёғилмади. Дунёнинг ғаройиб ишларини қаранг. Ўтган асрнинг 70–80-йиллари ҳалк душмани, деб бошига палахмон тошлари ёғдириб келганлар ҳам бир думалаб чўлпоншуносга, фитратшуносга, қодирийшуносга айланиб қолган бугунги кунда бу ҳол хийла кулгили, эриш туюлиши мумкин. Бироқ ўшанда – сиёсатлашган шўро адабий мухитида Эрик оғанинг бугунги кун нуқтаи назари билан қарагандаги мисқолчалик дадил одими адабиёт “коровулларининг” эсхонасини

чиқариб, капалагини учирib юборган эди. Эрик оға икки марта юрак хасталиги – инфарктни ана шу сиёсий дағдағалар туфайли орттирган эди.

Иброҳим Faфуровнинг талабалик йиллари адабий хаёт сирти сокин кўринса-да, аслида нишаби чукур, туби талатум дарё мисоли пўртанавор, шиддатнок кечаетган эди. Фикрдош курсдошларнинг бадиий лиди ва эстетик савияси ана шу жўшқин ижодий муҳитда елкадош қаддими ростлади. У адабиётни хақиқатчи деб биларди. Давлат айтмаган хақиқатни адабиёт айтган ва бу хақиқат учун курасди, деб тушунарди. “Зулм дунёсининг бархам топиб кайтиб келмайдиган бўлиб кетишида адабиёт ва адабиётларнинг ўрни кандай бўлганилигини ҳеч ким ракамлар билан хисоблаб чикмаган, – дейди олим. – Лекин Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Қодирийларнинг сўзи кудратли империяни титратган, том маънода ларзага солган, унинг асосларини ҳеч тўхтамай, ҳеч тинмай зилзилага соларди. Империянинг қулашида ҳам шу адабиётнинг сўзи зўр хизматлар килди”, (216-бет). Иброҳим Faфуров бадиий ижодни адабиёт илми тадқиқотчилиги билан омухталикда олиб боришга жазм этди. Чўғдек ловуллаб дилини ёритган ушбу эзгу ният адабиёт ва санъат нашриётидаги муҳаррилик фаолиятида ҳам, бадиий таржимага муккасидан берилганда ҳам кўнглини асло тарқ этмади. Китоб дунёси битмас-туганмас сабоқ, хикмат, хақиқат олами сифатида фикру зикрини буткул маҳв этганди. А.Грин, Бабель, Паустовский, Ҳемингуэй, Фолкнер, Э. По, Тҳакур сингари адиллар асарларини қидириб топиб ўқиди. Уларнинг хаёлий, асрорий оламлари ўзига ром этганди. Шуларнинг китобларини хақиқий адабиёт деб биларди. Адабиётни севиб ёзувчи, мунакқид, таржимон, публицист бўлди. Улар ёрқин истеъоднинг намоён бўлиш шакллари эди.

Иброҳим Faфуров китоб мутолаасини шунчаки шариллатиб ўқиб кетаверин, варақ санаш деб эмас, хаёт тўғрисида, инсон ҳақида, унинг бахти, икболи, тақдири хусусида ўйлаш, фикр-мушоҳадалар юритишдек олий юмуш деб билди. (“...мен учун китоб устида фикрлаш, китобни таҳлил килиш, оригинал мулоҳазалар юритиш жуда муҳим кўринарди”, 215-бет.) Китоблар ёзувчи ва унинг меҳнати, заҳматлари хусусида тасаввурларини кенгайтириб, бойитибгина қолмади. Яна одамнинг акли, онги, кўз қарашларини ўстиради, дейди. Китоб – акл университетидир, дея англатади (“Зотан, замонлар каъридан бизгача етиб келган бирдан-бир маънавий мерос ҳам, замонларга биздан етиб боргувчи бирдан-бир маънавий мерос ҳам – китоб”).

Иброҳим аканинг китоб мутолааси билан боғлик фикр-мулоҳазаларида ахлоқий-маърифий қарашлари мужассамлашган. Хусусан, инсон тириклиги онгли кечиши лозим. Ейниш, ичиши, ётиб-туриш ва ҳ.к. юмушлар умрнинг кечиши жараёнларигина эмас. Улар муайян максадлар сари қаратилган инсон хаётининг онгли лахзалари. Инсон тириклиги – бу бахтга етишиш йўлларини излаш, топиш, фароғат туйишдек тансик аснолар йиғиндисидан иборат. Бахтга етишиш, ҳар бир одамнинг ўзини бахтли-саодатли туйиши – эзгуликнинг тантанасидир.

Олимнинг бахт билан боғлик тасаввур-тушунчаси адабий ижод билан туташиб кетади. (“Ижод инсон бахтининг сирини билармикин, деб бош котирадим. Китоблардан ростини айтсан, бахтнинг сирини ахтардим. Назаримда, бахтнинг сирини факат сўзлар биладигандек туюларди. Сўзларни-да бахт сирини очиш курдати бор деб тушунардим. Чамаси, сўзларнинг фасоҳати, фусункорлиги мени китоблар, ундан ижод ва ижодкорлар сари йўлга солган. Ич-ичимдан сўзнинг

гадоси, сўзниг мубталоси эдим”, 215-бет.) Бахт масаласи Иброҳим Ғафуровнинг ахлоқий-маърифий ғоялари силсиласида етакчи ўринлардан бирини ишғол қилади. У яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва зулм-залолат, гўзаллик ва бадбинлик, виждон ва бурч-масъулият, инсон шаъни ваadolat туйғулари билан туташиб, яхлит бир тизимни ташкил қилади. Англашиладики, бахтнинг мазмун-мундарижаси бағоят кенг ва рангин. Инсон борлифи-ю борлигининг барча қирраларини қамраб олади.

“Агар ер юзидаги (бор) дараҳт қаламлар бўлиб, денгиз (сиёҳ бўлса ва) ундан сўнг яна етти денгиз унга ёрдам берса, Аллоҳнинг сўzlари тугамас. Албатта, Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир”<sup>1</sup>. Қодир Эгам гунг-соқовлардан ташқари деярли барча бандаларига сўзлаш лаёкатини ноил этган. Ва лекин, сўздан, сўзлар воситаси билан инсоний тақдирлар яратиш, хаётнинг ўзламчи саҳифаларини жонлантириш, руҳоният манзараларини суратлантириш хар кимга ҳам насиб этавермайди. Ёзувчи-шоирлик салоҳияти Аллоҳнинг суюкли бандалари пешанасига битилган беназир иқтидор-ёруғликдир.

Нур – шуъланинг сўз шаклига кириши сеҳрли жараён; унинг табиатини тушунтириш ниҳоятда мушкул. У Қодир Эгам билан истеъод соҳиби ўртасида кечгувчи сирли ҳодиса бўлгани боис эврилиш асноларини ёзувчи-ларнинг ўзи ҳам кўп ҳолларда тушунтириб беролмаслиги боиси шундан. У онг-шуур билан кўнгилнинг туташмисоли беадад маъво. Ўқиши, укиши, маърифат орқали дунёни, хаётни, бандани билиш, тушуниш йўллари очилади, имкониятлари кенгаяди. Ожиз банда мўминлик холатидан фикран ўсиб юксалиб шахслик маснадига

<sup>1</sup> Куръони Карим маъноларининг таржимаси. Тошкент, 2011, “Лукмон” сураси, 27-оят.

етишиади, кўтарилади. Аллоҳнинг хоҳиш-иродасини ер юзида карор топтириш учун жонини жабборга бериб ёзғиради, хизмат қилади. Маърифат бандани мақсадига етказишида воситачига айланади.

Ижодкор лабораторияси – бу унинг кўнгли. Уни ёзувчи ижодхонаси деймизми, мусаввир устаҳонаси ёки режиссёрнинг саҳна майдони деб атамизми, қандай ном билан аталишидан қатъи назар, бу – ижодкорнинг даҳлеиз дунёси. Кўнгилга қўл сукиш мумкин эмас ва лекин, унга нигоҳ солиш, назар ташлаш мумкин холос. Иброҳим Ғафуров китоб мутолааси ҳақида сўзлар экан, аввало кўнгил маърифатини ёклайди (“Инсондаги энг олий шодлик – ўз руҳий дунёсини бойитишдан, демакки, башар манфаатлари билан яшашдан келиб чиқади. Бундай олийжаноблик ёнингдагиларнинг эҳтиёж ва манфаатларига эътибордан, ўзгалар тақдирини ўзингники деб англашдан бошланади. Маданий тараққиёт султони хисобланмиш китоб ҳам аслида ана шундай энг олий маънавий эҳтиёж маҳсулидир. Бинобарин, хар қандай яхши китоб инсонга эътибор, яъни инсон ҳаётини маърифат нури билан ёритиш ишқидан туғилади”)<sup>1</sup>.

Иброҳим Ғафуров ижодкор шахсиятида кечаетган бадий онгнинг эстетик туйғуга айланиш, муайян мазмун қасб этиш асноларига диққатимизни қаратади. Ҳаёт, ижтимоий воқеликнинг таъсири самарасида юзага келган бадий идрок хиссий-интеллектуал қайфиятлар манзарасини ҳосил қилади. Бу – ҳаёт, ижтимоий воқелик, инсон руҳиятининг янги-янги қатимлари-ю қатламларини бадий тадқиқ этишига сафарбарликдир, деб анатлатади. (“Инсон қисматларининг драмаларидан бошка ҳеч нарса кўзимга кўринмай колди... Ҳаётимга дунё модерн адаби-

<sup>1</sup> Иброҳим Ғафуров. “Замонларга йўлловчи маёқ” мақоласи. “Ёшлик” ж., 1982, 7-сон, 62-бет.

ёти, япон, хинд, хитой, форс, араб, туркий, фалсафий, тарихий хикматлар китоблари кириб келди. “Джаммапада” ва Ло Цзини ўқигач, чин ва гўзал ҳаётий фалсафа бу ёқда экан-ку, дедим ҳамон бахтнинг қалитини изларканман... Адабиёт том маънода – кўнгил изҳори. Ёзиш – рухий, асрорий эҳтиёж. Асрор бўлмаса, ёзиш қайда”, 217-бет.)

Адабиётнинг бош қуроли – бу сўз, қаломдир. Аллоҳнинг инъомига таяниб бадиий сўз маданияти бекиёс ва бетимсол кашфиётлар қилишга кодир эканлигини чукур туйди. Бу адабиётнинг инсонга бериши мумкин бўлган энг буюк бахт – кашфиёт қилиш имкониятининг борлигидир, дейди Иброҳим ака. Кашфиёт дегани – бу Биру Борнинг мададига таяниб инсон руҳонияти иклиmlарини ёритиш, манзараларини кўрсата билиш санъатидир. Бу – кўнгилнинг янги замини, янги осмони, янги китъалари демакдир. Бадиий кашфиётларда яратганинг ўзи иштирок этганлиги боисидан ижодни илохий дея ангнинг ўз нуқтаи назари бор. Ҳусусан, хоҳ рассом, адиб, бастакор ёхуд файласуфми, кимёгар олим бўладими, истеъоддининг ҳар қандай кўринишида Аллоҳдан ўтган, юқтирилган нур, ёруғлик бор, дейди. Шу маънода, тенгсиз кашфиётлар камёб-ноёб ёки гениал-даҳо истеъоддлар тимсолида намоён бўладими, барибир, заррада офтоб, қатрада уммон акс этгани монанд оlamgир яратикларнинг барча-барчасида Биру Борнинг назари-нури мужассамлашган. Зоро, Аллоҳнинг ўзи бандасини ана шу тахлит янгиликлар яратишга, кашфиётчиликка ҳамиша даъват этади.

Иброҳим Faуров қизиқиш-майлларининг Алишер Навоий даҳоси, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон зақоси, феномени билан узок боғланиб қолгани бежиз эмас. Ҳазрат Навоий бадииятини ислом-тасаввуф фал-

сафаси билан уйғун ўрганиш, ўзлаштириш, XX аср тонгидаги жадидчилик эстетикаси (Беҳбудий, Мунаввар кори, Авлоний, А. Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Боту ва х.к.)нинг янгича бадиий-ижтимоий талқинлари олим дунёкарашига катта ўзгаришлар олиб кирди. Бу – ўтган асрниг 80 – 90-йилларидан адабий-эстетик тафаккуримиз такомилида янги сифат босқичи бошлангани далолати эди. Адабиётимизнинг янги теран реалистик ўзанларга кўчгани эди. Бу – мағкуралашмаган, умумбашарий қадриятларга (адолат, гўзаллик, эзгулик сингари) асосланган бадииятнинг кўркам саҳифаси эди.

Иброҳим Faуров Сўзнинг бадиий-фалсафий, ижтиёмий-эстетик салоҳиятини шунчалар мукаддас, илохий деб билади. Шунчалар оламгир масъулият хисси билан ёндошади. Сўз, маънонинг шунчалар рангларга бойлигини кўриб-билиб ҳайратларга чўмади. Ёруғликнинг кадри бекарон оламнинг кўз илғамас олис-олис чеккаларини ҳам ҷароғон этганлиги, ҳарорат олиб борганлиги, умрларга умр кўшганлиги билан файзли.



## ГҮЗАЛЛИК ҚОНУНЛАРИ ВА БАДИИЯТ

Хар бир ижодкор ижтимоий мухит ва маънавий эҳтиёж талабларига мувоғиқ юзага чиқади. Бу нарса, аввало, истеъоддининг таҳсилати

Хусусан, тог ялпизи алоҳида парваришни талаб қилмайди. Худонинг берган куни кимдир сув куйиб юрмайди, атайлаб тупроғини чакичлаб юмшатмайди; ўсиши учун у хеч кимни овора килмайди. Табиатнинг сирли ва сехрли бир мўъжизаси сифатида хушбўй тароватини, зумрад рангини, ақиқ жозибасини йилнинг тўрт фаслида бирдай саклаб қолади. Ёз жазирамасию киш аёзида ҳам ўзлигини ўқотмайди. Кўм-кўк тароватини таратиб баҳорий латофатини кўз-кўз этаверади. Бир марта берилган тансиқ умрни шундай яшаш керак дегандай, яшнон ҳаёт қўшигини куйлаётгандай, тириклик тимсоли сифатида сабоқ бераётгандай бўлади.

Бадий дид ва эстетик савия ҳам Худо юқтирган, инъом этган ана шундай ноёб сажия-салохият. Тузумлар, мафкуралар, ижтимоий тизимлар об-ҳаво мисоли ўзгараверади. Чинакам истеъод эса тоғ ялпизи мисоли, ҳатто ҳазон бўлса ҳам, асл рангию бетакрор тароватини йўқотмайди. Бўрону қасирға-тўзонларда, гирдибод до-вуллару қаҳратон қиши чилласида ҳам кўм-кўқ туси-ю тансик исини таратиб жозиб тураверади.

Иброхим Faфуров ана шундай ёркин, ноёб истеъод соҳиби. Адабиёт илмида, маданиятимиз такомилида, илмий-бадиий, эстетик тафаккур тараккиётида айтган

## Бадийиң сұз эстетикасы

ва айтиб келаётган ўз СЎЗИ бор; СЎЗИнинг залвори, салмоғи, ўрни аҳамияти бор. Ҳусусан, гўзаллик конунлари ва бадиият масаласи Иброҳим Ғафуров эстетик ғояларининг ўзак асосини ташкил этади. Ҳаётдаги, табиатдаги, одамлар шахсияти ва фаолиятидаги гўзаликни бадиий нафосатга айланиш жараёнларини кўриш, кўрсата билиш ва мазмунини тушунтириб бериш Иброҳим Ғафуровнинг бугунги ўзбек адабиётида-ги, илмий-адабий тафаккуримиз равнақидаги, танқидчилик олдидағи катта хизматларини кўз-кўз этади, тасдиқлайди.

Бир Шарқ донишмандидан истеъоднинг моҳияти нимадан иборат, деб сўрашибди:

— Хаммаям уддалайвермайдиган, бошқаларнинг кўлидан келмайдиган юмушларни оппа-осон бажарган кишилар талантли ҳисобланади. Энди, салоҳиятли кишиларнинг хам қурби етмайдиган ишларни кўз юмиб очгунча адо этгувчи кишилар камёб истеъдод эгаларидир, деб жавоб берган экан.

Адабий жараён ходисаларини, адабий асар табиатини, бадий сўзнинг маъно катламларини ижтимоий воқелик билан омухталиқда тушунтириш олимдан ўзига хос адабий дидни тақозо этади. Ҳассос олим ИброҳимFaфуровни кўпроқ бадий ижод эстетикаси, адабий жараён психологияси, истеъдод феномени масалалари қизикириади. XX аср ҳамда истиқлол адабиёти деб аталмиш XXI аср ўзбек бадий маданиятининг тараққиёт масалалари Иброҳим Faфуров илмий фаолиятининг марказида туради. Устоз олимнинг бу борадаги изланишлари мухим йўналишларни ўз ичига олади.

Хусусан, хаёт, бадий асар, жамият воңголын ун  
тотган таассуротлару сабокларни, туйгу-кечинмалару  
фикар-үйларни дил изхори, күнгил эътирофи тарзи-

да бадиа шаклида ифодалаш, яъни эссеона йўналиш Иброҳим Ғафуровнинг индивидуал услубига айланган. Маърифий-ахлоқий, бадиий-эстетик ғояларини, ижти-моий-фалсафий қарашларини эссеистик тасвир прин-ципи олимнинг ижодий методи дейиш мумкин. Ана шу ўзига хос тасвир принципидан келиб чиқсан ижодий йўналиш Иброҳим Ғафуровнинг бошқа мунаварлардан фарқлантириб турган ёрқин индивидуаллигини, шахсиятини белгилаб келаётган устувор хусусиятдир. Ҳатто монографик тадқиқотларига ҳам ана шу ифода йўли ўзгача файз бағишилаган. Олимнинг бетакрор шах-сиятини намойиш этган. Жумладан, Максуд Шайхзода ижоди фалсафасини, бадиияти сирларини ёритишга бағишиланган “Ўртоқ шоир” монографиясини (Тошкент, 1975) таъкидлаш мумкин. “Шайхзода тарих вараклайди” (“Мирзо Улуғбек” трагедиясининг яратилиш тари-хида), “Халқ шоири”, “Шоир Максуд Шайхзода”, “Фов-ларни енголган сўз”, “Сын двух народов” (озарбайжон тилида), “Неустанный боец в страде трудовой”, “Пла-менное сердце поэта” ва ҳ.к. ўнлаб мақолалари ҳам на-фақат Максуд Шайхзодашунослик илмида, шунингдек, адабиётшунослигимизда ҳам нуфузли ўрин тутади. “Ўртоқ шоир” монографиясида Максуд Шайхзоданинг шеърий закосини ёритар экан, публицистик-фалсафий лирикасининг нафосатини очиши.

Яъни, адабий асар гўзаллик намунасига айланиши учун ижодий ният – бадиий ғоянинг ўзи олийжаноб, эзгу мазмунни мужассамлаштириши лозим, – дейди олим. Бадиий ғоя – бамисоли уруғ. Унинг канчалик бўликлиги, тўлиқ мағзли бўлиши хосилнинг баракасини белгилагани монанд ижодий ниятнинг олийжаноблиги адабий асарнинг малоҳатини тайин этади. Шу маънода, бадиий ғоя асарнинг юраги. Қаҳрамонлару воқеаларга

жон бағишлийди. Англашиладики, мазмуннинг тўлиқлиги шаклнинг ҳам тўқислигини белгилаб бераркан. Асарнинг бадиийлиги мазмуннинг юксак олийжаноб – инсонпарварлик мазмундорлиги билан ифода омухтагигини такозо этаркан.

Бу Иброҳим Ғафуровнинг асар бадииятига доир катъий ёклаётган нуктаи назарларидан бири. Олим М. Шайхзода бадииятини дунёкараши, ижтимоий-эстетик идеали билан узвий боғлиқликда ўрганади. “Тошкентнома”, “Тупрок ва Ҳақ”, “Мерос”, “Оксокол” достонлари, “Жалолиддин Мангуберди” шеърий драмаси, “Мирзо Улуғбек” трагедияси маданий ҳаётимиизда гўзаллик ходисаси сифатида баҳоланади. Максад Шайхзода дунёкарашидаги эзгулик, гўзаллик илдизларини гениал сўз санъаткори Алишер Навоий бадиияти сабокларидан кузатади (“Навоийда адлу инсоф масаласи”, “Навоий ижодида фольклор мотивлари”, “Бобур ва Навоий”, “Илму маърифатнинг жўшқин кўйчиси”, “Классик адабиётимизнинг улуғ сиймоси” ва ҳ.к. асарлари). М.Шайхзоданинг “Гениал шоир” рисоласи (“Навоийнинг сиёсий қарашлари”, “Навоий гуманизми”, “Навоий ижодида аёл образи”, “Хамса”да муҳаббат проблемаси”, “Навоий – ўз даврининг энг маданий кишиси”, “Навоий илмпарвар”, “Навоийда ватанпарварлик ва интернационализм”) ҳамда уч мақоладан таркиб топган “Устоднинг санъатхонасида” тадқикотида илгари сурилган миллний, башарий қадриятлар талқини орқали орттирилган ижодий таъсир-тажрибалар хусусида мушоҳада юритади. М.Шайхзода ижоди сув ичган дарёлар (Алишер Навоий, Бобур, Фурқат, Низомий Ганжавий, Шота Руставели, Пушкин, Чехов, Шевченко, М.Горький, В.Маяковский, Самад Вурғун ва ҳ.к.), ирмоқлар ва булоқларнинг адабий асослари, илдизлари тарзида кузатилиши ҳам

эътиборли. Ва улар яхлит умумлаштирилган холда М. Шайхзода маҳоратини шакллантирган, бадииятини юзага келтирган омиллар тариқасида кузатилади.

Бу ўринда И. Ғафуров қарашлари орқали аёнлаштган бадииятнинг яна бир мухим қирраси кўзга ташланади. Хусусан, бадиий ғоя гўзал, олийжаноб бўлиши, инсон манфаатларини химоя қилиши баробари. Ҳакиқат гўзаллик билан омухталашган холда бадиий тариқа ҳакиқат гўзаллик хизматига камарбаста бўлаёт. Агар эътибор берсак, ҳар икки тушунча (гўзаллик, ҳакиқат) фалсафий мазмуни билан яхлит ялакат. Бир мағзининг икки бўлаги тариқасида англашилади. Алалхусус, бадиий ғоя маънавий-ахлоқий кадриятларни ёклагани, инсон руҳониятини бойитишга қаратилгани боисидан ҳам гўзаллик маснадига эга. Демак, у ҳакиқатни тасдиқлашга хизмат килаётir.

Бу – И. Ғафуровнинг асар бадииятига доир қарашларининг яна бир мухим қиррасидир.

Олим ўрганаётган масаланинг рангин қирраларини қамраб олишга, таҳлил обьектига тортишга интилади, дедик. Шу тариқа М.Шайхзода ижоди таъсирланган кимматли манбаларнинг ижтимоий-фалсафий, бадиий-эстетик тафаккур тараққиётидаги ўрни-аҳамиятини “Навоий ғазалларида бир фазилат ҳакида”, “Юксак ҳакида”, “Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳакида”, “Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуслари борада Алишер Навоий бадииятидан, фалсафий-эстетик ғояларидан баҳрамандлик туйғулари очиб берилади.

ди. Алишер Навоийнинг элпарварлик, миллатсеварлик, умумгуруманistik ғоялари асрлар оша яшаб келаётганинлигига, куч-куввати, қудрати инсон муҳофазасига қаратилганлиги, инсон манфаатларига хизмат қилишлиги кенг ёритилади (“Биз ўз ишимизда шоир сифатидаги маҳоратини очишга, мазмунни беришда қўллаган ранг-баранг ифода воситаларини, ўз услугуга хос томонларини, ўзбек шеърига олиб кирган янгиликларини кўрсатишга, айни замонда ижодининг бош бадиий-эстетик йўналишини назардан қочирмасликка интилдик... Шайхзоданинг ижодий камолотини, босқич сайнин маҳоратининг ўсиб борганини кузатдик. Маҳоратни ҳаётдан, тажрибалардан, инсониятнинг улуғларидан ортирилган сабоклардан туғилган ўзлик деб тушундик. Ўзлик деганида ўз оригиналларини, яъни бошқалар ўрганадиган фазилатларни англадик. Шайхзода ўз ижодида шундай фазилатларни орттира бориши жараёнини текширидик”)<sup>1</sup>.

Демак, бадииятнинг яна бир мухим белгиси бадиий ниятнинг ижтимоий-эстетик идеалга дахлдорлигига намоён бўларкан. Яъни, бадиий асар гўзалликни ёқлаши, ҳакиқатни тасдиқлаши баробарида ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши ҳам керак экан. Максуд Шайхзоданинг ижтимоий-фалсафий идеали, адабий эстетик ғоялари, халқ-миллат тарихининг бадиий концепцияси, Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари, ворисийлик – Бедил, Навоий фалсафасининг умумгуруманistik моҳияти сингари масалалар ўз тадқиқотчисини кутмоқда.

И.Ғафуров кузатишларида (“Нотиқлик шеърияти-нинг хусусиятлари”, “Ахтариш ва юксалиш”, “Ҳаёт саналари”, “Воқелик ва шеър”, “Ўлмаслар қўшиғи”,

<sup>1</sup> Иброҳим Ғафуров. Ўрток шоир (Максуд Шайхзода ижодиёті). Тошкент. 1975, – 4 бет.

“Шеър қаҳрамони – тириклик дехқонлари”, “Достон хаваси”, “Тарих вараклагандага”, “Маҳорат калитлари” сингари фасллар) М.Шайхзоданинг бадиий маҳорати ижтимоий воқелик – ҳалқ идеали билан уйғун кузатилиди (“...шу кунларимизнинг талабига жавоб берганда у ўзини оклади; идеалларимизнинг амалга ошишига хизмат қўшади”; “... одамларда гўзалликка бўлган интилиш, адабиётга маънавий камолот сингдирувчи манба деб қараш тобора кучайиб бормокда. Бундай қараш, қолаверса, ҳар бир асар кимматини белгиловчи мезон бўлиб ҳисобланади”). Демак, англашиладики, адибнинг ижодий нияти давр нафаси, миллат идеали, хаётий эҳтиёjlар билан уйғунлик касб этган ҳолатдагина асарнинг ижтимоий аҳамияти ўн чандон ортаркан. Демак, асарнинг мазмундорлиги ижтимоий ёхуд маънавий-ахлоқий аҳамиятга эгалиги билан ўлчанар экан.

И.Ғафуров кузатишларида Мақсад Шайхзода мутикафкир муллим сифатида намоён бўлади. Шеърлари (“Излар”, “Хиёбон”, “Соҳилдаги ўйланишлар”, “Кўрфаз, ёмғир ва чой”) поэтик образлар ташиған баробарида туйғу-кечинмадан униб чиккан фикрнинг теран маъно касб этиши, ижтимоий-фалсафий мазмун или тўйиниши яхлит узвийлик силсиласи сифати – ўй-мушоҳадаларга чўмади. Ўз навбатида тафаккур зағиридан туйғулар сизиб чика бошлиди. Кечинмалар фикрининг ўзига хос ҳолатлари тарикасида маънодорлик касб этади. Фикрчан лахзалар, ўйчан кечинмалар орқали М.Шайхзоданинг “Дунё бокий” туркумида нашеъриятнинг публицистик нутқ, психологик таҳлил билан боғлиқ сахифалари бирма-бир жонланади.

И. Ғафуровнинг Мақсад Шайхзода ижодий лабораториясига назар ташлаб, фалсафий асарларининг яратилиш тарихини ўрганиши илмимизда янги СЎЗ бўлди. Фалсафий шеъриятнинг бадиий талқин маъноларини кўрсатиш баробарида шоирнинг кўнгил гулшанида унган илҳом-ижод гулларининг тароватини бизга тақдим этади.

Демак, хулоса чиқаради олим, шеър санъат асарига айланиши учун бадиий фикр маънавий-ахлоқий кадрият мақомидаги мазмунга эга бўлиши тақозо этилар экан. Табиат манзаралари, воқелик хоссалари шоирнинг ижтимоий-фалсафий фикрларини очишга бўйсундирилади. (“Сиёсий фалсафий лирикасида пейзаж ўзига хос вазифани бажаради. У шоирнинг кўзлаган, айтмоқчи бўлган мазмунни ёритишга жалб этилади. Манзара ва табиат шоир илгари сураётган ижтимоий ғоянинг куйчисига айланади”, 91-бет.) Демак, ижодкор ҳар бир асарида айтгаётган “гап”нинг нечоғлик башарий маънодорлигига бадииятнинг яна бир муҳим хусусияти зухур топаётир.

Абдулла Қодирий (“Раъно ва Хайём”, “Роман тарих ойнаси”, “Қодирий сири”, “Замонларнинг улуғ адиби”), Ғафур Гулом (“Ғафур Гулом, боғ ва қуёш”, “Шарқдан порлаган юлдуз”, “Шеър ва яхшилик”), Ойбек (“Шеърга тўкилган юлдузлар”, “Ойбек бизнинг ҳаётимизда”, “Ойбекка тарона”, “Улуғ юракнинг тарихи”), Мақсад Шайхзода (“Ҳалқ шоир”, “Ҳақгўй адиб ва инсон”, “Шайхзода тарих вараклайди”, “Шеърият найкамалаги”, “Оташқалб шоир”, “Шоир Мақсад Шайхзода”), Усмон Носир (“Қисматнинг овози”, “Юрагида баҳор яшаган шоир”, “Усмон Носир”, “Унтуилмаган боғ”, “Умброкий шоир”, “Усмон Носир – санъати илҳомий шоир” ва х.к. шоир), “Усмон Носир шеърияти ҳакида ўйлар” мақолалари, “Усмон Носир шеърияти ҳакида ўйлар” рисоласи), Миртемир (“Ардоқли шоир”, “Шеърият –

юракнинг шуъласи”, “Шеърнинг қалбидаги қаҳрамон” ва х.к. мақолалари, “Она юрт куйчиси. Миртемирнинг хаёти ва ижодий йўли” рисоласи), Зулфия (“Шеъриятнинг юксак овози”, “Шеърият – мўъжиза”, “Қалбнинг қадрдони”, “Ҳаётбахш нағислик”), Абдулла Қаҳхор, Ҳабибий, Ҳамид Олимжон, Миркарим Осим, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Мақсуд Қориев, Рамз Бобошон, Ҳамид Ғулом, Саида Зуннунова, Сайд Аҳмад ва бошқа сиймолар хусусида тадқиқот-мақолалар яратди. Улар маънавий эҳтиёж тақозоси билан адабиётга кириб келган, бадиият тарихида яшаб қолган сўз санъаткорлари сифатида баҳоланади.

Ушбу санъаткорлар ижодини ёритувчи тадқиқот, рисола ва мақолалари XX аср ўзбек адабиёти тарихини кайтадан яратишда нуфузли ўрин тутади. Бадиий-эстетик таҳлилнинг баркамол намуналари тарикасида ил-Шеърий ва насрый жанрлар (роман, қисса, хикоя, дoston, манзума ва х.к.) тарихини яратишда ҳам аҳамиятли. Хусусан, “Лириканинг юраги” (1982) адабий ўйлардан ташкил топган мажмуя ўтган асрнинг 80-йиллари чоп этилган. Эътиборлиси, у ҳали-хануз илмий салоҳитини, нафосатини путур етказмай асрраб келаётир. Боиси унда бадиий сўз эстетикаси, сўзнинг шеърга айланиш холатлари гўзаллик ҳодисаси тарикасида ўрганилади.

“Сиз шеър ёздингиз, оламнинг бир чеккасига нур тушди. Шу нур билан оламнинг бу кезгача ёритилма-кириб бормаган, кириб боролмайдиган, кириб боришга кубилил бўлмаган жой йўқ, нарса йўқ, ҳодиса йўқ. Бундай қудратга у юракнинг нури бўлгани учунгина эришган эмас; бу қудратни шуурдан ҳам олган, нур узра нур касб этган, яъни бу – шуур нури... Бу икки нур қўшилиб ёритган

чоғларда қалблар гўзалликнинг олий муддаолари билан сарафroz бўлади. Борликка куй, куйларга борлик тўлади. Бу нурлар туташиб оламни муаттарлик, ажиб ранг-баранглик билан тўлдиради; яъни у олам ва одам қалбининг муаттарлигига айланади. Шеър шу маънода юракнинг жуда ҳам ўтқир ва шифобахш, ҳаётбахш атри...”<sup>1</sup>

Замонга ҳамнафаслик туйғуси бадииятнинг яна бир муҳим белгиси тарикасида талқин килинади. Одам қалби замон ҳодисаларига беҳад сезгир. Ўзгаришлар, ижтимоий-маданий, сиёсий-адабий кайфиятлар қалбга кўчади, зарбларига таъсир кўрсатади. Шеър қалбнинг самараси, у қалб каби беҳад нозик. Замона қатори одамлар ҳам ўзгараётгани унга каттиқ таъсир қиласи. Шеър – мана шундай ўсиш-ўзгаришлар ойнаси. Унда ғоялар тараққиётини, онг ва маънавиятлар ўсиш тарихини, сифат янгиликлари касб этиш жараёнларини кузатиш ғоят мароклидир. Шунга кўра Гомер қаҳрамонлари Овидий ва Катулл қаҳрамонларидан, Низомий қаҳрамонлари Навоий, Байрон, Пушкин қаҳрамонларидан, Твардовский қаҳрамонлариFaфур Ғулом, Эркин Воҳидов қаҳрамонларидан тубдан фарқ қиласи. Такрорланмас хислатлари билан ажralиб туради. Яна муҳим бир нукталарда принципиал яқинлашиб ҳам келади. Уларни ҳаққоният, гуманистик пафос бирлаштириб туради. Улуғвор ҳодисанинг ажралмас ҳалқалари каби қабул қилишга ундейди.

И. Faфуровнинг хоҳ насрый, хоҳ назмий асарлар таҳлил қилинган мақолаларидан бўртиб турган бир файз бор. Бу – бадииятни ёқлаш ва тасдиклаш. Ҳаққонийлик ва гуманистик (инсонпарварлик) маъно асарлар бадииятни намойиш этувчи етакчи хусусиятлардир. Хусусан, шеър таҳлилига бағишиланган асарларида шеърият

<sup>1</sup> Иброҳим Faфуров. Ёш қалбнинг тажрибалари. “Ўзбекистон маданияти” газ., 1980, 17 июль.

тарихини бадий-эстетик ғоялар, қаҳрамонларнинг ўзгариш, ўсиш тарихи деб тушунади. (“Шеър дилларда ёнади”, “Шеърият декабри”, “Шеърият – мўъжиза”, “Шеърнинг қалбидаги қаҳрамон”, “Шоирнинг муроди яхшилик”, “Элни уйғотган чакмок”, “Эмраниш: Армон ҳакида ўйлар”, “Эрк ва маърифат шоири”, “Эътиқоднинг тоза чашмаси”, “Қалб зиёси”, “Қуёшча”, “Ҳиндистон онаси чорлайди”, “Мухаббат маърифати: шеърият “Шеъриятга садокат”, “Оқ тонглар касидаси”, “Оҳаннига мадхия: шоир ёди қалбимизда”, “Улуғ юракнинг тарихи”, “Умуминсоният дарди: шеъриятимиз муаммолари”, “Қалбнинг кадрдони”, “Ҳақиқат күйчиси”, “Куйчининг хаёли”, “Кўкракдаги аланга” ва х.к.)

Истеъоднинг табиати, унинг бунёдкорлик, қашлохида йўналишни ташкил килади. Муҳими, асарустувор омиллар сирасидан дея баҳоланади. Чунончи, истеъодли, бадий баркамол асарнинг хосияти шундаки, у китобхонда кизикиш, майл уйғотади. Мазмуннинг сурган бадий-фалсафий ғоялари ботинида яшайди. Шу боисдан ҳам жозибали илҳом деб аталган бадий туйлайди. Асар бадииятини тайин этишдаги роли тенгсиз, рилаб кетган интуитив-илоҳий куч, дея англатади олим. Шунинг учун ҳам тақлидни бутқул инкор этади. Факат янгилик яратиш унинг бош фазилатидир. Бунда бадий идрок ва ижод бир-бири билан қовушиб кетади. Бири иккинчисини тўлдиради, бойитади. Яна истеъоднинг

илҳом оғушига чўмган аснолари тансик, бебаҳо. Негаки, илҳомнинг бош конуни – бу табиат руҳи билан гўзалик конуниятига асосланган баҳс, мубоҳаса, мусобака. Уни кўпинча табиатга таклид ҳам дейишади. Ва лекин, Иброҳим Ғафуров уни илоҳий баҳс, деб тушунтиради. Асрлар оша яшаб келаётган боқий қадрият намуналарининг умрбокийлигига юксак бадииятнинг сехрли тароватини туяди. (“Дўстим, олкишинг керак...” – шоира Ҳ.Худойбердиева ҳакида, “Бу кийин савдо” – Ҳ.Бобомуродова, М.Эгамбердиева, М.Илёсовалар шеърларида мухаббат мотивларининг куйланиши, “Граждан бўлиб етишмок керак; ёшлар ижодига бир назар”, “Ёшлик девони”, “Ёшлик туйғулари”, “Бадий фикрингиз махсулорми”, “Тоза булоклар”, “Ям-яшил дараҳт”, “Ўрток юрак не дейди?”, “Қаердан келганмиз, қаерга кетамиз”, “Ҳавасда аланга бўлмайди”, “Ҳаёт файзи – шеър файзи” ва х.к. мақолалари.)

Олимнинг илмий-ижодий фаолияти серкирра, сертармок ва серқўлам, дедик. Бадий таржимонлик, таржимашунослик олим изланишларида бадий ҳақиқатнинг, гўзаликнинг жозиб кўринишлари дея англатилади. Таржимада санъаткор тафаккур тарзини, фикрлаш маданиятини қайта яратиш санъатида бадииятнинг ўзига хос жозиб хусусиятини кўради. (“Таржимонлик мутахассислигига кириш” ўқув кўлланма, “Таржима назарияси” (О.Мўминов, А.Қамбаров билан ҳамкорликда) дарслиги, “Нафосатга мухаббат” – адаб, таржимон Тўхтасин Жалолов тўғрисида, “Европанинг шом юлдузи” – Европа фалсафаси вакили Фридрих Ницше ҳакида, “Таржима эстетикаси” ва х.к. мақолалари). Таржиманинг вазифаси, таржимонлик фаолияти ижтимоий-халқаро аҳамиятли ҳодиса тариқасида изоҳланади. Шарқда кадим-қадимдан касб сифатида эъзозлангани

хусусида тўхталади. Кўхна замонлардан бери “тилмоч” (тил билувчи ва тил ағдарувчи) ифодаси қўлланилган. Чўлпон “таржимачи” деган атамани ишлатади. Таржиманинг ижтимоий-хаётий аҳамияти ҳакида фикр юритар экан, ҳазрат Алишер Навоийнинг ижодий тажрибаларидан мисоллар келтиради. Кутб Хоразмий, Сайфи Саройи, Ҳайдар Хоразмий сингари мумтоз шоирларимизнинг таржимонлик фаолиятларига мурожаат килади. Ижодий тажрибаларига таяниб бадий маҳорат сирларини ёритишга эришади.

Хусусан, адекват, эркин, эркин-ижодий, сўзма-сўз, оғзаки синхрон таржималарнинг табиати ва ўзига хос жиҳатларига атрофлича тўхталади. У таржимада интерпретацияга алоҳида ургу беради. Таржимада интерпретация том маънода ижодий ҳодиса. Бир асар ёки китобнинг юзлаб интерпретациялари – талкинлари бўлиши мумкин, дея таъкидлайди. Таржимада аниклик, ва бошқа чевар сўз заргарлари – мутаржимлар ижодий тажрибасига таянади. Алишер Навоий, Пушкин, Шекспир сингари буюк сўз усталарининг асарларида қўлдан таржима жараёнида ўрганиш фойдали эканлигини таржимада аслиятга мослигини таъминлаш учун уларнинг муқобиларини топиш зарур. И.Ғафуров таржимада тасаввур ва фантазияга катта эътибор қаратиш лозимлигини таъкидларкан, фикрини Чўлпон, Усмон Носир, Эркин Воҳидов таржималари мисолида тушунтиради.

Бадий тил асар мазмунини рўёбга чиқарувчи бирдан-бир восита. Бадий адабиёт, шу жумладан, таржиҳатидан ажralиб туради. Бадий тил асар қаҳрамон-

ларининг индивидуаллигини таъминлайди. Бу ходиса монолог ва диалог, автор ва қаҳрамон тили, бадий тасвир воситалари туфайли вое бўлади. “Санъатнинг кўчма маъноси “гўзаллик” дегани бўлади. Таржима ҳам ўз юмуши билан сўзларнинг ифода оламларида бадий мазмундор, таъсирчан, хиссий, аклий, наклий гўзаликлар яратадиган бадиният фани соҳаларидан бири ва унинг таркибий қисмига органик тарзда киради... Санъат ҳам, эстетика ҳам бир маънони англатадиган тушунчаларга ўхшайди. Уларнинг мағзида гўзалик ётади – гўзаликка қараш, гўзалик яратиш ва гўзалик ясаш уларни ораларидан қил ўтмайдиган қилиб кўяди”<sup>1</sup>. Амалий тасдиғи сифатида мутаржим ўз ижодий тажрибасига мурожаат килади. Достоевскийнинг “Иблислар” романида қаҳрамонлар характерини яратишдаги сўз яратиш усууларига тўхталади.

“Сўз яратиш усуулари бепоён ва ранг-барангdir, – деб ёзади Иброҳим Ғафуров. – “Иблислар”да “у” олмошини қўллаб ҳамма вакт ҳам ўзбекча маъно-мазмунга эришиб бўлмайди. Шундай холларда “ҳабиб”, “устоз”, “ҳабиба” сўзларини қўллашга тўғри келди. Персонажлар ўртасидаги муносабатлар хусусиятлари шулар билан очилди. Айтайлик, Верховенский билан Ставрогина муносабатлари перипетиялари, оҳангдорликлари. Ё бунга исем-шарифларини такрорлаш билан эришилди” (“Китоб дунёси”, 2016, 8 июнь). Таржимон “жумла”га ҳар томонлама кенг ва чукур тушунча сифатида қараш кераклигини уқтиради. (“Жумла чикса, услуб чиқади. Жумла бадий услубнинг жавҳари ва кимёси. Ширадор жумла бўлмаса, роман, хикоя йўқ... Таржимонни биз жумла туй-туйлини ривожланган, камолга етган киши деб тушунамиз”.)

<sup>1</sup> Иброҳим Ғафуров. Таржима эстетикаси. “Китоб дунёси” хафталиги, 2016 йил 8 июнь, 7-бет.

Таржима натижасида миллий тил боййиди, тасвир воситалари кенгаяди. Абдулла Қаххор Чеховнинг “Злоумышленник” хикоясини “Ёвуз ниятли одам”, деб таржима килган. Шу тахлит таржимоннинг топкирлиги, кашфиётчилиги А. Қаххорнинг Лев Толстой яратган “Уруш ва тинчлик” асари таржимасида кўллаган сўз ва иборалар мисолида изохланади. Таржимоннинг ижодкорлиги шундаки, у янги матн яратувчи, сўзларни бадиий истифода этувчи, баён санъати ва маҳоратини пухта эгаллаган шахсdir. И.Фофуров ўз ижодий тажрибасига оид дил эътирофида ёзади: “Достоевскийнинг романларини таржима килишга журъят этганда, мен бу олдиндан ўрганиш, асар ва унинг тасвир дунёси ҳакида харрибаси накадар муҳим, накадар ижодий аҳамиятга эга эканлигини хар қадамда ўз бошимдан кечирганман”.

Муҳими, ушбу омиллар таржима бадииятини таъминлашга қаратилгани билан эъзозлидир.

## ГЎЗАЛЛИКНИНГ ОЛМОС ТАЛҚИНЛАРИ

### Тахлил йўсунлари, эстетик талаб ва принциплар

“Бугун ёзувчилар кечаги кунларда нималар бўлганини қайта баҳолани ва англаш йўлидан боряптилар, – деб ёзади Иброҳим Faфуров “Ҳаё – халоскор” китобидаги “Таржиман ҳол чизгиси”да. – Тарихни теран билиш, миллатни тушуниш, уни ижтимоий караҳтиликдан халос килиш, унга эркинлик ва мустакиллик foяларини сингдириш – ёзувчиларнинг бутун эътибори шунга қаратилган... Бадний усусларни янгилаш, янгича “ғарбча” фикрлаш майллари ҳам анча қучли намоён бўлмокда”<sup>1</sup>. Ушбу мушоҳада-муҳокамалар Иброҳим Faфуров адабий фаолияти учун ҳам тўқис тааллуклидир.

Очиғи, бизда танқидчининг қадрига кўп ҳам етилавермайди. Ваҳоланки, адабий танқидсиз бадиий адабиётнинг қади-бастини тўлиқ кўрсата олмаймиз. Тасаввур килиш ҳам қийин. Шу муносабат билан рус адаби А.П.Чеховнинг бир фикрини эслаш ўринли: “Қанчадан-қанча ажойиб, бетакрор ёзувчилар ном-нишонсиз унутилиб кетди. Бонси, уларнинг ижодини муносаб баҳолайдиган танқидчилар топилмади. Менинг баҳтим ҳам шундаки, ўз танқидчilarим бор”<sup>2</sup>. Аслида, адабий танқидсиз, танқидчисиз адабиёт ўз холича яшайверади, деган тасаввурлар ҳам йўқ эмас. Танқид-

<sup>1</sup> Иброҳим Faфуров. Ҳаё – халоскор. Мансуралар, бадиалар, адабий-танқидий эсслар, публицистик асарлар. – Тошкент, Шарқ, 2006. 6-бет.

<sup>2</sup> Чехов о литературе. М., ГИХЛ., 1955. – с. 287.

чи, бадиий асарнинг, адаб ижодининг пилигини бир баҳя кўтариш билан кифояланмайди. Айтайлик, серда битта тош ётибди. Танқидчи шуни қўлига олади, то-залиди, чанг-ғуборлардан халос этади; кейин қанака эканлигини бизга кўрсатади. Кўрамизки, у мавзолейларни безайдиган бир мармар тош экан.

Танқидчи шунаقا. Ҳаёт хархашалари ичидаги колиб кетган адабни олиб чиқиб, эл-юрга кўрсатади, танитади. Унинг хизматлари шунаقا, олийжаноб. Белинский Пушкин, албаттага, буюк ёзувчи сифатида асарлар оша яшаб қолаверарди. Лекин, мунчалик танилмабўлиб айтган Белинский бўлади. Пушкиннинг буюклигини бирорлар тушунган, бирорлар тушунмаган бўларди. Шунинг учун маънавият тарихида адабий танқиднинг, танқидчининг ўрни, аҳамияти бекиёс. Айтайлик Гегел, Гердер, Белинский, Добролюбов, Бахтин, Иззат Султон, Ҳомил Ёкубов, Матёкиб Кўшжонов, Озод Шарафиддинов сингари мутафаккир мунаққидларнинг хизмати ёзувчиникидан кам эмас.

Танқидчидаги, бадиий асар ёзмаса ҳам, ёзувчилик дид-салоҳияти бўлиши лозим, дейди Иброҳим Ғафуров. Яна, устига-устак, олим бўлиши шарт. Бу – икки шахснинг бир одамда мужассамланиши дегани. Бу – мутафаккир олимликнинг бош белгиси. Бу – асарни таҳлил килишдаги, адабиёт ва адабий жараён, ёзувчи ва умутафаккур маданиятида, деб билади. Шу ўринда И. Гатопаётир.

Иброҳим ака танқидчиликни адабиёт илмининг “серғалва” соҳаси эмас, аксинча, сўз санъати деб билади. Танқидчининг вазифаси фақат танқид килишдан

иборат эмас. Ўз адосини тополмаган асарлар танқид килинади. Ижтимоий-эстетик вазифасини адо этган асарларни ҳалиққа танита билиш, эл-юрга кўрсатиш, тарғиб-ташвиқ эта олиш, моҳиятини китобхонга етказиши лозим, деб билади. Танқидчиликни ижтимоий-эстетик тафаккурнинг ажралмас, таркибий бир бўлаги, деб тушунади. Абдулла Қаххорнинг шунга ҳамоҳанг бир гапини Иброҳим ака кўп бор таъкидлайди: “Ёзувчи асарида дилидаги ҳамма гапини айтольмайди. Агар ҳамма гапини гапириб, юрагини тўкиб ташласа – асарини бузади. Шунинг учун танқидчининг вазифаси ёзувчи чала айтиб кетган гаплар пилигини бироз кўтариб кўйиш. Шу тариқа адабнинг айтган ва айтмоқчи бўлган гапларни яраклатиб кўрсата билиш”. Демак, танқидчи бадиий асарнинг айтилмаган таг маъноли гапларини ҳам кўтариб бериши, ним косадаги тагдор кўмма маънолар моҳиятини айта билиши, мазмунини очиб бериши лозим.

Абдулла Қаххор танқидчиликни кўрпа қавишга ўхшатган экан. Одатда, кўрпа қавилганда игна иш беради. Пахтанинг кўпроқ тушган баландроқ жойи камрок жойи билан текисланади. Танқидчи ҳам бадиий асарнинг айтилмаган таг маъноли гапларини кўтариб бериши, баланд жойининг мазмунини эса очиб бериши керак. Хуллас, асарнинг моҳиятини ўқувчига етказиш керак. Иброҳим ака адабий танқидчиликни шу маънолар тушунади. Аввало кишининг бошига мушкул кунлар тушмасин. Одамнинг бошига бирон-бир қийинчилик тушган пайтда яқин дўстнинг маслаҳати қанчалик аскатса, Иброҳим ака учун адабий асарлар ҳам шунчалик аҳамиятли. Бирон-бир асар ёки ёзувчи ижоди ҳақидаги иши юришмай қолса, Навоийни, Достоевскийни, Ойбекни варақлайди. Шу заҳоти жумбоқни ечгандек, жўягини топгандек бўлади. Хусусан, Абдулла Қаххор

хикоялари, Темур Пўлатов киссалари ва умуман, бадиий маҳорати хакидаги ишда (“Қалбнинг адабий доираси”, 1-макола, “Замонавийлик, ривоят ва хаёт”, 2-макола) Достоевский ва Белинскийнинг эстетик карашларига кўп мурожаат қилганлигини пайкаш мумкин. У ёзаётган ишига алоқасиз асарларни ўқиса хам барибир йўлйўриқ кўрсатиб тургандек бўлишади. Булар бежиз эмас. “Нега десангиз, китобнинг мағзи доимо миянинг мағзига айланади. У миянинг сонсиз-саноқсиз хотира ҳужайраларини кутлуг билим билан тўлдиради ва одамнинг борлиғига маданий бир шуъла ташлайди”<sup>1</sup>

Хўп, ушбу ҳолатни кандай тушуниш мумкин. Бу, чамаси, мулоҳаза-муҳокама, фикр юритишдаги, асарга ёндошишдаги яқинлик билан изоҳланса керак. Юксак бадииятнинг доимо ўзига жалб қилишлигига сабаб – уларда катта бир дард бор. Бу – ижтимоий дард, адабий дард, фалсафий ва умуман, хаёт дарди. Эҳтимол, ўша дард Иброҳим акага юккан бўлса ажабмас. Чунончи, Эркин Воҳидов билан иккисини яқинлаштирган сирли куч – бу дардчиллик бўлса керак. Яъни, гўзаллик билан хунуқликни, эзгулик билан разолатни, садоқат билан хиёнатни ва х.к. – тушунтиришдаги муштарақлик билан изоҳланса керак. Қайси мавзуда сухбатлашиш масин, гап айланиб адабиёт оркали айтилиши мумкин бўлган дардли масалаларга келиб тўхтайди (“Адабиёт – бирлаштирувчи куч” сухбатида кузатилганидек). “Яқин-яқингача мендан шеърият нима, деб сўрасалар, гўзал фикрнинг гўзал ифодаси, деб жавоб берардим. Бу жавобим шеъриятнинг жамият хаётидаги курашchan вазифасини тушуниб етмагандан ёки шеърнинг хақикат садоси, дардли юрак нидоси эканини билмади.

<sup>1</sup> Иброҳим Гафуров. Юрак – аланга. Адабий ўйлар, маколалар. Тошкент, 1979, 5-бет.

эмас, менинг рухимга балки гүзәллик олами якинрок бўлганидандир; болаликдан шарқ шеърларига оғушта бўлганимдан, шарқ шеърияти рухида тарбия топганимдан бўлса керак”<sup>1</sup>.

Мана, Эркин Вохидов асарлари бугунги маънавий-аклий талабга тўлиқ жавоб беряпти. “Рухлар исёни”, “Истамбул фожиаси”, “Нидо” ва х.к. асарларини айтиш мумкин. Булар – ҳаёт оқими хусусидаги дардчилликдан; жамият ва инсон тақдири ҳакида доимо ўйлайдиган, фикр юритадиган Эркин Вохидовдек инсон ва адаб билан маслакдошлиқ, қадрдонлик, ҳамфирлик баҳти ИброҳимFaфуровнинг яна бир омади бўлса керак.

Шу нарсани таъкидлаш жоизки, ҳақиқий олим ўзи ўрганаётган обьектнинг бевосита таъсирига тез берилади. И.Ғафуровнинг ҳар бир тадқиқоти ва мақолаларида ана шундай таъсирининг ёруғ белгиларини кўрамиз. Хусусан, “Ҳаётнинг тоза кўзгуси” тадқиқотидаги тил ифодаси Пиримқул Қодировга яқин. Пиримқул Қодировнинг характер яратишда тилидаги шираликни, жозабани англаш иштиёқидан бўлса керак, тадқиқотдаги жумлалар ҳам Пиримқул Қодировнинг ифодаларига ўхшаб кетади. Ҳамид Ғуломнинг қаҳрамон психологиясини яратишдаги тили ва ифодаси эса ўзгача, бошқа олам. Бу – яна адибнинг тафаккур тарзи билан белгиланади. “Ёруғлик қүёши” тадқиқотидан эса адибнинг олимга кўрсатган таъсирини нафакат ифода усулларидан, энг муҳими, илмий-бадиий тафаккур табиатидан ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Иброҳим Ғафуров тадқиқотлари, мақолалари ифодасининг табиийлиги билан эътибор қозонади. Яъни, фикр оддий ва содда йўсинда ифодаланади. Фикрлар кулоғи буралмайди, юзига упа-элик

<sup>1</sup> Иброҳим Гафуров. Ўттиз йил изхори. Адабий ўйлар, маколалар. Ташкент, 1987, 155-156-бетлар.

суртилмайди, мураккаблаштириш ҳоллари кўринмайди. Зеро, фикрни мураккаблаштириш сунъий равишда илмийлаштиришга ўхшаб кетади; ундан тадқиқотларни ўқувчи ўқиши кийин. И.Фафуров асарларида илмий терминлар ўринлими, ўринсизми, қалаштириб ташланмайди. Фикр такозо этган жойдагина илмий терминлар узукка тушган кўздек яраклаб кетади. И.Фафуров асарларининг ўқишлилик сирларидан бири – бу фикрлаштарзининг бадиий тафаккурга, ёзувчиликка яқинлигига. Хусусан, мавхум фикр юритишдан кўра конкретасарлар асосида фикр юритишни яхши кўришилигига. Бу – И.Фафуров ижодининг бош йўли, услугий изланишларининг асосини ташкил этади.

Ёхуд, ИброҳимFaфуровнинг шеъриятга оид адабий ўйлари, мақолаларини олиб кўрайлик. Чунончи, Зулфия шеъриятининг бадиий нафосати (“Юракдаги ўт – шеърга айланади”), айтайлик Р.Бобожонми, Шукрулло ёки Шуҳрат, А.Орипов шеърияти таҳлилидан ажралиб туради. Ёки “Қалбнинг кимё тоши” асарида А.Қаҳҳорнинг “Мастон” ҳикоясини таҳлил қилиш методи “Даҳшат”ни ёритишдан фарқланади. Ҳар бир асар ёзувчидан янгича методни, янгича бадиий тафаккурни, янгича услубни талаб килганидек, танқидчидан ҳам янгича ёндошиши, янгича таҳлил услубини такозо этади. Шу боисдан И.Фафуров услуб жихатидан бой объектларни ўрганади. Адабиёт материали услубан қанчалик хилма-хил бўлса, бу танқидчининг шунчалик ютуғи. Бир-икки ижодкор фаолиятини ўрганиш билан кифояланиб қоладиган танқидчиларнинг чекланганлиги ҳам шунда. Иброҳим аканинг ютуғи эса ана шу адабий материал хилма-хиллигини “хазм кила билишда”. Бу нарса, уларни фарқ кила олишда кўринади. Агар уларни фарқлолмай, маълум андозалар билан ёндошилганда мақсадга

эриниомаган бўларди, албатта. Иброҳим ака XX аср бошидан ҳозирги кунгача Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ф.Ғулом, М. Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Ҳ. Ғулом, А. Мухтор, Р. Бобожон, Э. Вохидов, А. Орипов, М.Аъзам каби бир неча авлод ижодкорларининг бадиий маҳорати бўйича алоҳида-алоҳида тадқиқот-мақолалар яратишига эришди. Яъни, бадииятимиз пешволари ижодини бир қадар ўрганишга муваффак бўлди. Ушбу изланишларни ўзбек наери ҳамда шеъриятининг жанрлари тарихи ва назариясини яратиш йўлидаги кутлув самаралар дейиш мумкин.

Мунаккиднинг адабиётга кўшган ҳиссаси биринчи галда унинг эстетик қарашлари орқали намоён бўлади. Хусусан, Иброҳим акадаги танқидчилик фазилатлари ичида энг қимматлиси – адабий жараён ва бадиий асарлар ҳакидаги мuloҳазаларининг объективлиги, теранлиги, ҳаққонийлигидир. “Гўзалликнинг олмос кирралари” (адабий ўйлар, 1964) асаридан бошлаб “Ҳаё – халоскор” (2006), “Мангу латофат” (2007) тадқиқотларигача ана шу фазилат балқиб туради.

Бадиият – бош мезон. Бу – ижодкорнинг барча асарларидан, адабий жараёндан, адабиёт ривожининг муайян босқичидан келиб чиқадиган маъно. Иброҳим аканинг бадиий ижод намуналарини, сўз санъаткори фаолиятини, адабиётнинг ижтимоий-эстетик аҳамиятини белгилашдаги бош принципи ана шунда. XX аср адабиётининг Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Максуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Аскад Мухтор, Шуҳрат, С.Аҳмад, Э.Вохидов, А.Орипов сингари ёрқин намояндалари ҳакидағи, XX аср ҳамда истиклол адабиётининг ривожланиш хусусиятларига оид ўйлаб китоблари, рисолалари, беш юздан зиёд мақолалари фазилатини белгилаб келмоқда.

Мунаккид эстетикасининг табиати бир катор фазилатлари, белгилари билан ажралиб туради. Хусусан, хаёт хиқиқатининг бадий ҳақиқатга айланган маъно кирраларини, бадий-эстетик ахамиятини очиб бериш, ифода гўзалликларини асослаш ва шу тарика маънавий қашшоқликка қарши курашиш Иброҳим аканинг умр мазмунига, эътиқодига айланган. Ижодкор шахсияти билан хаёт ҳақиқати ва бадий ҳақиқатнинг уйғунлигини англаш, мағзини идрок-ифода этиш адабий-танкидий қарашларининг меҳварини ташкил этади. Шу маънода “Ям-яшил дараҳт”, “Лириканинг юраги”, “Ёнар сўз”, “Усмон Носир”, “Она юрт куйчиси” (Миртемир ҳакида), “Дил эркинлиги”, “Юрак – алана” сингари теран тадқиқотларини алоҳида таъкидлагим келади. Улар Иброҳим ака эстетик қарашларининг етакчи хусусиятларини кўз-кўз этиш билан баробар танқидчиликда эстетик таҳлил маданиятининг шаклланишида мухим ўрин тутади.

ИброҳимFaфуровнинг бадий асарга, санъаткорнинг ижодий изланишларига ёндошадиган ўзига хос сусан, бадий асар Иброҳим ака учун, аввало, санъат намунаси; сўз санъатининг гўзаллик ходисасидир. Абдулла Қодирийдан бошлиб Хуршид Дўстмуҳаммадгача, Ойбекдан эътиборан Эркин Аъзам, Эркин Усмонгача, Зулфиядан тортиб то бир неча авлод ижодкорларининг бадий маҳорати ана шу нуқтаи назардан ўрганилади. У адилар бадий дунёсига шўнғиб, унга сингиб кеттий-эстетик, маърифий, ахлоқий маъно дурларини тесчиқади. Бадий асарларнинг ана шу ёруғ таъсири ўзгаришлар киритганлигини кўриш, кузатиш мумкин.

Хусусан, И.Фафуровнинг поэтик сўз санъатига оид барча асарларидан шеърий тафаккур латофати уфуриб туради.

И.Фафуров асарларининг ўқишилил сирларидан бари – бу фикрлаш тарзининг бадий тафаккурга якинлигига дедик. Конкрет асарлар хусусида шоирона завқ билан мутафакирона фикр юритишни яхши кўришилигига. Бу – Иброҳим Faфуров илмий ижодининг бош йўли, услугий изланишларининг асоси. “Прозанинг шоири” монографиясидан Сайд Аҳмад насрининг олимга кўрсатган таъсирини нафакат ифода усувларидан, энг муҳими, илмий-бадий тафаккур тарзидан хам кузатиш мумкин. Яна, И.Фафуров тадқиқотлари ифодасининг табиийлиги ва самимийлиги билан эътиборни тортади. Мушоҳада-муҳокамалари бурама, жимжимадор эмас. Оддий, содда ва шу баробарида бадий нафосат туйғуси билан йўғрилган. Шу жихатдан Максуд Шайхзода асарларининг таҳлил йўсини Миртемир шеърияти таҳлилидан ажралиб туради. Ёки Усмон Носирни ўрганиш усули Зулфия бадииятини текшириш тарзидан фарқланади. Ҳар бир адабий асар ёзувчидан янгича бадий тафаккурни, янгича услубни талаб килганидек танқидидан хам янгича таҳлил услубини такозо этади. Шу боисдан Иброҳим ака ёркин услугба эга бўлган истеъоддларни ўрганади. Иброҳим ака фикрни далиллаш санъатини юксак эгаллаган. Чунончи, “Прозанинг шоири” ижодий очерки-монографиясида Сайд Аҳмад асарларини шахсияти, дунёкараши, эстетик ғоялари билан уйғунликда ўрганади. Бунда Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳхор ижодидан инган ёруғ шуълаларни, бош маънони очишда пластик тасвир туйғуларидаги. Сайд ни қанчалик ажес эттира олганига дикқат қаратади. Сайд Гиларини шу тарика кўрсатади. Иброҳим Faфуров Сайд Гиларини шу тарика кўрсатади.

Аҳмад прозасининг адабий-маданий хаётдаги ўрни ва аҳамиятини қайд этаркан, илдизлари Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳхор насрига бориб боғланади, дейди. “Лекин, унинг прозаси на А. Қодирий, на А. Қаҳхор ва на Ойбек насрига ўхшайди. Яъни тугал ўхшашлик йўқ. У мустақил ҳодиса... От изини той босади. Бу излар, аввало, С. Аҳмад прозасининг ички жозибасида ўз аксини топади. Росмана айтганда, Саид Аҳмад прозасига Ойбекдан ҳатто порлоклик ва лиризм, Абдулла Қаҳхордан лўндалиқ ва ўткирлик, Абдулла Қодирийдан пластик тасвир туйғуси ўтган. Бу “ўтишлар” айникса унинг “Уфқ” трилогиясида яккол кўзга ташланади. У С. Аҳмад ижодини ҳодисага ва ҳодисадан ўта мактабга айлантирган китоб”.

Хаётдаги, вокеликдаги гүзаллик тушунчалари, тасав-  
вурлари билан бадий асарларда акс этган аклий-ахлоқий  
гүзаллик талқынлари хамиша катта қизиқиши уйғотади.  
Ёруғликтек ўзига тортаверади. Айнан ана шу ҳодисани  
тушуниш ва тушунтиришда мунаккиднинг ўзига хос та-  
факкур тарзи, илрөк иғ-

Иброҳим Гафуровнинг “Гўзалликнинг олмос кирралари”, “Ёнар сўз”, “Лириканинг юраги”, “Ям-яшил дарахт” сингари ўнлаб рисолалари бадиий сўз эстетикасига бағишлиланган. Ижодкорнинг бадиий дунёсини ифода этувчи рамзлар, тимсоллар силсиласини англаш ва уни шоирона услубда тушунтириш учун юксак дид эгаси бўлиш керак. И.Гафуровни адабиётимиз илмининг шоири, деб бежиз айтишмайди. У бағоят инжа эстетик савия сохиби. Олим “Минг бир кеча”нинг сеҳрли эртаклари, хусусан, “Али бобо ва кирқ кароқчи” ҳақида сўйларқан, ёзди: “Аввал сўзларни сирли хазиналарнинг

<sup>1</sup> Иброҳим Гафуров. Прозанинг шоири. Ижоди ҳизбати Қаршия, Ташкент, 1981. 4-бет.

калити деб қабул қилған бўлсам, кейинроқ уларда чукур бир рамз бор каби туюлади. Мен инсоннинг маънавий ха-зиналари учун бадний тафаккурнинг сўзи мана шундай калит эканлигини тушундим. Сўзларда инсон тафаккури-нинг алангаси бўлади. “Сим-сим...”ни эслашингиз билан хотирангизда майин ва сира ўзгармас нурли бир чирок ёнади. Мен ўқиган асарларимда шундай сўзларни топсан, ёнар сўз шу бўлса керак, деб суюндим”<sup>1</sup>.

Шу ўринда қадимги Шарқ әртакларидаги бир афсо-на ёдимга тушади. Эмишки, булутларга түш уриб күк узра чаппар ураётган Күшча бир зумга қотиб қолибди. Қават-қават осмонлар бағридан отилиб чикқан сирли бир овоз шиддат билан учиб келиб Күшча каршиисида таққа түхтабди. “Ичингдаги сир-салоҳият мен бўла-ман, бағрингга ол”, дебди у. Күшча овозни икки ямлаб бир ютиб юборибди. Овоз ўзининг кош-кўзлари, боши, кўл-оёклари, канотлари билан тириклийин Күшча вужу-дига сингиб кетибди. Шу аснодан у Күшча вужудида яшай бошлабди. Бурро, бийрон, сержило тилига айланибди.

Овознинг сехрли мўъжизакорлигини қарангки, у ўсиб-улғайиб Кушча киёфасини буткул ўзгартириб юборибди. Парвозидан тортиб сайроки оҳанглари хам ўзгача сирли-мўъжизакор маъно касб этибди. Унинг овоз тўлқинлари бир-бирини асло такрорламас экан. Ҳар гал овоз берганда шашти-шиддати, оҳангি мутлақо янгилиги билан такрорланмас мазмунга эга бўлаверибди. Ҳозонбаси, хам

Адабий асарнинг бадиияти, сехрли жозибаси ҳам шунақа. Мунаккиднинг бадиий асар нафосатини ўрганиш, тушуниш ҳамда англатишдаги ҳолатини мўъжи-закор Қушчага киёс этгулик. Боиси, у қандай усуллар, воситалар билан бадиий асар гўзаллигини кашф этиши-

<sup>1</sup> Иброҳим Гафуров. Ёнар сўз. Адабий мақолалар. Ташкент, 1973, 2-бет.

га интилмасин, ундағи серқатлам маңнолар мөхияттінні тұла-түкіс ифодалаб бердім, деб айттолмайды. Бир умр бадий комил асарға хамкор, хамнағас яшайды. Ботинидаги ички овози, зохиридаги каноти бўлиб қолади. Адабий асарнинг интеллектуал қувватини, хиссий салохияттінні акс эттиришга уринади; янги-янги ифода имкониятларини топишга интилаверади.

Шу боис, кайси авлод унга бош урмасин, ўз савиғаси даражасида маңнавий-интеллектуал ташналигини қондиради. Асл бадиият намуналари асрлар оша ёмбы авлод қалбига файзиёб ёруғлигини олиб кираверади. Хоҳ Яссавий ёки Навоий, хоҳ Шекспир ёки Чўлпон бадииятими, асрлар оша бокий яшаб колишлигининг жия-салохияти даражасида буюк бадиият гўзалигини

Хар қандай мағкуралар измидан, даврнинг ўткинчи хою хавасларидан баланд бўлганлиги боисидан тандычлиқ уни “юксак”, “буюк”, “истеъдодли”, “ёруғ”, “порлок” ва х.к. сифатлар билан улуғлаб келади. Маңманбалари шунчалар ҳадсиз-ададсизки, асл бадиият Шекспир, Лев Толстой ёки Достоевский, Блок ёки Чўллон ва х.к. очган булоклардан сув ичиш билан кифояланиб кололмаймиз. Ташналигимиз буткул конди, деб коникиш сезмаймиз, түкіс қаноат хис этмаймиз. Ушбу булокларга қайта-қайта бош урарканмиз, ҳар гал ўзгача суур, ўзгача фараҳбахш роҳат, завқ туйғуларини туяверамиз. Шу маңнода, маңнавий-интеллектуал эҳтизарурат сезади. Шу боисдан Европа ва Лотин Америкаси, япон ва хитой, араб ва хинд, рус ва Амрико адаби-

ётларидан, жағон бадиияти булокларидан озукланишга ташналиқ сезаверамиз.

Хар бир ижодкорнинг қалб булоғи бетакрор, инжу сувлари бир-бирига ўхшамайды, бири иккінчисини тақрорламайды. Иброҳим Faфуров бадий сўзни ўта нағис ва ҳассос хис этади. Мунакқид әстетикасида бадий талқинига кўра ўқувчидаги кечинма, фикр уйғотган ҳар қандай сұз ҳам гўзалик намунаси. Қачонки, сўзлар инсоний қадриятлар химоясига, таранумига айлансанагина умумбашарий мазмун касб этади. Гўзалик тимсоли сифатида авлодлардан-авлодларга, даврлардан-даврларга, кўнгиллардан-кўнгилларга ўтаверади. Маданиятларни юксалтиришга хизмат қиласкеради. Саид Аҳмаднинг “Иқбол чироклари”, “Мухаббатнинг туғилиши”, “Мухаббат” сингари хикояларини таҳлил этаркан, ёзади: “Бундай асарларда кишиларнинг маңнавий дунёси асар воқеаси ичига шундай сингдирилган бўладики, китобхон воқеадан мутаассир холда, ундан келиб чиқувчи ғояни сўзсиз қабул этганини ўзи сезмай қолади. Гўзалик бора-бора унга таъсир қила боради; аммо ҳали ҳам таассуротини аниқ бир фикр орқали ифода қила олмайды. Фақат яширин маңнавий таассуротнинг ўзиёқ унинг юрагида доимо сакланиб қолади: муборак хис!”<sup>1</sup>

Кўринадики, воқеликдан олинган таассурот бизда аввало хиссияттін уйғотаётир; юрагимизга таъсир кўрсатиб, муайян фикр кўзғаган ўша омил онг-шууримизни да чиройли нарса ёки ҳолат ҳакидаги тасаввуримизни бойитади, тушунчамизни кенгайтиради. Демак, бадий сўз латифлик хусусиятига эга бўлгач, турфа кечинма ва фикрлар уйғотади. И. Faфуров бадий сўзнинг хиссий фикрлар уйғотади.

<sup>1</sup> Иброҳим Faфуров. Гўзаликнинг олмос кирралари. Адабий ўйлар. Тошкент, 1964. 101-бет.

хамда фикрий гўзаллигига алоҳида урғу беради. Сўз табиитидаги кечинма ёки ўй-мушоҳадаларни аник, тиник жонли ифодалар экан, хиссий тафаккурнинг қанчалик теша тегмаган, охорли эканлиги кўз ўнгимизда гавдаланади. Яъни, кўркам кечинмаларни, теран тафаккурни акс эттириш баробарида бадиий сўзнинг ўзи хам гўзалинг маънодорлик касб этади

Ана шу гўзалликнинг маъно кирралари шунчалағ шашшадорки, улар ИброҳимFaфуров тадқиқотларида бирма-бир ўзлигини кўрсата боради. Хусусан, айтайлик, таҳқир ёки хақоратми, ўлим ҳолати ёки жон таслим этиш талвасаси-ғарғарасими, бадий сўз шундай фожиий воеа-ходисаларни ва бошқа хунук, бадбин, чиркин ҳолатларни ҳам тасвирилашга мажбур. Бу – унинг вазифаси. Ва лекин, бадий сўз ўз бурчини шунчалар холис, нафис ва жонли адо этишга эришадики, тасвир обьекти қанчалик нохуш бўлмасин, ифода гўзаллиги бизда хайрат уйғотаверади. Тасвир обьектига нисбатан нафратимиз, ғазабимиз қўзгалса-да, бадий сўзниң жонли манзарадорлиги, аклинизни, кўнглимизни ёруғликка чулғайди. Ана шу тахлит бадий сўз гўзаллиги теран маънодорлиги или эстетик таъсир қувватига, ижтимоий аҳамиятга эга. Иброҳим Faфуров тадқиқотларидаги эстетик тахлилнинг ўзига хослиги, нафислиги, аҳамияти ҳам ана шунда. “Саодат фалсафаси”, “Тонг туқкан шеърият”, “Эрк масъулияти”, “Шеъриятга садоқат”, “Фоялар ва қаҳрамонлар”, “Зулфия ҳақида уч макола”, “Адабий қаҳрамонларга мактублар” сингари ўнлаб тадқиқотлари ушбу кузатишларимиз тасдиғидир.

Сўзниг бадиий-эстетик таъсир кучи, аҳамияти ифода воситалари тасвир гўзаллиги билан чекланиб юзини колмаслигидар; моҳиятан, хаётдаги гўзалликнинг ўзи бўлиб қолишидадир. Санъаткор кўзлаган муай-

ян ижтимоий-эстетик мақсадга эришишда тасвирланаётган объектдан ҳам юксакрөк маъноли гўзаллик тимсолига айланишидадир. Иброҳим Faфуров бадиий сўзнинг эстетик салоҳиятини шунака баланд пардаларда тушунади. Сўзнинг юксак бадиийлик салоҳиятини ўкувчига ҳам шу таҳлит шоирона йўсинда англатишга эришади.

Далиллаш санъати

Абдулла Қаҳхорнинг баъзи адиблар ҳакида “улар маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ёзувчилар” деган гапини И.Гафуров тез-тез эслаб туради. Шунга монанд, маҳаллий танқидчилар ҳам кейинги йилларда қўпайиб кетди. Уларнинг адабий асарга, адабий жараён ҳодисалариға назар ташлайдиган ўз “чўққи”лари бор. Бадиий асарларга, ижодкорлар фаолиятига баҳо берадиган “тоғора” – ўлчовлари бор. Ана шу “тоғора-мезон”ларга тўғри келмаган асар ҳам, адиб ҳам танқид ўтида жизғинак бўлади. Ваҳоланки, адабий ҳодисалар ҳеч қачон у ёки бу танқидчи куличидаги “тоғоралар”га синган эмас.

Бадиият – бош мезон. Бу – ижодкорнинг барча асарларидан, адабий жараёндан, адабиёт ривожининг муайян босқичидан келиб чиқадиган маъно. ИброҳимFaфуровнинг бадиий ижод намуналарини, санъаткор фаолиятини, адабиётнинг ижтимоий аҳамиятини белгилашдаги бош принципи ана шунда. У “Аниқлик истаб” (1959 й.) мақоласи билан адабиёт даргохига кириб келди. Илм даргохига кадам қўйганда 22 ёшда эди. Мактаб таҳсили, ТошДУ сабоқлари катта хаёт остонасида унга йўлдош эди. Яна, бадиий адабиётга чукур меҳр-муҳаббат, сеҳрли сўз мўъжизаларини кашф этишига бўлган адоқсиз иштиёқ ҳамроҳ эди. Китобга меҳр, хаётни билишга, одамларни тушунишга интилиш, сўз

санъатига нисбатан ошуфталиқ И.Ғафуровни серзахмат илм ва бадий ижод дунёсига етаклаб келганди. Ҳар бир бадий асар, адабий макола – бу адабиёт орқали, илм орқали табиатни, жамиятни, одамларни тушуниш хамда тушунтириш шаклларидан бирига айланди. И.Ғафуровнинг илк маколаси билан (1959 й.) илмий трилогияси (“Ҳаё – ҳалоскор”, “Мангу латофат”, “Паривашлар мажлиси”)(2010) орасида салкам 50 йиллик – ярим асрлик муддат бор. Бир навкирон умрнинг ўзлигини китоблари, беш юздан ортиқ илмий-назарий, таҳлилий, оммабоп мақолалари, бадиалари, мансуралари ўзбек, озарбайжон, қозоқ, токик, рус ва хорижий тилларда боғилиб чиқди. “Сияние слова: думы о современной узбекской литературе” китоби Бокуда чоп этилди. (Я.Қосумов таржимаси, “Язичи” нашриёти, 1979).

Олим асарларини моҳиятан түрт йўналишга бўлиши мумкин: биринчиси – бадий сўз эстетикаси ва санъаткор маҳорати; иккинчиси – бадий маданиятларнинг ўзаро таъсирланиши ва ҳамкорлик алоқалари; учинчisi – мансуралар, бадиалар, хикоялар; тўртинчиси – адабий таржималар. Уларни яхлит ижтимоий-эстетик маъно бирлаштириб туради. Бу – бадий СЎЗ хаёти-кашф этишдан иборат.

Иброҳим Ғафуров дастлабки изланишлари биланок нозик бадий диди, юксак адабий савиаси, эстетик қарашлари шаклланган олим сифатида ўзлигини танитди. Олимдаги нафис бадий диднинг ниш уриши, эстетик туйғунинг куртак туғиши ва шаклланиши оиласдаги муҳит билан (онаси, холаларининг сўзни заргарона хис килиши, ҳар бир гапида байт, мақол-маталлар билан сўзлашлиги), китоб қадри, мактаб муаллимлари, дорил-

фунундаги устозлар, адабий сухбатлар – бир сўз билан айтганда, ижодий шароит таъсирида камол топди. Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Машраб асарлари таъсири, “Равшанхон”, “Кунтуғминш”, “Нигор ва Замон”, “Бобо Равшан”, “Юсуф Аҳмад” сингари достонлар сабоги билан боғлиқ кечди. Университетдаги ўқиш-ўрганишлар, изланишлар, сухбат-мулоқотлар И.Ғафуров шахсиятида куртак туккан эстетик туйғуни шакллантириб, юзага чиқарди. Адабий-танқидий ўзанга, бадий-эстетик йўналишга солди. Жаҳон классикасидан (Виктор Гюго, Лев Толстой, Пушкин, Гогол, Достоевский, Камю, Фрейд, Конфуций ва х.к.) озикланиш, Шарқ бадииятидан (Навоний, Бедил, Ҳофиз, Румий, Тҳакур, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Максуд Шайхзода ва х.к.) баҳрамандлик, уларнинг бадиийлик мезонлари хусусидаги етакчи тамойиллар олим адабий-эстетик қарашларининг мағзини ташкил этди.

Чунончи, биринчидан, ижодкор ўз асарида ҳаёт хақиқатини исбот килиши эмас, кўрсатиши лозим. Бунинг учун силлогизмлар (яъни, икки фикрни таққослаб, мантикий равишда учинчи фикрга – хуносага келиш) билан эмас, образлар асосида мушоҳада юритиши зарур. Бу – образли тафаккурдир. Иккинчидан, ҳаёт хақиқати адабиётнинг ўрганиши предмети экан, демак, ҳаққонийлик бадий ижоднинг бош шартидир. Гўзалик эса, хақиқат ва соддаликдан иборатдир. Адиб ҳаётни у қандай бўлса шундай, пардозламасдан ва бузмасдан тасвирлаши лозим. Олим англаб етган эстетик кредонинг учинчи шарти маъносига кўра бадий асарга асос бўлган ғоя предметнинг қандайдир бирор томонини эмас, уни яхлитлигича камраб оладиган конкрет ғоя бўлиши керак. Тўртинчидан, бадий асарнинг шакли унинг ғоясига, ғояси эса шаклига мос бўлиши лозим.

Бешинчидан, фикр бирлигига шакл бирлиги мос тушиши лозим. Бу – бадий асарнинг ҳамма кисмлари яхлит бир бутунликни ташкил этиши лозим демакдир.

Иброҳим Ғафуров ўзбек адабиёти илмида шаклланган бадий маҳоратшунослиқ мактабининг атокли вакили. Ушбу мактабнинг ўзига хослиги, мунаккид эстетикасининг табиати бир катор фазилатлари билан ажралиб туради. Хусусан, ҳаёт ҳақиқатининг бадий ҳақиқатга айланган маъно кирраларини, бадий-эстетик аҳамиятини очиб бериш, ифода гўзалликларини асослаш ва шу тариқа маънавий қашшоқликка карши курашиш олимнинг умр музмунига, эътиқодига айланди. Ижодкор шахсияти билан ҳаёт ҳақиқати ва бадий ҳақиқатнинг уйғунлигини англаш, мағзини идрок ва ифода этиш – адабий-танқидий қарашларининг меҳварини ташкил этади.

Шу маънода “Дил эркинлиги”, “Мангу латофат”, “Ҳаё – ҳалоскор”, “Лириканинг юраги” сингари асарларини, фикри теран тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар олим адабий қарашларининг етакчи хусус эстетик таҳлил маданияти ривожида муҳим ўрин тутади.

Адабий жараёнда дабдаббозлик, риторика, тақфуровнинг “Гўзалликнинг олмос кирралари” (адабий “Ёнар сўз” (1973), “Ўртоқ шоир” (1975) китоблари адабий асарни таниш, ўкиш, укиш ва маъносини чақиш раён ходисаларини гўзаллик қонуниятлари нуктаи научайтирди. Олим тадқиқотларида катта бир дард бор.

Бу – ижтимоий-фалсафий, ва умуман, ҳаёт дарди. Ҳалқ, миллат, жамият ҳакида ўйлайдиган, фикр юритадиган адиблару асарлар доимо дикқат-эътиборида. Адабиёт орқали айтиладиган ҳаёт дарди, миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги билан боғлиқ масалалар, шахсни камол топтириш дард-ташвишлари – дардчил адиблар асарларида илгари сурилаётган бош маъно. Шу жиҳатдан И. Ғафуров асарлари таҳлил йўсини, идрок ва ифода тарзи билан ҳам бир-биридан фарқланиб туради.

Иброҳим Ғафуров фикрни далиллаш санъатини юксак эгаллаган. Мантиқий тафаккур орқали қиёсларга бошқа асарлар ва ижодкорларга тез-тез мурожаат қиласиди. Мустакил нуктаи назарини исботлайди. Чунончи, Абдулла Қодирийнинг бадий маҳорати ёритилган мақолаларида – “Қодирий сири” тадқиқотида (Раъно ва Хайём) Шарқ классикасига, Робинранатҳ Тҳакур ижодий тажрибаларига кўплаб мурожаат қиласиди; қиёсларга, чоғиширишларга берилади. Абдулла Қодирийнинг бош маънони очишда бадий воситалардан қанчалик усталик билан фойдаланганига, бадииятга қанчалик хизмат қилдира олганига дикқат қаратади. А. Қодирийнинг Тҳакур даражасидаги маҳоратини шу тариқа кўрсатади. А. Қодирий ўз маҳорати билан Тҳакур даражасидаги улкан санъаткор, деган фикрни илгари суради. Ана шу далиллаш асосида мunaққиднинг ўзига хос оригинал фикрлаш тарзи юз кўрсатади. Негаки, бошқаларга ўхшаб далиллаш мумкин эмас. Қай даражада далиллай мunaққиднинг профессионал маҳоратини хам олиш мunaққиднинг профессионал маҳоратини хам белгилайди. Кичик ғоя ёзувчининг маҳорати туфайли мақсадлар бадий ифодадаги жўнлик сабабли арзимаган, майда ғояга айланниб қолиши ҳеч гап эмас.

Адабиётшунос олим ҳам ёзувчи, мусаввир сингари ижодкор. Унинг Одам ва Оламни билишга, англашга, тушунтиришга қаратилган ўз нуктаи назари бор. Гўзаллик ва хунуклик, дўстлик ва макр-риё, садоқат ва хиёминглаб йиллар давомида суяқ суриб келади. Ҳозир латсизликлар, бадбинликлар шунчалар болалаб кетган этишга ижодкорларнинг куч-куввати ҳам, қурби ҳам дегандек кўл ковуштириб ўтираверадими? Зулм-залогиз ун оши, сўкканингиз сўк оши, дегандек мум тишлаб сўзи, фаолият майдони бор. Бу – бир варак оқ қофоз. дарди дунёсини дастурхон килса, уни хаёли фаромушлиқда айблашлари мумкин.

Шундай экан, адабиётшунос олим мақолалари, эслари, сухбатлари оркали ўз фикрларини англатади. Кўп холларда бадиий асарлар таҳлили асосида ҳаёт – одамлар – жамият тўғрисидаги ўз ҳакиқатларини билроқ-авроқларида асраган кечинма-мушоҳадаларини оқфи очилиб кетади; қалбининг катимларида яшириб келган кўнглининг, олим маънавиятигининг кўзгусига айланади.

ИброҳимFaфуровнинг биргина Абдулла Қодирий асарлари хусусидаги кузатишларини оладиган бўлсак, “Ўтган кунлар”, “Мехробдан чаён” романлари асосида мозийга мурожаат этиш оркали гўзаллик туйғусини

тарбиялаш устувор. Абдулла Қодирий яратган қаҳрамонларини (Отабек, Кумушбиби, Раъно, Анвар) худди эртаклардагидек қабул киладилар, дейди мунаққид. “...Отабек билан Кумуш, Раъно билан Анвар, уларни ташки оламга боғлаган муносабатлар, муомалалар, мулоқотларда... беғуборлик бор. Беғуборликни фақат эртакларда учратиш мумкин. Поклик, соддалик ва ҳалоллик бор – фақат эртакларда учратиш мумкин. Жўмардлик, тантилик, самимийлик бор – фақат эртакларда учратиш мумкин. Ўз сўзи ва эътиқодидан тоймаслик бор – фақат эртакларда бўлиши мумкин. Ўз даври, ўз мухитининг ахлоқ ҳамда одоб руқнларига тобелик, бўйсуниш бор – эртакларда бўлиши мумкин”<sup>1</sup>.

Олим қаҳрамонлар фаолиятига (қочиш, таъқиб, кек-ҳасад, кирғин-адоват, адолат учун тик туриб талашиш ва х.к.) назар ташлаш баробарида китоблар кўнглини ўқиёдиди. Ва яна Абдулла Қодирий романлари биз – китобхонлар кўнглини ўқиётгандек туюлади. Негаки, улар кўнглимиздан акс-садо топиб, ботинларга кириб кетгандек англашилади. Одам ўзи билан ўзи ёлғиз колган асноларда дил доғида ковурилиб, жизгинак тортиб ўтиши мумкинми? Биргина синмас ҳакиқат бор: ёлғизлик ёлғиз Аллоҳга хос. Тўғри, банда жуфт яратилган. Ва лекин, у танҳо қолган асноларда мададкори бор (Ёлғизнинг ёри Худо). Қодир Эгам бандасини ўз йўлига солади; табиат, жамият кучоғига йўллайди. Ўзига ўзини емиш қилмайди. Ҳаётдан, тирикликтан ўз насибасини юлиб олишга даъват қиласи. Адолат, гўзаллик учун кураш йўлларини китоблардан, ҳаётдан укишга унрайди; “ўз йўлига” солади. И.Фафуров Абдулла Қодирий бадииятини Тҳакур, Вальтер Скотт асарлари билан

<sup>1</sup> Иброҳим Faфуров. Қодирий сири. “Саодат” ж., 1989, 9-сон, 8-бет.

тeng, ёнма-ён кўради. Уларда акс этган хаёт ҳақиқатларини бадииятнинг мумтоз мезонлари сифатида кузатади. Шафқатсиз тарих ҳақиқатлари, факт-маълумотлар ҳаққонийлиги бадиий асарлар умрзоклигини таъминловчи бош омиллардир, дея уктиради.

“Аччик фожиали ҳақиқат. Фақат ҳаётнинг тасвири канча теран ва рост бўлса, у шунчалар гўзал эртакларга ўхшаб боради ва охири эртакка айланади. Абдулла Қодирий романларида тарихий даврда бўлиб ўтган тўқнашувлар, курашлар, адолатсизликлар билан адолатнинг юзма-юз келишлари жуда кескин бир тарзда қўйилади. Бу жиҳатдан Қодирийни инглиз тарихий романнависи Вальтер Скоттга жуда яқин кўраман. Вальтер Скотт романларини юрагингизни қисимлаб ўқийсиз. Романга даги тўлқинланишдан ҳеч пастга тушмайди. Қодирий романларида хам шундай”<sup>1</sup>. Олим талқинида тарихий ҳақиқат бадиий гўзалликнинг олий кўриниши, кўркам шундай катта кучки, у бир умр сақланиб қолажак хотирилари билан нажиб. Яъни, онг-шууримиздаги тафаккур қувватини, кўнглимиздаги туйғу-кечинмалар маданийтини шакллантиради. Бу нарса жўнгина амалга ошиб ган тарихий давр мухитига олиб киради. Ўша олис мозий ҳаёти оғушида бирга яшаётганингни пайқамай қоласан. Одам ўзини бу очунда ўткинчи – чумолидек, бир ҳашаротни тия бошлайди. Тириклиги бадалида одамларга яхшиликлар қилиши, гўзалликлар яратиши, банда бир томчи сувдек тўкилса тупроққа шимилиб йўқ бўлиб кетадиган,

<sup>1</sup> Иброҳим Рафуров. Қодирий сири. “Саодат” ж., 1989, 9-сон, 8-бет.

бадар унутиладиган ўткинчи нарса эмаслигини, Ўзи ҳам қадрият эканлигини англай бошлайди.

Инсон етти пушти – авлод-аждодлари қанчалик ёркин шахслар бўлганлигини, акл бовар қилмас моддий ва маънавий қадриятлар яратилганлигини билган сари ўз-ўзига эъзози орта боради. Одам насли шамолдаги тўзғоқ эмас; аксинча, улкан ҳаёт дараҳтининг бир бўғини, новдаси. Ўз илдизларини билган сари кўнглидаги ғурур уруғи униб-ўсиб салобатли ифтихор дараҳтига айлана боради. Қачонки одам ўзини<sup>1</sup> ишдатнок, пўртавор дарё тўлқинларида хис этса, қудратли силсилага мансублигини англайди. Энди уни ҳар ким ногорасига ўйнатиб, йўриғига йўргалата олмайди. Ким нима деса олдига тушиб лўқиллаб кетавермайди. У талотўп оломоннинг лакми лаккаси эмас. У ёркин Шахс, банда қандай ҳаётни орзуласа, қандай яшамоқчи бўлса, аввало авлод-аждодлари кечмишини беш кўлдек билиши шарт экан. Ўз шажараси, ҳалки-миллати ўтмишини билмаган кимса илдизсиз каврак. Қовжирайди-қолади.

И.Фафуров тарихий асарлар мутолааси орқали гўззалик туйғусини ўстиришга, тарбиялашга катта ургу беради. “...Мен Қодирий ва унинг романларини дунё адабиётларида ва умумдунёвий нисбатларда Вальтер Скотт ва унинг романлари ёнига қўйгим келади. Шарқона рангин ҳаёт. Шарқ одамлари, уларнинг турфа муносабатлари, муомала йўсинглари, қалб тепкилари, одоб-ахлоқ доиралари, маданий даражалари, ўта нозик ҳиссиётлари уммонлари ва шу уммонларнинг тинимсиз суратда мавжланиб, жимиirlаб ётишларига кўра мен Қодирий ва унинг асарларини Шарқнинг ҳассос ва беадад донишманд адиби, серхаёл Робинранат Тҳакурга, Тҳакур ва Қодирий – булар канчалар яқин гим келади. Тҳакур ва Қодирий – булар канчалар яқин гим келади.

одамлар. Қанчалар үхшаш сиймолар!” (“Саодат” ж., 1989, 9-сон, 8-бет).

Англашиладықи, мұнаққид Абдулла Қодирий романлари мисолида тарихий асарлар үкувчининг инсон ҳақидағи тасаввур-тушунчаларини беҳад көнгайтириб юборишига диктатимизни каратаётір. Инсон тирик экан, буюклигу ожизлик, юксаклигу тубанлық, фазилату иллатлар ёнма-ён яшар экан. Инсон үз халки тарихининг нурпош сахифаларидан бохабар бўларкан, ўзи ҳам ана шу баланд маснадларга талпинаркан. Руҳан ва аклан ўсишга майли, рағбати ортади. Бу – мустаҳкам маънавий асосни яратиш демакдир.

Тҳакур билан Қодирийни ўзаро қиёслар экан, икки буюқ сиймонинг инсонни тушуниши ҳамда тушунтиришига эътиборимизни кучайтиради. Адолат туйғусиңинг рухоний гўзаллик билан хаёт ҳакиқати уйғулишибиринчи масаласини вобаста англатади. Бу нарса, диди. Зулм-ёмонликнинг катта-кичиғи бўлмаганидек, гўзаликка эш туйғу маданиятининг майда-чуйдаси йўқ. Барчаси эзгуликка хизмат киласи. Кўнгиллар маърифасини юксалтиришга қаратилган. Тарих – бу эзгулик билан ёвузлик кўринишларининг бокий кураш жараёнрий ҳам ана шу бухронда инсондаги юксак одамийлик адолат, эзгулик) химоя киласи.

Абдулла Қодирий учун тарихий воқелик бир восита. Мозийга мурожаат этиш асосида халқимизнинг қанча ёритади. Тарих сахнида кечган тақдирлар инкишофи адебнинг адабий-эстетик муддаосидир. Ва шу тариқа

калблардан калбларга йўл очади; миллатнинг бирлигини таъминлайди, бошини қовуштиради. Ушбу жараёнда шаркона одоб башарий ахлоқий қадриятларнинг ўзак асоси, таянчи сифатида талкин этилади. (“Шарқ романчилигининг бир қарашда илғаш ва англаб олишнинг кийин сири бор. Мен буни инсон юрагининг азалий мавжларини ифодалашда кўраман. Мен буни одобнинг неча минг йиллар ичидә ўта сайқалланиб кетган мавжларини бениҳоя нозик қилиб ифодалаш қудратида кўраман. “Мехробдан чаён”нинг охирги “Кўркинч бир жасорат” бобини эслаб кўринг-а. Султонали ва Сафар дўстлари Анвар ва Раъони кочириб шаҳарнинг юксак кўргони деворларидан аркон боғлаб кўргон ташкарисига тушурмоқдалар. Ҳакикатан ҳам жуда кўркинч манзара. Қодирий уни ўта қилкалам билан чизади. Бунда Тҳакурча тасвир қудратини кўргандай бўламан”. Ўша журнал, 8-бет.)

Ҳар бир соҳа ижодкорининг ўз фаолият майдони бор. Хусусан, дехқоннинг иш юритиш худуди – бу экинзори, экин-тиқин даласи, дов-дараҳтларни парвариш киладиган боғ-роғи. Даласида эгат оралаб экинига сув тарайди, чопик киласи. Мехрини, меҳнатини “ижод” майдонига тўкиб солади. Муҳаббати ихлосини хосилнинг баракали бўлишига бағишлиади. Дехқон экин-тиқини билан тиллашади, боғбон боғ-роғи билан ҳамроздўстлар сингари сирлашади, сўзлашади. Ёзувчининг эса ижод майдони – бу инсон – кўнгил олами; рухониятдаги бўхронлар, тўфон-касиргалар, эврилишлар жамият психологияси билан узвий боғликлиқда тадқик этилади. Драматургнинг фаолият майдони – бу саҳна; рассомники тўрт энлик көғоз; кулолники – эшилган, ийланган бир тоғора лой; ҳайкалтарошники харсанг хотош. Ушбу ижодкорларнинг кўрсатажак “каромати”, ха-

ёлөт-тафаккур – түйғу-кечинмалар омухталиги ана шу “объекти” доирасыда кечади. Ана шу фаолият майдонларисиз ижодкор ўзини, ўзлигини йўқотади.

Энди, ушбу жараёнда қизиқ бир холат бор. Ҳассос шоир Рауф Парфи билан ўзаро сухбатларимизда теша тегмаган бир гап айтганди. “Ўзини кўзгуга соладиган шоирлар ҳам, кўзгуга солмайдиган шоирлар ҳам бор. Биринчилари одамларга ёкишга харакат қиласи; иккичилари ўзини ўртаган, хаяжонга соглан саволларга жавоб ахтариб, дунёсига кўмилиб яшайди. Ўз дарди дунёсини ошкор килиб ўзи билан овоз чиқариб сўзлашади; буткул олам эса уларни тинглайди”. Бу – асл санъат на-мунасининг юзага келиш аснолари демакдир.

Иброҳим Ғафуров Абдулла Қодирийнинг “Мехробдан чаён” романы қаҳрамонлари ички дунёсини тасвирларкан, инжа назокат аломатларига дикқатимизни қаратади. Халқимиз донишманд, билиб айтиб кўйган: мулла билганини ўқиди, бўзчи билганини тўқиди, деб. Ҳар ким севган, кўлидан келган юмуши билан банд бўлгани жамиятга кўпроқ наф келтиаркан. Ошпаз ҳам, дехқону боғбон, мусаввиру хайкалтарош ҳам давлат, миллат мамлакатдан четда қолиши мумкин эмас. У қайси мамлакатда яшар экан, ўша салтанатнинг сиёсий фаолиятидан боҳабар бўлишга интилади. Ва лекин, бу демми, сиёсатга бурун суқаверганидан кўра мазали таом мустаҳкамлаши кўпроқ наф келтиаркан.

Аёнлашяптики, қайси соҳада иш юритилмасин, кўнгил – меҳвар. Ислом дунёсининг барча йўллари Макрико Мадинада туташганидек, ёруғ дунё гирдиқуюнласув ичаяпти. Кўнгиллардан

Мунаккид Абдулла Қодирийнинг қаҳрамонлари руҳниятини бадий тадқик этишга эътиборни кучайтираётгани бежиз эмас. Зоро, кўнгил зиёси ҳаёт ҳақиқатини англашимиизда бир очкич. Инсон ҳаёти кимга ва нимага керак? Тириклиқ, борликнинг мавжудликсири нимада? Банданинг ёруғ дунёга келишининг боиси нимада, деган саволларга жавоб топа билган инсон учун адабиёт-санъатнинг хеч қандай қизиги йўқ, керак ҳам эмас. Негаки, ҳар бир соҳа ижодкори ўз фаолияти майдонида туриб ҳаёт, тириклиқ кўндаланг кўйиган саволларга жавоб излайди. Мабодо ер курраси ҳаракатдан тўхтагудек бўлса, адабиёт-санъат уни қайтадан ўз йўлига солиб юборишга кодир эмас. Ва лекин адаб ўз иш майдони ок коғозни кора қиларкан, шу оркали кўнгилларга таъсир кўрсатади, тафаккурга куч-куват багишлади. Бани одамзодни руҳан ва аклан кувватлантириш асосида Ер куррасини яна ўз йўлига соилиш чора-имкониятларини излайди.

Ёхуд, адабиёт-санъат ер куррасининг қайсиdir худудларида ловуллаган уруш оловини ўчиришга кучи етмайди. Кирғинбарот урушларни бартараф этиш кўлидан келмайди. Ва лекин, режиссёр-актёр сахнада, рассом ишлаган суратларида, шоир-ёзувчи сўзи билан урушга карши турга олсагина маънавий-ахлокий кадриятларнинг кўзига чўп тушмайди. Дунё тамаддуни – Мағрибу Машриқда, Шимолу Жанубда бўлсин бани одам маънан ва аклан комилликка етишиш йўлларини излаш билан банд. Борлик ва йўқлиknинг, тириклиknинг барча ҳақиқатларини англаб етган, мағзини чаккан тирик жон йўқ. Ҳар кадамда номукаммалликка урилиб қоқиласан; норасоликларга тўқиниб пешанангни ғурра қилиб оласан. Биз қанчалик илмга, бойликка эга бўлмайлик, бу ҳали тугаллик, тўқислик дегани эмас. Шунинг учун ҳам фожиа, комедия, роман, достон де-

ганлари бор. Одамзоднинг килмиш-кидирмисларидан дунё йиғлайди; макр-риё, зулм-залолат, ёлғон-кабоҳатларидан аза очиб ёқа йиртади. Ёхуд, саҳнага чикариб ўзини ўзи фош этиши хам оламни зириллатгудек қашқаша қўзғайди. Шу боис адабиёт-санъат инсоннинг ўзи ким, у қандай хилкат, деган саволга асрлар оша жавоб излаш билан банд. Ҳали-хануз тугал жавоб тополгани йўқ.

Абдулла Қодирий асарларидағи инсон тасвири шу тахлит турфа фикр-мушоҳадалар уйғотгани, қўзғатгани бежиз эмас. Негаки, ҳар бир қаҳрамон англатаётган ҳаёт ҳакиқати бадиий мантликка риоя этиши, руҳоний маданиятнинг бирон-бир аломатини нурлантиришига қаратилмоғи лозим экан. “Мехробдан чайён”даги тасвирга кўра Анвар билан Раънони дўстлари Султонали Сафар кузатиб қўйишияпти. Мунакқид ана шу ҳолатдан юксак исломий одоб-ахлоқ белгиларини кўради. Тасаввур килинг: бемаҳал тун, – дея ўз кузатишларини биз билан бўлишади мунакқид. – Қаҳрамонлар жонларини ҳовучлаб аник ўлим чангалидан кочиб боряпти-иттифокчи. Энди рус ёки Европа адебининг бу эниздни қандай ёзишини бир тасаввурга келтиришга ҳаракат қилиб кўринг. Яна билмадим-у, уларнинг тасвирида ҳаёт ва ҳолат ҳаққонияти бу ўринда шуни такозо қиляпти, Анвар ва Раъно сўзсиз, шарпасиз, килт этган товуш чикармай коронгулик кўйнига кириб ғойиб бўлардилар. Шунда ўзларининг хам, ҳалоскорларининг хам жонларини қаттиқ хавф остига қўймас эдирда қаҳрамонларнинг хайрлашувлари ортиқча. Вазият ҳайрлашишни кўтармайди. Ҳар қандай ортиқча ҳаракат қаҳрамонларни фош қилишга олиб келади. Ва улар бу каби ўз тахминларида албатта, ҳак чикардилар. Хўш,

нега унда Қодирий бу хайрлашувга алоҳида ургу беряпти. Қил сиғмайдиган тешикка туяни сиғдиряпти?..

“Қодирий афтидан, бу ерда вазият ҳакиқатига ва мантиғига эмас, қаҳрамонларнинг ҳакиқати ва мантиғига риоя килади. Анварларнинг одоби шундай. Тарбияси шундай. Улар одобга ҳар қандай мушқул вазиятда хам амал киладилар. Одоб уларнинг конларига сингган ва уларча вазиятга кўра ўзгариб турадиган нарса эмас. Таъбир жонз бўлса, одобни ўлимдан ҳам афзал биладилар. Анвар ҳалокатдан кутулгач, ўзини Худоёрга тутиб бериб, Султоналини ўлим чангалидан ҳалос этмаслигини тасаввур килиш мумкинми?” (Ўша журнал. 8-бет.) Дарҳакиқат, мунакқид таъкидлаганидек, Анварга ўз жонидан кўра лафз, мардлик, ҳалоллик афзал. Шунинг учун у Султоналини куткариш йўлида жонидан кечади. Бу қаҳрамонлар учун инсоний муносабатлар даражаси ҳар нарсадан юкори туради. Шунинг учун ҳам вазият қанчалар хатарли бўлмасин, Анвар ва Раъно ўз дўстлари, ҳалоскорлари бўлган Сафар, Султонали билан хайрлашмасдан кетолмайдилар. Шунинг учун Қодирий ўз карим ва карима қаҳрамонлари нуктаи назаридан иш кўради. Ва улар ўлимдан кочиб бораётгандарида хам ўз инсоний гўзал киёфаларини асло йўқотмайдилар.

Ҳаёт ҳакиқати маънавий-ахлоқий гўзалликни ўз табиатига сингдиргани, ва ўз навбатида, гўзаллик ҳакиқатга тўйингани боисидан ҳам чинакам санъат на-мунаси бўй кўрсататири. Инсон акли, ахлоқи азиз, мукаррам деймиз. Негаки, ҳакиқат ҳаётий тажриба замидан сизиб чикқани боисидан ҳам санъат маснадига эга; ҳакиқат – юксак ахлоқий маданият бирга туғилгани, бирга яшагани боисидан ҳам ижтимоий ходисага айланаркан. Шу маънода, Иброҳим аканинг биргина Абдулла Қодирий асарлари мисолидаги кузатишлари-

да ҳаётий ҳақиқатлар асл гўзаллик тимсолида, инсоний гўзалликлар эса ҳақиқатнинг тасдиғи тариқасида англатилади. (“Қодирий миллий онгга гўзаллик ва маърифат гавҳарлари кандай ва қайси йўллар билан кириб боришини бехад теран англар ва биларди. У миллий маданий ҳаёт ва миллий-маданий онгимизнинг жавҳари бўлиб етишган эди”. Ўша журнал, 8-бет.)



## ФАРОСАТ, АНДОЗ ОҲАНГ ВА СЎЗ ТУЙҒУСИ

Сўз танлаш, сўз қўллаш меъёри ва  
бадиий маҳорат

Мунаққиднинг эстетик ғоялари силсиласида сўз зиммасига юкланган маъно ва бадиият масаласи алоҳида ўрин тутади. “Бизнинг тил”, “Ноёб сўзлар поэзияси”, “Фазл. Фасоҳат. Заковат”, “Дунёни тинглагандা”, “Назм ҳамма вақт хур” сингари мақолаларида сўз танлаш, сўз қўллаш меъёри ва бадиий нафосат хусусида атрофлича фикр юритади. Улар ижодкор индивидуаллиги билан боғлиқ бадиий санъатнинг муҳим унсурлари сифатида таъкидланади (“...Ноёб сўз қўллашнинг ўз андозаси, Алибек Рустамийга кўра ўз адаб-одоби бор. Айтайлик, динда, фалсафада, эстетикада, маънавиятда андоза бўлганидек, шеърий санъатлар, шеър фанида хам андозалар, меъёрлар мавжуд; уларни ҳеч ким бекор килган эмас. Бизга қолса, шеърий талантнинг тўқсон физи – бу фаросат, андоз оҳанг ва сўз туйғусидир. ...Ушбу тўрт нарса мавжуд бўлсагина шеър, гўзаллик, поэтика устида сўзлаш, муҳокама, таҳлил юритиш мумкин. Акс холда қоғоз қоралашдан не мурод”)<sup>1</sup>.

Ҳазрат Алишер Навоий сўзни “башар вужуди спехрининг кавкаби ва инсон зоти маъданининг жавҳари”, дея таърифлайди. Биз сўзни, тилимизнинг тароватини, маъно қатламларини яхши биламиزمи? Таажжубки, бу

<sup>1</sup> Иброҳим Гафуров. Мангу латофат. Бадиалар, рисолалар. 2-китоб. Тошкент, “Шарқ”, 2008. – 288-бет.

саволга ҳамма бир хилда жавоб беролмаса керак. Шарқ алломаларими, Пушкин, Толстой сингари буюк санъаткорларми, айтмоқчи бўлган фикрларини ифодалашда зарур сўзни тополмай кийналганлари ҳакида ёзишади. Тил алохида сўзлардан ташкил топгани боис сўз ва тил ибораларини одатда аралаш қўллаймиз. Аммо тил ҳакида гапиргандা норматив ҳолга келган умумадабий тил билан бадиий адабиёт тилини бир-биридан фарқ қиласиз. Бадиий тил ҳалқ тилидан озикланади, муттасил бойиб, кўркамлашиб боради. Бинобарин, тил ходисалари адабиёт ходисалари билан узвий алокада. Баъзан “ёзувчининг тили образли, метафорали”, деган ибораларга дуч қеласиз. Тўғри, нутқимиз рамзларга бой. Тасвирий воситалар ҳам ниҳоятда ранг-баранг. Ижодкор ёзув столига ўтирганда бирон-бир сўз ўрнини бошкаси билан алмаштиромокчи бўлганда энг зарур ифода дарров топила қолмайди.

Адабиёт – кўнгил очиш воситаси ҳам, бўш вақтни ўтказадиган эрмак ҳам эмас. Бадиий асар – юракнинг юрак билан сўзлашувидир. Китобхонни ҳаяжонлантириш, қалбини жунбишга солиш учун шоир айтгандек, биргина сўз минг тонна нутқий рудалар орасидан ажратиб олинади.

“ўкувчиларга сир ёки нотаниш нарса эмас, – деб ёзди ИброҳимFaфуров. – Баъзи шеърларни қарасанлиз, бари ноёб сўзлар. Худди камёб сўзлар луғати дейлаб ёғилади, ҳамма нарса бордек. Лекин асил шеър йўқ. Андоза, фаросат, гўзаллик бундай шеърлар яқинига йўламай қўйганга ўхшайди. Улар ўрнини аллақандай нотайин архаизмга майллар эгаллаган, айрим ҳолларда бу нарсалар кайсарликка айланиб кетган (мен шундай ёзаман, шундай ёзишга эрким, ҳаққим бор). Лекин ба-

дий фаросат йўклигини, ўзбилармонликни меъёр дарражасига кўтариб, уни услубнинг оригиналлиги деб талқин килиш антиэстетикагагина олиб бориши мумкин. Бадииятда коидасизлик унинг таназзулидан бошка нарса эмас. Ҳакикий ижодий таназзулини авангارد ёки модерннинг бўйнига ҳам ағдариш ҳалол гап бўлолмайди” (юкоридаги асар, 288-бет). Иброҳим Faфуров шоир Икром Отамурод шеърларини (“Шахр биру – бирдай шовкин, талотўп, Ҳабис ҳоллар кезар суйкалиб, тайиб. Онам суқунатдан қувват олди хўб, Рухланди, касбнинг ёдида гайиб”) таҳлил қиларкан, ноёб сўзлар ва улар оркали ифодаланмокчи бўлган ноёб маъноларни укиб олиш амримаҳол, дейди. Шеърдаги “гард сина”, “тавин”, “симан”, “кайрон-кайрон”, “тайрон-тайрон”, “айсуслар”, “хаворлаб”, “зўра” ва х.к. сўз ясашлари, камёб сўзлар маъносини укиш, мағзини чақиш азобдан азоб. Бонси уларни на қадимги туркӣ луғатларда, на мумтоз адабиёт асарлари луғатларида, на хозирги беш жилдлик изоҳли луғатдан учратолмайсиз. На фольклорда, на оғзаки истеъмолда бор. Бу таҳлит сунъий сўз ясамалари маънони кучайтиришга эмас, мавхумликни вужудга келтираётir.

Ижодкорнинг сўз устида ишлаш, изланиш захматларини бир қадар тасаввур қилиш мумкиндир. Шоир-ёзувчи маънавий-интеллектуал жамғармасининг катта кисмини узок йиллик машаккатли изланишлари бадалида тўплаган сўз хазинаси ташкил қилади. Кундаликлари, ён дафтарларидаги кайдлардан ўша ардокли сўзни қидиради. Гоҳо булар озлик қилиб, тез-тез сафарларга чиқади; турфа давралардан сухбатдошлар излайди. Янги, охори тўкилмаган сўз керак. Қаҳрамон ички дунёсини, нозик феъл-авторини ловуллатиб очиб юборадиган, кайфият, ҳолат, туйғулар замзамасини

ёритадиган, ўқувчини дағынан ҳайратта солиб қўйишга қодир сўз керак! Машаккат билан топилган сўзлар рамзли, тимсолли маънени, серқатлам фикрни аник ифодалashi керак. Шундагина тил ва тафаккур мантикий алоқага киришади. Бошқача айтганда, хис-туйғу мўл бўлгани ҳолда уни ифодалашга сўз етишмаса ёки сўз топилгани билан хис-туйғунинг зўрма-зўракилиги, сохталиги бадий асарни юзага келтирмайди. “Адабиёттинг биринчи унсури бўлган тил факт-маълумотлар, тушунчалар либосидир” (Гегель).

Сўз санъаткорлари асарларини тугаллагандан кейин ҳам қайта-қайта ишлашдан, кўчириб ёзишдан чарчашибаган. Ўзига, асарларига юксак талабчанлик хусусида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ойбек, А.Қаххор, Миртемир ва х.к. адиларимиз ижодий лабораториясида бу хил тажрибалар кўп ва хўб.

Бир куни дўстим Рауф Парфи кўнғироқ қилиб қолди. “Бўшмисиз, келинг, янгилар бор. Шеърлар, қарғишлилар (“Сочифинг кумдан бўлсин”) ёздим. Келаверинг, бирга ўқийлик”, деди. Метронинг хозирги “Буюк ипак йўли” (аввалги “Максим Горький”) бекатида “Муҳаммад Юсуф” кўчасига қараб юрилгандаги беш қаватли уйнинг биринчи қаватида ижарада турарди. Ўтиб бордим. Ёзib, чизиб, ўчириб ўтирган экан. “Она тилим” шеърининг сарбастга солинган, сочма-зинапояли, настрий шеър ҳамда вазни, турок-кофиялари ўлчовли анъанавий намуналарини ўқиб берди. “Қийналяпман, орасидан биттасини танлаб олишим керак; Сизни ёрдамга чақирганим боиси шундан”, деди. Мен ҳам гаранг бўлиб қолдим. Шеърнинг ҳар бир ҳолатдаги қўриниши гўзал бадиият намуналари эди. “Менга колса тўртталасини сақлаб қолганингиз маъқул. Ҳар бири мустакил, оригинал; бири иккинчисини ҳеч жиҳатдан тақрорламайди”,

дедим. Дарҳақиқат, ифодада сўзлар, фикрлар, маънолар қайталанмас, такрори йўқ эди-да. Ҳар бир калима сўз олмосдек шаъшадор жилоланиб турарди. Ўшанда Рауфнинг беҳад сўз бойлигига эгалигига ҳавасим келган, ҳайратлангандим. Кейин янги қоралаган “Туйғулар” туркумидаги учликларидан ўқишига тутинганди.

Айтмоқчиманки, адига ҳадсиз-ададсиз ижодий тажрибалар (эксперимент) имконияти берилган. Бу унинг ҳакки-хукуки. Ҳеч ким бунга даҳл қилолмайди. Ва лекин, ижодий ниятни рўёбга чиқарадиган бош қурол сўз. У мижмагил, мавхум, чучмал ва ҳ.к. нуқсонлардан холи бўлиши, кават-қават маънолари кўмма эса-да, тушунарли, англамли бўлиши лозим. Ифодада сўзлар топишмоққа, ребусга, криптограммаларга айланмаслиги шарт. Йўқса ўз вазифасини бажара олмаган, ижодий ниятни рўёбга чиқара билмаган ночор ҳолатга тушиб қолади (“Сўзи бўлса-ю, ифодаси бўлмаса, бу ҳам кийин савдо экан. Шунинг учунми, ҳалқимиз оти бору ўзи йўқ, деб қўйган шекилли”)<sup>1</sup>.

“Икром шу каби сўз издиҳомлари ичиди яшайди, айб эмас. Лекин ноёб сўзлар, ибораларни кўллашда поэтик меъёрни саклаш бу ҳам бадиийлик ҳамда эстетик диднинг жуда муҳим элементи. Бусиз бадиият талафотга гирифтор бўлади”<sup>2</sup>. Бир ижодкор дўстимнинг камтарона иқорига кўра янги шеър учун ҳеч қачон мавзу излаб тентираб юрмайди; нима тўғрисида ёзиш керак, деган масала уни кийнамайди. Ягона дарди, қандай ёзиш кераклигига. Ёзганларини эсда саклаб қолиб, юрган йўлида овоз чиқарип тақрорлайди. Шу усул ёрдамида сўз-

<sup>1</sup> Иброҳим Гафуров. Ям-яшил дарахт. Адабий-танқидий маколалар. Тошкент, 1976. – 229-бет.

<sup>2</sup> Иброҳим Гафуров. Мангу латофат. Бадиалар, рисолалар. 2-китоб. Тошкент, “Шарқ”, 2008. – 287-бет.

учун кўкни ошиёна қилишда Ватанинг буйруғини кутиб туради? Кўкни ошиёна қилиш учун “Кўқдаги қўёшга муҳаббати” етарли эмасми?.. Мен ўйлар эдимки, бу байтнинг биринчи мисраси бундай ўзгартирилиб:

*Менинг ягона севиклим Ватан эрур, Собир,  
Ватан буюрса агар, кўкни ошиёна қиласай,* – дейилса.

С.Абдулла устозга миннатдорлик изхор қиласи ва байтни қайта тузатиб ёзди<sup>1</sup>. Бу – сўз ўрнига тушмагани, натижада бадий мантиқ бузилгани хусусидаги мулоҳазадир.

Яна бир мисол. Абдулла Қаҳҳор 1940 йили Саид Аҳмаднинг илк “Тортик” тўпламига ёзган тақризидаги ижтимоий моҳиятга эга бўлмаган ҳикоялар ёзгани аксарида мантиқ бузилгани боис “бемаъни”, “сўз бўтқаси” деб танқид қиласи. Саид Аҳмад қобилиятли, яхши асарлар ёза олади. Бироқ, ҳозирги ҳолатда ишга масъулиятсизлик билан қараган; тақриздан чиқарилган асосий хуласа шу. Нуқсонларни ўз вактида кўрсатишдан мақсад таъна қилиш ёки уялтириш эмас, аксинча, истеъоддинг адабиёт олдидаги масъулият ҳиссини кучлантириш эди.

Максуд Шайхзода 1967 йили Шухратнинг икки китоби (“Сенинг севгинг”, “Ишқингда ёниб”)га ёзган тақризида (“Қалам ва бурч” мақоласи, “Шарқ юлдози” ж., 1967) шеърларнинг фазилатлари ҳақида гапириб, тил ва ифода сакталикларига тўхталади: “Шеъриятда баъзан энг яхши ихтиrolар ҳам ҳадеб қайтарилаверса, улардаги тароват йўқолиб, ўз эмоционал таъсирчанлигини қўлдан бериб кўяди”. Ўз фикрининг исботи учун биргина китобда “о” ундалмаси 62 жойда тақрорлангани, “худа-бехудага” истеъмол қилгани учун баъзи ўринларда ўз вазифасини йўқотиб кўйгани”ни айтади.

<sup>1</sup> Қаранг: Малоҳат Абдураҳмонова. Собир Абдулла (ҳаёти ва ижоди). Тошкент, 1980. 28–29-бетлар.

Ушбу мисолларни келтиришдан мақсад катта авлодга мансуб мураббийларнинг фаолиятини ибрат сифатида эслатишdir. Яхши ўрнакли нарсани ўрганиш асло кеч эмаслигини яна бир бор хотирга жам қилишdir.

С.Абдулла, С.Ахмад, Шухрат устоз сўз санъаткорларининг танқид ва маслаҳатларига қулоқ солғанлиги, нуқсонларни бартараф қилишга жиддий киришганлиги сабабли кейинчалик эл-юрт эъзозига сазовор ардоқли адиблар – ҳалқ ёзувчилари даражасига кўтарилдилар. Айний, Ойбек, А.Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир каби бадий тил заргарлари ижод этаётган адабий мухитда чала ўйлаб, чала ёзиш мумкин эмаслигини тушуниш ёзувчилик санъатини эгаллашда муҳим роль ўйнади. Мўътабар устозлар фикри салмокли эди. Улардан хайикиш бор эди; янайм муҳими, иззат-хурмати бағоят баланд эди.

Сўнгги йилларда бадий тилга эътиборсизлик кучайиб кетганига сабаб, талабчанлик-масъулият ҳисси йўқолганидан эмасмикан, деб ўйлаб қолади киши. Бирон нашриёт ёки редакция на бирон бир ҳикоя, повест, роман ёки достон тили ҳали қиёмига етмагани, пухта ишланмагани боис муаллифга қайтарилиби, деган гапни якин орада ҳеч ким эшитмаган бўлса керак. Муаллиф нашр харажатини копласа бас, така бўлсаем сут берсин қабилида қандай бўлмасин, хомхаталами, ҳали лойи пишитилишга муҳтожми, бундан катъи назар ҳаялламай китоб бўлиб чиқиб ётиби-ку. Газета ва журнал редакциялари ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Мисол излаб узокка бормай, “Бадий тил муаммолари”га бағишлиланган қайдларга (“Шарқ юлдози”, 1985, 1-сон) назар ташлайлик. Аксар муаллифлар “адабий тил” билан “бадий тил” тушунчаларини бир-биридан ажратмайди, қоришириб юборган. Кейин “ашъорлар”

(Мирмухсин), “ёзувчи хикоя ёзиш жараёнида” (Тохир Малик) сингари сүз ва сўз бирикмаларини учратамиз.

Маълумки “ашъор” сўзи шеърнинг кўплик шакли, яъни шеърлар. Демак, ашъорнинг ўзи кўпликни англатган ҳолда унга яна “лар”ни кўшишга хеч эҳтиёж йўқ. Тилимизда “мучча”, “мучал” тушунчалари бор. Мучча – одамнинг муайян аъзоси. “Тўрт мучаси соғ”, деган ибора; оёқ, кўл, кўз, кулок саломатлигидан дарак беради. Мучал эса, хар бири бирор хайвон номи билан юритиладиган йил хисоби. Кимнингдир йили от, кимники маймун; яна бировники қуён бўлиши мумкин. Бирок, “тўрт мучали соғ” дейиш мутлако нотўғри. Арабча “ифода” сўзи бизда ўзлашиб кетган. Ундан ифодаламоқ, ифода шакллари ясалган. Ифодали – таъсирли, образли маъноларини билдиради; бадий матини ўқишига нисбатан қўлланилади. “Ифодали портрет” эса тилдаги ғализликдан бошқа нарса эмас.

Н.Кобулнинг “Овчи” повестида хам тасвирда нуксонлар бор. Тилимиздаги “туйилмок” сўзи ўхшамок, ўхшаб кўринмоқ маъносини англатади. Шу боис “ўхшаб туйилади” дейиш ғализ чиқаркан. “Бижирламок, живирламок” тушунчаларини ўринсиз ишлатиш хам музмунда хатога олиб келаркан. Хеч кимга гап бермай бидирлаб, тез-тез сўзлайдиган одамга нисбатан бижирлаб гапиради, дейилади. Живирлаш эса кишининг кўзи толикиб, ашёлар, нарсалар хар хил рангда кўринишни англатади. Маълум бўладики, “...кўз олдида бижирлашиб кўринди” деб бўлмайди. “Хира булутларни иткитиб, кўтарилаётган ой”, “чайири чиқиб кетган от”, “ғашини кўзгарди” сингари таъбирларни хам чиройли бадий тил деб бўлмайди.

Тохир Малик ижодий тажриба (эксперимент)лар тараждори. Лекин янгилик яратиш баҳонасида тил бузила-

ётганлигини тўғри кайд қиласи. Дарҳакиқат, ёзувчининг хар бир асари ижобий маънода тажриба-эксперимент бўлиши мумкин. Бу кўпроқ асарнинг композицияси, образлар тизими, услуби билан боғлик. Лекин эксперимент баҳонасида тилни бўтқага айлантиришга ҳожат бормикан? Адабиётда янгилик яратиш – ҳам хаётий, ҳам бадий мантиқни бузиш, на шевада ва на луғатларда йўқ “ноёб” сўзларни қалаштириб ташлаш оркали амалга оширилмайди, албатта. (“мовийлик қудуғи”, “ёлғизлик аркони”, “юракка қоқилган тикан”, бедазорда “анкиган чигиртка”, “кишлокни супуриб чиқкан “кузнинг сўзлари” (“Шарқ юлдузи”, 1984, 6-сон ва х.к.).

Бадий тилни эгаллаш улкан қунт-саботни, меҳнатни талаб қиласи. Ёзувчи кенг маълумотли, билимдон бўлиши баробарида тил асосларини пухта ўрганиш-ўзлаштириши лозим. Мирмухсин айтгандек, “тили нўнок кимса хар кандай нарса ёзмоғи мумкин, аммо чинакам адаб бўлолмайди. Лаёқатли бўлиб, чинакам меҳнат килган кимса муродига стади”. Аскад Мухтор тилдаги ясамалик, сохта чиройлилик хақида ёзган эди: “Тил халқимизнинг буюк хазинасидир. Уни хурмат билан ардоклаш ва бойитиши бизнинг бурчимиздир... Тилдаги ўринсиз “баландпарвоз” “жимжимадорликни” ёмон кўраман. Бу хақда ёздим хам, гапиридим хам. Афуски, баъзи журналист ва хатто ёзувчиларимиз хам давом эттиришмоқда. Пахта топширишни “оқ олтин дурдоналарини зангори кемалар бункеридан эл дастурхонига тўкиш” деб, “чигит экишини тугатдилар”, дейиш ўрнига “барака ургини қадашда пешкадамлик килдилар” деб гапириш, айниқса баъзи радио журналистларига теккан касал”.

Шу гаплар айтилганига хам бир неча ўн йиллар ўтди. Хатолар, сохта жимжимадорлик хамон давом этмоқда.

Истеъодлар ҳамиша ловуллаб шуыла таратиб туралған нурли сүз ва ёркин фикрлар излайди. Бу жараёнда гоҳ суворий, гоҳ овчи монанд нодир сүз, жавохирдай кимматли фикр ортидан қувадилар. Янги сүзлар биркемаларини яратадилар. Бир вактлар Тургенев “Нигилист” (“Инкорчи”) инглизчадан олиб ясалған янги сүз, “интеллигенция”, Достоевский “стушевываться” (хаспүшланмок) сингари тушунчаларни ихтиро қилғанлар. Ўзбек адабиётига Ўйғун, В.Зоҳидов озарбайжончадан “сарин, мубориз” сүзларини олиб киришди. Миртемир қозоқ-киргиз лугатидан “чўнг, дов, сулув” сифатловчиларини олиб кирди. Абдулла Қаххор “чўлқувар” сўзини ихтиро қилди. Келтирилган сўзлар ўзбек тили контекстида ўзига муносиб ўрин олди. Шундай, ёзувчи янги сўзлар яратади.

Сўз санъати – туганмас меҳнат. У ижодкор умрининг охиригача давом қиласи, сира-сира тугамайди. Буюк олмон шоири И.Бехер ибратли бир воқеани хикоя қиласи. Кўп асарлар ёзган, шубҳасиз, талантли бир шоир ўз асарларининг тилидан қаноатланмас экан. Ҳатто китоблари нашр этилгандан кейин ҳам тузатишлар киритавераркан. Оғир хасталикка чалиниб, гапиришга ҳам ҳоли келмай ётганда жавонидаги охирги тўпламига ишора қилибди. Олиб қўлига берганларида қалам сўрабди. Китобни вараклаб, керак сахифани очгач, ўзини безовта қилган “Посыпанная белым гравием, дорога убегала в воспоминания” (“Ок шағал тўкилган йўл хотиралар ичидан кўздан кочди”) жумласини “Дорога тेरялась в воспоминаниях” (“Йўл хотиралар ичидан ғойиб бўлди”) деб тузатгач, хотиржам бўлиб, бошини ёстиққа қўйган экан. И.Бехер айтади: “Тилга ғамхўрлик ҳар бир миллат ижодкорларининг энг муҳим бурчидир. Агар ўз бурчимизни ҳалол бажармасак, келажак авлодлар

олдида уятга қоламиз, ким деган одам бўламиз”. Саид Аҳмад айтганидек, она тилимизни яхши билмасак, ранг-баранг жилваларини сезмасак, “сўз санъаткори” деган унвон каёқда колади!..

Иброҳим Ғафуров шоир И.Отамурод шеърлари мисолида сўз танлаш ва қўллашдаги сакталиклар хусусида ёзгиришлари қўйинчак ўқувчи юрагига чўғ солади (“...Сўз бойлигининг ўзигина етарли эмас экан тилнинг улуғлиги учун. Сўз бойлиги тинимсиз харакатда бўлгандагина бойлик ёнига бойлик қўшилади. Ҳакикий яратувчи бойлик бўлади”, “Мангу латофат” мажмуи, 292-бет). Лекин сўнгти йилларда адабий жараёндан танқидий рух кўтарилиди. На адабиётнинг ижодий методи ва адабий тил, на дунёкараш ва бадий тафаккур хиллари, кўринишлари сингари назарий-амалий масалалар хусусида жиддий илмий баҳс-мунозара очилгани йўқ. Шу боисмикан, айрим шоир-ёзувчиларнинг сиркаси сув кўтартмайди, танқидга тоби йўқ. Карнай-сурнайли ғата-ғут олқишини хуш кўради.

Уч-тўртта мажмуаси чиқар-чиқмай сайланмаю танланган асарларини эълон қилаётган қаламкашлар – маҳаллий классиклар илдиз отиб палак ёзди. Ваҳоланки, танқиддан тубан қораламалар саржин-саржин. Давр дарғалари – “шоири замонлар” танқидий фикрга бурнини жийиради. Мунаққиднинг иши танқид қилиш, бизнинг ишимиз ёзиш, деб билади. “Ит ҳуради, карвон ўтади”, қабилида беписанд қаландимоғ муносабатда. “Шоири замон” қурғурнинг керк бурнидан курт ёғилади. Чўлтоқ хаёл, сирпанчик манфаатпарастлик карнайчи шеъриятни вужудга келтирди. Уларнинг фикр-хаёли мукофотлар, унвонлар, ёғлиқ алқов, асьасалар беланчагида эланадиган бўлиб қолди.

Ана шундай бир ҳолатда Иброхим Ғафуров тилнинг миллатга рухоний куч-куват бахш этиш баробаридан яна тарих яраты билишдек буюк салоҳиятига алоҳида урғу беради. “Тил наслларнинг ахволини яхши акс этиради. Файратли, кучли насл билан тил хам кучаяди, унинг имкониятлари кенгаяди, истеъмол доираси ортади. Ҳеч ким мажбур қилган эмас Абулғозихонни “Шажараи турк” ва “Шажараи тарокима”ни ёзишига. У шоҳ эди... Абулғозихон ота ва акаларимизнинг бепарволиги ҳамда бевуқуфлиги (бехабарлиги)дан куйган, тарих йўқ бўлиб кетиш фалокати олдида турганлигини сезган. Ва ўзининг улуғ бир саъй-ҳаракати, файрати билан маҳкум тарихни тиклаган. Рабғузий ва Навоийдан сўнг она тилида тарих яратишнинг ҳадсиз-хисобсиз тил бойликла-ри, ҳазиналарининг эшикларини очган. Булар бўлмаса, Бобур бўлмаса, билмадик, тарихимиз не кечар эди. Тил шундай азаматларнинг жидду жаҳдлари билан тарақкий қиласи” (“Мангу латофат”, 394-бет). Англашилаётир-ки, у Аллоҳнинг мулки. Бандалари кўнглига экилган нур сўз шаклида тилига чикади. Ботинига бикинган кават-қават сирларни ошкор қиласи. Жаҳонга танитади.

Иброҳим Ғафуровнинг сабит ишончига кўра кўнгли кўзида, жавҳарида ўн саккиз минг оламни қамраб олгувчи нур бор. Сўзлар хам шунақа. Дилнинг туб-тудея тушунтиради. У туйғулар тарикасида одамларни меҳр-оқибатли қиласи, дўст тутинтиради, биродарлик ришталари бўлиб уланади. Қалбга яширгани боис оддий кўзга кўринавермайди. Тафти-хароратини ҳис килиш, ёруғлик сажия-салоҳиятини туйиш мумкин, холос. Мунакқид “ноёб сўз”, “солиҳ сўз”, “нажиб сўз” деганда нурни назарда тутади. Шеър деб тақдим қилинётган сатрлар тизимида ўша шуъла йўқ. Бадий бар-

камол шеърлардагина ловуллаб ёнади; ўзлигини намоён қиласи. У асл истеъдолд юрагидан кўчиб ўтганлиги боис ёмби ёқут сингари шуълаланади. Ёғду таратади. Бу – шоир ижодий ниятининг ушалгани демакдир.

Мунакқид Хоразмийнинг “Мухаббатнома” достонидаги тил таърифига эътиборни қаратади. (“Мухаббат нардини кўплардин уттунг, шакардек тил била оламни туттунг. Тиларменким, бизинг тил бирла пайдо, Китобе айласанг бу киши котимдо...”). “Кўринг, тил билан жаҳонни тутиб туриш мумкин экан-да...” (“Қиличтек тил бирла туттум жаҳонни... ”). Тил факат ва факат шундай саъй-ҳаракатлар билангина тоза яшайди, тарақкий қиласи. Тил миллатнинг энг биринчи ҳакидир” (“Мангу латофат”, 395-бет). Сўзнинг шундай салоҳияти борки, у тасвир объектининг қалбига кира билади, моҳият-мазмунини очиб беради. Иброҳим ака сўз табиатидаги ана шу кашшоғлик – яратувчанлик хусусиятига бирламчи урғу беради. Сўзнинг тарих яраты олишдек буюк қудратида ижодкор бадий тафаккурининг мўъжизакор шарофатини кўради. Бу – шеър ботинидаги нурнинг фазилатидир, дейди. Бу – ижодкор хоҳ тўрт сатрда, хоҳ достонда бўлсин, ўз сўзини айта олганлиги далолатидир. Демак, сўз замиридаги нурда олийжаноб маъно мужассамлашган. У сўз табиатидаги эзгуликнинг яна бир янги киррасини кашф эта олгани, рухоний ҳаётига дахлдор янги ҳакиқатни ёритишга эришгани билан файзиёбdir.

### Ҳикматли шеърият белгилари

Максуд Шайхзода фалсафий шеъриятининг бади-ияти ҳакида кўпчиликка бирдек маъқул бўладиган асар яратиш ниҳоятда мушкул иш.

Адабиётшунослигимиздаги аксар тадқикотлар санъаткор асарларининг ғоявий-бадий хусусиятларини тек-

шириш билангина кифояланар, уларни яратган санъаткор шахсияти, табиатидаги бетакрор жиҳатларни, у ёки бу асарнинг ёзилиш тарихи ва юзага келиш омилларини, адиларни шахс ва ижодкор сифатида шакллантирган мухитнинг ўзига хослигини очишга кам эътибор берилар эди. Олимнинг М.Шайхзода шеърияти ҳақидаги асари мана шу масалаларга алоҳида эътибор бериси, шахсияти билан ижодини уйғунликда – бир бутунликда очиши жиҳатидан қимматлидир . Маълумки, машхур ижодкорлар хаётида, асарларида шундай юлдузли фазилат-хусусиятлар бўладики, улар адаб бадииятини нур бўлиб ёритиб туради. Ана шу “юлдуз”ли жиҳатларини топиш, кашф этиш, кенг жамоатчилик мулкига айлантириш, уларга “юқтириш” ижодий лаборатория билан боғлиқ тадқиқотларнинг характерли белгисидир. И.Фафуров китобини М.Шайхзода шахсияти ва шеъриятидаги ана шундай “юлдузли онлар”ни очиш асосига куради. Бу эса, асарни завқ-шавқ билан ёзилишига, бинобарин, худди ана шундай ўқилишга олиб келади.

Бу таҳлит ёрқин фазилатларни топиш масаланинг дебочасигина холос. Мухими, улар тадқиқотда худди гул рангидек табиий равишда намоён бўлиши керак. Шундагина таҳлил обьекти билан тадқиқотчининг маҳорати уйғунлик (гармония)ни ташкил этади. Китобхон ҳам ўқиётган воқелигининг кузатувчиси эмас, ўша жараёнлар иштирокчиларидан бирига айланганини сезмай қолади. И.Фафуров маҳорати шундаки, у бизни М.Шайхзода бадииятидаги беадоқ дилбар дақиқаларнинг кузатувчиси эмас, иштирокчисига айлантиради. Китобни ўқир эканмиз, унда ёритилаётган ижодий ҳаёт оғушида биргага яшаётганимизни сезмай қоламиз.

Максад Шайхзода Шарқда Бедил, Бобур, Ҳусайн Жовуд, Ойбек, Фарбда Шиллер, Александр Блок, И.Бе-

хер, Пол Элюар, Аполлинер сингари файласуф шоир. У XX аср ўзбек адабиётида “...сиёсий, публицистик, фалсафий лириканинг юксак намуналарини яратди... Шайхзода умумбашарий ғоялар билан яшади ва бу ғояларни ижодига сингдирди” (З-бет). Шу ўринда “фалсафий шеър” тушунчасининг мазмун-моҳиятини тиниклаштириб олсак. Фалсафий шеърнинг фалсафа фанига мансублиги нисбий. Ҳусусан, олим мантикий тушунчаларга таяниб ҳаёт, воқелик, тириклик, умр, ўлим ва х.к. ҳусусида мушоҳадалар юритади, фалсафий хулосаларга келади. Энди, шоир эса поэтик образлар воситасида фикрлади. Ана шу поэтик образларга таянган ҳолда ҳаёт ва воқеликка эстетик муносабатда бўлади. Ҳаёт хоссаларини, воқеа-ходисаларни эстетик баҳолайди. Фалсафий лириканинг ўзига хос хусусиятларидан бири ана шу фазилатида равшан намоён бўлади.

Максад Шайхзода фалсафий шеъриятининг мундарижасини нималар белгилайди, деган савол ўз-ўзидан кўндаланг бўлади. (Бу ўринда “Мирзо Улуғбек” трагедияси, “Жалолиддин Мангуберди” шеърий драмаси, “Тошкентнома” лирик достони, “Хиёбон”, “Йиллар ва йўллар туркумлари ҳам назарда тутилаётир.)

Маълумки, фалсафий лирика моҳиятини ташкил этган масалалар табиат – жамият – инсон ўртасидаги алоқаларни акс эттириш орқали юзага чиқади. Лекин ҳаёт ва ўлим, борлиқ ва йўқлик, фано ва бако, кун ва тун мавзуларида шеър битишнинг ўзи фалсафий лирика намунаси яратилди, дегани эмас, албатта. Ҳамма гап, ушбу йўналишдаги асарнинг савияси ва даражасида, шу жумладан, шеърда умуминсоний мазмун мавжуд бўлишидадир. Фалсафий шеър мундарижасини белгилаган фикр шоирнинг шахсий-ҳаётй тажрибаси ва кузатишларидан, ҳаёт – умр – тириклик, инсоний бурч

ва масъулият ҳақидаги тасаввур ва түшунчаларидан, хис-түйғуларидан сизиб чиқади. Бу ўринда шахсий-хаёттый тажриба авлодлар тажрибасининг кизиқин ва идеалининг, фикр-кечинмаларининг ифодаси (инъикоси)га айлансагина умумбашарий мазмун қасеб этади. Умуминсоний мазмун – ҳар бир шеър зиммасига юкландын ғоявий-эстетик максад билан бевосита боғликтанда ўзага чиқади.

Умуминсоний қадриятлар ёкланган, алканган мазмун фалсафий лириканинг асосий мундарижасини ташкил этар экан, бокий мавзулар (әзгулик ва зулм-залолат, садоқат ва хиёнат, севги-мухабbat ва макр-риё, бокийлик ва онийлик сингари) унинг ўзига хослигини таъминлади. Максуд Шайхзода яратган фалсафий шеърият намуналарини классик, замондош (Ойбек, Ф.Гулом, Миртемир, Аскад Мухтор), рус (А. Твардовский, А.Ахматова, Е. Винокуров) ва жаҳон халқлари шоирлари (Нозим Ҳикмат, Ҳусайн Жовид, Пабло Неруда, Самад Вурғун, Халил Ризо, Э.Межелайтис, О.Вацисетис) яратган фалсафий шеър намуналари билан қиёслаганда қайси хусусиятлари билан ўзига хослигини намойиш этади. Айнан шу ўринда бош масала – миллийлікка келиб туташади. Бокий мавзуларнинг ҳар бир даврдаги бадий талқини шоир дунёқараши ва бадий тафаккур тарзидан, замон воқелиги, жамият ва инсон талқинла-хуласаларда, эстетик баҳоларда инкишоф топади.

Ҳамма даврда ҳам шоир дунёқарашига, бадий-эстетик тафаккур тарзига таъсир кўрсатиб турувчи ижтимоий-сийесий шароит, ҳалқ хаётини, жамият тараққиётини сингари устувор омиллар бўлади. Ана шу хаёт, маънавий эҳтиёж тақозосига кўра шеърият тириклик мазмунини ва хаёт муаммоларига жавоб излашга йўналтирилади. Ба-

Бадий сўз эстетикаси

дий тадқиқотчиликда табнат – жамият – инсон билан боғлиқ ижтимоий-ахлоқий масалалар кенг ишланиши шундан. Фалсафий лириканинг публицистик рух билан йўғрилган намуналарининг юзага келиши табий ҳол. Фалсафий лирикадан балқиб турувчи публицистик рух тарғиб-ташвиқотга каратилган шеърлардаги декламация – хитоб – хайқириқдан фарқ қиласди.

Фалсафий мазмунининг публицистик ифодага йўғрилган мураккаб синтезини намоён этувчи М.Шайхзода шеърияти ибратлидир. И.Гафуров унинг том маънодаги файласуф шоир сифатидаги бадиняти моҳиятини очиб беради. Турли йилларда ёзилган шеърларини (“Кураш нечун”, “Бош масала”, “Шонир қалби дунёни тинглар”, “Соҳиlda ўйланишлар”, “Дунё бокий”, “Қуёш, оқшом ва дengiz”, “Қўрининшлар” ва х.к.) таҳлил қилиш асосида фалсафий маънолар силсиласини кузатади (“...Жамият ва кишилик ҳаётини ҳақида кенг тафаккур қилувчи, оламни унинг диалектик силжишлари, тараққиётини минида кабул қилувчи ва унга том лирик планда эмас, кенг фалсафий йўналишда ёндошувчи, аks этирувчи шоирга кўпинча файласуф шоир деймиз. ...Файласуф шоир ҳаёт конуниятларини теран англаб, уларни бадиий ҳал қилишга интилувчи сўз санъаткоридир”)<sup>1</sup>.

Олим М. Шайхзоданинг файласуфлик даражасини англатиш учун “Мени ака дейдилар” шеърига мурожаат қиласди. Шеър сиртдан караганда оддий, кундалик, ҳар биримиз кўриб, билиб турган умрнинг ўткинчилигига бағишлилангандек туюлади. Ҳа, инсон хоҳлайдими, йўқми, ёшлик ўтиб кетаяпти. Ёшлик зўр, у кунларни тўхтатмоқчи бўлади. Лекин кунларни – замон дарёсини тўхтатгувчи куч йўқ экан. Шоир шу хотима билан

<sup>1</sup> Иброҳим Гафуров. Ўрток шоир (Максуд Шайхзода ижоди). Т., 1975 (келтирилган мисолларда ушбу нашр саҳифаси матида кўрсатилади).

чекланиб қололмайди. Чунки фикрда ҳали ҳикмат, теран маъно кўринмайди. Шоир ўз ижодий йўсини – одати бўйича масала моҳиятига чукурроқ киришади. Унинг қўйидаги иқори бизни тириклик мазмунига яқинлаштиради (“Созу сухбат мавзуи эмас, кишиликдир ўйлаган ўйим”). У ўткинчи умрлар мазмундорлиги билан боғлиқ бадий якун-хулоса (“Мана шу аник ифодаланган қисқагина фикрда фалсафий лиrikанинг моҳияти очилгандай кўринади. Фалсафий лирика – бу кишилик тақдири ҳақидаги ўйлардир. Бу – умрнинг таянч нуқтасини топишга уринишдир. Бу – муаммолар қўйиш ва муаммоларга жавоб излашдир”, 15-бет). Бу – олим кузатишлидан юзага чиқаётган илмий-назарий умумлашма.

Недир, недир ҳаёт мантиқи?  
Ўсиш, кариш конуни нега?  
Кўпларни мен ака дер эдим,  
Энди мени дейдилар ака!

сатрлари таҳлилига таяниб М.Шайхзода лирикасининг фалсафий мазмунини очишга муваффақ бўлади (“Кўринишда оддий ҳаёт фактларидан теран тафаккурга, нарсаларни йирик планда тасвирлашга ўтиш, умр соҳиларидан бошқалар ҳаёлига келмаган маъноларни излаш – Шайхзода лирикасининг ўзига хос томонларидир”, 16-бет).

Олим М.Шайхзоданинг сиёсий, фалсафий, нотиклиқ (ораторлик) лирикасининг омухталашган синтезини кузатаркан, тоза-музайян сатрларга сингдирилган фасоҳатни, ҳаётни ҳаққоний куйлашлиги, кишиларда ёруғ туйғуларни ўстириши, олийжаноб ишларга рағбатлантириши сингари олийжаноб хислатларни кўради. Ижтимоий фикр, ҳикматли мазмун илдизларини вое-

ликдан, замондошлари турмушидан излайди, топади. Суматранинг (Индонезия) қаҳва далаларида эзилган қашшок дехқондан тортиб Тошкент шимолида туғилган, келажаги нурли гўдакнинг ҳаётигача, рақамлар поэзиясидан тортиб кўк чойнинг ўткир таъмигача – шоир шеърлари мундарижасини белгилайди.

ИброҳимFaфуровнинг “Ўртоқ шоир”, “Прозанинг шоири”, “Зулфия ҳақида уч мақола”, “Максуд Шайхзода”, “Истеъод қанотлари”, “Мехр самаралари”, “Мунаввар қалб” ва ҳ.к. ўнлаб тадқиқот-мақолаларини бирлаштириб турувчи етакчи омил – олимнинг текшириши методидир. Яъни, М.Шайхзода, Миртемир, А.Қаххор, Зулфия, Э.Воҳидов асарларига биографик планда ёндошиш йўсинидир. Хусусан, у сўз санъаткорларининг бадий асарларини, шу жумладан, поэтик асарларини ҳам ўз ижодкоридан айри тушунмайди. Яъни, поэтик асарларни шоирнинг шахсияти, дунёқараши, эстетик принциплари билан боғлиқ тадқиқ этади. Шоир шеърларини таҳлил этганда, аввало, уларни муайян характернинг намоён бўлиш шакли тариқасида ўрганади. Шу асосда шеърнинг ижтимоий-бадий аҳамияти, вазифаси хусусида фикр юритади. Тадқиқотчи М.Шайхзоданинг бадий етук асарларида шоир шахсиятининг бир бўлагини, поэтик “мен”нинг бир қиррасини кўришга ва бу нарсани ўқувчиларга ҳам кўрсатишга интилади.

Шоирнинг “Хиёбон”, “Дунё бокий”, “Янги одамлар”, “Мирза”, “Излар”, “Бу – қўшиқ”, “Эсимдадир”, “Ўлмас…”, “Ҳайкал олдида”, “Уч хат”, “Қуёш ашуласи”, “Символ”, “Йўл” сингари латиф шеърларининг юзага келишида, “Тошкентнома”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Мирзо Улуғбек” каби муҳташам асарлари яратилишида М.Шайхзода қалбининг муҳрларини, шахсиятининг ёниқ белгиларини аниқ далиллар орқали

тасдиқлашга муваффак бўлади. “Шайхзода шеърининг гражданлик ва публицистик кувватини оширган белгилардан яна бири – унинг нотиқлик хусусияти билан ажралиб туришида кўринади” (21-бет). Айнан шунда Шайхзоданинг фикрда кенгликлар шоири эканлиги аёналашади. Кенглик деганда кенг хаёл қилишни, бугунни ва келажакни ўйлашни англайди. У, таъбир жоиз бўлса, игна кўзидек жойдан түядек фикрни ўтказа олади. Бунга у мунтазам ассоциатив фикрлаш туфайли эришади.

Соҳил нукул одамзодга  
Тафаккурни, ўйлашни талкин айлар.  
Ер юзида ҳар хил, ҳар хил жойлардан  
Фалсафага кўпроқ майил бўлган жой –  
Соҳиллардир, соҳиллар!..

Соҳиллар – шоир ижодида, таъбир жоиз бўлса, фалсафий рамзга – кимё тошига айланади. “Ҳикматнавислик Шайхзода учун тасодифий ходиса бўлиб қолмади; балки бутун умр давом этди. Уни файласуф шоир даражасига кўтарган омиллардан бири ҳам шу ҳикматпастлиги бўлди” (49-бет). Шоирнинг “Севги ва тинчлик” шеърини таҳлил киларкан, ишқ-мухаббат фалсафий тушунча даражасига кўтарилди, дейди. Севган қалб орзуларидек, умумхалқ орзулари башарият умидларидек англашади. Шоир баҳшининг тинчликдан баҳра олиб, шўх термалар яратишини, наққошлар биноларга баҳорий севинчлардан туғилган безаклар такишини, бўз ерларда поёнсиз нон денгизи тўлқинланишини истайди. Лирик қаҳрамон орзулари тобора кўламлаша беради (“Истайманки, одам бўлсин бокка намуна, Салом бериб, салом олсин ўлкалар иноқ. Истайманки, қопламасин ойни калхатлар, Япрокларга кўниб тушсин шудринг бехатар. Истайманки, яхшиликлар қолсин эсадлик, Йигитга ишқ, кариларга осойишталик”).

Инсоннинг инсонга нисбатан бекам-кўст ишончга эга бўлиши шеърнинг тўлиқ мағзи-мазмунини белгилайди. Максуд Шайхзода ижодий шахсиятининг шаклланишида, бадий маданияти камолотида музайян боскич бўлиб хизмат қилган асарларининг бадий ният сифатида туғилишига, ёзилишига замин ҳозирлаган реал вокеа-ходисаларга кенг ўрин беради. Рисоланинг “Ҳаёт саналари”, “Ахтариш ва юксалиш”, “Воқелик ва шеър”, “Шеър қаҳрамони – тириклик дәҳқонлари”, “Достон ҳаваси”, “Тарих варақлаганда” фасллари завқилҳом билан ёзилган. Шоир бадииятини ёритиш баробарида заргарона сўз танлаш ва қўллаш маҳорати ҳам очилади. Улар М.Шайхзоданинг ижодий эволюциясига доир оҳорли кузатишлардир. Таҳлилларда шоир ижодий сиймосини ёритувчи белгилар кўз олдимиизда суратланади. М.Шайхзода ижодий шахсининг шаклланиши, изланиш йўллари, илк ижодининг куртак ёзиншию такомил боскичлари билан узвий акс эттирилган. Ўқиши-ўрганишда кечган 20-йиллар, ижодий камолот даври – 30–40-йиллар адабий-маданий ҳаёти саҳифалари ўқувчига янги маълумот, фактлар беради. Адабий тасаввуримизни бойитади, тушунчамизни кенгайтиради.

М.Шайхзоданинг ижтимоий-фалсафий лирикаси, манзумалари, балладалари, “Ўртоқ мулк”, “Чироф”, “Мерос”, “Тупрок ва ҳак”, “Нурмат отанинг туши” сингари достонлари, “Боғистон” қасидаси бадий-эстетик тафаккуримизда нуфузли ўрининг эгалиги далилланади. Энг муҳими, Максуд Шайхзоданинг шахсий ҳаёти, ижодий такомилида воқеликнинг жонбахш нафаси саҳифадан уфуриб туради. Шу асосда ўзбек бадий маданиятининг ривожланиш боскичларидан ҳам муайян даражада боҳабар бўламиз.

Максуд Шайхзоданинг ижодий камолоти уч омил билан боғлиқ акс эттирилган. Биринчидан, республи-

камизнинг ижтимоий маданий-адабий ҳаёти билан камарбаста кўрсатилади. Иккинчидан, республикамизда адабий-маданий мухитнинг шаклланиши, ривожланишидан вокиф бўламиз. Учинчидан, халқимиз бадий-эстетик тафаккури тадрижидан хабар топамиз. М.Шайхзода асарларининг бадий нафосати табиатдаги ранглар қўшиғини, садолар рангини нозик хис этиш асносида ёритилади. Табиат гўзаллиги руҳоният – туйғулар мазмунига эш (“Тошкентнома” – “Шарқнинг ёруғ деразаси” таърифиға шоирона кечирилган минг кеча ҳам камлик қиласидан Ўзбекистон пойтахтининг ўтмиши, бугуни, келажаги ҳақида ёзилган асаддир. Достон ўн саккиз бобда – шахримизнинг ўн саккиз ажойиботи, ўн саккиз олами ҳақида даврий ранглар, ритмик ўзига хосликлар билан ҳикоя қиласиди... Шайхзода қадим Шош – бугунги қайнаган шаҳри муazzамнинг улкан шеърий биографиясини яратиб, адабиётдагина эмас, маданият соҳасида ҳам унутилмас хизмат қиласи”, 61-бет).

И.Фафурининг Ойбек (“Шеърга сочилиган юлдузлар”, “Ҳақ сўз бокий”), М. Шайхзода (“Шайхзода – интеллект тажассуми”, “Ўртоқ Шайхзода”, “Мақсад Шайхзода”), Fafur Fulom (“Fafur Fulom, боғ ва қуёш”) каби тадқиқот-мақолалари илмимиз шоирининггина эмас, адабиётшуносликнинг ҳам жиддий ютуғидир. Бу – фалсафий лириканинг нотиқлик санъати билан боғлиқ тансик саҳифалари; илмий тафаккур ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилгани тасдиғидир.

Демак, Мақсад Шайхзода ҳикматли шеъриятининг фалсафий мазмунини белгилаб берайтган омил табиат – жамият – ахлоқий қадриятлар (имон, эътиқод, виждон) омухталигидан вужудга келади. Ҳаётнинг боқийлиги инсон фаолиятининг гўзаллиги, виждон башарият учун бирдек олий мезон эканлиги билан асосланади (“Шоир

фикрининг кўламини беришга ғоятда моҳир. Унинг фикри доимо яккадан кўпга, сифатдан натижага, имкониятдан амалга томон ривожланиб боради”)<sup>1</sup>.

“Дунё бокий” туркумининг образлар тизими, ифода усуслари (ўхшатиш, рамз, тахайолли – ассоциатив тафаккур) фалсафий-бадий умумлашмалар бокий башарий қадриятлар талқинига қаратилган. Шоир эътиқод килган, илгари сурган, умри шомидаги фалсафий қарашларининг якуни сифатида ўрганади. Дунёнинг бокийлиги устида ўй сураркан, шоир шеърлари шу маънони тасдиқлашга йўналтирилган. Туркумга киритган шеърларида шоир босиб ўтган ҳаёт ўйлини (“Туш”), куйчиларнинг умрини (“Хофизнинг иккинчи умри”), айриликлар дардини (“Айрилик”, “Faфурга”), инсон умрининг бокийлигига тимсол бўлувчи денгиз, қуёш, ой, ўрмон, бўса ҳақидаги ўйларини (“Қуёш, оқшом ва денгиз”, “Қуёш билан ой”, “Бўсанинг уруғи”), ахлоқий-эстетик қарашларини (“Камтарлик”, “Қалам”, “Кашф”, “Масал ва висол”, “Денгизнинг ахлоқи”) оқ қоғозга тўккан.

Шу асосда Максад Шайхзода шоир донишманд шоир эканлиги ёркин тажассум топган. Кўйилган масалалар шоирининг фалсафий тафаккури ниҳоятда серқамров бўлганини, замонамизнинг энг долзарб муаммолари банд этганлигини кўрсатади (“Мақсад Шайхзода шеъриятида умр ҳақида чуқур ўйлар баланд публицистик пафос, сиёсий теранлик билан, ҳалқ ижодига хосликлар, табиат лирикаси, интим лирика ўзаро чамбарчас боғланиб кетади. Унинг лирикасида буларни алоҳида-алоҳида ажратиб қараш қийин... Зотан шоир шеърияти инсониятга, унинг манфаатларига хизмат қиласидан, шундай манфаатларни кўзлайдиган бадииятдир. М.Шайхзода

<sup>1</sup> Иброҳим Faфуроғ. Жозиба. Адабий бадиалар. Тошкент, 1970, 110-бет.

да поэзиясидаги фалсафийлик ҳам мана шундан келиб чиқади”<sup>1</sup>.

ИброҳимFaфуров “Faфур Fулом, боғ ва қуёш” маколасида ўзбек фалсафий шеъриятининг яна бир муҳим жиҳатини ёритишга муваффақ бўлган. Хусусан, шоир Ўзбекистоннинг мужассам тимсоли, ўзбек элининг комил виждони бўлиб қалам тебратгани асосларига ургу беради (“Боғ – Faфур Fулом шеъриятида ҳаётнинг абадий яшил шукухи. Боғ – инсон қалбининг гўзаллик рамзи”)<sup>2</sup>.

Кўзимиз ёриди, кўрдим оламни,  
Шунчалар жамоли бор экан ернинг,  
Аклнинг довдираб қолиши мумкин,  
Ташаккур айтишга нима ҳам дердинг.  
Майнинг тўккизида гилос ҳам пишди,  
Уни эккан эдик ўтган Наврўзи.  
Маърифат боғида, ростини айтсам,  
Жаҳон боғбонининг ўзимиз, ўзи.

Шоирнинг боғ ва қуёш рамзига айланган шеърларида ҳаёт, табиат хоссалари хикматга йўғрилиб теран фалсафий мазмун касб этади. Боғ, дов-дараҳт, мева ҳосили, табиат ранглари, лирик қаҳрамонни олам ҳаёти, одам тақдирни ҳақида фикрлашга ундейди. Боғ – тириклик, бунёдкорлик, гўзаллик тимсоли. Шеърда инсон ва табиат чамбарчас боғлиқ намоён бўлаётir. Баҳор оғушида, боғ кучоғида яшнаган кўм-кўк ранглар талоши, ариқдан шилдираб оқкан сувнинг зумрад тўлқини, чарлаган қуёш, майсазор далалар боғга туташ; манзарали кечинмалар боғ гўзаллигини, ва шу баробарида, боғбон маънавияти, ҳаёти таровати чиройини тайин

<sup>1</sup> Иброҳим Faфуров. Ўртоқ шоир, 96-бет.

<sup>2</sup> Иброҳим Faфуров. Faфур Fулом, боғ ва қуёш. Сўзбоши. Faфур Fулом. Викор. Лирика. Тошкент, 1980, 6-бет.

этмоқда. У боғбоннинг ижодкор меҳнати билан боғлиқ яшиноклик тимсоли бўлиб қад ростлаётir. “Шеърга тирикликнинг абадий рамзи бўлган чаман шукухини уфуради” (И. Faфуров).

Англашиладики, ҳар бир бадий баркамол асарнинг ўзига яраша фалсафий мазмуни бўлади. Халқона хикматли фикр асарни ёза бошлишдан олдин ҳам, ёзаётганида ҳам, ёзиб бўлгандан кейин ҳам ижодкорни безовта килиб, кийнаб, ўртаб туриши тайин. Ана шу ижтимоий, фалсафий, бадий маъно оригинал, янги, теша тегмаган бўлмаса асар сиёҳи куримасдан бурун эсдан чиқади, на зардан колади. Бош фикр, ҳаёт фалсафаси – чўғ. Китобхон кўнглига кўчиб, уни ҳам ёндиради. Бу – шеърдаги фалсафий маъно инсонпарварлик ғоялари билан, ҳаёт хикмати, бадий нафосат билан уйғунлашиб зухур топгани шарофатидир. Боғ шоир умидларига кувват беради. Бунда ҳар бир нарса ҳаётнинг устуворлигидан дарак беради. Боглар оталардан болаларга қолади. Маърифатли ота ўз фарзандида удум ва мерос туйғусини уйғотади. Уни боғбон бўлишга, ҳаётни севишга, яратишга, боболарнинг энг куттуғ удумларини сақлашга ундейди. Шоир учун данак ҳаётнинг абадийлиги рамзи (“Ё, ўғлим, жонгинанг саломат бўлсин, Ўз боғинг, ўз меванг, данагин сакла. Шу мерос боғингни ўз кўлингга ол, Менга топширилган меросий ҳак-ла”).

F. Fулом шеърларида (“Гулхона”, “Баҳор тўлкинлари”, “Сизга”, “Вакт”, “Буқун чин арафадир”, “Куз келди”, “Сиёҳдон”, “Кузатиш”) боғ – Ватан тимсолида талқин этилади. Боғсеварлик – бу ҳаётсеварлик, оталик ва қуёшсеварлик туйғулари билан чамбарчас боғлиқ. Шоир қуёш билан сұхбатлашаркан, қуёшни тириклик рамзи деб билади. Қуёш унинг фалсафий муҳокамалари, наслига бўлган бекиёс муҳаббати тўлқинига сингиб

кетади. Умрларни эзгулик учун, гўзаллик бунёд этиш учун сафарбар этиш шоир шеъриятининг фалсафий мазмунига айланган. Ҳар бир шеъри ана шу етакчи бадиий-фалсафий концепциянинг турфа кирраларини ёритишга йўналтирилган.

F.Фулом шеърлари замонга муносиб бўлиш, боғбонлик шаънини юксак тутиш, қуёш ўғлони эканлигини алқаш ва оқлашдек ҳаётбахш маърифий ғоялар билан сугорилган. Алоҳида йўналиш касб этган фалсафий лирикаси учун образларнинг сермаънолиги, рангдорлиги ва бўёқдорлиги хос хусусият хисобланади. Ҳаётнинг ўзидан андоза олганлиги, шоир шахсияти ва эстетик карашларидан қувватлангани, она юрт манзараларидан оро топганлиги билан эътиборлидир (“Қуёш – ҳаёт нашидаси билан тўлган юракнинг, баҳтнинг, табассумнинг, кутлуғ ва барҳақ абадиятнинг рамзи. Faфур Fулом назарida у мураббий... Шунданмikan, шоир шеърларига худди қўёшнинг кирраси тегиб ўтгандек кўринади. F.Фулом шеърининг викори, ҳаётбахшлиги, ўлмаслиги шундан”, 13-бет).

Faфур Fуломнинг бадиий-эстетик тажрибасига таяниб, фалсафий лирикасида илгари сурилган ғояларга асосланиб Иброҳим Faфурор мухим илмий умумлашма-хуносаларга келади. Хусусан, шоирнинг фалсафий мазмунга йўғрилган шеърияти баҳарий, маънавий-ахлоқий қадриятлар (гўзаллик ва хунуклик, ҳақиқат ва қабоҳат, умрлар иқболиу заволи)ни эстетик тажрибаларидан тўйинган сахифалар теран мазмундор. Мутафаккир Гегел “Эстетика” асарида таъкидлагандек, шеърий хикмат ҳаёт ҳақиқати ва ахлоқий мухокама-мушоҳадалар билан омухталиқда яхлит бус-бутиун намоён бўлади. Ва шу тариқа мазмунли воқелик бўлиб қолади.

Мазкур жараёнда табиат ҳодисалари, деталлари, ранглари, манзаралари бадиий ҳақиқатни тасдиқлашда, F.Фуломнинг гўзаллик ва эзгулик, умрнинг маъно-моҳијати, тонгларию шомлари ҳақидаги ижтимоий-фалсафий концепциясини ёритишда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қиласи. Бу – F.Фулом фалсафий шеърларининг ажралмас, таркибий қисмини ташкил қиласи.

### Бадиий фикр такомили ва туйғулар тадрижи

Иброҳим Faфурор эстетик ғояларининг янги ва оригиналлиги таҳлилларида, тадқикотларида мухим фазилатлар сифатида бўй кўрсатади. Хусусан, ижодкор маҳорати асар бадииятининг таркибий қисми, ўзак асоси эканлигини туйдиради. Ана шу жараёнда ўкувчидаги тадқикот предметини, бадиий адабиётни чукур хис этиш, идрок килиш малакасини ўстиради. Хусусан, шеърни ўрганган рисола, мақола ва тадқикотларида бадиий фикр такомилини туйғулар динамикаси асосида ёритишдек маҳорат белгиларини кўрамиз. Бунда поэтик материални шоир шахсияти билан узвий ўрганиш тамойили намоён бўлади. “Зулфия ҳақида уч макола” (“Шеъриятдан туғилган иқбол”, “Ишқ қалам тебратади”, “Юракдаги маърифат”)<sup>1</sup> асари ушбу йўналишдаги характерли тадқикот. Уларга Зулфия ижодий такомилининг уч боскичи асос қилиб олинган. Яъни, XX асрнинг 30-йиллари, илк китоби (“Ҳаёт вараклари”, “Қизлар қўшиғи”, “Хулкар”)да ниш урган, бўй кўрсатган фикрчан туйғулар йиллар ўтган сайин такомиллашиб борганингини нозик илғаб, кузатишларга асосланиб кўрсатади.

<sup>1</sup> Иброҳим Faфурор. Ям-яшил дараҳт. Адабий-танқидий маколалар. Тошкент, 1976. 180–203-бетлар (Иқтибосларда ушбу нашр сахифаси кавсда кўрсатилади).

“Ишқ қалам тебратади” фаслида шоиранинг 40-йиллар – уруш даври лирикасидаги түйғулар маданияти үрганилади. “Юракдаги маърифат” фаслида 60 – 70- йилларга келиб қасб этган нурпош фазилатлари палакдаги камалак жилвалари тимсолида ёритилади. Шоиранинг илк изланишларида зухур топган, табиат хоссалари уйғотган завқ-сурур түйғуларининг хаётый илдизларига, реал воқелик манзараларига дикқатни тортади. Баҳор, саррин еллар, борликдаги жонланиш ва ороланиш, чечаклар, япроқлар кипригиде товланган ой шуғылалари, офтоб нурлари, сойлару арикларда шошиб-жүшиб окқан, қирғокларидан тошган сувнинг дилтортар табассумлари шоира күнглига сингишади. Дил-дилидан түлкін уриб келган кечинмаларга туташиб, мавжланади. Улар шеърларига күчіб ўтади (“Зулфиянинг илк шеърлари жудаям манзарадор. Уларда табиатнинг масарратга тұлған манзаралари нурли бир нигоҳ билан кузатилади. Табиат идиллияси акс эттирилади. Ёш шоиранинг ташбеклари ва сифат тавсифларида ҳам табиатта ошуфта бир одамнинг күз карашлари акс этади”, 183-бет).

Зулфия ижоди ҳакида күплаб рисолалар, монографиялар, ижодий портретлар, юзлаб маколалар ёзилған, диссертациялар ёкленген. Бу борада атокази адабиётшунослар Озод Шарағиддинов, Лазиз Қаюнов, С.Мамажонов, У.Норматов, А.Акбаров, М.Султонова, Н.Владимирова, Ҳ.Умурев ва х.к. олимлар асарларини таъкидлаш жоиз. Мазкур силсилада Иброҳим Фауров тадқиқотининг файзли ўрни, салмоқлы салохияти бор. Чунончи Зулфия лирикасидаги дил әркинлиги масаласи табиат-жамият билан узвийликда таҳлил этилади. Биринчи галда шоира шахсиятининг тажассум топишидаги түйғу-тафаккур ҳаққонийлигига дикқат-эътибор беради.

Инсон күнгли – Аллоҳнинг сири, дейди ҳазрат Алишер Навоий. Зулфиянинг илк ижоди соғлом, пок рухи билан эл-юрт назарига тушган эди. Ана шу маъсудлик, соғломлик, рухий етуклиқ буткул шеърияти учун хос хусусият бўлиб қолди. Иброҳим Фауров кузатишларида Зулфия лирик қаҳрамонининг руҳоний маданиятида намоён бўлган маънавий-ахлоқий тўқислик бадииятнинг муҳим унсурлари сифатида дарж этилади.

Кўк баҳмалга гуллар бурканган,  
Лаб очмаган, булбул ўпмаган  
Кўзим тушди олма гулига,  
Дедим: таксам энг гўзал бирин –  
Сўйлаб берса... менинг чаккамда  
Дилбарлигин, гўзаллик сирин.

Шоиранинг “Баҳор кечаси” шеъридан олинган ушбу парчани таҳлил қиласкан, поэтик образларнинг оригиналлиги (олма гулининг лаб очмаган, булбул ўпмаган ҳолати), охорли оригиналлигига нафис бадиият жозибасини кўради. Ана шу ҳиссиётда ҳам ҳаёт ҳақиқати, ҳам түйғулар ҳаққонияти мужассамлигини кузатади. Табиат хоссаларининг малоҳати, шоира шахсияти билан уйғунлигидан тугилған реал сатрлар бадиияти шоиранинг нурли маҳорати самараларидир. Бадиий идрок ва ифоданинг табиий, самимий ва ҳаққонийлигига оригиналлик, янгилик намоён. Шоира шеъриятининг бадиияти айнан ана шу аломатларда инкишоф топаётир.

Мавжуд янги бадиий талқинда ўқувчи күнглини шопириб, түйғуларини тошириб юборадиган мафтункорлик бор. Мунаккид асар бадиияти айнан шу ҳаёт ҳақиқатидан сизиб чиқаётир, дейди. Санъатдаги ҳақиқатда түйғу-кечинмаларнинг табиийлиги, самимийлиги ва ҳаққонийлиги мужассамлашган; бадиий маҳоратнинг

жозиб кучи яширинган, дея уктиради. Демак, асар бадиияти, санъатдаги бадий нафосат ҳаёт хакиқатидан сизиб чикканлиги боисидан ҳам умрзокдир. Шу майнода санъатдаги гўзаллик қотиб колган тушунча эмас. Биргина табиат хоссаларини оладиган бўлсак, фасллар алмашиниши табиий ранглари, холатлари, манзараларига янги-янги маънолар юклайди. Бу эса бизнинг онг-шууримизда янги кайфият, таассурот, тахайолларни вужудга келтиради. Бу демак, ранг-бўёклардаги гўзалликнинг мазмун-моҳияти янада хилма-хиллик, теранлик, шашадорлик касб этаёттир. Бу нарса ижодкорнинг бадий маҳорати кирраларини таъминлайди. Демак, санъатдаги гўзалликнинг жозиб маънодорлиги ортаёттир.

Шоира шеърларидаги бадий нафосатнинг таъсир кучи-куввати шундаки, табиат хоссалари инсон муносабати орқали юксак гуманистик – одамийлик хислат-фазилатларига эга бўлмоқда. У эса, ўз навбатида ўқувчи онги-шуурини юксалтираётир, кўнгилларни маърифатли килаётир. “Зулфиянинг ўттизинчи йилларда яратган энг яхши шеърларида жуда тоза, бокира интилишлар, бокира туйғулар мавжланиб туради, – деб ёзади И.Ғафуров “Шеъриятдан туғилган иқбол” мақоласида. – Зулфиянинг ilk давр шеърларида баҳор, майин еллар, боғларда очилган чаман гуллар, чечаклар япрокларida жилваланган ой нурлари, офтобнинг ҳаётбахш шуълалари тасвирланади. Нимаики тоза, беғубор бўлса, ёш шоиранинг ҳаёли шунга мафтун бўлади, мафтунлиги шеърга қўчади”.

Мунаққид шоира шеърларидаги поэтик нигоҳнинг оригиналлиги, оҳорли ва тинклигини шеърларига кўчиб ўтган табиат жилваларининг туйғулар нафосатида кўради. Ҳаётнинг тонгдек бокира мусаффолигида аёл қалбининг мавжланган тўлқинларини туди. Ана шу

вокеликда ўзини эмин-эркин ҳис этаётган лирик қаҳрамон кечинмалари одамга бўлган катта хурмат-эътибори, гуманистик мазмуни билан ҳам жозибdir (“...шеъриятида аёл қалбининг: киз, хотин, она қалбининг нозик кечинмалари, орзу-умидларини очиб беради”, 185-бет). Зулфия ўзбек аёли қалбининг куйчиси эканлиги, кечинмалар тарзи тор-субъектив эмас, аксинча, ўзбек аёли тақдири ва иқболининг бадий тарихига айланганлиги ни кўрсатади. (“Шу томирда халқнинг тоза қони оқади; бу қон гўзалликда бехудудлик, рангинликда бепоёнлик, оҳангларда беназирлик, тафаккурда теранликни шакллантиради... Ром қиласи, олийжанобликка, эзгуликка ундаиди”, 181-бет.)

Мунаққид Зулфия бадий маҳоратининг тобора тобланиб, чархланиб боришида орттирган янги сифат белгиларини дарж этади. Хусусан, уруш даври лирикаси (“Палакдаги офтоб” фасли) фожий оҳанглар билан йўғрилганига, фалсафий мазмун ила тўйина борганлигига дикқатимизни тортади. Ватан туйғуси дил эркинлиги, ҳар бир қарич тупрокни азиз-мўътабар, кўзларга тўтиё деб билиш сингари кечинмалар ила қуюқлашади. (“Сен хур бўлганинг-чун нафасим хурдир”). Вафодорлик, садоқат алқанган сатрлар ижтимоий мазмун билан, зулм-зўравонликка, адолатсизликка карши қаратилган шеърлари эса фалсафий маъно билан кувватланди. Шоиранинг “Янги йилдай узун бўлди тун”, “Хижрон кунларида”, “Сенинг тонгинг” каби шеърлари таҳлили асосида дардошлик туйғуларининг суратини чизади. Инсон қалбининг беҳад чукур ва нозик кечинмаларини, севган аёл қалбининг дардли тебранишларини ифодалаб, Ҳамид Олимжоннинг ёрқин сиймосини яратганлигини айтади (“...қалбда хижрон билан ҳаётни куйлади. Шунинг учун унинг шеърияти мискинлик ва бенаволикдан ғоят

йирок, ҳаётбахш ғояларни тарғиб килувчи шеърият каби кишилар қалбида акс-садо топди”, 188-бет). Түйғулар тадрижини кузатиш олимга поэтик материални янги нұктай назардан таҳлил этишга асос беради.

Хусусан, Зулфия лирикасида маънавият ва баҳт масаласи янги бадий талқинлар хисобига бойиди. Халқимиз маънавиятининг бойлиги жиҳатидан дунёга устоз. Маърифатсиз баҳт бўлиши мумкин эмас, дейди шоира. И.Фауров Зулфия шеъриятынинг касб этган янги хусусиятларини кузатади: Ҳамид Олимжон баҳт-шодлик куйчиси эди; шеъриятида кўтаринки рух етакчи. Зулфия ижодида Ҳамид Олимжондаги мазкур бадий патфос давом эттирилди. Бу нарса вокеликнинг зиддиятли, фожиавий томонларини кўрсатиш орқали маънавий гўззалликни, ҳаётни улуғлашда намоён бўлади.

Зулфия шеърларида фожиавийликни келтириб чиқарган нарса, шахсий ҳаёти билан боғлик. Яъни, турмуш таянчи Ҳамид Олимжоннинг фожиали ҳалокати Зулфия шеъриятида туйғу-кечинмалар драматизмини кучайтириди. Ана шу автобиографик асоснинг кучлилиги, фожиавий оҳангнинг баландлиги Зулфия шеърларидаги ўзига хос вокебандликни, миниатюр сюжетликни юзага келтириди. Олим шеъриятынинг том маънода субъектив ҳодиса эканлигига дикқатимизни қаратади. У шоиранинг вокеа-ҳодисалардан орттирган ҳиссий-интеллектуал тажрибалари жамғармаси, ҳаёт сабоқларининг муайян кўзгуси. Шу маънода шоиранинг шахсий ҳаёти, таржима ҳоли рангин қирралари билан сатрлар бағрига кўчиб ўтиши табиийдир. Ҳамма гап, ана шу ҳиссият ифодасининг хилма-хиллигига. И.Фауров Зулфия шеъриятидаги ана шу нозик ифода йўсунини кўрсата билган. Шоира рухониятидаги эврилишларни шеърларига кўчириши ижодида кескин кўтарилишни юзага

келтириди. Рухият ҳолатларини таҳлил қилиш орқали қалб ҳақиқатларини чукур ёритди, дейди олим.

И.Фауровнинг тадқиқот-мақолаларида “Хижрон”, “Ўғлим, сира бўлмайди уруш!”, “Кечир, қолдим ғафлатда” шеърлари таҳлили орқали лирик қаҳрамоннинг шоира шахсиятидан андоза олган маънавий жиҳатларини очиб беради. Лирик қаҳрамоннинг муносабати тасвирида, воқеанинг баён қилиниш оҳангига, унда ихчам шаклдаги тугун, кульминация, ечимнинг мавжудлигига сюжетлилк кўриниш беради. Лирик персонажлар “сен” ва “у” тарзида, кўпроқ “мен” – “сен” шаклида иштирок этади. Кейинги ҳолатнинг асосий ўринда туриши Зулфия шеърларидаги автобиографик вазннинг залвори билан боғлик.

Иброҳим Faуров шу тариқа Зулфия лирик қаҳрамоннинг маънавий-интеллектуал бойлигини, юксак ватанпарварлик жиҳатларини ёритади. Чунончи, геологларнинг иш юритишида яхши бир тажриба бор; у таомилга айланган, одат тусини олган. Хусусан, какра ўт, янтоқ, андиз ва х.к. гиёҳ-майсалар, ўсимликларнинг жойлашишига, қуюклиги ёки сийраклигига қараб янги-янги ер ости қазилма бойликларини аниқлашади, қашф этишади. Шунга монанд, Зулфия лирик қаҳрамони табиатида, тафаккур маданиятида зухур топган юксак маънавият бойлиги шоира шахсиятидан, қўнгил маърифатидан баҳра олишлиги, сув ичишлиги аён тортади.

И.Фауров шоира шеърларидаги туйғулар ифодасига тақинчоклар излаб ўтирмайди. Хушхол рухиятига мос хушхол мисралар топишилигини, тириклик, умр фалсафаси ила янгича мазмун-моҳият касб этганлигини “Гуллар очилганда”, “Сенинг мафтунинг”, “Палак”, “Сулув тонг”, “Она элда тўлишар баҳор”, “Тун” сингари қатор шеърлари таҳлили асосида далиллашга му-

ваффақ бўлади. Зулфиянинг 30-йиллар ижоди “Севинч билан тўлик лирика” (194-бет) бўлса, кейинги йиллар шеърияти ана шу баҳт, севинч фалсафасини эътиқод даражасига кўтарган тенглиқ, биродарлик, кардошлиқ ғоялари” (199-бет) билан бойитганини кўрсатади.

Зулфия лирикасида ўзак йўналиш касб этган ҳижрон, севги, баҳт фалсафасининг умуминсоний моҳиятида мумтоз шахс ва шоиранинг такорланмас сиймоси ифодаланган. Шоира шеъриятида абадий тирик севги ўз ифодасини топгани, у бағоят чукур шахсий ва теран умуминсоний бир рух касб этгани (202-бет) тасдиқланиди. Зулфия лирикаси қалб фаслларининг манзарали маънолари билан кўркамлашиб бораётгани илмий-наزارий умумлаштирилган. Ушбу манзаралар, чукур тафқур қобилиятига эга санъаткорининг мумтоз фикри, ўтқир хаёли, ёрқин ўйлари билан тўлган ранглар, кузатишлар эди, деган хulosага келади И.Фауров.

Демак, оригиналлик – янги руҳоният иклиmlарини кашф этишда, поэтик образлар индивидуаллигига зуҳур топаркан. Иброҳим Faуров бу ўринда поэтик сўз маданиятининг – Зулфия бадииятининг нафосати туйғулар ҳаётйлиги-ҳаққонийлигидан келиб чиқишини таъкидлаётир. Бу – ижодий индивидуалликнинг зоҳирий жиҳатлари. Сўз санъаткорининг шахсияти, эстетик принципларидан келиб чиққан нуқтаи назар оригиналлиги асосида лирик характерларни яратиш масаласи ҳам бор. Бунда истеъоддининг ўта субъектив хос хусусияти намоён бўлади. Юрак амри билан юзага келган туйғулар мазмуни шафқатсиз ҳаёт ҳаққини, фожиавийлик воқеликни эстетик баҳолашдаги нуқтаи назарига даҳлдор, дейиляпти. Бунда истеъоддининг ўзлигини намоён этётир, деган хulosага келади.

## ЭСТЕТИКА ГОЯЛАР ТИЗИМИДА ҚАҲРАМОН МАСАЛАСИ

### Лирик характер яратиш майллари

Иброҳим Faуровнинг “Лирикада инсон характерлари”, “Қаҳрамон ва муҳаббат”, “Фаол қаҳрамонлар даври”, “Гоялар ва қаҳрамонлар”, “Вактнинг қалби қаҳрамон”, “Адабий қаҳрамонларга хатлар”, “Шеърнинг қалбидаги қаҳрамон” сингари тадқиқот-мақолаларида эстетик гояларининг янги ифодаларини, қирраларини кўрамиз.

Шеър шайтоннинг қулидек тер тўкиш, захмат чекиши эмас, олийжаноб фикр ва туйғунинг омухталиги, илҳом деб аталган илоҳий ёруғлик самараасидир, дейди Иброҳим ака. Айнан ана шу баланд инсонийлик рутбасида, инсон манфаатлари ҳимоя қилинган мазмунда бадиият мужассамлашган.

Лирик характер табиатида шоир шахсияти ва тафқур маданиятининг ифодаланиши, поэтик образ ва образлилик, жанр ва услублар ранг-баранглиги сингари назарий масалалар омухта ўрганилган; миллийлик, эзгулик, адолат, гўзаллик сингари боқий қадриятлар талқини тажассум топган. “Шоир оламлар ичиди яшайди ва оламлар ҳосил қиласди, – деб ёзди мунакқид. – Бу оламлар ичиди биз шоир шахсининг ифодасига ҳам, шу шахс нафасидан шаклланадиган лирик қаҳрамон, лирик шахс, лирик характер кечинмалари дунёси, бадиий қиёфасига ҳам дуч келамиз. Уларнинг ҳаммаси автор онгини акс эттиради, улар шоир гояларининг реал ифодаси. Шунинг учун лирик шахс, лирик қаҳрамон, лирик ха-

рактер деганда, худди бир нарса ҳақида сўзланаётганга ўхшайди. Аслида улар бир-бирларига ўхшамайдилар”.

Ғафур Гуломнинг “Сен етим эмассан”, Миртемирнинг “Тошибу”, “Патти”, Э.Воҳидовнинг “Манфаат фалсафаси”, “Оқсоқол”, “Сен менга тегма”, А.Ориповнинг “Учинчи одам”, “Номаълум одам”, “Темир одам”, “Тарбия” каби шеърлари таҳлили мисолида лирик характер яратишдаги эстетик принциплар, улар табиатидаги тағовутлар, ўзига хос томонлар ёритилади. Ушбу жараёнда шеър назариясини бойитувчи муҳим умумлашма фикрлар баён этилади.

Хусусан, лирик характер яратиш шеър бадииятининг мезони ва асосий шартларидан бири сифатида кузатилади. Лирик характер орқали ҳаёт ва тириклик фалсафаси, инсон кечинмаларининг ранг-баранг камалаги яратилади. У шеър таъсирчанлигининг, бадиият дараҗасининг муҳим белгиси. Адабий жараённинг етакчи тамойилларини умумлаштириш бевосита шоирларимиз бадиий маҳоратини, ижодий индивидуаллигини, давр ва бадиий асар услубини назарий йўсинда ўрганиш махсусидир. А.Мухтор, Э.Воҳидов, А.Орипов асарларининг ижтимоий аҳамияти, бадиий-эстетик қиймати қайнок адабий жараёндан узилмаган ҳолда олинган. Эстетик таҳлил йўсини сўз санъаткорларининг адабиётимиз хазинасига, маънавий маданиятимиз тараққиётига қўшиб келаётган хизматларини дарж этиш имконини берган.

Шеърда фикр ва туйғу омухталиги қай тариқа кечади? Бунинг учун фикрнинг шеъриятда тутган ўрни ва мавқенини белгилаб олиш, табиатини аниқлаштириш лозим, дейди Иброҳим ака. Янаям муҳими, туйғунинг ўзи нима, деган саволга жавоб бериш лозим. Уни кўпинча хиссиёт, кечинма, эмоционал ҳолат, дея атаймиз. Бу бежиз эмас. Уларнинг фарқли ҳамда умумий

хос хусусиятларини тиниқлаштириш жоиз. Туйғу – юракка, фикр – аклга мансуб, деган таъриф ҳам бор. Улар объектив ташки омиллар таъсирида вужудимизда ўйғонган, вужудга келган ҳиссиёт. Кўпинча ташки таъсири натижасида фикр ўйғонади. Шу боисмикан, одам лабини кимтиб-тишлаб ўйга чўмади. Энди, вужудида кўзгалган ҳиссиётдан мутаассир одам каттиқ ҳаяжонга тушади; беихтиёр равишда кафтини кўксига, юрагига босади.

Шундан келиб чикиб Иброҳим ака нозик кузатишлиари билан бўлишади. Яъни, шеър туйғусиз – яланғоч фикрдан иборат бўлади; аксинча, фикрсиз куп-куруқ кечинмалар ифодаланган шеърлар ҳам уюм-уюм, дейди. Ҳар икки ҳолатда ҳам бадииятга путур етган. Шу боис шеърлар бадиий нафосатдан йирок, деган хулоса га келади олим. Қачонки фикр теран бўлиб ўй-кечинмалар унга эш экан, шеър бадиияти тўқис таъминланади. А.Ориповнинг “Учинчи одам”, “Темир одам”, “Тарбия”, “Номаълум одам” шеърларида фикр-кечинмага сингишиб кетган, туйғу эса маънонинг бўртиб намоён бўлишига хизмат қилаётир. Ана шу бадиий синтезда нафосат, гўзаллик мужассамлашган. Фикр бошимизда ўйғонгач, вужудимизга туртки беради; уни харакатга солади; яъни конини гупиртириб, юрагини жунбишга солади.

И.Ғафуровнинг “Лирикада инсон характерлари” асарида шоирларимиз эстетик принциплари хилма-хиллигини акс эттириш асносида нуктаи назар кенглиги, сўздаги хиссий маъно чўнглиги ва улар ўйғунлигини ўта нозик идрок эта билиш бадииятнинг етакчи хусусиятидир, дейилади. Инсон характерлари орқали катта ҳаётий фикрлар ўртага ташланаётгани вокеликнинг фалсафий нуктаи назардан илғаш самарасидир. Маънавий-ахлокий масалаларнинг шеърларга кўчуб ўтган нағасини хис эттиради. Ф.Гулом, Шайхзода, Миртемир,

Зулфия, А.Мухтор, Э.Вохидов, А.Орипов каби турли ижодий йўналишдаги, ўз бадий оламига эга шоирлар хақида тўлқинланиб фикр юритади. Поэтик ижоднинг ижтимоий воеликка, даврга мансуб белгиларини очиб беради. Хусусан, Э.Вохидов поэзиясида инсонни тушуниш чукурлашганидан, хаёт хақида янада кўламдор ўйлаётганидан, давр хақиқатларини ифодалаш устуворлигидан воқиф бўламиз. “Бизлар ишляпмиз” шеъридаги дедқон – бугуннинг одами. Унинг қиёфасида давр излари равшан акс этган. “Бу аввало жуда фикрчан инсон. У ўз ишини юксак нуқтадан туриб идрок ва таҳлил қила олади. Ўз ишига қараши, шу ишни умумхалқ нуқтаи назаридан баҳолашида шаклланган характернинг яхлит хусусиятлари кўринади... Мехнатга муносабат соғ маънавий масала. Мехнатга муносабатда инсон характери-нинг энг қимматли белгиларидан бири очилади. ...Мана шуadolat ахтарувчи инсон характери – ўз ижодий яхлитлиги билан ажралиб туради” (12-бет).

Инсонга меҳр, енгил ҳазил-юмор шоир шеърларида бадииятнинг муҳим унсурлари сифатида кўзга ташланади. Катта хаётий хақиқатларни ёритишда муҳим воситага айланган. Яна эътиборлиси, инсон хақидаги ўй-мушоҳадалар, хаётий тажрибалардан сизиб чиқкан умумлашма фикр-ҳикматлар бадииятни кучайтирган. Шеърдаги воеабандлик лирик характерларнинг муҳим қирраларини очишга хизмат қилган.

А. Ориповнинг лирик характерлари умумлашма қиёфа касб этаркан, шоир уларни учинчи одам, номаълум одам, темир одам деб атайди; тип даражасига кўтарилишдаги фикр динамикасига ургу қаратади (“Ўзбек шеърида воелик ва унинг муҳим йўналишларини оригинал, хаётий характерлар орқали гавдалантириш – шеърнинг фалсафий идрок қуввати ортаётганилигидан,

Бадий сўз эстетикаси образлар яратишда реалистик рангдорликка интилаётганидан дарак беради”, 20-бет).

“Лирикада инсон характерлари” асарининг фазилатларидан яна бири, бу – шеърларда зухур топган бадиият белгилари умумлашган ҳолда нафосат тарихини яратилишиги асосланган. Ушбу такомил Э.Вохидов, А.Орипов ижодий эволюциясидан кўриниб туришлигини кузатади. Миртемирнинг “Тошибу”, “Патти” шеърларини таҳлил қиласкан, лирик кечинмаларнинг эпик-ривоят билан қўшилиб кетгани таъсиран бадий лавҳалар яратилишини таъминлаган. Яна эпик тасвир билан драматик кечинмалар уйғунлиги лирик характер табиатидаги хислат-хусусиятларни зохир этишда бой бадий имкониятлар берган. Бугунги ўзбек шеърининг инсон характерлари ва уларнинг ҳаётий, социал, фалсафий, тарихий моҳияти билан қизикиши жуда хайрли ҳолдир, дейилади (“Характер ўз қиммати ва моҳиятини албатта фаолиятда очади. Лирик характер бўлмоғи учун унинг барча характерлари изчил кўринишга эга бўлиши зарур. Зеро, характер инсон хулкининг изчил кўринишларидир. Бу изчиллик бутунлик ва ёки кара-ма-каршиликлар асосига курилади. Зиддиятли характерлар, бутун (яхлит) характерлар деган ифодалар шундан келиб чиқади. Шу изчиллик буюк бадий конунийт каби намоён бўлади”, 6-бет).

Лирик характерлар яратилишидаги янгича майлар эстетик принципларнинг инкишофи билан боғлиқ ёритилади. Ўзбек шеърининг ҳозирги босқичдаги тараққиёт тенденциялари хақида тасаввур беришдан ташкари сўз санъаткорларининг (Миртемир, Э.Вохидов, А.Орипов) бадий-эстетик изланишларидан ҳам борхабар қиласди. Бадий бутунликка етишиш йўллари хақидаги мушоҳада-муҳокамалари ҳам изчиликка бўй-

сундирилган. Хусусан, лирик характер табиатида на-  
моён бўлаётган фалсафийликнинг кучайишида, инсон  
ички дунёси хар томонлама чуқур очилишида (Зулфия,  
А.Орипов, Ҳ.Худойбердиева, О.Хожиева каби шоирлар  
шеърлари таҳлили мисолида) калб изларини ўрганади.  
Ҳар бир шоир шеърларига алоҳида-алоҳида тўхталар-  
кан, бадиий ғоянинг ифода йўсими, талкин хусусият-  
лари биринчи планда туради. Замондошларимиз ички  
дунёсини, характерини хар томонлама чуқур очиш  
йўлидан боришаётган экан, шахсийликдаги умум-  
муштаракликка дикқатини қаратади. (“Кейинги йиллар  
шеърияти ҳакида гапирганда Ватан туйғуси, Ватани  
улуглаш анъанаси ғоят кучайланлигини, энг яхши асар-  
лар шу мавзуда яратилганлигини алоҳида қайд этишни  
истардим... Шоирларимиз Она ерга – унинг дардлари,  
кувончлари, муаммоларига янада якинрок бўлиб бор-  
моқдалар. Инсон ва граждан Ватан қайғусини олиб,  
Ватан дардларини ортмоқлаб улғайганидек, Ватан ҳам  
фуқароларининг ишлари билан юксалади. Инсон она-  
сига қанчалик ўхшаса, у Ватанига ҳам шунчалик ўх-  
шайди. Ватан – бу манзарагина эмас. У – бизнинг бор-  
лиғимиз, виждонимиз, фаҳримиз. Ватанга муносабат  
ҳар бир инсон учун ва, айникса, ижодкор инсон учун  
биринчи даражали масаладир”.)

Иброҳим Faфуров шеъриятимиз тимсолларга асос-  
ланган тахайюлли тафаккур хисобига тобора бойиб  
борганлигини конкрет асаллар таҳлилидан келиб чиқиб  
далиллайди. Ватаниң қандай, қайси нуктадан акс эт-  
тирганига қараб, уларнинг руҳий олами, маслаклари,  
ижтимоий-сиёсий манфаатлари, идеаллари ҳакида  
фикр юритади. Ҳусниддин Шариповнинг “Тупроқка  
қасида” шеърида Ватан аввало инсонни боқадиган,  
бойитадиган, обод этадиган тупроқ тушунчаси билан

боғлик олинади (“Фарзандимнинг кулгуси ҳакқи, Та-  
рих ҳакқи, келгуси ҳакқи, Бутун умрим, хар оним учун,  
Дастурхонда ширмоним учун, Она-ер рухсат бер ўп-  
мокка, Ташаккур табаррук тупрокка”). Шоир она туп-  
роқ доғларини факат бунёдкор меҳнат билан аритиш  
мумкин деган холосага келади. Эркин Воҳидов “Она  
тупрок” шеърида “кутлуғ” ва “муқаддас” сўзлари зим-  
масига юклаган маънолар теранлигига дикқатимизни  
тортади. Ватан дейилганда чексиз коинотдаги дилбар  
бир нуктани, ўзининг толе юлдузини тушунади. Ватан  
авлодлар тўккан тердан яратилади, дейди. Ватан  
ва ҳалқ, тарих ва замона, шоирнинг фуқаролик бурчи  
сингари масъулиятли мавзуларда Ўзбекистон, ҳалқ тақ-  
дири кенг ёритилаётир (“Дастлаб ўша ер узра одам Тўк-  
канида ҳалол манглай тер. Гавҳар унди она тупроқдан,  
Кутлуғ бўлди муаззам бу ер. Ўз муборак тупроғин ин-  
сон ёт назардан асраб ҳар нафас. уни қучиб фидо этди  
жон, Қони билан қилди муқаддас”).

Шеърда юрт кечмиши, бугуни, келажаги, улуғ фар-  
зандлари, қаҳрамонона хислатлари билан кўринади,  
дейди мунаққид (“Ватан, Она-ер ҳақида гапирганда,  
унинг катта, жаҳоншумул ҳақиқатларини ўртага қўйиб  
туриб гапириш керак. Токи “муқаддас” сўзи умид уйига  
ёқилган чироқдек том маъносида ярқираб очилсин”, 59-  
бет). Иброҳим Faфуров кузатишларида лирик қаҳрамон  
табиатида шоир шахсининг ифодаланиши масаласи  
устувор ўрин тутади. “Шеърнинг қалбидаги қаҳрамон”  
мақоласида ушбу масалага алоҳида тўхталади. Тўғри,  
лириканинг ўзига хос хусусияти унда объектив воқе-  
ликтининг шоир шахси орқали ифодаланишида кўринади.  
Шоир шахси қанчалик бой, маънавий-интеллектуал са-  
вияси нечоғлик кенг бўлса, оламни ўзига хос кўз билан  
кўролса, шеъридаги туйғулари, ўй-фикрларининг бе-

такрорлиги шунда, деган хуносага келади. Дарҳақиқат, шеър – бу эртакларда накл этилган кўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлмайдиган сехрли, оҳанрабо кушча эмас. Шеър одамларнинг дард-хасратларини, шодлик-сууруларини хаётнинг ижтимоий, ахлокий, фалсафий масалаларини сатрларга сингдирган ҳолда одамлар билан самимий, дилкаш сухбатлаша олса тансик баҳт шудир, аслида. Ушбу ходисадан беназир шоир шахсияти, аклий-рухоний маданияти бўй кўрсатади. Шу маънода шеърда зуҳур топган барча фазилатлар шоир юрагидан хаёт сувини ичади, шоир юрагининг инъикоси хисобланади.

И.Faфуров X.Шариповнинг “Тупроққа касида”, Э.Воҳидовнинг “Ҳароб кулба”, Ю.Шомансурнинг “Ватан”, А.Ориповнинг “Совфа”, “Ўйларим”, “Бахор”, “Юртим шамоли”, “Ўзбекистон” сингари шеърлари таҳлилига таяниб лирикамизнинг хаётийлиги, ҳалқчилиги, замонавийлиги масаласига кенг тўхталади. Бадиий ечимни, эстетик умумлашма фикрни шеъриятимиз тараққиёти билан узвий боғлиқ кузатади. Истебдоднинг табиатини очишида унинг давр, замон, воқелик билан боғликлигини комплекс ўрганади. Шоирнинг нуктаи назари, хаёт томирида ураётган зарбларни, муаммоларни нечоғлик чуқур туйиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга, дейди.

Шоирларимиз лирикаси қачон ҳалқ дилбандига айланади? Қачонки, лирикамиз кадди-бастини, маънавий-интеллектуал савиясини белгилаган лирик қаҳрамонлар миллат тафаккур маданиятидан баҳра топган, униб-ўсган, ҳалқ ҳаётидан сув ичган, кунлари мазмунини ўз тақдирiga айлантирган бўлсагина эл-юрт иззат-икромига етишади. Йўқса, чўлда оқ айиқ яшолмагани, Шимолий Кутбда анор битмагани каби шоир шеърияти ҳалқ эътиборидан четда қолади, кор-ҳолига ярамайди.

Т.Низомнинг “Ўзбекистон нидоси”, Олимжон Холдорнинг “Бахор ўлкаси” шеърлари таҳлилидан келиб чиқиб ёзди: “...Она-ер, Ватан ҳақидаги шеър ғурур билан тўла бўлиши, унинг шавкатини очиб бериши шарт. Зотан, Ватан майда гапни, маҳаллийчиликни, мешчанларча там-там килишни кўтармайдиган абадий салобатли, буюк мавзудир. Ватан деб ёзганда, унга муносиб бўлиб, муносиб сўзни топиб ёзишдан бошқа йўл йўклигини, йўлгина эмас, бундай жўн ёзишга ҳаққимиз ҳам йўклигини унутмайлик” (60-бет).

И.Фафуров кейинги йиллар ўзбек лирикасида “...ҳамон эски касал, эски тумов – сўзбозлик, қурук шаклбозлик йўқолгани йўқ”, дейди. Риторика, декларативлик ўзгача либосда, ўзгача мазмунда кўриниш бераётганига тўхталади. Риторика замонга мослашиб, кўринишини ўзгартириб олган. Бирок, у ҳар қанча рангини ўзгартирасин, уни таниб олиш қийин эмас. Яланғоч фикр саёзлиги, хислар совуқлиги, жўнлик дарров ўзини фош килиб кўяркан. Бу нарса яна лирикада зуҳур топаётган шоир шахсияти масаласига келиб туташаётир. Қачонки, шоир шахсияти ғариб ва қашшоқ бўлса, бу нарса бадиий жиҳатдан бўш, ўкувчига ҳеч қандай озуқа бермайдиган шеърларнинг кўплаб урчишига олиб келади (“Ватанга муҳаббатнинг кучидан одам ва оламга муҳаббат уйғонади, вояга етади. Ватан биздан кейин ҳам қолади. Унга фарзандлик килган ватандошлар ватанга қандай кириб, қандай чиқиб кетганимизга қараб баҳо берадилар. Уни деразалар орқали эмас, қалб кўзи билан кузатиш, юрак зарбларини туйиш, рангларини топиш, юксалган шуур билан ёритиш ижодкор учун бундан ортиқ саодат йўқ дунёда”). 64-бет).

Лирик қаҳрамонлар табиатида намоён бўлган ижтимоий ҳақиқатнинг гўзаллиги, унинг адолат билан чам-

барчас боғланиб кетганида, бадий-эстетик, фалсафий маъно қувватида, кудратида яна бир мухим тамойил кўзга ташланаётир. Бу – лирик характерлар яратилишидаги бадий фикрнинг теранлашиб, миқёсли бўлиб бораётганидаги эпикликнинг кучайиши масаласидир. Олим Зулфия, А.Мухтор, Э.Вохидов сингари шоирлар шеърларининг бош фазилати фикр-тафаккур чўнглигига, ҳаяжон тафти – даражаси баландлигига деб билади. Эпиклик хусусиятининг кенг палак ёзиб бораётгани бадий-эстетик тафаккурдаги ижтимоий-фалсафий теранликни, психологизмнинг янада чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатади. Аскад Мухтор лирик миниатюраларида умрнинг маъно-мазмунни, тириклик – онийлик ва бокийлик, борлик ва йўқлик ҳакида теран ўйларга чўмади. Бир шеърида “Қайдан кайгача у, менинг ҳётим?” дея савол бераркан, ўзига, шуурига, талантiga янги имкониятлар кидираётгани англашилади. Ҳётни теран англаган ижодкор сифатида жавобни ҳётнинг ўзидан топади. Инсон хаёли коинотдаги олис юлдузларнинг бизга етиб келмаган шуълаларидан тортиб кўк дарахтнинг кўк япроғигача камраб ола олади (“Мен дунёга келиб дунё орттирдим, Ҳаммасини ташлаб кетарман. Қалбни эса сўнгги хужайрасигача Ловуллатиб ёндириб кетарман”, дейди А.Мухтор). Мунаққид А.Мухторнинг фалсафий лирикасини фикрбанд деб атайди. Яъни, шеърда ўзак фикрни айтаркан, атрофида кенг фикрлаш учун имконият туғдирилади. Бу – фалсафий лириканинг энг гўзал хусусиятларидандир, дея баҳолади.

“Кўнгил” шеърининг бадииятини туйғу-тафаккур маданиятида кўради. “Нимадир етмайди инсонга ҳамиша, Озга қоникмайди, кўпга интилар” сатрларига таяниб, ўзак маънони кўрсатади. “Менинг назаримда бу-

гунги энг яхши ўзбек шеърида меҳр туйғуси кучли, – деб ёзди мунаққид “Қаҳрамон ва муҳаббат” мақоласида. – У инсонни меҳрли бўлишга унданмоқда. У меҳрнинг фалсафасини яратаяти. Назаримда, янги асрга янги минг йилликка ўзбек шеъри, ўзбек шоирлари шундай меҳр фалсафаси билан кириб борадилар. Бу – улар лирикасининг энг жозиб, энг инсоний, энг қимматли мазмуни бўлади”. Дарҳақиқат, бугунги ўзбек шеъриятида инсонга идеал нуктадан караш туфайли туғилган шу олийжаноб меҳр истаги ва меҳр туйғуси лирикамизнинг жуда қимматли инсонпарварлик сифатини белгилаб берётири. Бу – шеъриятимизнинг келажакка олиб борадиган, бугундан эртага ўтадиган соғлом руҳий-маънавий оламидир, деганда чандон ҳак.

Иброҳим Ғафуров Аскад Мухтор шеърларидаги эпиклик табиатини ёритаркан, сюжетли воқеабандлик сингари белгиларда янги хусусиятларни кўрсатади. Булар, ўз навбатида А.Мухтор шеъриятини янги сифат белгилари илиа бойитганлигини асослайди. Лирикамизда эпик музмуннинг чўнглашгани лирик характерлар руҳиятини зохир этишда аналитик таҳлил пешволик қилаётир; фалсафий мазмундорликнинг публицистик руҳ билан чатишиб кетганлигига эпикликнинг яна бир мухим аломатини кўради. Демак, шеъриятимизда кенг палак ёзиб бораётгани услублар, қарашлар ранг-баранглигига эстетик принципларнинг хилма-хиллиги аёналашмоқда. Эпик мазмун шоир шахсияти билан, унинг табиат ва жамият воқелиги билан боғликлигига, руҳоният иқлиmlари тажаллисида намоён бўлмоқда. Яна эпиклик хусусияти шоир кечинмаларининг объективлигига, воқеликдан юзага келган тафаккур кўламида, туйғулари тархида зухур топаётир.

## Наср қаҳрамони

Санъат, адабиёт пайдо бўлибдики, қаҳрамон масаласи бор; бундан кейин ҳам устувор ўрин тутади. Факат уларни яратиш принциплари жиҳатидан даврлар бир-биридан фарқланиб келаётир.

Инсон муайян ижтимоий мухит, жамият ҳаётининг маҳсули. ИброҳимFaфуров ўзбек насрода қаҳрамон характерининг яратилиш масаласига ана шу нуқтаи назардан ёндашади. Инсонни тушуниш ҳамда тушунтиришда ижтимоий тадқиқотчилик тамойилининг кучайиши, тарих қатламларига чукуррок назар ташлашга майиллик оргтанлиги, авлодлар силсиласининг узвийлиги каби хусусиятларни таъкидлайди. “Насримизнинг бугунги тенденциялари”, “Нуқтаи назар ҳакида”, “Адибнинг камоли”, “Роман – тарих ойнаси”, “Кунлар ва одамлар”, “Адабий қаҳрамонларга мактублар” ва х.к. мақолаларида тарихий вокелик билан ижтимоий ҳаётининг туташган нукталарида инсон руҳониятини, фаолиятини, ҳаёти мазмунини белгилаган моҳиятни очишига асосий эътиборини қаратади. Бу борада маънавий-ахлоқий гўзаллик концепцияси устувор. Хусусан, қаҳрамон характери ҳаёт гўзалликларини, ҳақиқатнинг гўзаллигини акс эттириш ўйларидан бири сифатида талқин қилинади. Одил Ёкубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Сайд Аҳмаднинг “Уфқ” трилогияси, Ўлмас Умарбековнинг “Севгим, севгилим”, “Ёз ёмғири” сингари асарларида қаҳрамонлар характерини яратиш асносида жамиятнинг илғор тенденциялари, сўз санъаткорларининг гўзаллик, ҳақпарастлик принциплари тажассум топганлигини кўрсатади. Етакчи қаҳрамон ёзувчи тафқуридан ўтган жамият, халқ идеали эканлигига урғу беради.

Етакчи қаҳрамонни яратиш бадиий ижоднинг ўзак масалалари таркибида объектив ҳақиқатнинг ёзувчи субъектида ифодаланиши тариқасида ўрганилади (“Прозамизнинг энг яхши намуналарига диққат билан қаралса, инсонийлик жиҳатидан ибратли образларни яратишга рағбат ва майл жўш уриб турганлигини кўриш мумкин”). Етакчи қаҳрамон деганда инсоннинг борлик-воқелик билан ранг-баранг, чексиз алоқаларининг бир шахса мужассамланиши, бадиий идрок этилишидир. Ушбу йўналишда И.Фафуров кейинги йиллар ўзбек насрода бадиий характер яратиш принциплари ва структарусига кенг тўхталади. Яъни, бадиий-эстетик таҳлилда реалистик асоснинг, ижтимоий тадқиқотчилик маданиятининг кучайганлигига алоҳида урғу беради. Миркарим Осим, Одил Ёкубов, Сайд Аҳмад, Ўлмас Умарбеков адабий тажрибаларини қамраб олишга, ҳар бири учун ҳос ҳамда ижтимоий мухит билан боғлик таҳлилларни кўрсатишга интилади. Чунончи, эллинингчи йилларда конфликтсизлик назарияси таъсирида ҳаётий зиддиятлардан чекинган “безакли қаҳрамонлар” юзага келганлиги, лекин ушбу тенденция адабиётимиз тарихида етакчи қаҳрамон яратиш принципларининг шаклланишида ўткинчи ҳодиса эканлиги илмий-назарий умумлашмаларда ёритилади. Тадқиқотчининг диққат-эътибори замонавийликка, бадиият такомилидаги маҳорат белгиларини дарж этишга қаратилади.

И.Фафуров кузатишларининг етакчи хусусиятларидан бири шундаки, у конкрет илмий масалага бадиият нуқтаи назаридан нигоҳ ташлашга, қиёсий таҳлилга таяниб фикрлашга, эстетик баҳолашга интилади. Чунончи, адаб маҳоратини асарлари бадииятида кўради. Қаҳрамонларнинг шахс сифатида шаклланиши учун таъсир кўрсатган, ўзлигини юзага чиқарган вокеликнинг гулкўрсатган, ўзлигини юзага чиқарган вокеликнинг гул

манистик мөхияттін очади. Бунда ижтимоий-сүйесій омиллар таъсирини күрсатып етакчи (“...Одам ҳаёт ходисаларига ўз инсоний даражасыға, инсонлигининг даражасыға күра муносабат билдиради. Ва шу муносабат, маълум бир ходисага нисбатан тутилған йўлда у факат ўз манфаатларинигина эмас, умумнинг, умуминсоний манфаатларни хам назарда тутади. Шунинг учун ҳам хар бир шахснинг күз караши унинг ўзи учунгина аҳамиятли бўлиб қолмасдан бошқаларнинг манфаатларини ўзида акс эттирганидан умумахамиятга моликдир. Чунки унинг нұктай назари ижтимоий нұктай назарнинг бир узви, ажралмас халқасидир”, 39-бет).


Бу ўринда Иброҳим Ғафуров қаҳрамон қиёфасида мужассамлашган адебнинг эстетик идеалига оид қарашларини илгари суради. Олимнинг таъкидлашига кўра, етакчи қаҳрамон хам ҳаёт гўзалликларини акс эттириш йўлларидан биридир. У шундай бир характерки, унда санъаткорнинг энг баркамол, мукаммал инсон жамият идеали билан муштарақликда тажассум топади. Аникроқ айтганда, ижодкор бундай образларнинг жамият ҳаёти нұктай назаридан мухим бўлған, жамият аъзоларига таъсир ўтказиш жиҳатидан кўзга яққол ташланадиган бош хусусиятларига асосий эътиборни беради. Шу оркали ўз идеалини, демак, жамиятнинг идеалини шу шахсда мужассамлаштиради. Шу маънода етакчи қаҳрамон жамиятнинг илғор аъзолари талабига жавоб берадиган хислатларни ўзида мужассамлаштирган шахс образидир, деган хуносага келади олим (“Ижодкор шахси ва унинг қарашларининг жами – у ёзган асарларнинг каватларига сингиб кетади. Унинг нұктай назари у тасвирлаган ҳаёт воқеаларининг замирида акс этади. У ҳаётдан ёзилажак нарсаны хам маълум бир нұктай назар

билан ажратиб, саралаб олади. Маълум бир нұктай назардан туриб ажратади, ёндошади, мазмун беради, маъно чикаради”, 40-бет). Аскад Мухторнинг “Давр менинг тақдиримда” (Ориф), Ўлмас Умарбековнинг “Одам бўлиш қишин”, “Севгим, севгилим” (Ойпопук, Гулчехра), П.Қодировнинг “Эрк” ва х.к. асарларнинг етакчи образлари мөхиятидан келиб чиқкан холда қаҳрамон (асардаги шароит ва характерлардан ажратиб олинган холатда) адебнинг эстетик идеалини яхлит акс эттиришга даъво килолмайди. Зоро, реалистик санъатдаги ижодий тажрибалар шуни кўрсатадики, бадий асада акс эттирилган вокелик ва характерлар бир бутунликда етакчи қаҳрамон қиёфасини кўз ўнгимиизда гавдалантиради. Шу маънода, адабиёт ва санъат маълум бир даврни акс эттиромокчи бўлар экан, етакчи қаҳрамон сифатида ўша замоннинг илғор тенденцияларини ўзида мужассамлаштирган қаҳрамонларни танлайди. Насримиздаги яна бир мухим тамойил тарих ва инсон концепцияси масаласида ёркин кўзга ташланади, дейди олим (“Умумий ғоявий ва иллюстратив схемалардан ўтиб, инсонни тарихий белги ва хусусиятлари, характерини чукур бадий тадқиқ этиш йўлига кирдик. Тадқиқда замон учун характерли ижтимоий-психологик, руҳий омилларни асос қилиб ола бошладик. Натижада ўзбек прозасида инсон ижтимоий ғояларнинг рупори ва нақорати эмас, балки ғоялар инсон ва унинг мураккаб, сермашақкат меҳнат, ижод, бунёдкорлик билан тўла оламининг рупори ва нақорати бўлиб колди”, 8-бет).

Айни шу ўринда И.Ғафуров адеб эстетик идеалини акс эттиришдаги услубий тенденцияларга, романтик ҳамда реалистик ифода йўсинларига кенг тўхталади. Етакчи қаҳрамонлар характерини яратишдаги бадииятга алоҳида ургу беради. Хусусан, поэтика масалалариға,

инсонни бадиий-эстетик идрок этиш ва ифодалашдаги тасвир воситаларига эътиборини қаратади. Яна ҳаётдаги фожиаларни, фожиавийлик ҳолатларини фалсафий ўзлаштириш ва акс эттириш орқали реал қаҳрамонлар қиёфасини яратиш тажрибалари ҳам олимнинг дикқат марказида.

Бадиий адабиёт, аввало, инсоннинг шахс сифатидаги, феъл-авторидаги турфа хусусиятларни кашф этишга қаратилган; бу нарса, ижтимоий фаолиятнинг гуманистик моҳиятини очиб беришлик, деган сўздир. Бу нарса шахс табиатидаги одамийлик ёхуд ғайриинсонийлик хислат-аломатларини кашф этишлик демакдир. Насрчилигимизда етакчи қаҳрамонлар характерини яратишидаги тенденциялардан бири – инсон фаолиятининг ижтимоий мазмунига эътибор кучайганда аён бўлаёттир. Ойбекнинг “Болалик”, Н.Сафаровнинг “Наврўз”, М.Осимнинг “Жайхун узра булутлар” ва ҳ.к. асарлари таҳлили асосида ҳалқимизнинг тарих яратишдек засига, онги-психологиясига дикқатини кучайтиради (“...Биз фожиалардан омон чиқсан, ўзининг улуғвор ва олийжаноб руҳини сақлаб қололган, доимо адолат тантанаси учун курашган, адолат ва ҳуррият қачон бўлмасин қарор топишига ишонган ҳалқимизнинг босиб ўтган йўлини, енгилмас соғлом иродасини севамиз. Тарихий асарларни ўқиганда ижтимоий-тарихий жараёнлар марказида турган улуғ ҳалқ кучи ифодасини қидирамиз” 15-бет). Бир сўз билан айтганда, қаҳрамонлар янги тарихий ҳақиқатни ифодалаб берадигандир. Бадиий насримизнинг етакчи майлларидан бири инсон ва жамият муносабатларининг маънавий-ахлоқий жиҳатларини ёритишидир. И.Ғафуров Миркарим Осим қиссаларида тарихий ҳақиқат туйғусининг чуқурлашгани психологик таҳлил эвазига восил бўлаёттир, дейди.




И.Ғафуров ўқувчилар билан учрашувда.  
2012 йил.



Олимнинг рафиқаси  
Ойдин Ҳожиева.  
2008 йил.



И.Ғафуровнинг отаси Усмон Ғафуров ва онаси  
Мухаррам Ибодова. 60-йиллар.



Ёзувчилар уюшмаси көнгашыда. 60-йиллар.



Сайд Ахмад бояғыда сұхбат. 70-йиллар.



Эркин Вохидов билан анжуманда. 70-йиллар.



Шоирлар бош газета таҳририни меҳмони. 70-йиллар.



Эркин Вохидов, Расул Хамзатов, Омон Матжон,  
Исмоил Махмуд, Иброҳим Гафуров. 1976 йил 15 октябрь.



Одил Ёкубов хузурида. 80-йиллар.



“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” таҳририятин ходимлари. 1990 йил.



Мухлислар хузурида.



И.Гафуров, Собир Ўнар, Баходир Муродалиев.  
Хўжакент. Д.Нурий боғида ёзувчилар ўртасида  
шахмат турнири. 2004 йил 15 август.




“Миллий тикланиш” газетасида И.Гафуров ва  
Хуршид Дўстмуҳаммадов, 2003 йил.




Дўстлар, сафдошлар даврасида. 2010 йил.



Дода (Иброхим Фафуров) тўнгич кизи Сурайё,  
набираси Дилноза, эвараси Муштарий Бону.



Дода (Иброхим Фафуров) катта күёви  
Иноятулла ва набираси Комрон.



Дода (Иброхим Фафуров) ўғли Хумоён, набиралари  
Абдуборий, Абдуазиз, Робия.  
Тошкент, Улуғбек боғи, 2011 йил 16 октябрь.

Қаҳрамонлар хатти-харакатининг ишонарли, хаётй акс эттирилишида кўради.

Мунаккид тадқиқот-маколаларининг муҳим хусусиятларидан яна бири – қаҳрамонлар характерини яратишдаги эстетик принциплар ўзбек насрининг ҳозирги камолоти белгилари билан алоқадорликда зухур этилишидир. Шу асосда насрчилигимиздаги инсон концепциясининг такомилидан ҳам воқиф бўламиз. Хусусан, инсонни воқеа-ходисалар жараёнидан узилган жўн, схематик тарзда эмас, ижтимоий воқелик, жамият равнанинг табиий ҳосиласи сифатида акс эттирилаётir. Эришилган бадий-эстетик тажрибалардан И.Фауров мухим хулосалар чиқаради. Чунончи, адабий ҳаёт ривожи учун характерли хусусиятлардан биринчиси – ижтимоий тадқиқотчилик тамойилининг тобора чукурлашиб бораётганидир. Иккинчиси, даврлар алоқасига янада теран назар ташлаш зарурати кучайганлигидир. Учинчиси, қатъий, мустакил ўз позициясига эга бўлган, ҳаёт синовларидан ўтган, шаклланган, сабит нуқтаи назарли кишилар, атроф-теварагида кечётган воқеа-ходисаларга бефарқ қарай олмайдиган, шахсий масъулиятини чукур ҳис киладиган одамлар тўлаконли қаҳрамонлар сифатида акс эттирилаётir. Тўртингидан, табиат – шахс – жамият ўртасида юзага келган муносабатлар психологиясини, оддий кишилардан кўра ижтимоий шахсларнинг ҳаётдаги фаол ўрни ва ролини кўрсатишга эътибор ортганлиги И.Фауров тадқиқот-маколалари мундарижасини белгилайди. Бешинчидан, мунаккид ҳозирги ўзбек прозаси мисолида услубий оқимлар масаласини кўтаради. Ушбу жараёнда бадий бўш, маҳоратда оқсаётган наслий асарларда қаҳрамон характерини яратишдаги нокисликлар ижтимоий-фалсафий концепциясининг саёзлигига кўринади. Насрчилигимиз бадиияти



Ғафур Гулом номидаги Бадий адабиёт ва санъат нашриётининг биргурӯҳ ҳодимлари  
Грузияда саёҳгагда. Туранлар: чапдан биринчи Иброҳим Ғафуров. 79-йиллар.

намуналарини кардош (озарбайжон, тожик, кирғиз, козек, рус ва бошқа) халқлар адилари ижодий тажрибасы билан мүкөясада ўрганади, индивидуал хос ҳамда умумтипиологик хусусиятларини очиб беради. И.Фафуров ўзбек прозасининг ютуқ ва камчиликларига жаҳон насли контекстидан, бадиият мезонлари асосида назар ташлади.

Дархакиат, Иброҳим Faфуров таъкидлагандек, адабиётдаги янгилик янги одам рухониятини кашф этишдін, бошқаларга ўхшамаган характер хусусиятларини яратышдан бошланади. Бу – ҳаёт ходисаларига, вокелик жараёнларига, инсонга янгича ёндашиш, маънавий-ахлоқий муаммоларни күтариш, ижтимоий-фалсафий мазмунда мұхим гап айтиш санъатидир. Бу – янги бадиий-эстетик тадқиқотчилик маданияти демакдир. Бу янги ифода воситалари, ориганал усуулларни адабий истеммолға, ҳаётта олиб кириш демакдир. Етакчи қаҳрамон миллат маънавияти тараққиётининг пешвоғояларини ўзида мужассамлаштирган давр типи бўлиши кераклигига ургу қаратади. "...Ҳақиқий адабий қаҳрамон, адабиётнинг юксак намуналари асосида хукм юргизадиган бўлсак, бу –adolatни қарор топтиришдек қийин ишга онгли равишда бутун борлигини бағишилаган, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги азалий курашга ўзини батамом баҳш этган, адолатсизлик, сохталик, ёлғон, лаганбардорликка тоқат қилолмайдиган, ҳаққоний, инсоний, эзгу хислатларга эга бўлган кишилардир".

И.Фафуров муроҳаза-мухокамаларини тасдиқлаш учун Шуҳратнинг "Олтин зангламас" (Содик), С.Ахмаднинг "Уфқ" (Икромжон), А.Мухторнинг "Чинор" (Очил бобо, Ориф) асарларидаги ақлан-ахлоқан етук қаҳрамонларнинг юзага келишида Абдулла Қодирий,

Ойбек, Мухтор Авезов, Чингиз Айтматов сингари улкан сўз санъаткорларининг бадиий-эстетик тажрибаси асос вазифасини ўтаганлигини уқтиради. Ҳаёт қаҳрамонлари, давр типлари дейилишига сабаб, улар конкрет тарихий шароит ва мұхит мәхсүлидир; илғор, ижтимоий кучларга хос хусусиятларни ўзида тўқис, ёрқин мужассам этганлигидир; Бу – шаксиз, реалистик санъат сехри самарасидир, дейди.

Мунаккид адабий-танқидий қарашларининг яна бир фазилати бадиий асарни ҳаёт-вокеаликдаги мазмунни илиа киёсан ўрганади, адабий қаҳрамонларни ҳаётдаги реал прототиплари билан солишитиради, насримиздаги конфликт кўринишлари ижтимоий мұхитдаги, одамлар онги – дунёқарашидаги зиддиятлар билан мүкөясада тадқиқ этилади. Шу маънода О.Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романи юзасидан айтган фикри ўринли ("...Одил Ёқубов маълум тарихий воеаларни талқин қилишни эмас, шу воеаларга асосий роль ўйнаган тарихий шахсларнинг инсоний киёфасини очишни, уларни ҳаракатта келтирган ҳаётий омилларни бадиий ифодалашни, дунёқарашлар ўртасидаги курашни кенг планда гавдалантириб беришни асосий мақсад қилиб кўйди. Роман подшоҳ Мирзо Улуғбек билан унинг ўғли Абдуллатиф ўртасидаги таҳт учун курашни эмас, икки тарихий ижтимоий қарама-қарши кучлар ўртасидаги гоявий курашни акс эттиради; шу курашнинг бадиий тарихи сифатида китобхонга манзур бўлди", 17-бет).

Роман конфликт марказига қўйилган тўқнашув – бу антиподлар кураши, адолат ва маърифат ўртасидаги аёвсиз зиддиятдир. Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф, Али Қушчи ва Мавлоно Мухиддин, Қаландар ва Қашқар ўртасидаги қарама-қаршилик гоялар, манфаатлар курашигина эмас, яхшилик билан ёвузлик ўртасидаги

курашдир, деган хulosага келади. Адиб кураш жараёнларини, қаҳрамонларнинг психологик холатларини чизиш орқали очади. Шу боис воқеалар тарихан ишонарли, бадий жозибадор чикканлигини асослайди. Ва аксинча, М.Саломнинг “Севги тори”, Х.Лутфуллаеванинг “Туташ тақдирлар”, Ё.Шукуронинг “Қалб каноти” асарлари таҳлили мисолида ижтимоий мазмун касб этмайдиган майда, хира, чучмал зиддиятлар билан ўралашиб жўнлаштириб юборилаётгани, ҳаётнинг рангин қирраларини бадий тадқиқ этишда ожизлик килиб қолишаётганини нозик кузатиш ва умумлашма-хulosаларда кўрсатади.

Мунаккид меҳнатини жарроҳнинг жонбахш фаолиятига киёслаш мумкин. Жарроҳ одам танасидаги уёки бу вазифасини бажармаётган аъзони кесиб ташлаш учун қанчалик дадил, шафқатсиз харакат қилса, адабиётшунос ҳам бадий асар вужудини соғломлаштириш, янада бардам-бакувват кўриш истагида ҳийла аччиқ, ва лекин, ўринли фикр-мулоҳазалар билдиради. И.Фауров асарлари учун яна бир муҳим хусусият – бу атокли адиблар ижодини ўрганадими, ёш носирлар изланышларига мурожаат киладими, бадииятнинг баланд мезонларидан келиб чиқиб ёндашади. Фаромуш сюжет курилишларига, композицион сакталикларга, хира ва майда конфликтларга, схематик қаҳрамонларга, бадий тилдаги камчиликларга ёзгириб фикр билдиришининг боиси шундан.

Демак, И.Фауровнинг адабий-танқидий қарашларида насрчилик мисолида кузатадиган бўлсак, инсон ва жамият алоқаларининг бадий талқинидаги маънавий-ахлоқий йўналишни ўрганиш устувор. Одам ўткинчи ва лекин, фаолиятию айтган сўзларининг мазмун салмоғи бокийдир, деган фикр сингдирилган. Бу бора-

да етакчи қаҳрамонлар характерини яратишида ижтимоий-фалсафий мазмундорлик кучайиб бораётгани таъкидланади; бадий-эстетик тафаккурдаги фалсафий теранликнинг ижтимоий мазмун билан салмоқдорлик касб этаётгани асосланади.

Яна инсон ва табиат, инсон ва тарих, шахс ва жамият сингари қаҳрамон киёфасини белгиловчи масалалар адабиёт илми чуқур ўрганиши лозим бўлган вазифалар каторида белгиланади.

### Достон – замон – қаҳрамон

Бадий шакл доимо ғоявий мазмун билан ўзлигини тўқис намоён этади, деймиз. Чиндан ҳам шундай. Айтайлик, эгнимизга оқ ҳалат, бошимизга оқ қалпоқча кийиб, қўлимизга скалпел тутган билан жарроҳ-врач бўлиб кололмаймиз, албатта. Гарчанд шаклан доктор киёфасини олсак-да, жисман ва рухан ўз сўзларимиз, ишимиз, хатти-харакатимиз, энг муҳими, фикрлаш тарзимизга кўра врач эмасмиз. Маънавий жихатдан ана шу вазифани адо этишга ҳали тайёр эмасмиз. Ёхуд, ушбу масаланинг иккинчи бир қирраси ҳам бор. Яъни, ғоявий мазмун доимо ўзига мос, ўзига мутаносиб шакл излайди ва топади, деймиз. Шу маънода бир мисол. Айтайлик, ҳарбий одам кийим-бошини ҳам, касбини ҳам ўзгартириди. Хусусан, у журналистлик касби этагини тутиб кетди, дейлик. Ушбу фаолияти давомида унинг шахсини, руҳониятини шакллантирган ҳарбий кишининг фикрлаши, иш юритиши малакаси бўртиб кўриниш бериб туради. Яъни, у журналистлик фаолиятида ҳам ҳарбий бўлиб қолади. Сабаби, у ҳам жисман, ҳам маънан ҳарбий киши эди. Қандай киёфага кирмасин, барин-бир ўзлигини, ҳарбий кишининг фикрлаш малакаси ва маданиятини сақлаб қолади. Фаолиятидан профессиомаданиятини сақлаб қолади.

нал йұналишининг характерлы белгилари шундоккина күзга ташланиб туради.

Демак, бадий асар қайси жанрда ва қандай шаклда ифодаланмасын, у вокеликни, инсон тақдирини, ҳаёт хакикатини тажассум этишга қаратылади. Иброҳим Ғафуров “Достон ҳаваси”, “Илхом ва самара”, “Достон – шоирнинг романидир”, “Кураш кунларига завқим оқади”, “Ишонгиси келар одамнинг” мақолаларида Усмон Носир, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Ҳ.Шарипов, Э.Вохидов, А.Орипов сингари шоирларнинг достончиликдаги изланиш самаралари, жанр табиатидаги янги билан боғлиқ маҳорат масалалари устуворлик қиласы. Мунакқид кузатишлирида лирик поэма жанри намуналарыда (Хусусан, М.Шайхзоданинг ўтган асрнинг 30-йилларида яратган “Тупроқ ва ҳак”, “Ўрток”, “Мерос”, “Чироф”) долғали замон вокелиги, мутафаккир-кўлами яхлит бир вужудга айланган. (“Шайхзода бу достонларида ўтмишдан ва бугундан, ҳақдан ва ноҳакдан, баҳтдан ва баҳтсизликдан хикоя қиласы. Достонлари марказида ёруғлик ва қоронғуликнинг кураши туради.”.)

“Оқсокол”, “Нурмат отанинг туши”, “Тошкентнома”, “Жалолиддин Мангуберди” сингари эпик ва драматик унсурлар синтезидан иборат лиро-эпик достонларида вокеликни, инсон тақдирини реал манзаралари кўп ва хўб. Ушбу бадий синтез М.Шайхзода достонлари муваффакиятини таъминлаган. Яна сўз санъкилган. Мунакқиднинг достон жанри табиатига доир кирраларини обьект килиб олиши, унга қайси томо-

нидан ёндашиши ва қандай тадқиқ этишига диккатини жалб қиласы. Яъни, шоир танлаган ҳаёт материали поэтик асар жанрини белгилаб беради. Поэзияда проза элементлари ортди, дейди. Вокеани кенг эпик планда камраб олиш, психологик таҳлилнинг чуқурлашуви, насрый парчалардан фойдаланиш, кўп планлилик каби ҳолатлар назарда тутилади. Мавжуд хусусиятнинг аксари мумтоз достончилигимиз, халқ достонлари учун хам хос. Айниқса, достончиликда драматик жанр белгилари кучланди (конфликтнинг кескинлиги, диалогларга юкландган мазмун, нутқ вазнининг ошиши, асар сюжети ривожининг характерлар талқини ва курашидан келтириб чиқарилиши). Адабий жанрлар ўртасида диффузияланиш, чатишиш ҳодисаси насрда шеър ва драма унсурларининг, драмада поэзия аломатларининг, поэзияда драма билан проза жанри бадий компонентларининг зухур топаётгани бадий-эстетик тафаккурда идрок ва ифода маданиятининг юксалиши шарофатидир. Зоро, ҳаётда, вокеликда, инсон фаолияти ва тақдирда ушбу унсурлар – лирик кайфият ва кечинмалар, драматик ҳолатлар, эпиклик коришик ҳолда учрайди.

Достонда уч адабий тур аломатлари зухур топса-да, бу нарса жанр табиатига асло монелик кўрсата олмайди. Достон табиатида кўриниш бераётган бошка адабий тур жанрларига хос белгилар жараённинг узлуксиз изланишда кечётган фаолиятидан, сифат ўзгаришларидан биридир. Англашиладики, бадий асар умрзоклигини қаҳрамонларнинг қанчалик ҳаётий, оригинал, ишонарли бўлишини таъминлайди. Ана шу тақдирлар ғарқали гуманистик-инсонпарварлик ғоялар, умумбашибарий қадриятлар мудофаа қилинади, ижтимоий-фалсафий масалалар кўтариб чиқилади. Кейинги йиллар достончилигига кўзга ташланаётган кемтиклардан би-

ри – бу қаҳрамонларнинг ўта жўнлашиб кетганидир. Хусусан, оддий бурчни ҳам, яъни кора тоғни кайириб кўйгандек, осмонни эгиб ерга олиб тушгандек қаҳрамонлик сифатида тақдим килинади. Оддийгина бир юмушни адо этиб, катта олийжаноблик килиб юборгандек босар-тусарини билмайди, ўзига-ўзи мадҳ-сано ўкийди.

Иброҳим Ғафуров Сайёрнинг “Ўрок-болға”, Тўлкиннинг “Эндиғина бошланди қўшиқ”, “Освенцим дафтари”, Ҳ.Шариповнинг “Заминга таъзим”, О.Ҳакимовнинг “Пахта монологи” ва х.к. асарлари мисолида замонавий достонларда ички ўй етишмаётгани, қаҳрамонлар ва вазиятлар ёлғиз ташкаридан тасвириланаётгани, персонажларнинг ўзаро муносабатлари уйдирма асосига қурилаётганини кўрсатади” (37-бет). Яна достонларимиз қаҳрамонларининг маънавияти анчагина ғариблиги дилга қадоқ бўлаётган кемтиклардан бири. Хусусан, инсон ва ҳаёт, инсон ва жамият, тарққиёт ва таназзул хусусида фалсафий мушоҳадакорлик етишмайди. Теран фикрлаш ўрнига оддий ҳархаша гапларни ҳаётий ҳақиқатлар тариқасида тақдим килишаёттир. Айда эзма-чурик гап сотишлиар кучайди. Лирик достон замон тушунган айrim шоирлар чўзиқ, тумтароқ, бири тоғдан, иккинчиси боғдан гапиравчи, қофияга солинган “тўқима”ларни “достон” дея нуқаб тикиштиришаёттир. Аслида аксар достоннависларнинг воқеликка мустақил қарашлари, нуқтаи назарлари қоронғилигича қолмоқда. Ҳалқимиз лар етишмаяпти.

Аксар достонлар давр-жамият ҳодисаларининг ижтимоий-фалсафий мазмун-моҳиятини очишида оқсаяпти.

Айникса, достон олқиши, қўшиқ, куйловчи жанрdir, деган фикрни дастак қилиб олган айrim шоирлар олам ва одам сир-синоатларини, зиддиятли воқеликнинг драматик-фожиавий томонларини четлаб ўтишмоқда. Офаринбозлиқдан иборат чучмал, ҳавойи, ибтидосиз ва интиҳосиз тумтароқ достонлар шу таҳлил болалаб кетди. Уларда шубҳасиз лирик қаҳрамонлар киёфасиз; кечинмалари берилмади, лирик конфликт яратилмади. Лирик қаҳрамонлар замон ва макондан ташқарида, деган фикрлари мунакқид адабий-эстетик қарашларининг мағзини ташкил қиласи. (“Ҳозирги кун замонавий достонларда кўп маҳал тугал сюжет, динамик қаҳрамон ёки тугал лирика, етук лирик қаҳрамон етишмаяпти... замонавий достонларимизда даврнинг мураккаб масалалари кўтариб чиқилмаяпти. Ички дунёси ҳар жиҳатдан бой қаҳрамонлар яратилмаяпти. Замон эса шундай масалалар ва қаҳрамонларни такозо қиляпти”, 39-40-бетлар.)

Шунингдек, достонларда қаҳрамон фаолияти билан ҳаётий мухит-шароитнинг холис, объектив реал тасвири суст. Яъни қаҳрамоннинг ижтимоий воқелик бағридаги фаолиятини чизишда, бадий-эстетик умумлашмаларда фалсафий мазмун салмоғи етишмайди. Чунончи, достонда ҳам ҳар бир деталь, ҳар бир образ муайян эстетик мазмун ташийди, ва шу асосда, етакчи ғоявий-бадий маънени нурлантириш учун хизмат қиласи, ягона мақсадга бўйсундирилади, деймиз. О.Матжоннинг драматик достонларига назар ташлар эканмиз (“Пахлавон Маҳмуд”, “Беруний”, “Тўғон” ва х.к.), хусусан, “Беруний” асарида деталь, ҳолат жўнлигини кўриш мумкин. Бадий-фалсафий мазмунни очиш учун хизмат қилмайдиган маиший деталлар ниқталаб тикиштирилгандек сунъий. Абдулла Орипов таъбири билан, айтганда, севги-муҳаббат мавзуида асар битиларкан,

ошиқ йигитнинг изҳори дил асносида оёғи теккан совук тошбака шеърга кириши шарт эмас. Ёхуд, бир отим нос сўраш, папиросини тутатиб олиш ниятида Гамлет отасининг арвохини чиркиратаетгани йўқ, албатта. Бадий асардаги хар бир деталь, хар бир ҳолат, хар бир образ катта ижтимоий-фалсафий маънони, инсоний тақдирларни, умумбашарий қадриятлар мазмун-моҳиятини (адолат, гўзаллик), ҳақиқатларини очишга қаратилади. (Чунончи, асарнинг биринчи манзарасидаги Кизлар ва Болта масхарабоз диалогида майда, ҳархаша гаплар ўқувчини чарчатади.)

Мунаққид ёқлаганидек, достонларда замон туйғуси, замонавийлик рухи тўғридан-тўғри жамият кишиларининг онги-дунёкараши ва мақсад-интилишларида, шоирлар илгари сураётган маънавий-ахлоқий масала ва идеалларда зухур топади. М.Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди”, “Тошкентнома”, У.Носирнинг “Норбўта”, “Нахшон”, Миртемирнинг “Сурат”, Э.Воҳидовнинг “Нидо”, “Рухлар исёни” каби достонлари мисолида бадий асар замонавийлиги, ҳалқчиллиги миллий ҳарактерларнинг муҳим ҳусусиятларини акс эттираётган бадий шаклларнинг мукаммалигигида зухур топади. Шу ўринда мунаққиднинг адабий-танқидий қарашларини ҳарактерловчи икки унсурни таъкидлаш жоиз. Ҳусусан, бири – достонларни ўрганиш ҳамда тушуниришда юзага келган бадийлик – ифода маданиятидир. Иккинчиси – бадий асарни эстетик таҳлил ва тадқиқ этишдан чиқарилган илмий-назарий ҳулоса теранлигидир. Адабий-танқидий асарлари (тадқиқот, адабий ўйлар, эсселар, бадиа, рисола, мақола, такриз) киёфасини белгилаб берәётган илмий ҳамда бадий тафаккур унсурлари кай даражада узвий намоён бўлаёт? Мазкур ҳусусиятлар хақида фикр юритиш, бево-

сита, олимнинг индивидуал ўзига ҳослиги, илмий-назарий савияси ҳусусида гапириш имкониятини беради. Сир эмас, аксар олимлар мақоласини ўқиб бўлмайди. Илмий терминлар шунчалик қалаштириб ташланади, уларнинг ҳалқона ифодасини топиб, моҳиятини англатгунча одамнинг тинкаси курийди. Асар сюжети, композицияси, конфликти, тил ҳусусиятлари, санъаткор услуби, қаҳрамон ҳарактерининг яратилиш принциплари ва х.к. бадий компонентлари билан боғлиқ атамалар, терминлар, иқтибослар саржин қилиб ташланади. Бу хил бирёқламалиқдан ҳалос бўлиш учун нима қилиш керак? Маълумки, мунаққид бадий асарнинг моҳияти, йўналиши, ижодий ниятнинг бадий талқинлари ҳусусида фикрлаши, таҳлил қилиши ва ниҳоят, баҳо бериши керак. Иброҳим ака кузатишларининг ўзига ҳослиги, афзаллиги шундаки, ҳабар-таҳлил ва эстетик баҳо асардаги муҳим ижтимоий масала атрофида муҷассамлаштирилади. Ана шу ҳолатда олимнинг юксак илмий-назарий малакаси, индивидуал ўзига ҳос фикрлаш маданияти ёрқин намоён бўлади. Мазкур илмий муҳокама-мушоҳадаларнинг бадий ифодаси синтезга Эришишдек камёб фазилат Иброҳим Ғафуров изланишларига бетакрор тароват бағишлиайди. И.Ғафуровнинг илмий асарларига назарий теранлик билан хиссий тафаккур, эҳтиросли мушоҳадакорлик ўзгача файл бағишлиайди.

Чунончи, мунаққиднинг Абдулла Орипов ижодий изланишларини маълум даражада умумлаштиришга ҳаракат қилган “Шукух” номли мақоласи бор. Олимнинг ҳаёт, шоир, шеърият, шеър ҳусусидаги ўйлари А.Орипов бадиияти билан чатишиб кетган. “Табиат билан инсон ўртасида уйғунлик бузилгандা, буни олдин күшлар билан шоирлар англаб етадилар. Булок куриса, олдин шоирлар изтиробга тушади, у бошқа булоклар ҳам күшоирлар изтиробга тушади,

ришига бефарқ караб туролмайды. Табиат ўз организмини ўта нозиклик ва сергаклик билан кузатади. Товонингизга кирган жиндаккина тикан жисмингизнинг хар мўйида акс-садо беради. Табиатда мувозанат бузилган чоғда у тинимсиз сигналлар бера бошлайди. Абдулланинг шеърлари мана шунинг каршисида ғафлатда қолмасликка бир чакириқ. Абдулла Орипов китоби номини “Ҳайрат” деб кўйган. Ҳайрат – бу эхтироснинг катта очилган кўзлари. Ҳайрат Ватанинг яшинаётган жамолидан, оламнинг ўзгариб турувчанлигидан, инсон ақл-туйғуларининг бадавлатлигидан, жафолардан, шоирнинг ўзи айтгандай, эхтиросларнинг самовий кучидан туғилади, юракларга шеър ишқини солади”. Ушбу парчадан олимнинг тафаккур йўсини, фикрлаш маданияти яққол кўриниб турибди. А.Орипов ижодининг шеъриятимиз тараққиётидаги ўрни, аҳамияти, бадиининг етакчи аломатлари дарж этилаётir.

Демак, Иброҳим Faфуров ижодидаги илмий-назарий теранлик билан эмоционал бадиийлик синтези индивидуал услубининг бош хусусиятидир. Шуниси эътиборлики, мазкур хусусият олим тадқиқот-мақолаларининг безаги бўлиши баробарида аниқ ва равшан нуктаи назарини англатади; илмий-эстетик баҳосининг яхлитлигидан далолат беради. Мухими, ана шу хиссиятли, кечинмали илмий тафаккур тарзи назарий мазмундорлиги билан ажралиб туради. Бу нарса, ўз навбатида, И.Faфуровнинг ўзига хос фикрлаш-тафаккур маданиядидан боҳабар қиласи. Шоир маҳоратининг айрича кирраларини кўрсатиш баробарида, бадиий асарнинг жараёнда тутган ўрни-аҳамиятини, сўз санъаткорининг фалсафий-эстетик савиясини англаш имконини беради.

Иброҳим Faфуровнинг илмий-ижодий фаолиятидаги мазкур хусусият алоҳида мустақил тенденция дара-

жасига ўсиб етганлигини шоир Мамарасул Бобоев мамнуният билан қайд этади: “... танқид жанрида “лирика” бўлишини биринчи марта кўрдим, – дейди. – Унча катта бўлмаган бу макола улуғ Навоийнинг “Сенга” шеъри ва Фуркатнинг зўр ҳаяжон ва маҳорат билан ёзилган “Бир камар сиймони кўрдим балдан Кашмирда” ғазали қадар завқу шавқ бағишлиди менга. Шу сабабдан ҳам бу маколани “лирика” деб атаяпман”.

И.Фафуровнинг М.Шайхзода, Миртемир, Зулфия, А.Мухтор, Э.Воҳидов, А.Орипов ва х.к. шоирлар асарлари бадиияти ёритилган мақолалари илмий тафаккур билан эмоционалликнинг гўзал кўринишидир, дедик. Уларда поэтик сўзнинг бадиий-эстетик нафосати, фалсафий теранлиги каби нурпош хусусиятлари дарж этилади. Олим илмий-назарий умумлашма хуносаларини, мушоҳада-муҳокамаларини, юрак тўлқинларини шоирларимиз лирикасининг лирик шукухи илиа уйғунлаштириб, шоирона завқ билан ифодалайди. И.Фафуров индивидуал услубидаги – фикрлаш тарзида шоирона эхтирос илмий-назарий фикрлар билан уйғунлашиб, ўқувчига фусункор шеър сурурини бағишлиди. Ушбу жараёнда Иброҳим Faфуровнинг нафақат шеърияга, умуман бадиий адабиёт жозибасига бағишиланган асарларида ўзига хос нуктаи назари, тафаккур кўлами, бадииятни ғоят нозик тушуниши, идрок этиши ва ўта фасоҳат илиа Англияниш иқтидори ёркин балкиб туради.



## ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАФАККУР ҲАДЛАРИ

### Бадианинг илдизи, эстетик хусусиятлари

Сўнгги йилларда атокли сўз санъаткорларининг адабий-эстетик қарашларини ўзида мужассамлаштирган бадиалари «Ёзувчи ва давр», «Адабий ўйлар» туркумларида кўплаб нашр этилди. Уларда адиларимизнинг шахсияти, ижодий табиати, бадиий адабиёт ва адабий меҳнат ҳакидаги, адабий жараён ҳамда миллий маданиятимиз хазинасини бойитган баркамол асарларнинг ижодий ғоя сифатидаги туғилиши, ёзилиш жараёни, ижтимоий-эстетик таъсир кучи билан боғлик ғоят кимматли фикр-ўйлари кенг ўрин олди. Бу ҳодиса ўзбек адабиётшунослиги тараккиётида алоҳида бир ёркин сахифани ташкил этади. Ушбу ҳодиса кеча ёки бугун дабдурустдан юзага келган эмас. Унинг илдизлари минг йиллик адабиётимиз тарихига бориб туташади, ундан ҳаёт сувини ичади. Хусусан, ўзбек адабиётшунослигининг бугунги камолида Юсуф Ҳос Ҳожиб, Ахмад Юғнакий, Алишер Навоий, Бобур, Фурқат ва бошқа классикларимизнинг нафис адабиётга, шоир меҳнатига доир, замондош шоирлари шеъриятининг нуктапош кирралари хусусидаги муношоҳдалари залворли замин бўлиб хизмат қилди. Шу маънода Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Ҳамза, Абдулла Авлоний,Faфур Гулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор, Усмон Носир сингари санъаткорларимизнинг адабий-эстетик қарашларири адабиётимиз илмини янги сифат боскичига кўтарди.

Шарқ<sup>1</sup> ва Ғарб<sup>2</sup> классикаси, кардош ҳалклар (Н.Г.Чернишевский, В.Г.Белинский, Добролюбов ва хоказо) адиларининг санъатнинг табиати, унинг ҳалк ҳаётидаги, жамият тараккиётидаги ўрни ва аҳамияти, ҳаётни, инсонни, гўзалликни кашф этиш моҳияти тўғрисидаги мушоҳада-муҳокамалари ҳам адабиётшунослигимиз ривожида файзли ўрин тутади.

Адилар ҳаёти ва ижодида шундай бир боскич бўладики, ижодий фаолиятининг муайян бир даврида босиб ўтилган йўлга, давр ва одамларга, салафлари, тенгкурлари, шогирдлари сухбатига, устозлари сабокларига, ва қолаверса, ўз тажрибаларига ҳам бир кур разм солишни, ўз «мени» орқали кўрган-кечирганларига холис баҳо беришни такозо килади. Ана шу эстетик баҳо санъаткорларнинг индивидуал ижодий қиёфасини, бетакрор шахсиятини намоён этади; шу билан баробар, ўз замонасининг, ҳалқининг дардлари билан нечоғлик ҳамнафас яшаганлигини ҳам кўрсатади.

Шу жиҳатдан адиларимизнинг «Адабий ўйлар», «Ёзувчи ва давр» туркумларида эълон килган мақолаларидаги фикр-мулоҳазалари тадрижига назар ташласак, адабий қаҳрамон ва замон руҳини, етакчи қаҳрамон ким

<sup>1</sup> Давлатиоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони («Тазкират уш-шуваро»). Форс-тожик тилидан Бўрибой Аҳмедов таржимаси. Тошкент, 1981; Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъ ус-саноий (аруз вазни ва бадиий воситалар ҳакида). Форсчадан Алибек Рустамов таржимаси. Тошкент, 1981; Форобий. Рисолалар. Тошкент, 1975 ва х.к.

<sup>2</sup> Аристотель. Поэтика (поэзия санъати ҳакида) Русчадан Махкам Махмудов ва Уммат Тўйчиев таржимаси Тошкент, 1980; Буало. Шеърий санъат. Русчадан Жамол Камол таржимаси. Тошкент, 1978; Лессинг. Лаокоон (тасвирий санъат ила шеъриятнинг ҳадлари ҳакида). Русчадан Нўймон Раҳимжонов таржимаси. “Ўзбек тили ва адабиёти”, ж., 1972, 2-сон ва х.к.

ва у қандай киши бўлиши кераклигини, бадий адабиёт зиммасида нечоғлик салмоқли ижтимоий ҳамда маънавий-ахлоқий масалалар турганлигини, ушбу талаб ва вазифалар халқимиз ҳаётининг ҳар бир боскичларида янги сифат белгиларида зухур топганлигини, ҳар бир даврда янги-янги мазмун или бойиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Уларда, шоир таъбири билан айтганда, ижтимоий фаол инсон қалбининг тебранишлари ёлқинланиб туради. Ундан ҳар бир авлод маънавий-интеллектуал эҳтиёжига яраша ҳарорат олади, нур эмади. Уларда адабиёт ва санъат, бадий ижод ва маҳорат, ҳаёт материали ва бадий тўқима, ҳаётий факт ва унинг бадий талқини, устозлар ижодхонаси ва ёш ижодкорлар масъулияти каби кўпгина масалалар камраб олинади.

Гарчанд ушбу туркумдаги асарларни моҳиятан «Ёзувчилар давр ва ижод ҳақида», «Ёзувчиларнинг ҳаётий ўйлари» деган умумий бир ном билан атасак-да, адабий-танқидий ҳамда эстетик тафаккур такомилига салмоқли улуш кўшишига кўра адабий ўйлар, бадиалар, адабий этюдларни адабиётшуносликка нисбат бера оламиз. Ва энг муҳими, А. Кодирий, Ойбек, Ф.Фулом, У.Носир, Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода, А.Қаҳхор, Миртемир, Зулфия, И.Султон. П.Қодиров, А.Мухтор, О.Ёкубов, Э.Воҳидов, И.Фафуров, А. Орипов, Р.Парфи, Ҳ.Худойбердиева сингари шоир-ёзувчиларнинг маданиятимиз тарихини белгиловчи асарлари адабиётимиз ривожида қанчалик залворли ўрин тутса, адабий ўйлари, бадий этюдлари ҳам адабиётшунослигимиз камолида шунчалик салмоқли нуфузга эга. Зотан, ижодкорларимиз ушбу йўналишдаги асарларида адабий танқидчи, тадқиқотчи сифатида ҳам намоён бўлаётирлар. Бу эса санъаткорларимизнинг ҳаёт ва адабиёт, бадий ижод хусусидаги ўй-мушоҳадаларидан сайқал топган бадиа-

лари, бадий этюдлари илмий-назарий аҳамиятта эга эканлигини кўрсатади.

Миртемирнинг «Тингла, ҳаёт» (1974), «Дўстлар даврасида» (1980), Абдулла Қаҳхорнинг «Ёшлар билан сухбат» (1968), Аскад Мухторнинг «Ёш дўстларимга», Р.Файзийнинг «Дўстлар меҳри» (1983), Ҳ.Фуломнинг «Йиллар, йўллар, устозлар», Э.Воҳидовнинг «Шоир шеъру шуур» (1987), «Изтироб» (1992), Ӯ.Хошимовнинг «Нотаниш орол», А.Ориповнинг «Эҳтиёж фарзанди» (1988), И.Фафуровнинг «Лириканинг юраги» (1982), «Дил эркинлиги» (1998), «Ҳаё – ҳалоскор» (2006), «Мангу латофат» (2008) мажмуалари мундарижасини белгилаган адабий ўйлар, бадиалар, адабий-танқидий маколаларни таъкидлаш жоиз. Улар турли даврларда нашр этилган. Ўтган асрнинг 70–80-йилларидан бугунги кунгача кечган жараён хусусида. Улар адабининг ижоддан, қайнок илҳомлардан бир дам тиниқкан, бир зумгина бўшаган дақиқаларида эмас, айнан шу эҳтиросли ижодий ҳаёллари жўш урган бир пайтда ёзилганини пайқаймиз. Миртемир бадиалари ана шундай лазиз дақиқаларнинг ижодий «тўлғоғидан» туғилган асарлардир; маънавий зарурат, руҳоний эҳтиёж такозоси билан юзага келган хосилалардир.

Миртемирнинг макола-этюдларида санъаткорнинг ҳаёт ва бадий адабиётнинг табиати ҳақидаги ўйлари, шеър ва шеърият, маҳорат, адабий жараён ва ижодкор масъулияти, талант ва меҳнат ҳақидаги қарашлари билан узвий чатишиб кетади, яхлит бир кўркам силсилани ташкил этади. Шоир ўйларида ўз «мени»ни белгилаган, шахсиятини таъминлаган муҳим белгилардан бири ҳам бой ҳаётий ҳамда ижодий тажрибасида равшан зухур топган. Муҳими, Миртемирнинг ҳаётни, воқеа-ходисаларни кўриш, тушуниш, эстетик баҳолашдаги инди-

видуал нигоҳи, адабий жараён ҳодисаларига нисбатан нуктаи назари объектив мөхияти ила намоён бўлади.

Шеър зиммасидаги устувор вазифалар Миртемир бадиаларининг асосини ташкил этади. Шеър инсонлар қалбига, онгига, шуурига ёруғлик олиб киради. Миртемир бадиий баркамол шеърларни шуълага нисбат берининг боиси ҳам шунда. У ўз шеърларини нур дарёсида нур бўлиб қолишини истайди.

Шеър – ҳикмат дарёси, сехр дарёси,  
Жумбоқдай битталаб ечолсам дейман,  
Илму ишқ дарёси, меҳр дарёси,  
Қониб-қониб мен ҳам ичолсам дейман.  
Бағри бир ҳазина – бебаҳо дурдан,  
Тозалиги ўтар тоза билурдан,  
Яралмишdir гўё бир дарё нурдан,  
Нурини нур бўлиб кучолсам дейман<sup>1</sup>.

XX аср шеърияти янада сербўёқ, сершиддат, сероҳанг мөхият қасб этганлиги Миртемирнинг фасоҳатли кузатишлари орқали янгича кирралари ила зухур топади. Ана шу жараёнда ўзбек шеърияти олдида турган долзарб вазифалар ҳам дарж этилади. «Конкрет инсон тақдирни ва инсон ҳаракати ўз тасвирини топмаган поэтик асар – ўллик асар... Поэзия бизнинг замонамиизда ҳаёт таронаси бўлиши шарт, ҳаётни ўрганиши ва ҳаётга ўргата билиши, ҳаётнинг идеал поғоналарига юксалишида хизмат қила билиши шарт» (33-бет). Миртемир шеър учун мусиқийлик ҳам, фикр билан туйғулар уйғунлиги ҳам лозимлигини таъкидлайди. Шеър учун табиийлик, сюжетлилик, оҳанглар бойлиги, фикрлар тиниқлиги ва лирик «мен»нинг қатъий позицияси қанчалик муҳим

<sup>1</sup> Миртемир. Дўстлар даврасида. Адабий ўйлар. Тошкент, 1980, 105-бет (кейинги мисолларда ушбу нашр сахифаси кўрсатилади).

бўлмасин, унда, аввало катта умуминсоний масалалар тажассум топиши даркор. Шеърнинг ҳалқчиллигини ҳам, хис-туйғуларнинг самимийлиги ва кечинмаларнинг табиийлигини ҳам биринчи галда ана шу шеър мазмунини ташкил этган ижтимоий дард ёхуд инсоний гўзаллик ифодаси белгилаб беради. «..Ҳакикий шеър замон қўшиғи, жон озиғидир, – деб ёзди Миртемир «Дахо» мақоласида. – Ҳолбуки, ҳакикий шеър ўкувчи дилидан шундай жой оладики, уни суғуриб ташлаш кийин. Ҳакикий шеър бой-бадавлат тил ҳазинамиздан чертиб-чертиб, жонон пиёладай жаранг берган сўзларнинг маржондай ўз ўрнида яркирашидан таркиб топади. Ҳакикий шеър рассом чизган лавҳадай ёркин ҳаёт манзарасидир. Ҳакикий шеър ёруғ довонларга етаклашга кодир замон идеалларининг ҳайқириғидир» (72–73-бетлар).

Миртемир «Улкан замонга улкан шеърият» бадиасида баркамол шеър тимсоллар системасидан дунёга келишини айтади; шоирнинг ушбу эстетик қараши «Дахо» мақоласида янада кучайтирилган ва мукаммалаштирилган. Миртемирнинг эстетик қарашлари аввали шеърларида ўз аксини топган. Шу ўринда шоирнинг «Қорақалпок дафтари», «Қирғиз шеърлари» сингари ҳикматга йўғрилган туркумлари, шеъриятимиз ҳазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилган «Онагинам», «Булут», «Ёмғирлик», «Қоғозда колсин, майли», «Қораденгиз қирғогида сени соғинганим», «Тупрок тўғрисида», «Ўзбекистон» сингари ўнлаб шеърларини кўрсатиб ўтиш жоиз. Шоир юқоридаги мулоҳазаларини Пушкин шеъриятининг ижтимоий-фалсафий қудрати ҳақида фикр юритиб айтаркан, Пушкин шеъриятининг қалбига нигоҳ ташлаш орқали Миртемир поэзиясининг ҳам қалби очилаётганидан вokiф бўламиз. Яъни,

буюк санъаткорнинг бадиий дунёсига назар ташлаш орқали Миртемир ўз шеърининг, ўзига замондош ижодкорлар шеъриятининг тадкиқотчиси сифатида ҳам на-моён бўлаётир. Шу маънода Миртемирнинг Навоий, Пушкин, Некрасов, Шота Руставели, Насимий, Абай, Бердақ, Айний ва бошқа улкан санъаткорлар эстетик қарашлари хақида фикр билдирган бадиаларида унинг кўнгил муҳрини, шеъриятининг теран илдизларини, эстетик қарашларини чукур англай оламиз.

Шеърият халқ тақдирининг инъикоси экан, Миртемир поэзиясининг асос моҳиятини инсонга, ҳаётга, гўзалликка мухабbat фалсафаси ташкил этади. Ана шу омилдан шоирнинг эстетик қарашлари ҳам ҳаёт сувини ичади. Миртемирнинг бадиаларини мужассамлаштириб турувчи пафос – бу инсонга, ҳаётга, гўзалликка мухабbat концепциясидир.

Миртемирнинг адабий ўйлари, қайдлари, бадиий этюдлари, гарчанд насрнинг эътиборли турлари эсада, уларни қалб тарихи дегинг келади. Негаки, уларда ижодкорнииг индивидуал ўзига хослиги, адабий-танқидий қарашлари, маънавий дунёси ёркин чизгилари илиа равshan кўриниб туради.

Миртемирнинг адабий ўйларида илмий-назарий фикрлари бадиий буёклар илиа йўғрилган. Тўғри бу ўринда биз одатланиб қолган ижобий маънодаги илмий академизм етишмаётгандек туюлса-да (аслида бадиалар, адабий ўйлар моҳиятан илмий-назарий академизмга пешволик килмайди), ана шу фикр-ўйлар мағзидан, илмий-назарий концепциялардан танқидий тафаккур тараккиёти учун, бадиий-эстетик тафаккур камоли учун тахизмат килувчи адабиётшунослик фикрлари балқиб туради («Шеър дегани – юрак дегани, тўлқин дегани, ҳаяжон дегани, тимсол дегани, тимсолларда фикр юр-

гизиш дегани! Вазну қофиялик сўз нимаики бўлса шеър бўлмаслиги бугунги китобхонга қўёшдай равшан гап. Вазну қофияни тузишга кодир одам кўп, лекин вазну қофияни дилдагисини ўқигувчи дилига сут ва қондай сингдириш учунгина ишлатувчилар, яъни туб маънодаги шоирлар унча эмас», 37-бет). Зотан, санъаткорнинг устозлар ҳамда замондошлари, ёш ижодкорлар фаoliyatiini кўп йиллик кузатишлари ўлароқ билдирган фикрларида адабиёт илмининг тараккиёти билан боғлик чукур кўламдор мушоҳадалар мужассамлашган.

Агар чиганоқни қулоғимизга тутсак, уммоннинг шиддати, ғувури эшитилади. Миртемирнинг ўз ҳаёт йўлига, ижод жараёнига назар ташлаган адабий эътирофларини ўқир, қалб сўзларига кулок тутар эканмиз, ундан давр садосини, устоз санъаткорнинг катта ва салмоқли ижодий тажрибаси сабокларини англаймиз. Шу боисдан ҳам устоз санъаткорнинг ўй-мушоҳадалари биз учун ҳам, келгуси авлодлар учун ҳам замондошdir.

Хусусан, Миртемирнинг биргина поэтик маҳорат масаласини тушуниши ва тушунтиришидаги нуқтаи назари нечоғлик кўламдорлигидан беихтиёр ҳайратланасан. Энг мухими, адаб шеърий маҳорат мактабини ҳаёт мактаби билан узвий алокадорликда кўради. Адабий-танқидий қарашларининг мағзи «Олимжон Холдорга маслаҳатларим», «Ёшлар хақида икки оғиз сўз», «Ўнта бўлса-да ўрни бўлак», «Ургут ва бургут», «Тонг куйчиси», «Улкан шоир» сингари бадиаларига сингдириб юборилган. «Шеър – дил пўртанаси, замон япроғи, ҳаёт қўшиғи-ку», – деб ёзаркан, ушбу поэтик концепцияни шеър учун сув ва хаводек зарур бўлган образлиликда, замон гоясини чукур эгаллаб олиб, замонга мос, даврга жўр шеър битища, ҳаётнинг ичida қайнаш, унинг ёруғлигини ҳам, коронғу томонларини

хам тийрак идрок этишлиқда күради. Ана шундагина шеърда туйғулар самимий, тасвиirlар табииний, ишончли, қор сувидай тиник ва жарангдор бўлади. Шундагина шеър ўз мавзуи, мазмуннинг бойлиги ва беғуборлиги, шакл навқиронлиги (яъни қофия, оҳанг, ифода, тасвир янгиликлари) билан бир-биридан ажralиб туради, деб тушунтиради.

Фикр ва түйғуларнинг одиллиги, олийжаноблиги, назокат ва бирдамлигига, чиройлилигига юксак бадиийлик намуналари намоён бўлади. Бир сўз билан айтганда, Миртемир юксак бадиийлик билан етук поэтик маҳоратни омухталиқда англайди. Икки омилнинг бир-бирини тўлдириши, бойита бориши санъаткор учун умумисоний түйғулар ва фикрлар билан тўйинган ҳаёт поэзиясини яратиш имкониятини беради.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Коврилмай то ғашлик алангасида,  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Нафасимни росттай кўланкасида.  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Кушлар овозига кулоқ солайин,  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Хаёл оғушида ором олайн:  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим<sup>1</sup>.

“Бетоблигимда...” шеъридаги сўз-образлар, хусусан, нур, дарахт (мажнунтол), күшча, жимжитлик ва ҳоказолар лирик қаҳрамоннинг ўзига хос фикрлаш табиатини намоён қилади. Ижодкорнинг эстетик қараашларини

<sup>1</sup> Миртемир. Ёдгорлик. Шеърлар. Тошкент, 1978. 141-бет

хам зухур этади. Шу маънода Миртемир шеърларидағи сўз-образлар чуқур ижтимоий, фалсафий мазмун англатишига кўра анъанавий образ, тимсол даражасига кўтарилигини англаймиз. Хусусан, биргина мажнунтол (дараҳт) образининг маъно кирраларига разм солайлик. Сиртдан қараганда мажнунтол шеърда оддий бир ўхшатишдек туюлади. Лекин аслида шоир кечинмаларини, ички дунёсини, воқеликни бадиий ифода этиш воситаси сифатида Миртемир поэтикасининг муҳим унсурларидан бирига айланаштириб. Шоир шеърларида, бир ўринда дараҳт образи мевасини беминнат тортиқ этувчи саҳоватли хилқат маъносига, иккинчи бир жойда туганмас сабр-бардош тимсолида, бошқа бир ўринда эса ҳайтнинг бокийлигини, табиатнинг адоксиз гўзаллигини кўз-кўз этувчи бокиралик, яшноклик рамзида ифодаланади. «Бетоблигимда» шеърида эса мажнунтол образи ана шу турфа ҳикматли маъноларнинг янги кирраларини намоён этади. У лирик қаҳрамоннинг воқеликдаги ноҳақликларга, бедодликка, тенгсизликка қарши очик кураша олмаган, эзилган ва толиккан вужудига бир зумгина ором бағишливорчи гўша маъносини ифодалайди («...оғушида ором олайн», «Нафасимни ростлай кўланкасида»). Тушкун руҳига маънавий мадад ато этувчи кудрат тимсолини англатади (“Кушлар овозига кулок солайн”); охирги бандда эса аччик қисматини шовуллаган кўз ёшлари орқали англатишдан ортиқ фалликка кучи етмаган армонли сабр-токат рамзига айланади. Ёлғон жамиятнинг уйдирма нағрангларини рўйирост айта олмаган, ўзини бир умр чеклаб келган (“Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим”) лирик қаҳрамон такдири билан мажнунтолнинг ҳолати ниҳоятда эш. Бир умр «Энг адолатли жамиятда яшапмиз», деб одамларни ишонтиришга интилган, бирор адолатсизликларни

кўрган, не-не тақдирларни кўйдириб кул килган жамитинг асл моҳиятини анча кечикиб, кексайгандага чукур англаб етган, бирок унга карши бош кўтаришга ожиз олов вужуднинг бағридан тўкилаётган кўз ёшлари. Шутарика дарахт (мажнунтол) образи лирик қаҳрамоннинг ижтимоий воқеликка бўлган муносабатини рамзли маънолар орқали ифодаловчи тимсолга айланади.

Миртемир адабий ўйларини асло адабий мезон сифатида, адабий тажрибанинг илмий бир ҳосиласи сифатида тақдим этмайди. У ўз ўқувчилари билан нафис адабиёт, бадиий ижод сирлари, сехри хусусида ҳамроҳ дўстлар сингари сұхбатлашади.

Миртемир Faфур Ғулом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, С.Вурғун, Абай, Зулфия ва бошқа санъаткорлар шеъриятининг мумтоз намуналари таҳлили орқали ўз мушоҳадаларини исботлар экан, шеърнинг хаётийлиги унга умрбокий маъно бағишлаганлигини таъкидлайди. «Менинг тушунишимча, – деб ёзади Миртемир, – чинакам шеър мағзидаги хаёт ва хаётий воқеа мавжи ётади. Чинакам шеър уйдирмадан олис. Яъни, чинакам шеър инсон хаёти ва инсон қалбининг тимсолларда товланиши, тимсоллар жарангига ва авжи, деб биламан» (44–45-бетлар).

Шоир бадиаларидан шериятнинг хаётдаги, одамлар турмушидаги ўрни ва аҳамиятига доир фалсафий мушоҳадалар ёрқин шуъла сочиб туради. Миртемирнинг адабий ўйлари, аввало, падари-бузрукворининг меҳр тўла самимият ила балқан нигоҳини, ўгит-сұхбатларини эслатади. Кенг ўқувчилар оммаси шоир бадиаларини, адабий-танқидий мақолаларини маҳсус илмий-назарий тадқиқот йуналишидаги кузатишлар сифатида эмас, шоирнинг фалсафий теран, сертимсол, фикрчан лирикасининг насрга кўчиб ўтган бадиалар сифатида қабул қиласди.

Шоир лирикасидаги мушоҳадакорликнинг кўламдорлиги, чукурлиги бевосита бадиаларига ҳам ана шу фазилатларни кўчирган, уларнинг бетакрор ўзига хослигини таъминлаган. Тоғ чўққилари қанчалик пурвикор ва келбатли бўлса, унинг елкасида туриб шунчалик олисларни илғай оласан; булок қанчалик чукур ер каъридан отилиб чиқса, унинг суви шунчалик шаффоф, салкин ва эпкин бўлади.

Шунга монанд, Миртемир бадиаларининг илмий-назарий куввати бевосита лирикасидан, ижодий ҳамда ҳаётий тажрибасидан умрзоқлик сувини ичган. Санъаткорлар ижодий лабораториясига йўл кўрсатиши, адабий жараёнлар хусусидаги умумлашма кузатишлари илмий-назарий хулосалар касб этишига кўра ҳам адабиётшунослигимиз ривожида аҳамиятли.

Ўзбек адабиётида бадиий ижод билан бирга адабиёт илми билан машғул бўлган муборак номлар – Фитрат, Ойбек, Максад Шайхзода қаторидан Иzzат Султон ҳам муносаб ўрин олган. Устоз И.Султоннинг бадиий ижодда, адабиёт илмida ёрқин из қолдирган фаолияти маънавий зарурат билан изоҳланади. Маълумки, ушбу санъаткорларнинг ижодий фаолияти адабиётимизда фавқулодда ҳодиса. Улар бамисоли бир боғ. Мингминг йиллик адабиётимиз тарихида бадиий ижоддан ташқари адабиёт илмida ҳам улкан мерос қолдирган санъаткорлар кўп (Алишер Навоийнинг “Меъзон ул-авзон”, “Мажолис ун-нафоис”, Бобурнинг «Мухтасар» асарларини эслаш кифоя). Улар устозлар анъанасини давом эттиридилар; янги ижтимоий воқелик такозоси билан юзага келган саволларга ҳам бадиий, ҳам эстетик тафаккур орқали жавоб беришга ҳаракат килдилар. Адабиётшунослик тафаккури классик адабиётимизда ўз илдизларига, анъаналарига, юксак самараларига эга.

Зеро, хар кандай ижод күриниши тарихий шарт-шароит ҳамда ижтимоий вокелик махсуси. Ҳаёт эса ҳар куни үзининг ғоявий мазмунини бойитиб бораётган эстетик вокелик, у бадий инкишофини кутади. Шу маънода давр тарихий категория сифатида, вокелик эса харакатдаги эстетика сифатида санъаткорларни майдонга келтиради.

Иzzат Султоннинг бадий ижоди сертармоқли. Адабиёт назариётчидек масъул фаолияти ҳам ғоят серкўлам. Гарчанд драматург-олимнинг тадқиқотлари канчалик сертомир эса-да, уларни ягона бир концепция, яъни ҳаёт ва маънавият гўзалликларини бадиият гўзалигига айлантиришдек, шу тарика ҳаётнинг бокийлигини, инсоннинг буюклигини тасдиқлашдек файзиёб моҳият бирлаштириб туради.

Адабиёт илмининг назарий масалалари И. Султон ижодининг таркибий бир кисмини ташкил этади. Адабнинг драматурглиги билан адабиётшунослигини айри-айри тушуниш мумкин эмас. Бу икки йўналиш-Иzzат Султоннинг ижодий ютукларини таъминлаган икки канотидир. «Ҳаёт ва адабиёт», «Тарих ва замонавийлик», «Устод ҳакида ўйлар», «Ҳаётга маҳлиё санъаткор», «Ўзбекча адабиёт назариясини яратишида Л.Н. Толстой эстетик карашларининг роли», «Айний сабоклари», «Иzlанишлар давом этади» сингари мақолаларида И. Султон бадий ижоднинг сехрли сирлари ва конуниятларини адабий жараённинг ривожланиш омиллари илиа үйғунликда ўрганади. Умумадабиётимизнинг камолот йўналишларини белгилаш асносида юзага келган назарий хуносалар ўзбек филологиясининг илмий асосларини белгилаш билан ахамиятли.

И. Султоннинг сахна асарларидағи («Алишер Навоий», «Бургутнинг парвози», «Имон» ва ҳоказо) қаҳрамонлар тақдиди, ҳаётнинг сахнага кўчирилган жўшқин

лавҳалари, фалсафий мазмун теранлиги – бари адабнинг тафаккур маданиятидан нур эмади. И. Султоннинг ҳар икки йўналишдаги изланишлари – бадий ҳамда илмий кашифётларини бирлаштириб турган ёлғиз бир офтоб бор, бу – бадий адабиётдир. Бу шундай бир сехрли дунёки, унда илмий ва бадий тафаккур очилган гулнинг атри ва ранги сингари яхлит үйғунликда зухур топади.

И. Султоннинг адабиётшунослик фаолиятидаги тадқиқотчи-мутафаккирлик йўналишига драматург-санъаткорлиги алоҳида нур бағишлиб туради. Ижодий жараёнларни, адабиётнинг ривожланиш босқичларини, ижод психологияси, бадий маҳорат сингари масалаларда доимо янги-янги кузатишларга бой бўлган умумлашма фикрлар айтишига адоксиз таъсир кўрсатади. Яъни, илмий-назарий мушоҳадаларда И. Султоннинг шахсий бадий тажрибаси ҳам катта роль ўйнайди. Илмий тадқиқчилиги санъаткор-мутафаккирлигига эстетик йўналини бағишлиб турса, бадий тажрибалари эса образлар ҳаётига чукуррок киришда, бадий образлар зиммасига юкланган мазмун-моҳиятини англашда очкич вазифасини ўтайди.

И. Султоннинг адабиёт назариётчилик фаолияти адабиётшунослигимиз тарихида ёркин бир саҳифани ташкил килади. Бадий ижоди жараёнида жамғарилган кузатишларини, мулоҳазаларини алоҳида тадқиқотларида илмий йўсинада айтиш учун ўзида маънавий эҳтиёж сезади.

Адаб эстетик карашларининг мағзини ташкил этган бош маъно – ҳар бир ҳалқ маънавий камолоти умумжаҳон тафаккур тараккиётининг принципиал жихатдан янги босқичи эканлигини исботлашга қаратилди. «Адабиёт назарияси», «Навоийнинг калб дафтари», «Абдулла Кодирийнинг ижодий йули» сингари мухташам тадқиқотларини эслаш кифоя.

Мамарасул Бобоевнинг шеърият соҳасидаги тажрибалари «Умрим кўшиклари» рисоласида мужассамлашган. У ўқувчини ўз ижодий лабораториясига охиста етаклаб киргандек бўлади. Сезилмаганда кўнгил дарчасини чертиб келган илҳом билан бирга сирлашгандек, сухбатлашгандек туюлади. Шоир «Бўтакўз», «Бўса», «Инсон ҳакида», «Тол попуклар» каби ақик шеърларининг яратилиш жараёнидан воқиф этади.

Шоир қалбига илҳом шукухининг меҳмон бўлиши, шеър дардининг туғилиши (ғоявий-бадий ният тарзida), шеър шаклига кириши, матбуот юзини кўриши, танқидчилик баҳоси ва ниҳоят ушбу ҳодисанинг ҳосиласи сифатидаги шоир мухокамалари, кайфияти китоб саҳифалариаро ўзлигини таништира боради.

Шоир ўз шеърларининг яратилишини икки омил билан изоҳлади. Хусусан, юрак амри билан ёзилган асарларини биринчи гурухга киритса, мухарриятлар буюртмасига кўра ёзилган шеърларни иккинчи гурухга жамлайди. Ижтимоий дард билан, маънавий зарурат туғилажак шеърларнинг дунё таниш жараёнини қуидагича изоҳлади: «Юрак амри билан ёзиладиган шеърларнинг илҳомини ҳам ташкаридаги бирор куч эмас, шу хаёт ҳодисалари беради, албатта. У юракка гоҳ фикр бўлиб, гоҳ факт ҳолида кириб келади. Бу ҳол, балки ҳар кимда ҳар хилдир. Менинг шахсий тажрибамда шеър дилда шу икки йўл билан туғилади. У, мутлако кутмаган вақтларингда, эрталабми, кечми, ярим кечадами, йўлдами, уйқудами, хурсанд чоғингдасалликдами – барибир хоҳлаган вақтида тасодифан содир бўлади.

Энди гап ана шуни маҳкам ушлаб ола билишда, у яшиндай ялт этади, ақлинг ва хиссингни ёритиб юбора-

ди. Уни ушлаб қола олсанг, шу ёруғлик юрагингда яркираганча колади; у шеър кушига айланиб, учиб кетгандан кейин сўнади; бу сўниш ҳам вақтинча, яъни шеър нури ялт этганга кадар давом этади<sup>1</sup>.

Нафакат М. Бобоев, балки барча шоирлар шеърларининг ёруғ дунё юзини кўриши ёлғиз ижодий шахсияти билан уйғунликда кўз очади. Яъни, шоирнинг маънавий бойлиги, тафаккур кудрати, хаётий ва ижодий тажрибаси, оламни ва одамни қай йўсинда кўра олиши, кўрсата билиши шеърларининг ҳам шунчалик кенг миқёсли бўлишини таъминлайди. Зотан, М. Бобоев хаётда учраган ҳар қандай факт, воеа шеърий фикрга айланавермайди дер экан, ҳар икки ҳолда ҳам хаёт материали юрак, акл ва туйғулар мухокамасига топширилади. Шу ўринда ижод жараёнининг объектив ва субъектив омилларини назарда тутади. Чунончи, шоир ҳам, шеър ҳам мустакил, субъектив бир ҳодиса. Шеър шоир шахсиятидан, маънавий-интеллектуал савиясидан ортиб Ҳеч қаерга боролмайди. «Шеър – шоир қалбидаги туғилар экан, бу нарса қуш инида кўрганини элга танитади, деган гапга анча яқин туради. Алалхусус, шеър шоирнинг кўнгил бойлигини намоён этади. Яъни, ...шоирни «ота», шеърни «фарзанд» деб фараз қилсак, шеърнинг қандай шеър бўлиб этишуви ҳам отанинг аклу фаросатига, билим ва маданиятига, тарбиясига, хаётий тажрибасига, мухокама ва мутолаасига, хулк-одобига, аввало, инсонлигига боғлиkdir. Тўғрироғи, Шеър – ана шу фазилатлар маҳсули хисобланади» (16-бет).

М. Бобоев ўз асарларининг ёзилиш тарихи, хаётий асослари ҳакида ҳам ибратли маълумотлар беради. Чунон-

<sup>1</sup> Мамарасул Бобоев. Умрим кўшиклари (Таржимаи ҳол, хотира ва шеърият соҳасидаги тажрибалардан). Тошкент, 1971, 12-бет (кейинги парчаларда ушбу нашр саҳифаси кўрсатилади).

чи, достончилигимиз тарихининг 50-йилларида муносиб из колдирган, эпик жанр тарихини белгилашда алоҳида ўрин туттан «Она қалби» поэмасининг яратилиши билан боғлиқ омиллар шу жиҳатдан кимматлидир. «Она» сўзи-ни оғиз тўлдириб айтишга мусассар бўлмаган етим-кенжада мен эдим, – дея хотирлайди у ўз болалиги хусусида. – Бир нарсага ўзим ҳамон таажжуланаман. Она дийдорини тўйиб кўролмаганимга қарамай, менда фарзандлик туйғу-йиллар ўтган сари бу хис, бу муҳаббат яна зўр кувват касб этиб юксалди. Балки бу ўксик етимликнинг юракда колдирган ўчмас хислари бўлсамикан?

«Она қалби» достонингиздаги «Бағишлов» боби ҳам шу онангиз ҳакида-а, дейсизми?  
Худди шундай” (18-бет).

Илмий-хужжатли мемуаристикамиз Мамарасул Боевнинг 30-йиллар шеърияти заҳматкашларидан бири Тошпўлат Саъдийнинг болалик, йигитлик йиллари, илк ижодий изланишлари, ҳаётий ва ижодий тақдирни билан боғлиқ эсадаликлари билан эъзозли. Яна файласуф шоир Максуд Шайхзоданинг шеърияти ва шахсиятини очиб берувчи ҳаётний фактларга бой хотиралари ҳам бойитади. М. Шайхзоданинг «Осёй девони», «Бинафша дастаси» туркумларининг, хикматли лирикасининг ижтимоий-фалсафий мазмун асосларини англашимизда кўумак беради. Дўрмондаги Ёзувчилар боғида кечган ижодий мулоқотлар бизни «Навоий ижодхонасида» номли музкаммал тадқиқотнинг яратилиши жараёни билан, М.Бобоевнинг эса «Шаббода ва япроқлар» шеърий мажмуасининг юзага келиши тарихи билан таништиради. Ушбу хотиралар нафакат М. Бобоевнинг ижодий зоданинг ҳам шеърият устахонасига олиб киради.

«У одам боласини ҳурмат қиласар ва унга ок кўнгиллик билан ишонарди. У ҳаммага кўлидан келган ёрдамини аямайдиган, ўта одил, ўта сахий, ўта жўмард ва мурувватли қалб эгаси ёди. Унинг қалбида гина-кудурат, ҳасад, ғайирлик, ғараз, ўткинчи алам ва озор учун қасос олиш, кўролмаслик, баҳиллик каби ярамас иллатлардан асар ҳам йўқ ёди. У ўзи ғоят ок кўнгил бўлганидан менга нисбатан ҳам бирор кимсаннинг ёмонлик қилиши мумкин эмас, деб ишонар, шунинг учун ҳам чиройли лабларидан табассуми аримасди» (31-бет). Мазкур фикрлар М. Бобоевнинг М. Шайхзода билан бир неча йиллик учрашувлари, сухбатлари, мулоқотлари эвазига ортирган ўй-кечинмаларининг муайян қаймоғидир. Улар М.Шайхзода шеъриятидан доимо балқиб турувчи инсонга хос адоксиз меҳр-муҳаббат фалсафасини, маънавий гўзалликининг ҳаётий асосларини, олийжаноб умрларнинг боқийлигини ҳам англатади.

Мамарасул Бобоевнинг ўзбек адабиётшунослиги ривожига катта хисса кўшган олимларимиз Ҳомил Ёкубов, Ҳамид Сулаймон ҳакидаги, 20–30-йиллар адабий жараённада фаол ўрин тутган ёзувчи ва адабиётшунос Абдулҳамид Мажидий тўғрисидаги хотиралари ҳам илмий-хужжатли мемуаристикамизни янги факт-маълумотлар, кузатишлар билан бойитишига кўра янгилик хисобланади.

Хуллас, адабиётшунослигимиз ривожида илмий-хужжатли мемуаристика, хотиралар ҳамда бадиаларнинг роли салмоклидир. Ён дафтар-қайдлари, бадиалар адабиётимиз равнақининг маънавий, ижтимоий асослари хусусида фикрлашишга, мушоҳада-муҳокама юритишга даъват этади. Энг муҳими, улардан она юртга, миллий адабиёт ва санъат тараққиётига, сўз санъати, тафаккур маданияти камолига бўлган адоксиз меҳр туйғулари жўшиб туради.

Бадиаларни фикр билан хиссий идрокнинг күркем омухталиги ташкил этади, дедик. Шу ўринда Пиримқул Қодиров бадиаларини күрсатиб ўтиш мумкин. Зотан, бадиа жанрининг бадиийлигини таъминлаган асосий хусусиятлардан бири хиссий тафаккур теранлигига на-моён бўлишидир.

Адиб бадиалари марказида ижодкорнинг қатъий ва аник нұктай назари туради. Яъни, ижодкорнинг интеллектуал даражаси бадиаларнинг бош қаҳрамони вазифасини ҳам ўтайди. Адиб ижодий тажрибаси, самарали илмий тадқиқотчилик фаолияти бадиаларининг ўзига хослигини таъминлаган. Хўп, ана шу ўзига хослик қандай белгиларда кўринади?

Бадиаларда ёлғиз муаллиф индивидуаллигининг мухри хисобланган фикр ифодасидаги жўшқин кечинмалар ўқувчини ром этади. Бу адибнинг аник нұктай назари билан изохланади. Маълумки, ҳар бир адибнинг ҳаётни, одамлар қалбини кўра оладиган, кузата биладиган маҳсус кўзойнаги бор (Абдулла Қаххор). Бу нарса адибнинг воқеликка, одамлар қалбига назар ташлайдиган санъаткорлик нигоҳи, маънавияти кўзгусида акс этган манзаралар жилласидир. Ана шу руҳият манзараларининг тафаккур кўзгусида акс этган кўринишлари эсселарни, бадиий этюдларни, фикр-ўйлар силсиласини ташкил этади.

Хусусан, адибнинг ҳаёт ва воқеликка, одамларнинг қалб тарихига ёндошиши ўлароқ фалсафий хуолосаларга мойиллик Аскад Мухтор бадиаларидаги фикрий теранликни таъминлаган асосий омилдир. Кечинмали мушоҳадалар асосига курилган ассоциатив тафаккур П. Қодиров бадиаларининг кенг ўқувчиларга манзур килган асосий фазилатлардан.

Шу жиҳатдан Пиримқул Қодировнинг «Тил ва шахсий услуг» бадиасига мурожаат этишимиз мумкин.

«Ҳар бир ёзувчининг ҳаётий тажрибаси, ўзига хос ички дунёси, воқеликка қандай кўз билан караши, феъл-автори ва инсоний киёфаси унинг нималарни ёзганида эмас, қандай услуг билан ёзганида кўринади. Катта романларда ҳар хил характерлар тасвирланади, турли воқеалар кўз олдимиздан ўтади. Буларнинг ҳаммасини ичдан бирлаштириб, яхлит бир асар килиб турган нарсалар – ягона ғоя, сюжет, композиция, конфликт ва хоказоларгина эмас, ғоя ҳам, сюжет, композиция ва конфликт ҳам ҳаммаси ўзувчининг ички дунёсида бир-бирига пайванд бўлиб яхлитлашади. Шу сабабли, адабиёт нималигини яхши биладиган кишилар янги асарни кўлга олганларида ундан факат ҳаёт тасвиринигина эмас, авторнинг ўзини ҳам қидирадилар»<sup>1</sup>.

С. Айнийнинг «Қуллар» романидаги туркман сардори уйининг тасвири, таҳлили асосида «Судхўрнинг Ўлими» киссасидаги Қори Ишкамбанинг характер табиатини тадқиқ этиш орқали С. Айнийнинг бадиий маҳоратини, ўзига хос фикрлаш маданиятини тил хусусиятларидан топилган нозик ва характерли мисоллар орқали кўрсатиб беради. Ойбекнинг «Кутлуғ кон» романидаги Йўлчининг тўнка ковлаш ҳолатини акс эттириш эпизоди орқали тасвирдаги ички ритм, оҳанглар мутаносиблиги ташки киёфаси билан накадар уйғунлашиб кетганки, бу эса ёзувчи маҳоратининг бир қиррасини бизга яққол очиб беради. Бадиий тил орқали улкан санъаткор тафаккур маданиятининг ўзига хослигини кўрсатиш ва шу асосда уларнинг индивидуал услубини очиш, бадиий маҳоратининг турфа қирраларини зуҳр этиш «Тил ва шахсий услуг» бадиасида кўзда тутилган асосий муддаодир.

<sup>1</sup> Пиримқул Қодиров. Ўйлар. Бадиалар. Тошкент, 1971. 139-бет (кейинги парчаларда ушбу нашр сахифаси кўрсатилади).

Ана шу ўринда П. Қодиров бадиасидаги тахайолли (ассоциатив) тафаккур күзга яққол ташланади. Хусусан, устоз санъаткорлар бадий маҳорати кирраларини тил хусусиятлари оркали асослашдаги ўзига хосликдан П. Қодировнинг муайян назарий концепцияни кўйини ва илмий хулосалар чиқара билиш маҳорати хам намоён бўлади. «Ҳар бир ёзувчининг ўзига хос услуби ундаги даҳонинг характеристидан келиб чиқади. Ёзувчи давр унинг шахслик қиёфасини шакллантирган инсоний мухит, асарларига мавзу ва материал берган ҳаётин тажриба – бу хаммаси бадий ижоднинг фоявий-тематик мундарижасини белгилайди. Фоявий мундарижа эса ёзувчи услубининг ижтимоий мазмунини ташкил килади. Ёзувчининг табиати, унга хос даҳонинг характеристи, унинг нималардан кўпроқ илҳомланиши, илҳомланган мавзусини қандай ифодалashi – мазкур ёзувчига хос бадий тил ва услубнинг индивидуал шаклини белгилайди» (147-бет).

Аскад Мухтор бадиаларида эса вокелик ва адабиёт ходисаларидан ахлоқий-фалсафий мазмундаги хулосалар чиқариш етакчи. П. Қодиров устоз санъаткорларнинг ижодий тажрибаларини («Қалб таржимони», «Олтин кўприк», «Тил ва шахсий услуб», «Ифтихор манбаи» номли бадиалари), ижод сабокларини («Сехрли туйғулар», «Факт ва қашфиёт», «Ҳақиқий ва сунъий тўқима», «Қаҳрамон муаммоси» сингари бадиалари), ўзининг ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги муҳокама-мулоҳазаларини, маънавий ҳамда ижодий жамғарма-ўйларини («Инсон ва ҳақиқат», «Талант олови», «Етук бўлиш орзуси», «Ҳаёт ва ёзувчи», «Маҳорат қалити», «Тил ва мазмун» ва ҳоказо) ўкувчилар билан ҳамроҳ дўстлар сингари бўлишади.

Юзма-юз сухбат жараёнидаги бевосита фикр алмашишда бадиа жанр хусусиятининг яна бир муҳим бел-

гиси намоён бўлади. Зоро, бадиада шоир ёхуд ёзувчи роман, киссалари, шеър, поэмалари дагидан кўра ўкувчи билан кўпроқ очик-ойдин фикрлашиш имкониятига эга бўлади. Биргина Одил Ёкубов, П. Қодиров, Ў. Ҳошимов эмас, балки бошка ижодкорларимиз хам ўз бадиаларида ҳаёт, адабиёт ва бадий ижод хусусидаги ўйларини ўкувчилар қалбига кўчирмоқдалар.

Адибларимиз бадиаларида нафис адабиёт ва бадиий асар, ижод психологияси, санъаткор лабораторияси каби илмий-назарий масалалар билан чекланиб коли-наётгани йўқ. Замон ва замондошларимиз ҳаёти, давр ва ижтимоий тараккиёт, инсон тақдирни ва инсоният истиқболи хусусида сидқидилдан фикрлашиш бадиаларга публицистик рух ҳам бахш этаётир. Ана шу эркин, хеч кандай зўриқишиз, мажбуриятсиз мушоҳада-мулоҳа-закорлик, фикрлашиш маданияти бадиа жанрининг асосий хусусиятларидан биридир.

Пиримқул Қодиров ўз ижодий тажрибасида «...ҳаётни ўрганиш деган сўз, аввало, одамларни ва уларнинг ички дунёларини ўрганиш деган сўздир» (78-бет), деган принципни дастур килиб олади. «Уч илдиз», «Қора кўзлар», «Қадрим», «Юлдузли тунлар» сингари насримиз тараккиётида салмокли ўрин тутган бадий полотнолардаги қаҳрамонлар галереясига назар ташлар эканмиз, «дунёда бир-бирига мутлақо ўхшаш иккита япроқ бўлмаганидай, бир-бирининг ҳаётини ва ички дунёсини айнан тақрорламайдиган» (П. Қодиров) бадий образлар қатор фазилатлари, жозибали ички дунёси или бизни жалб этади. Шу боисдан ҳам адаб ўз асарлари бадийлигининг энг муҳим шарти, бу – қаҳрамонлар таассуротлар беришликда, китобхонга таассуротлар беришликда деб билади. Бу хусусиятларга 163

ни ижодининг бош принципи даражасига күтариади. Адіб мазкур омиллар асосида бадий асарларни эстетик баҳолашга, көнг китобхонлар оммасининг бадий дидини янада ўстиришга интилади.

Қаҳрамонлар билан персонажларнинг характерли хусусиятларини, ўзига хос табиатини, шахсиятидаги етакчи чизгиларни күрсатишда тил муҳим бадий унсур хисобланади. П. Қодировнинг «Тил ва дил» туркумидаги бадиалари мазкур йўналишдаги тадқиқотлари орасида алоҳида ўрин тутади. Айниқса, қаҳрамоннинг психологик ҳолатини, кечинмаларини фикр-ўйлари билан омухта ифодалашдаги диалог, руҳият портрети, уни ижтимоий муҳит, воқелик жараёнлари билан уйғунликда күрсатиш бадий образни мукаммал қиёфа киритишда нечоғлик етакчи мавқега эга эканлигини асослайди. Зоро, «реалист ёзувчи оғзаки ҳалқ тилидан ҳам, ёзма адабий тилидан ҳам инсоний хис-туйғуларни, теран фикрлар ва ғояларни ифода этадиган энг ҳаётый, энг жонли, энг ўтқир сўзларни, ибораларни танлаб олиб, жозибали бадий образлар яратади» (129-130-бетлар).

Шу билан баробар, инсон руҳияти тебранишларини чизиш эса қаҳрамоннинг муайян ҳолатини, кайфиятини акс эттириш орқали психологиясини чуқур бадий тадқик этиш имконини беради, қаҳрамоннинг сийрати билан боғлиқ суратини чизишликни таъминлайди. П. Қодиров ўз мuloҳазаларини А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асари («Олтин кўприк» бадиаси)да, А. С. Пушкиннинг «Боғчасарой фонтани» поэмасининг ўзбек тилига таржимаси тарихи билан алоқадор «Қалб таржимони» бадиасида далиллашга муваффак бўлган. Шу тариқа Абдулла Қодирийнинг бадий тилдаги мўъжизакор маҳоратини шуълалантиришга эришган.

П. Қодиров ўз бадиаларида улкан устозлар (Абдулла Қодирий, А. Қаҳхор, Ойбек) бадий тил соҳасида-

Бадий сўз эстетикаси

ги маҳоратининг олмос кирраларини очиш орқали ўш ижодкорларни ҳалқимизнинг тил бойликларини эгаллашга, жилолантиришга даъват этади. Устоз А. Қодирийнинг ижодий тажрибаси билан оз бўлса-да таништириш, ижодий лабораториясига бир бор кўз қирини ташлаш орқали адіб ўз ниятига эришган.

П. Қодиров кўп йиллардан бери ҳалқ тили ва асарнинг бадийлик хусусиятларини тадқик этиб келаётир. Жонли ҳалқ тилидаги сеҳр жозиба кучи тадқиқотчи-адибга А. Қодирий, Ф. Ғулом, Ойбек, А. Қаҳхор сингари сўз усталари асарларидағи бадий ифодалар замирига яширинган ботиний мазмунни, коса тагидаги нимкоса тарикасида айтилган ижтимоий-фалсафий маънони уқиб олишга ёрдам беради.

П. Қодиров ҳозирги адабий тил билан жонли ҳалқ тилини уйғунлаштира бориши фикрини илгари суради. Шу йўналишда ҳалқ тили ва бадий наср масалаларини чуқур тадқик этади. Хусусан, ҳалқ тилининг жозибаси, сеҳрли таровати бадий асарларнинг ўзига хослигини, энг муҳими ҳалқчиллигини таъминлашда ниҳоятда катта роль ўйнаши А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романни мисолида тасдиқланади. «Гулнинг ҳар бир япроғи орасида унинг ўзига хос, такрорланмас мутаттар ҳиди бўлгани каби, «Ўтган кунлар»нинг ҳар бир бобидан, масалан, кизлар базмидан, ёзишмалардан, тарихий эпизодлардан, висол ва хижрон тасвирларидан ўзбек ҳалқининг миллӣ ўзига хослиги, такрорланмас руҳий дунёси, тилини гўзал килган гўзал дили билиниб туради. Ёзувчи ҳалқнинг дилида бор гўзал туйғуларни топиб ёзгани учун романнинг тили ҳам гўзал чиккан. Хуллас, тилнинг дилга боғлиқ эканлиги – адабиётнинг ҳаётга боғликлиги сингари жуда муҳим омилдир» (138-139-бетлар).

П. Қодировнинг умуман, етук шоир ва ёзувчиларимиз ижодий тажрибаси, қаҳрамон танлаш, вокеликка муносабати ва уни бадиий тадқиқ этиш принциплари сингари масалалар хусусидаги фикр-мулоҳазалари нафакат адабиётшунослар, нағис адабиёт мухлислари, ёш ижодкорлар учун ҳам маҳорат мактаби сифатида ғоят мухим. Негаки, шоир-ёзувчиларнинг ўз калб тарихи хусусидаги фикр-ўйлари доимо нуфузли бўлиб келган. Уларнинг дил эътирофи адабий ҳодиса, ижодий жараён хусусиятларини чукуррок англашимизда кенг имкониятлар очади; илмий ва бадиий тафаккур тараккиётига салмоқли хисса бўлиб қўшилади.

Кейинги йилларда атокли шоир-ёзувчиларимизнинг адабий-эстетик карашларини ўзида мужассамлаштирган бадиалари, ён дафтар қайдлари, мақолалари (М.Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Шукрулло, Одил Ёкубов, Раҳмат Файзий, П. Қодиров, Т. Тўла, Э. Воҳидов, А. Орипов, Ҳ. Худойбердиева, Абдукаҳҳор Иброҳимов) кўплаб нашр этилди. Бу эса адабиётшунослик фанинг янги ривожланиш палласига кирганидан, эстетик тафаккур камолининг янги боскичга кўтарилиганидан далолат беради. Мазкур туркумдаги нашрларда санъаткорларимизнинг шахсияти, ижодий табиати, бадиий адабиёт ва адабий меҳнат ҳакидаги, адабий жараён ва миллий маданиятимиз хазинасини бойитган асарларнинг ижодий ғоя сифатида туғилиши, ёзилиш жараёни тўғрисидаги ғоят кимматли мулоҳазалар, кузатишлар кенг ўрин олмоқда. Ушбу ҳодиса ўзбек адабиётшунослиги тараққиётida алоҳида бир сахифани ташкил этади. Негаки, бугунга келиб шоир ва ёзувчиларимизнинг хаёт, адабиёт, бадиий ижод масалаларига доир ўйларидан иборат бадиалари хирмони кўтарилимоқда.

Бадиалар, адабий ўйлар моҳияттан турли хил шакларда (ёзувчи ва танқидчи сухбати, қайдлар, бадиий

этюдлар, эссеclar, кундаликлар, садолар, қайд-эсадаликлар тарзида) зухур топаётир. Бадиалар турли хил шаклларда тажассум топса-да, уларга яхлит эстетик бутунлик баҳш этувчи нарса, бу – санъаткор «мени», санъаткор дунёқарашидир. Ана шу санъаткор «мени» нуктаи назаридан эстетик баҳоланган вокелик жараёнларини, адабий ҳодисалар моҳиятини англаймиз. Бунда маънавий-интеллектуал тайёргарлигимиз ҳам ҳал килувчи роль ўйнайди. Шу боисдан турлича тайёргарликка эга бўлган ўқувчиларда биргина бадианинг ўзи (бадиий асарлар, фалсафий шеърлар сингари) турфа тахайюллар уйғотмаса-да, турлича таъсир кўрсатиши, ўй-мушоҳадалар уйғотиши табиийдир.

Миртемир, Зулфия, Шукрулло, А. Мухтор, Р. Файзий, П. Қодиров, О. Ёқубов ва бошқа санъаткорлар бадиаларини кўздан кечирсан, улар масаланинг танланиши ва ёритилишидаги тафаккур тарзига, услублар ранг-баранглигига, ахлоқий, фалсафий, ижтимоий умумлашмалар моҳиятига кўра бир-биридан фарқланиб туриши кўзга кўринади. Уларнинг муштараклигини таъминлаб турган омил ҳам бор. Бу – муқаддас она юрт ва ҳалқ олдидаги, бадиий адабиёт олдидаги масъулиятдир. Бу – сўз санъати ва маънавий маданиятимизнинг ўзига хос бетакрор жиҳатларини муайян илмий-назарий масалалар атрофида ёритиш мажбуриятидир. Ана шу жараёнда хаёт ҳақиқати, замондошларимиз кўнглида туғилиб юрган муаммолар характеристи, тарихий вокелик ҳамда фактлар моҳияти ижодкорларнинг мустакил нуктаи назари, дунёни кўриш ва кўрсатишдаги ижодий индивидуаллиги орқали бирма-бир очила боради.

Хусусан, Асқад Мухторнинг «Умр хикматлари» бадиаларида ҳаётий, адабий-ахлоқий масалалар хусусида баҳс юритилар экан, уларни ягона бир концепция бирлаш-

тириб туради. Бу – мазкур масалаларга хаёт ва инсоний бурч, ижодкор масъулиятидан келиб чикиб ёндошиш, фалсафий ўй-мулоҳазаларга берилиш, улардан муайян ижтимоий умумлашмалар чикаришга интилишdir.

Шуниси характерлики, Аскад Мухтор оддий бир түшунчалар ҳакида хам, кўримсиздек туулган факт-маълумотлар тўғрисида хам кўпчиликнинг назари тушмаган томондан туриб ёндошишга, ижтимоий-фалсафий йўсинда фикр юритишга даъват этади. Шу тариқа бизни хам ўз мулоҳазаларига шерик килади.

«Камолот калити» бадиасида бугунги тезкор ва шиддаткор давр кишисини унинг имкониятлари, талаблари, бурчи ва масъулияти, эхтиёжи ва вазифалари томонидан туриб ёритишга мойиллик сезади. «Давр кишиси. Бу мавхум тушунча эмас, буюк жамиятнинг жони, зарраси. Одам инсонлар ва халклар тақдирига ўзини дахлдор деб билсагина шахс сифатида кўринади»<sup>1</sup>, – деб ёзади у. Шахснинг шаклланиши, тарбия, таълим хусусида хам баҳс юритади, инсон ўз устида муттасил ишлаши, тафаккури ва савиясини ўстира бориши – китоб мутолааси маданиятини чукур эгаллаши лозимлигини таъкидлайди. «Сўз санъати гўзаллиги ўзи алоҳида сеҳрли олам, китобни кўлга олиб, ёш тўкиб, кувониб, ғазаблануб, шахсан ўқиганга етадими?! Биз китобга, санъат ва гўзалликка, айникса, сўз санъатига мухабbat туйгусини тарбиялашни жуда кескин кўйишимиз зарур. Тўғри, китоб кўп, ўқиб тугатиб бўлмайди. Лекин атрофда ҳаво хам кўп-ку! Биз нафас олар эканмиз, ҳавони тугатаман, деб нафас оламизми? Китоб маънавий шахсга ҳаводай гап, у – ҳаётнинг ўзи, у кўпаяверади, сиз шимираверасиз.

<sup>1</sup> Аскад Мухтор. Ёш дўстларимга (адабий-ахлоқий сухбатлар). 2-китоб. Тошкент, 1980, 4-бет (кейинги парчаларда китоб сакиғаси кўрсатилади).

Лим-лим тўла, четидан тўқилай деб турган катта мазмунли, маънавий хаётдан кўркиш керак эмас» (6-бет).

Зоро, шахсни шакллантириш маънавиятини бойитишдан, фикр уфкларини кенгайтириш, унда мустакил ва ўзига хос фикрлаш маданиятини вужудга келтиришдан, ана шу малакани тарбиялашдан бошланади. «Одамнинг маънавий оламини яратаман десангиз, аввало, китоб керак, минглаб, юз минглаб китобни билиш керак. Китоб яшашга ўргатади. Ёзувчининг максади – доим ҳаётнинг, ходисанинг моҳиятини топишга интилиш. Китоб яшаш моҳиятини топиб олишга ёрдам беради. Энг яхши ёзувчилар хамма вакт одам ҳаёти, одам камолоти, одам тақдири ҳакида ўйлаганлар» (8-бет).

Ушбу етакчи белгиларига кўра бадиалар кўпроқ лирик жанрларга якин туради, дейиш мумкин. Жамият ҳаётини, вокеликни, одамлар тақдирини санъаткор «мени» орқали идрок этиш ва эстетик баҳолаш хусусиятларига кўра хам ана шундай фикрга келасан. Агар Аскад Мухторнинг ҳаёт, бугунги долғали, мураккаб вокелик хусусидаги ўйларида халқимизнинг кутлуғ анъаналари, эътиод, маънавий гўзаллик, ахлоқий поклонлик ҳакидаги тушунчалари моҳиятини аниқ далиллар асосида очиш характерли. Адабиёт муаммоларига, бадиий ижод сирларига дахлдор бадиаларида эса адабий жараённинг етакчи тамойилларини кўрсатишга интилиш бўртиб туради.

Шу маънода «Замондошимиз» бадиасини кўздан кечириш мумкин. У ёзади: «Поэзиянинг бу боскичи турмушни чукур фалсафий мулоҳазакорлик асосида таҳлил килишга интилиш билан характерли; замон ва ҳаёт ижтимоий жихатдан хам, фан таракқиёти ва умумпрогресс жихатидан хам янада мураккаблашди. Поэзия жонли нарсадай сезгир; у мана шу мураккабликни се-

зиб, унинг даражасида бўлишга интилаяпти. Мана шу чуқур ва мураккаб фалсафий мулҳазакорлик аввало лирик қаҳрамонимизнинг киёфасида яққол сезилмоқда. Ёш шеъриятимизнинг замонавий қаҳрамони кўпинча ўйчан, хаётга фаол аралашувчи, ўз юритидагина эмас, дунё воқеаларидан, халклар тақдиридан манфаатдор, хар ишга кодир, жамият олдида, давр олдида ўзини жавобгар деб билувчи, кенг билимли ижтимоий фаол, бозвота шахс»<sup>1</sup>.

Шоир ёшлар лирикасидаги етакчи хусусиятларни кайнок адабий жараён ходисалари билан узвий алокада кўрсатар экан, нуксонларни ҳам шеъриятимиздаги салбий тамойиллар билан боғликликда текширади. «Предметсизликнинг яна бир кўриниши «фалсафий» шеърларда учрайди. Фалсафа яхши, мавҳумлик ёмон. Инсон керак, унинг конкрет киёфаси керак. Замон, хаёт, ўлим, мангалик ҳақидаги ўйлар Шарқ поэзиясида жуда қадимдан бор. Ҳозир ёш поэзиямизнинг бу фалсафий категориялар юзасидан ўй суришга интилиши яхши, замонга хос, ҳозирги мураккаб инсонга хос нарса. Аммо ўша қадими ўйларга биз ўз замонамизнинг рангини, нафасини, ўз давримиз фалсафий қаҳашларини кўшолмасак бундай фалсафадан фойда йўқ. Маълумки, дунё фоний, инсон умри чегарали, хаёт ширин, ўлим аламли – буларнинг барини Умар Хайём ҳам, ундан кейингилар ҳам чексиз эҳтирос ва алам билан айтиб ўтишган. Энди биз у масалаларга қандай қараймиз? Замондошимизнинг ўз қараси, ўз фалсафаси борми? Ҳа, бор. У ажал оламидан устун, у даврни ўзи ясамоқда, дунёни қайта курмоқда, у инсон номи учун мангалик борлигига ишонмоқда. Шунинг учун замонлар олдида, ўлим олдида ожизлик фал-

<sup>1</sup> Асқад Мухтор. Ёш дўстларимга (адабий-ахлоқий сухбатлар). I-китоб, 123-бет.

сафаси унга муносиб эмас, умрбокий эмаслигини ўйлаб ҳазин туйғуларга ботиш уни қаноатлантирмайди. Унинг бундан кўра юксакрок туйғулари – жамият учун, одамлар учун, яхшилик учун яшаб, бунинг баҳт-саодатини татиб ўтиш туйғуси бор» (126–127-бетлар).

Мазкур парча шонирнинг эстетик қарашларини, фалсафий шеъриятининг асосий йўналишини инкишоф этиши жиҳатидан ҳам эътиборли. У Асқад Мухторнинг кўп йиллик ижодий тажрибаси, хаётий кузатишлари йиллар давомида кўнглига туккан тафаккур жамғармасидир.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтиш жоиз. А. Мухторнинг «Умр ҳикматлари» туркумидаги хаёт, тириклиқ, замондошларимизнинг қалб манзаралари ҳақидаги мушоҳадаларида ёзувчилик нигоҳи, фактларни, воқеа-ходисаларни шонронда идрок этиш, эстетик баҳолаш етакчилик қиласи. «Диалоглар», «Устозлар ҳақида» номли туркумларга жамланган бадиаларда эса Асқад Мухторнинг бой ҳаётий кузатишлари, воқеликдан, одамлар турмушидан жамланган сабоклари алоҳида бўй кўрсатиб туради.

Шу маънода, адабий жанрлар табиатида кузатилганидек бадиаларда ҳам диффузияланиш ходисасини кузатиш мумкин. Яъни публицистик рух, хужжатли наср, фалсафий ўй-мушоҳадалар, лирик кечинмалар, вокелик фактлари ва ҳодисалари ягона бир уйғунликда зухур топмоқда. Илмий-назарий умумлашма фикрлар эса бадиаларнинг яхлитлигини таъминламоқда.

Бадиаларнинг бошқа жанрларга кўрсатаётган таъсири эссе, хотира-эсдалик, илмий-бадиий таҳлил унсурларининг насрый асарларда кўплаб учраётганида кўзга ташланади. Шу жиҳатдан А. Мухторнинг «Чинор», «Бухоронинг жин кўчалари», П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар», «Олмос камар», «Эрк» каби романлари ва қиссаларида

бадиа унсурлари, хотира-эсдалик, тахайолга асосланган тафаккур бадиий асарлар тўқимасига сингиб кетган.

Бадиачилигимиз тараккиётида асосан икки йўналиш кўзга ташланади: биринчиси, адиларнинг хаётдаги, воқеликдаги маънавий, ахлоқий, ижтимоий масалалар хусусида юритган фикр-ўйлари бўлса; иккинчиси, бадиий ижод масалалари, адабиётнинг халқ ва жамият олдиғаги, маънан комил шахсни тарбиялашда тутган ўрни ва роли хусусидаги мушоҳада-муҳокамаларидир.

### Адабий-маърифий қарашлари

Бадиий маҳорат – сўз санъаткори асарларининг ички нурланишларини ўзида мужассамлаштирган бамисоли офтоб линзаси. ИброҳимFaфуровнинг адабий ўйлари ва бадиаларида маърифий, ахлоқий, фалсафий-эстетик, танкидий-назарий қарашлари, ана шу бадиият шуъларининг юзага келиш ва намоён бўлиш жараёнлари ўрганилади, дарж этилади.

Адабиётга кириш, адабий жараёнда иштирок этиш, адабиётда яшаб колиш...

Адабий хаётда фаол катнашиш, газета-журналларда шеърий, насрый, публицистик асарлар, адабий-танкидий мақолалар чоп этиш, мунтазам теледастурлардан жой олиш, драмалар ёзиб саҳналаштириш, адабий материалнинг ўқилиши, ўрганилиши – фаолликка яна нимадир этишмаётгандек туюлади. Бонси, бугун эълон килинаётган аксар адабий асарлар катори илмий-назарий изланишлар ҳам юлдуз кўрмай сўняпти, кўз очиб юмгунча унутиляпти, эскириб қояпти.

Эл-юрт назарига тушиб адабиётнинг ҳам кўнглига ўтиришни, икига ёкишни такозо этаркан. Буюк Ойбек таъбири билан айтганда, адабиётни жон-дилдан севишининг ўзи камлик киларкан, адабиёт ҳам ижодкорни се-

виши керак экан. Яна, айтиш мумкинки, адабиёт деб аталган мукаддас оташгоҳда ёниш керак экан. Замоннинг кон томирларига юрак ришталарини улай билиш, давр, эл-юрт севинчлари, ғам-андухлари, дардларини тия олиш, катта “дошкозон”да кайнаш, авлодларга кўшилиб ловуллаш – адабиётнинг ёқтириши, севиши учун етарли бўлармикан?

Истеъдод – Аллоҳ мулки. Ижодкор, аввало, назаркарда бўлиши – Аллоҳ назаридан бенасиб колмаслиги, Биру Бор ўз мулкидан дарнг тутмаслиги лозим ва лобид экан. Бу – истеъдод билан фидойиликнинг бир шахс тимсолида синтезлани демакдир.

Демак, адабиёт деб аталган мукаддас даргоҳда яшаб колиш учун йўловчи сифатида кириб-чикиб юриш эмас, фарзанд монанд умргузаронлик талаб килинarkan, такозо этаркан.

Иброҳим Faфуров ўтган асрнинг 50-йил ўрталари – 60-йил бошларида чоп этган хикоялари, мақолалари, шеърлари, таржималари билан адабиётга кириб келганидан бўён, мана, ярим асрдан ортиқ давр мобайнида адабиётда яшаб келаяпти. Бадиий нафосатнинг умрини узайтиришга, гўзалликка хизмат киляпти. “Гўзалликнинг олмос кирралари” (1964) номли ўйлар мажмуаси эълон килинганига ҳам ярим асрдан кўпроқ бўлибди. Худди кунинчека ёзилгандек, илмий-назарий масалаларнинг белгиланиши, ўрганилиши, тахлил ва талкин маданияти бағоят жозибали, татимли, ўқувчини оханрабодек ўзига михлаб олади (“Ҳаёт ва унинг кўзгуси”, “Гўзалликнинг олмос кирралари”, “Идеаллар ва талабчанлик учун”, “Саодат фалсафаси”, “Диалог жилвалари” сингари адабий ўйлари). Бугун ҳам илмий-назарий салоҳиятини, муҳим-долзарблигини, гўзаллик эстетикасини, бадиий нафосатнинг ижтимоий-ахлоқий ҳакикатларини ёритишига

күра кадрли, файзли. Англашиладиқи, Иброхим Faфуров илк китобидаётқ адабий-эстетик қарашлари шаклланған ижодкор сифатида ўзлигини намоён қилди.

Китоб ва истеъдод замин (тупроқ) кадар күхна, кади-мийдир, дейди олим. Башарият тамаддуни нур-ёруғлик билан, китоб билан бошланған. Китоб эса маънавият шамчириғидир. Истеъдодларнинг ҳаёти ва фаолияти башар насли келажагининг, тафаккур, маданият тарак-қиётининг уруғларидир. Китоб – тафаккур бешиги, маънавий маданият беланчаги. Бани одам наслини маънан-руҳан ўстириб, улғайтириб, камолот пиллапояларидан күтариб келяпти. Инсон фикран улғая борган сари башарият эришган тамаддун, ёруғлигіда эланади. Тафаккур камолоти миллатларнинг ёқасидан-гири-бонидан хиппа бўғиб эмас, онгини ўстириш, фикрини юксалтириш эвазига ҳадларини кенгайтириб бораёттир. Авлод-аждодларимиз осмон қадар кўтарған илм-фан хирмони, дунё илми самаралари онгимизни тўқ мағзли қилди. Дунёга даҳлдорлик туйғусини, гўзалликка эгалик ҳиссини кўнгилларга сингдирди. Илм-фаннынг сархил мевали кўчатларини кўкартиромокда.

“Инсон – борликнинг жамулжам гўзаллиги, энг олий нафосатнинг зиёпарвар манбаи экан, адабиёт шу жамулжам гўзаллик ифодачисидир, – деб ёзади И.Faфуров дебочада. – Ҳозирги ўзбек адабиётида ана шу зиёпарвар инсон образи қандай акс эттириляпти? Бу образнинг пориллаб турган қирралари нималарни ифода қиласи? Бадий асарни, чунончи, ёзувчининг ҳаёт ва одамларга муҳаббати, шу муҳаббатдан вояга етадиган порлок истеъдод ва муҳаббатнинг кўрсаткичи – маҳорат ҳамда унинг қалитлари – жозиба ва ёзувчи қаламининг сехри, мутаносиблик ва меъёр, муҳит ва манзара, ибтидо ва ечим, яъни бир сўз билан айтганда, асарнинг ички нур-

ланишлари – олмос кирралари ҳақида фикр юритдик”<sup>1</sup>. Олимнинг адабий қарашлари, эстетик ғоялари ана шу шаъшадор шуълаларни – бадий маҳоратнинг олмос кирраларини ўзига сингдирган, ўзида мужассам этган.

Мунаққид бадиаларига, адабий ўйларига кўрк-фа-зилат бағишлаган омиллардан бири – бу илмий-назарий фикрларнинг бадий нафосат билан уйғуналашиб кетган омухталиғи – куюқ эҳтиросли тафаккур маданиятидир, дедик. Ингичка ҳиссий идрокнинг асар бадийлигини таъминлаган ҳусусиятларни ёритишдаги устуворлигидир. Ғ.Гулом, Уйғун, Саида Зуннунова, Пиримқул Кодиров, Мамарасул Бобоев, Шухрат, Одил Ёқубов, Ҳаким Назир, Йўлдош Шамшаров, Ҳ.Салоҳ, Гулчехра, Теша Сайдали, Ўлмас Умарбеков, Анвар Эшонов сингари адиллар, шоирлар яратган асарлар табиатидаги жозиба, бадий баркамоллик гўзаллик монанд қадрият макомида тушунтирилади. Адибнинг ижодий нияти – бадий-эстетик мақсадини мунаққид мунтазам ғоя дея англатади. Яъни, асарда тасвиранган ҳодиса ва қаҳрамон такомилининг муҳим ҳалқаларига айланмоғи шарт, дея таъкидлайди (“Етакчи фикр етакчи туйғу ва ҳиссиятни талаб қиласи. Ҳар иккиси мавжуд бўлганда, етакчи фикр – асарнинг боши, ҳиссият – унинг қалбидир”. 14–15-бетлар). “Саҳарлик”, “...Унинг жозибаси”, “Сал... сал”, “Рамзли ишора”, “Муҳит”, “Нимадир етишмаяпти”, “Бизнинг гуманизм”, “Тоғни толқон килувчи куч” сингари мўъжаз фаслларда “Шум бола”, “Қадрим”, “Севгим-севгилим” каби қиссалар таҳлили мисолида ҳаётдаги ҳамда санъатдаги гўзаллик ҳусусида баҳс юритилади. Фояларимиз ва мақсадларимизнинг

<sup>1</sup> Иброҳим Faфуров. Гўзалликнинг олмос кирралари. Адабий ўйлар. Тошкент, 1964, 4-бет. (Кейинги мисолларда ушбу нашр саҳифаси кўрсатилади).

поклиги санъат-адабиётнинг бенихоя гўзал бўлмоғини такозо килади, дейди олим (“Ёзувчи дунёкарашининг кенглиги, закийлиги, ҳамдамлиги, муқаддас саналган халқ қалбининг урушидан баҳра олиши – у яратган асарнинг кийматини белгилайди”. 34-бет).

Дарҳакиқат, узок умр кўришда ҳикмат кўп экан; бадиий баркамол асар асрлар оша авлодлар кўнглига кўр, аклига нур бағишлиб келади. Юз ёш остонасига борган, юздан ўтиб иккинчи юз йиллик билан юзлашишга чоғланган табаррук кексаларимиз дуосини олиб колишига интиламиз. Умр ҳам Аллоҳнинг мулки. Суюкли бандаларига берилган неъмат. Шу боис илоҳий меҳр илтифотидан баҳрамандликда хосият бор. Дуолари мустажоб бўлади, тезроқ ушалади. Ахир, бекордан-бекорга ҳалкимиз “Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми”, демаган-ку! Зеро, қарияларимизнинг ҳар бир калима истаги тунлари тоғдек таянч, кундузлари боғдек юпанч.

Иброҳим Ғафуров талқинлари ва қиёсларида тут дараҳтига тез-тез мурожаат этади. Чамаси, минг йилга якин яшнагани, танаси заминдек заранглиги, темирдек метинлиги, серҳосиллиги учун бўлса керак. Ҳар нарсанинг ибтидосию интихоси бўлганидек тут дараҳти қовжираб қуриганида танасидан мусика асбоблари (дотор, рубоб, тор, сато) ясалади; шоҳ-шаббаси юз йилларга татирли четан кўраларга ярайди. Ўтин қилиб ёқилганда ҳам узок ёнади; ҳарорати ҳам баланд ловуллайди. Чехраларга оловранг қизиллик югуради. Бозиллаган лакка чўғидан қанчадан-канча қозонлар қайнайди; тандирларда сават-сават нонлар ёпилади.

“Бадиий баркамол асарлар ҳам шунака, – дейди Иброҳим ака. – Юз йиллар, минг йиллар гуруллаб, ловуллаб ёниб келаётган маънавият гулханларидир”. XX аср шўро илмида маънавий-маданий ҳодисалардан

ижтимоий мазмун излаш русум бўлганди. Бу ножоиз; кўпда ўзини окламади. Ҳусусан, ишқ-муҳаббатдан ижтимоий маъно излаб бўлмайди, дейди олим. Ёхуд, кўзга кўримли ҳакиқатнинг бўлиши мумкин эмас. У уста-дурадгорнинг пойтешаси, қассобнинг пичоғини чархлайдиган кайрок тош ёки гўшт чопадиган тўнкаси эмас. Ҳакиқат ҳамиша сирли. У виждоннинг зохир бўлиш шаклларидан бири. Зулм-зўравонлик бор жойда виждон озор чекади. Ҳакиқатнинг кўзларига чўп суқилади. У – виждон амри билан эгизак. Минглаб-миллионлаб майитлар ерга ёкилган ҳакиқат уруғлари эмас, йўқ. Ўликлар – ер ости дунёси ҳаётини нурафшон этишга сафарбар чироклардир.

Шунака, ҳакиқатнинг хиллари, кўринишлари кўп. И.Ғафуровнинг ҳассос адабиғи, зукко таржимонлиги адабий-танқидий қарашларининг миқёсларини белгилашда кўшканот. Ҳаётдаги, адабиётдаги гўзаллик кўринишларини тушунираркан, меҳнат, садоқат, муҳаббат, ҳаётимизнинг олмос қирраларидир, дея белгилайди. Фояларимиз, идеалларимизнинг асл мағзидир, дейди (“Адабиёт ҳаётдан, ҳаёт эса адабиётдан баҳраманд бўлади. Ҳаётдан баҳраманд бўлмаган адабиёт хеч қачон адабиёт саналмаганидай, адабиётдан баҳраманд бўлмаган ҳаёт ҳам юксак маданиятга молик ҳаёт деб ҳисобланмайди. Баҳрамандлик – этишмоқ, конмоқ, ҳар жиҳатдан юксалмоқ, улуғ ғоялар билан мумтоз бўлиб олга интилмоқдир. Чунки баҳраманд бўлган қишигина кураш ва ҳаққоният, гўзаллик ва олий идеалларнинг қадрига этади”). 33-бет).

Иброҳим Ғафуровнинг ижодий изланишларида адабий ўйлари алоҳида сахифа, дедик. “Лириканинг юраги”, “Жозиба”, “Дил эркинлиги”, “Гўзалликнинг олмос қирралари”, “Юрак – аланг”, “Ҳаё – халоскор”, “Ман-кирралари”.

гу латофат” сингари мажмуалари мағзини ташкил этган бадиалар, адабий ўқишилар, адабий ўйлар, адабий-танқидий эсселар бадиий асарни эстетик таҳлил қилишининг гўзал намуналари бўлиши баробарида мутафаккир мунаққиднинг ижтимоий, адабий-танқидий, фалсафий-эстетик, маърифий қарашларини ўзида мужассам этган. Бу нарса ўзбек адабиёти илмининг такомили янги боскичга кўтарилиганидан ҳам далолат беради. Ушбу силсилада сўз санъаткорларининг ижодий шахсияти, табиати, бадиий маданият, адабий жараён ва адабий меҳнат, адилар дунёкараши билан боғлиқ эстетик принциплари хакидаги охорли мушоҳада-муҳокамалар устувор. Шу билан баробар бадиий сўз эстетикаси, адабий асар фалсафаси моҳиятини очишга каратилган илмий-назарий масалалар (адабиётда қаҳрамон концепцияси, ижодий методлар ва услубий изланишлар, лирикада характер яратиш принциплари ва ички монолог шакллари, шеърият жанрлари ва поэтик шакллар хилма-хиллиги, бадиий асар тили ва услуби, дунёкараш ва ижодий индивидуаллик, бадиий-эстетик тафаккур кўринишлари – типлари ва услубий оқимлар, услублар хилма-хиллиги сингари) ўрганилган, ёритилган эҳтиросли фикр-ўйлари кенг ўрин олган. Бир сўз билан айтганда, ҳаёт – адабиёт – бадиий ижод хусусидаги эркин муҳокама-муносабат, теран тафаккур, жонкуярликка, меҳр-муҳаббатга йўғрилган кечинмали фикр мунаққид бадиаларидан балқиб туради.

Теран туйғу ва мушоҳада асосига курилган хиссий тафаккур тарзини олим “фикр оқими”, деб атайди (“Адабий танқидни эссе жанрига яқинлаштириш, иккижанрни омухта қилиш учун кўп йиллардан бери уринаман. Кейинги ўн-ўн беш йиллар давомида кўпроқ адабий-маданий-маънавий мавзуларда эсселар ёздим. Бор-

хес, Монтен ва Сен-Сёнағон ҳамда хинд, хитой, япон файласуфларининг асарлари таъсирида кучли нутқ оқимига асосланган “мансурулар” деган жанр яратдим. Мансуралар эркин шеър жанрига жуда якин, лекин эркин шеър эмас. У мени ўртаган ўй, хаёл, орзу ва эришилмаган, йўқотилган нарсалар тўғрисидаги фикр оқимлари”<sup>1</sup>.

Айтиш мумкинки, И.Фафуровнинг бадиалари, адабий-танқидий эсселарида хиссий тафаккурга асосланган эстетик таҳлил бадиийликнинг муҳим белгиси сифатида намоён бўлади. Яъни, мунаққиднинг баланд маънавий-интеллектуал даражаси бадиалари, адабий ўйларининг бош қаҳрамони сифатида бўй кўрсатади. Зоро, олим эсселарининг етакчи хусусияти – бу хиссий тафаккур теранлигига намоён бўлади. “Бугун... Ойбек, Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳхор сингари улкан ўзбек санъаткорлари янгидан кашф қилинмоқда. Инсонни тушуниш ва англаш, дунёни таниш фикри кучайиб, чукурлашган сари, бу адилар илгари сурган ғоялар, улар яратган миллий характерлар ҳам кўз ўнгимизда янгидан-янги қирраларини намоён килмоқдалар. Зоро, ҳар бир давр улуғ адиларни янгидан очади”<sup>2</sup>.

Шеър сўз санъати, тафаккур маданиятининг гули сифатида маълум ва машхур бўлган ўша олис замонлардан бери унинг энг азалий ва энг янги ўрганиш обьекти инсон. Одамнинг табиат ва жамият билан муносабатлари масаласи асл шеъриятнинг мазмун-мундарижасини

<sup>1</sup> Иброҳим Гафуров. Ҳаё – ҳалоскор. Мансуралар, бадиалар, адабий-танқидий эсселар, публицистик асарлар. 1-китоб. Т., 2006. 5-бет (кейинги мисолларда ушбу нашр сахифаси кўрсатилади).

<sup>2</sup> Иброҳим Гафуров. “Замонларга йўлловчи маёқ. Инсон ва китоб” бадиаси. “Ёшлик” ж., 1982, 7-сон, 63-бет.

белгилаб келаётір. Мана, минг-минг йиллардан бери барча адабий турлар ва жанрлардаги инсон тасвирида мукаммалликка эришилди, деб бўлмайди. Инсон рухо-нияти, тақдири, маънавий дунёси ҳали-хануз бадиий сўз маданиятини оҳанрабодек ўзига тортиб, ошуфта этиб келаётір. Боиси ҳаёт – табиат – инсон қанчалар сир-сехрга кон бўлса, уларни бадиий-эстетик идрок ва ифода этиш йўллари, усувлари, шакллари ҳам шунчалар хилма-хил. Бу – сўз санъаткорларининг дунёкарашидан сизиб чиккан эстетик принципларига, ҳар бир асардаги ижодий ниятлари билан улар талкини орқали чиқарила-диган умумлашма хulosаларнинг ижтимоий-фалсафий, маърифий, ахлоқий мазмун салмоғи билан изоҳланади.

Мунаққид Зулфия шеъриятининг бадиияти хусусида фикр юритар экан, гўзаллик туйғусини шоиранинг адабий-эстетик карашларидан келиб чиқиб тушунтиради (“...Зулфиянинг бир сухбатда айтганлари ёдимга тушади: – Мен ўзимда доимо улуғ шоирлар билан учрашиб туришга енгиг бўлмас бир эҳтиёж сезаман, – деган эди у. – Бутун икир-чикирлардан, ҳар кандай майда ташвишлардан пок-фориғ бўлиб, уларнинг китоблари ни кўлимга оламан. Юксак ўйлар, жўшкин эҳтирослар, ажаб кечинмалар оламига факат покиза ўй билан, то-зарган ҳаёл билан кириш мумкин. Шунда улуғ шоирлар маънавий дунёси менга янада тўлароқ, янада нозикроқ очилади”. Ўша журнал, 62-бет). Мунаққид Зулфиянинг “Ўйлар”, “Баҳор шалолалари”, “Йўл дафтаридан” туркумларини таҳлил киларкан, инсонни англаш ва тушуни-тиришдаги гўзаллик концепциясига асосий ургу беради. Яъни, инсондаги инсонни кашф этиш етакчи. Лирик қаҳрамон эътироф этгандек, ўз-ўзини чукур англаши баробарида ўзгаларни ҳам чукур англаётір.

Иброҳим Ғафуровнинг эсселарида, адабий ўйларida кузатилганидек, “Шалола шабадалари” бадиаси марка-

зида ижодкор-олимнинг катъий ва аниқ нуқтаи назари хукмрон. Яъни, мунаққиднинг маънавий-интеллектуал савияси бадианинг бош қаҳрамони вазифасини ўтайди. Зулфиянинг бадиий маҳоратини дарж этаркан, чукур илмий кузатишларига, назарий умумлашма-фикрлари-га ҳаёт, ижод ва ҳассос истеъдод табиати хусусидаги ўйлари алоҳида жозиба бағишлияди (“Зулфиянинг хис-лари қоқигуллар билан безатилган хонада туғилмаган. У ўзи кўрган, бошидан кечирган ҳаёт ходисасини бизга ҳам кўрсатади, бизни ўзидаи тўлқинлантиради... “Ўй-лар” туркумидаги шеърлар – бу шоир меҳнати, ижод укубати, шеър лаззати, кунларимиз, кишиларимиз, сев-ги ва хижрон ҳақидаги ўйлардир. Сермавж, талпиниб турган ўйлар. Зулфия нима ҳакида ёзмасин, ўй сурма-син ва шеърининг қалбида, ўйларининг сарманзили-да инсон ва унинг тақдири туради. Зулфиянинг бирон шеъри йўқки, унда муҳаббат билан, меҳрли нигоҳ билан тасвирланмаган қаҳрамон бўлмасин. Халқ тақди-рин бир жилғасидай ҳар инсондан тилайман баҳра, деб ёзаркан, бу сўзлар унинг шеърларидаги сеҳрнинг кали-ти бўлиб англанади. Шоира инсон гўзаллигидан баҳра олиб, баҳра сочади”)<sup>1</sup>.

И.Ғафуровнинг салмоқли ижодий тажрибаси, сама-рали илмий тадқиқотчилик фаолияти бадиаларининг ўзига хослигини, адабий-маърифий карашларининг маз-мунини таъминлаган. Хўп, ана шу ўзига хослик қан-дай белгиларда кўриниш беради? Олим бадиасида му-аллиф индивидуаллигининг муҳри ҳисобланган ички кечинмалар тўлкини ўкувчини ром этади. Бу нарса олимнинг нозик идрокка асосланган ҳассос фикрлари, конкрет нуқтаи назари билан ажралиб туради. Абдул-

<sup>1</sup> Иброҳим Ғафуров. Жозиба. Адабий бадиалар. Тошкент, 1970, 167-168-бетлар.

ла Қаҳхор таъбири билан айтганда, ҳар бир адібнинг хаётни, одамлар қалбини кўра оладиган, кузата биладиган маҳсус кўзойнаги бор десак, бу нарса адібнинг воқеликка, одамлар руҳониятига назар ташлашидаги қалб кўзининг, маънавий-интеллектуал кўзгуда жилваланган манзаралар инъикосидир. Ана шу руҳият манзараларининг тафаккур кўзгусида акс этган кўринишлари эсселарни, бадиий этюдларни, адабий ўқишилар ҳамда адабий ўйлар силсиласини ташкил этади.

Иброҳим Faғurovning адабий-маърифий карашларида маънавият масалаларига жавоб излаш устувор. Дунёни тутиб турган, хаёт-тириклик асосларини таъминлаб келаётган омиллардан бири сифатида англатилади. У жаҳон ахлини бирдек ҳаяжонга соладиган, бирдек ўйлатадиган, бирдек ташвиш чектирадиган баширий қадрият. Зулм-залолат, гуноҳ, ёмонлик сингари ғайриинсоний куфрларга қарши кураш, бартараф этиш учун кучларни бирлаштириш одамлар табиатидаги инсонийликнинг намоён этгувчи шакллардан бири. “Боғ ва онажон”, “Қатлгоҳда ўйнаган бола”, “Бобораҳимнинг сарик гуллари”, “Оқ бургутлар”, “Тош супа”, “Жазо”, “Бироннинг тарихи”, “Мурид”, “Мұхаббатсиз одам қандай яшайди?” сингари мансураларида, “Гул барига ёзилган хатлар” туркумida ана шу хислат-фазилатларнинг зохир бўлиш ҳолатлари, эврилишлар кенг бадиий тадқиқ этилади. Гуноҳ, хиёнат, ёмонликнинг миллати ҳам, шеваси ҳам йўқ. У барча эллар, дунё ахли учун бирдек англамли. Факат унинг кўринишлари турфа. Мазмuni эса барчага баравар тушунарли.

“...Хотинни судраб масжид минораси тепасига олиб чиқиб кетдилар. Зумда ўн-ўн беш ҷоғлик кишилар минора тепасида пайдо бўлди. Хотинни азот кўтариб ерга улоқтиридилар. Хотин ерга ўқ еган кўк каптардай бўлиб

тушди. Бир типирчилаб дарҳол тинчиди. Сўнг маъшуқни ҳам унинг ортидан настга итқитдилар. Йигит бирпас тўлғаниб, типирчилаб, сўнг жон берди” (29-бет). Лавҳа аёл қишининг эрга, оиласига хиёнати ва унинг жазоси ҳакида. Бобораҳим (Машраб) ўсмир ёшидаёқ “одам умрининг бунчалик увол ва омонат эканлигини биринчи марта ҳис қилди” (29-бет). Бобораҳим ёш боши билан хиёнатнинг жазосига гувоҳ бўлиб турибди. Хиёнат – гуноҳи азим. Айборларга ўқилган ўлим хукмiga қози фатво беряпти. Шаърий ҳакқоний йўл тутиляпти. Ва лекин, Бобораҳимнинг ўсмир тасаввурлари даҳшатли, шафқатсиз ҳақиқатни қабул килишга ожиз. Яъни, у гарчанд, гуноҳкорнинг ўлимига шоҳид эса-да, одам ўлдиришни энг катта гуноҳ деб билади.

“Бобораҳим қабрлар орасида тиз чўкиб ўтиради-да, бор овози билан қичкиради: – Гуноҳларингни беринглар! Гуноҳларингни менга беринглар! Эй, одам ўлдиргандилар! Гуноҳларингни менга беринглар! Бобораҳим Ҳазрат хожа Баҳоуддин одамларнинг барча балоларини бўйнига олганлигини отасидан эшитган эди. У бугун икки нопок мурда устида туриб, одамларнинг гуноҳларини бўйнига олгали аҳд қилди. Унинг мурғак юраги тубига поёнсиз бир маъюслик чўқди” (29-бет). Гуноҳнинг хиллари, кўринишлари кўп. Ҳаромга кўл уриш, зино, хиёнат – Аллоҳ кечирмайдиган катта гуноҳлар сирасидан. Бузук хотин билан бирга ҳаром-ҳаришга йўлиқтапти. Қози фатво беряпти, ўлимга хукм килингапти. Бобораҳимни кийнаган нарса Ҳақни билиш, ҳақиқатга этишиш. Негаки, одамлар хиёнат-бузукликни жазолайман деб адолатсизликка тойиб кетмаяптими?! Ахир, жоннинг ўз эгаси бор-ку! Жонни ато этган, бандасига берган Биру Бор уни Ўзи қайтариб олади-ку! Ана шу

мушкулот Бобораҳимни тубсиз азобли ўйлар гирдобига отаяпти. Ахир, унинг ўзи ҳам ожиз бир банда. Гуноҳлар юки қаддини букиб, синдириб кўймасмикан?! Бобораҳим ўз ичига кириб яшириняпти.

Руҳоний эркинлик, иродиа эрки масаласи Иброҳим Ғафуров эстетик ғоялари тизимида алоҳида ўрин тулади. “Бирорнинг тарихи” бадиасида кузатилганидек, салкам саксон ёшни қоралаган мўйсафид ҳаёти, эътиқоди, фаолияти орқали ана шу масаланинг янги бир киррасига муносабат билдириляпти. “Бир куни ўғлим, шаҳардан келиб, унда ҳали ўқир эди; дада, комсомолга кирмоқчиман, деб айтди. Куфрим қўзиди: Кусфуруш, мен кирмаган комсомолга сен кирсанг, бу уйга иккинчи қадам қўйма, дедим. Мени урушларда партияга кир деб кистаганлар. Кирмаганман. Нима қиласман партияда мен оддий қора одам...” (22-бет). Мағкуравий қолиллар инсон иродасини букади, деб билади. Шундок ҳам тириклик чекланган. Энди, комсомол, партия деган чегирмалар бормиди?!

Қадимги файласуфлар инсон сўзидан жонли мавжудотни қайта яратиш, унга гўзалликлар бағишлиаш маъноларини ўқишиган экан. Бу, албатта, табиий бир хол. Зоро, инсон деганда, биз ҳаётни, дунёни ёшартиришга йўналган мўъжизакор хилқатни, афсонавий реал кудратни англаймиз. Инсон ҳаётидаги, фаолиятидаги, юксак инсоний хислат-фазилатлар ҳам олимнинг эстетик ғоялари тизимида гўзаллик идеаллари ифодаси сифатида талқин этилади. Маънавий тўқисликнинг тантанаси тариқасида қабул килинади.

Оқлик факат сутга, корга, ойдин чеҳраларга, мўйсафидларнинг оппоқ соқолига, нуроний, мунис онахонларнинг оппоқ соchlарига хос маъноли ранг бўлиб қолган эмас. У, энг муҳими, кўнгилларга хос нурли фа-

зилат бўлгани боисидан ҳам ғоят азиз ва тансик. Айтиш мумкинки, гўзаллик факат гулларга, табиат хоссаларига, ҳаёт неъматларига хос бўлиб қолаётгани йўқ. У инсоннинг маънавий фаолияти, жисмоний меҳнатидаги маъноларни ифодаловчи гўзаллик маснади бўлиб қолди. Дарҳакиқат, инсон меҳнати, руҳоний фаолияти тириклик-турмушнинг таркибий қисмига айланган маънодор гўзалликдир.

Уч мўъжиза мени этгандир асир:

Ер билан кўк

ва яна аёл.

Фикрим, аклу хушим банд этган уч сир:

Ер билан кўк

ва яна аёл.

Ернинг сири тугар. Ҳайиқар кўк ҳам,

Сир-асорори очилар бир-бир.

Фақат аёл киши қолади мубҳам,

Аслича қолади – очилмас бир сир<sup>1</sup>, –

дейди бошқирд шоири Мустай Карим “Уч мўъжиза” шеърида. М. Карим талқинига кўра, аёлнинг ўзи сирли бир хилқат. Энди, ана шу аёлнинг ҳаёти, фаолиятида, маънавиятида зухур топган гўзалликлар Зулфия шеъриятининг асосини ташкил қилади. Яъни, ҳаёт ҳикмати, умр хосияти, ўзбек аёлининг турмуши, фаолиятидан юзага келган моддий-маънавий гўзалликлар Зулфия шеъриятига умрзоқлик, ўзига хос тароват бағишлиайди. Ана шу уч мўъжизакор асос Зулфиянинг поэтик нигоҳини доимо ўзига ошуфта этиб келади. Шеърларидағи инсон ва гўзаллик концепциясининг муҳим бир қирасини таъминлаб, ёритиб туради.

<sup>1</sup> «Саодат» журн., 1979, 12-сон, 15-бет (Зулфия таржимаси).

### Фалсафий-ахлоқий назар

“Иброҳим Фафуровнинг ҳар бир маколаси – яхлит бир бадиий асар, шоирона дил изҳори. Айни вактда, унинг мақолалари бедор ва безовта рухнинг, фалсафий мушоҳадалар, тоза фикрларнинг меваси ҳам. Мунаккиднинг бадиий олами ва фикрий теранлиги бир-бирига шу қадар омухталашиб кетадики, баъзан уни бадиият файласуфи ёхуд фалсафанинг шоири дегингиз келади”<sup>1</sup>. Мутафаккирона мушоҳадакорлик мунаккиднинг адабий-эстетик қарашларидан балкиб турган бош хусусият. Хусусан, Алишер Навоий ёки Бобур, Чўлонон ёки Усмон Носир, Абдулла Қодирий ёки Ойбек, Саид Ахмад ёки Одил Ёкубов, Абдулла Қахҳор ёки Максуд Кориев, Зулфия ёки Саида Зуннунова, Эркин Воҳидов ёки Абдулла Орипов ҳақида ёзадими, асарлари замиридаги бадиий нафосатни эҳтирос-хаяжон, ҳиссий тафаккур билан ёритади. Фалсафий-ахлоқий қарашларини ифодалашда XX аср классикасига айланган мумтоз бадиият намуналарига таянади; жаҳон адабиёти контекстидан туриб муқоясаларга берилади. Ҳақиқат муқоясаларда аёnlашади-да. Фалсафий мушоҳада-муҳокамалари ахлоқий қарашлари бағридан сизиб чиқади. (“Қаҳрамонимизни қаердан топамиз?”, “Мавзун система – мавзун инсон”, “Вакт – учеб бораётган қуш”, “Бизнинг тил”, “Билсак ва англасак”, “Кўнгилнинг нозиклиги”, “Икки дебоча аро”, “Дилписанд – мактубларда Навоий сиймоси”, “Коинот, кўхна равоқ ва Навоий”, “Навоийнинг ҳаёл кемаси”, “Одамнинг хоҳишлари”, “Қуёш бошпанаси ва Бобур”, “Фақирларнинг шохи”, “Тилини тилган Оллоёр” сингари ўнлаб мўъжаз тадқиқотлари.)

<sup>1</sup> Нажмиiddин Комилов. “Бедор қалб” (сўзбоши). Иброҳим Фафуров. Дил эркинлиги. Ҳикоялар, мансуралар, бадиалар, адабий маколалар. Тошкент, 1998, 3-4-бетлар.

Хусусан, “Қаҳрамонимизни қаердан топамиз?” маколасидаги қаҳрамон ва ижтимоий мухит масаласи талкини билан боғлиқ ўйлари шу жихатдан ибратли. “Ўзбеклик ғояси ҳақида ўйлагандан шу икки туп ўрик ва бир туп тутдан ҳосил бўладиган тириклик хикмати одамнинг хаёlinи олиб кочади... Ҳар бир ҳалқнинг дарахтдан ўз тимсоли бор. Русларнинг тимсоли ок қайнин, қарағай. Ўзбекларнинг тимсоли – ўрик. Канадаликлар ўзларини болутга, лубнонликлар кедрга қиёслайдилар. Қадим туркийлар шумтолни мукаддас тутганлар... Дарахт, ўрик, тут, ховли, ўзбек... Ўрикдек пишик ва ҳамиша фойдали меҳнат қиласи. Унинг меҳнатидан тириклик ҳосил бўлади. Ўзбекнинг ғояси – фойдали меҳнат ғояси. Ўрик, тут – ўзбек эъзозлайдиган тириклик, тинчлик, эминлик, фаровонлик, пишиқчилик рамзи. Ҳар бир ўрикнинг пишик-иухта, метиндан мустаҳкам ва лазиз танасидан бир ўзбек чиқиб келаётганга ўхшайди”<sup>2</sup>.

Шўро мағкурасида миллий адабиётлар, миллий маданиятлар тобора бир-бирига яқинлашиб боради, пировардида ўртадаги миллий фарқлар йўқолиб кетади. Адабиётда интернационализм асосий йўналиш бўлиши керак, деган ақида хукмрон эди. Бу нотўғри назария миллий ҳаётни, ҳалкларнинг тарихи, миллиятлар тақдирли, инсоният тарихи ривожида тутган ўрнини кўрсатишга халақит берди. Айникса, миллий ҳаёт, миллий турмуш тарзи, миллий рух, миллий характер, миллий психологияни ўрганишга, жозибали миллий образлар яратишга халақит берди. Бу нарса ўз вактида миллий тафаккур имкониятини чегаралаб қўйди (миллий анъана, ҳалқ ижоди анъаналаридан ўрганишга халақит бер-

<sup>2</sup> Иброҳим Faфуров. Мангу латофат. Бадиалар, рисолалар. 2-киноб. Т., 2008. –387-бет (кейинги мисолларда ушбу нашр саҳифаси матида кўрсатилади).

ди. Эътибор асосан, рус адабиётидан ўрганишга жалб этилди). Натижада, собық СССРдаги адабиётларда бир-бирига ўхшаш сюжетлар ва конфликтлар, схематик образлар күплаб пайдо бўлди. Бирор халқ ўз Ватани, ўз тарихи, ўзининг машхур кишиларини улуғласа, миллый маҳдудлик, миллатчилик сифатида баҳоланди (машъум 30-йиллар – катағон йиллари, 50-йиллардаги репрессиялар бунинг ёркин мисолидир).

Иброҳим Faфуров жажжи тадқиқотлари, жумладан, “Қаҳрамонимизни каердан топамиз?” бадиасида тушуниш, англаш, билиш кийин бўлган рухоният дунёси иқлиmlарини кузатади. Одамни мураккаб ижтимоий ходиса сифатида ўрганади. Рухоний эркинликнинг нечоғлик буюк сажия-салоҳиятига тўхталади (“Эркинлик ва парвоз истак-майларини факат бадиий адабиётгина тарбиялайди. Бадиий адабиётдан ҳам кенгроқ, устунроқ сўз тарбиялайди. Сўз орқали жон шаклланади. Жон бу – адабиётнинг қаҳрамонлари. Адабиёт ўз жонбахш сўзи ва турфа қаҳрамонлари билан киши камолотига хизмат қиласи”. 388-бет). Ҳар бир тарихий давр, ҳар бир миллатнинг ўзига хос ибратли қаҳрамонлари бор, дер экан, ҳалқимизнинг ўзлигини танишга интилишларини, олис тарихдан инсоният цивилизацияси учун ўз ҳиссаларини қўшган даҳолар ҳаёти ва баҳт-саодати, ҳалқнинг босиб ўтган руҳият йўли хусусида мушоҳадаларга берилади. Миллый истиқлол шарофати билан ҳалқ руҳида юз берәётган миллый уйғонишни, эркин жамият қуришга сафарбар сўз йўлини, янги қаҳрамонлар фикр-зикрини дарж этишга интилади.

Бадиий маданиятимиз жаҳон адабиётининг ютуқларидан баҳраманд ҳолда миллый бадиий тафаккур воситасида ҳаётдаги ва ҳозирги инсон онги – психологиясидаги янги жараёнларни акс эттиришга киришди.

Иброҳим Faфуров миллийлик ҳакида фикр юритаркан, адиларимиз эътиборини миллий ҳаёт муаммоларини танлаб олишига, буларни миллий тафаккур имкониятлари воситасида ҳакконий тадқик этишга каратаётir, дейди. Тадқиқотни киёсий усулда олиб боради. Бугунги бадиият хусусиятлари кечаги – Шўро давридаги жараёнлар билан мукояса килинади. Шўро жамияти вазифалари ўзгариб, мураккаблашиб боргани сайн мағкурага мос қаҳрамонлар ҳам, уларга бўлган талаблар ҳам ўзгариб борди, дейди (“...улар инкилобчилар, колективчилар, уруш кишилари, бамчилар, кўрик ерларни ўзлаштирувчилар, илғорлар ва колоклар эди”. 389-бет). Ғоявийликда, иллюстративликда, сиёсий мақсадларни кўзлашда ноёб бир адабиёт яратилгани, чапаевлар, корчагинлар, мересьевлар, ёш гвардиячилар ва уларнинг миллый адабиётлардаги шарпалари идеал коммунистик ибрат намунаси тарзида талкин килинди, онларга сингдирилди.

И. Faфуров эстетик ғоялари силсиласида маънан тўқислик фалсафаси бадииятнинг мухим белгиси сифатида талкин этилади. Арғамчига қил кувват, дейди ҳалқимиз. Узоқ сафарга чикқанда сомон парчаси ҳам оғирлик қиласи. Агар, ортиқча юқ бўлса. Ва лекин, чўкаётган одам учун сомон парчаси нажот кемасидек туюлади, икки қўллаб ёпишади. Яна, керакли тошнинг оғирлиги йўқ; қачонки, корингга яраб турса, мушкулингни осонлаштиrsa.

Банданинг ҳолати у интилган, етишмоқка чоғланган иродада-шаштининг сурати. “Оқ булатлар” бадиасида рухоний эркинлик ва инсонга берилган имконият таҳлил этилган. Лирик қаҳрамон баланд тепада, тош супада ўтирибди. Кўзлари хайбатли тоғ чўққисига қадалган. “Сирли қорамтирир қоянинг сарбаланд чўққиси-

да Сўфий бобо кабри бор дейиниши. Унда оқ кабутар қанотидай хилпирайди шаббодада оппок туғ. Дастьлаб кўрганимда тоғ устида уяда оқ бургутниг болалари йўнашгандай қўринди. Хаёлимни олиб кочди оқ бургутниг болалари... Сўнг менга уни туғ деб тушунтиридилар” (“Хаё – халоскор”, 17-бет). Тош супа, коя, чўкки, оқ бургут болалари, туғ – булар рамзлар. Лирик қаҳрамоннинг айни дамдаги руҳонияти, кўнглида жўшган азми шашти-шиддати, ниятига ишора деталлар. Улар ифодалаётган мазмунига кўра рамзли моҳияткасб этаяпти. “Лекин хаёлим оқ бургутниг сирли уяси, оқ бургутниг болаларидан сира айрилгиси келмайди. Хаёлимда бургутчалар етилар ва эгаллар бу қадим юрт самоларин. Лекин оқ туғ... Оқ туғ ҳам жуда сирли. Шу коянинг оркасида бор эмиш яна бир коя. У коя ҳам, бу кояни боғлар эмиш битта харсанг тош” (17-бет).

Сиз чиқа кўрманг асло у ерга, – дейди регарлик йигит лирик қаҳрамонга. – Ваҳмаси ёмон. Бош айланар, кўз тинади. Чиқманг у ерга, Худонинг сирини кидирманг, юки босади. Йўқ ҳеч нарса. Билмайман, Сўфи бобо оқ байроғин у ерга тикиб ўзи кайта кетган. Аммо Сўфи бобони кидириб келарлар юртдан доим одамлар. Кўп замон термилишиб ўтиарлар пастда бу туғ алангасига... “Ҳакикатан, инсонни машакқатга яратдик. Унга ҳеч кимнинг кучи етмайди, деб ўйладидими? Уни ҳеч ким кўрмаган, деб ўйладидими?! Ахир, Биз унга икки кўз, тил ва икки лаб (ато) килмадикми?! Яна уни икки баландликка (йўлга) йўллаб қўйдик-ку!” (Куръони Карим маъноларининг таржимаси. Балад сураси. 4,5,7,8,9,10-оятлар. Таржимон Абдулазиз Мансур). Икки баландликдан мурод икки йўл. Яъни хидоят ва залолат йўллари. Бири саодатга элтувчи рўшнолик, эзгулик довони. “Эй, Мұхаммад”, довон (ошиш) нима эканини Сиз қаердан ҳам

билар эдингиз?! (У) бўйинни (қулни) озод килиш, ёки очарчилик кунида (мухтожга таом беришдир. Хоҳ (у) қариндош етим бўлсин, хоҳ тупрокли (хор) мискин” (Балад сураси, 12,13,14,15,16-оятлар).

Кодир Эгам бандасининг тўрт мучасини соғ, тўқистугал яратди. Ўзининг ер юзидағи халифаси – ўринбосари рутбасига ноил кўрди. Ҳусусан, ерга тушиб Ўзи адo этажак эзгу амалларини бандаси зиммасига юқлади. Ўзининг яратувчанлик сажиясини юқтириди. Ахир, Ҳудо юқтирмаса эшак бозорга даллол ҳам бўлолмайсан, деган гаплар бежизга айтилмаган. Инсонга ер юзидағи хаётни янада гўзаллаштириш, бойитиш эвазига ўз умрини узайтириш вазифаси юклатилган. И.Фафуровнинг лирик қаҳрамони юрагида чўғи бор. Қалбига эзгулик уруғи кадалган (“...Дастасидан тутиб залворли заранг жон ховучлаб тургим келар юксакда. Мен ҳеч ерга байроқ тикмаганман. Байроқ тикмай ҳам судралиб яшайверса бўлар албатта. Ҳеч ким айтмас, солмас юзингга: Нега байроқ тикмадинг деб чўқкиларга!.. Туғ хилпираб имлар мени. Гўё табиатнинг юраги жойлашгандай шу кояга тортар мени жозибаси... Шу күшчалик ҳолинг йўқми? – сўреклайди юрагим. – Йўқми ғайрат, шижаот? Қиркилганми қанотинг? Сўфийларнинг чўққисига чиқа бермас ҳар ким ҳам, – мен тасалли бераман ўзимга. – Сўфийларнинг чўққисига чиқар кимса муҳаббати ўлмаса, санамларнинг ўт ишқидан асло умид узмаса”. 18-бет).

Бу – аклан, руҳан комиллик маснади. Ушбу юксакликка Ўзи белгилаб берган йўлдан оғмаганларгина кўтарилигуси. Ваҳоланки, хидоят йўлидан адашган, залолат чоҳига тойиб кетганлар озмунчами?! Ўз йўлидан адашгулик килмасин.

Истиқлол адабиёти ва унинг идеали вокеликка, инсонга шўровий манфаатдорликдек синфий муносабат-

лардан воз кечиб, ҳакконий, реалистик усулда ёндошмокда, дейди олим. Кишига – у камбағал ёки бойми, подшох ёки ялангоёқми – халқ ва жамиятга келтирған фойдаси ёки зиёни, яхши ёки ёмон ишларига қараб баҳо беришга интилмоқда. Ҳаётнинг хоҳ нурли ёки коронғи, фожиали ёхуд маҳзун йўлларини рўйирост ёритишга уринмоқда. Адабиёт мағкура ва сиёсат куролидан инсонни, ҳаётни объектив ўрганиш ва холис тасвирлаш, инсонга мадад бериш воситасига айланмоқда. Адабиётда, айникса, шеъриятда ислом маданияти ва руҳи ясавийлик, тасаввух, накшбандийлик руҳи тарзида тирилди. Ўтмиш адабиётимизнинг шакллари, жанрлари, тасвир воситалари янада фаоллашди.

Иброҳим Ғафуров тадқиқотлари ана шу жараёнлар мөхият-мағзини муҳтасар ёритишга эришган (“...Миллий адабиётимиз тоталитаризм асоратларидан кутулиб бораётган, миллий ўзлик ва умуминсонийликни озод инсон даражасидан туриб англаш, инсон ва унинг камолотга интилишларини тасвирлашни асосий мақсад килиб қўйган, ҳаёт ва ижтимоий жараёнларни бутун ранг-баранг мураккабликлари, товланишлари, кўришиларida қабул қиласиган, эркинлик хиссиятларини улуғлайдиган адабиётдир. “Камол эт қасбким...” деб бошланадиган ғоя бу адабиётнинг бош инсонпарварлик ғояси ва шу маънода у инсоният мумтоз адабиётларининг давомчисидир”. 390-бет).

Мунаққиднинг эстетик ғоялари тизимида бадиий ижоддаги мухим муаммолардан бири – миллийликнинг назарий ва амалий қирраларини ёритиш кучли. Истиклол, эрк ва ўзлик – миллийлик масаласининг ёруғ қирралари. Зоро, бадиий адабиёт миллий муаммоларни тадқиқ этиш билан чегараланмайди. Ёзувчи миллий материал, миллий муммолар асосида умуминсоний

фикр, ғояларни, орзу-армонларни олға суради. Умумбашарий фазилат ёхуд иллатларни кўрсатади (одамийлик ва ғайриинсонийлик, эзгулик ва ёвузлик, ҳакиқат ва зулм-залолат, борлик ва йўклик, садоқат ва хиёнат сингари). Бир халқ, бир миллат адабиётини бошқа халклар ҳам ўкиши боиси шундан. Бадиий етук, миллий ўзига хос асарлар бутун инсониятнинг мулкидир.

Тасаввухий ғоялар талқини миллийликнинг етакчи хусусиятларидан бири сифатида талқин этилади. “Тошсупа” бадиаси қаҳрамони тош суннада ўтириб ҳаёли кочади. Тошсупа – муаззам ҳаёт тимсоли. Мулки борликда тириклик – ҳаётнинг бокийлигини таъминлаб келаётган тўрт унсур (хаво, тупрок, олов, сув)дан бири – сув ҳаёлга толдиради уни: “Тоғ сойи келур ялаб тошларни, силаб-сийнаб, ўниб, тошиб, қалдираబ // Ҳеч ким ўзин тошдан тошга урмагай сувчайнин, // Ҳеч ким босмас дунё йўлларини сувчайнин. // Ҳеч ким собир эмас сувчайнин // Коҳир эмас очунда ҳеч ким сувчайнин, Сув сўйлатур тошларни...” (19-бет). Бу тошсупа Хожам пирим супаси. Бу дарё ҳам Хожам Пирим дарёси. Бу сой Хожам Пирим тоғининг ортидан галдираб келади. Хожам Пирим тоғининг ортида музликлар бор ёйилиб ётар. У музликлар устида гиламдай очилади сарик чечаклар... Қачон кўргансан музликда чаман очилган бойчечакларни. Лирик қаҳрамонни кенгликлар, баландликлар ҳавоси ошуфта этган. Музликларда унган гуллардан рангу бўй истайди кўнгли. Қувват бўлар унинг хиди юракка (“Ўз фурсатида музни ҳам гуллатар кодир табиат”. 20-бет).

Сув – Биру Борнинг буюк ижоди, яратиғи. У одамзодга, тирикликка меҳри сифатида талқин этилади. Кодир Эгам яратикларидан баҳрамандлик, шукроналик туйғуси, уларга муносиб бўлиш ҳам маънавий тўқисликнинг гўзал нишоналаридан биридир, деган фикр мужассамлашган.

И.Фафуров бадиаларидан хаёт ходисаларидан маънавий-ахлоқий, маърифий-фалсафий мазмундаги холосалар чиқариш етакчи, дедик. Хусусан, Э.Вохидовнинг бадиий-эстетик изланишларига (“Рухлар исёни” дostonи, “Истамбул фожиаси” шеърий драмаси) эътибор каратаркан, “Истамбул фожиаси” асарида вокеликни фалсафий идрок ва ифода этилишига урғу беради. Сюжет ҳам сертармок эмас. Сиртдан қараганда анъанавий учлик асосига курилгандек. Шеърий драма мазмунни билан танишгач, аслида камрови кенг, нигоҳи теран эканлигини англаймиз. Чунончи, воксалар ретроспектив йўсинда кечади. Жамол, Искандар, Саодат ўртасида кечган ёшлик лавхалари, севги-муҳаббат кечинмалари, уруш ва ундан кейинги йиллар, хозирги кунлар... Мажон ва замон нуктаи назаридан ярим асрлик давр вокеалари. Ана шу бухронда ака-ука ўртасидаги муносабатлар ўқувчини бефарқ колдирмайди. Уни ҳам ўз домига тортиб кетади. Искандар билан Саодатнинг бир-бирига майли бор. Висол оқшомлари... кўришиб туришади. Шу орада Жамол пайдо бўлади-ю Саодатни укасининг юрагидан суғуриб олади, унга уйланади. Искандар икки ўт орасида – ҳам руҳан, ҳам фикран қийноқда. Не килсинки, Жамол туғишган акаси, Саодат – жондек азиз суюклиси.

Виждон гувоҳ, энди сенга ростини айтай,  
Мен ўшанда фидойилик кўрсатиб эмас,  
Номус кучи, ёшим тўлмай урушга кетдим.  
Қандай чидай: севган ёрим, тунлар тушимда –  
Оғушимда бўлган ёрим қайлик бўлибmas,  
Остонамдан келин бўлиб кирса-я!<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Эркин Воҳидов. Садоқатнома. Сайланма. Икки жилдлик. 2-жилд. Тошкент, 1986, 479-480-бетлар.

Искандарни уруশ қилди тирик хароба, харобани эса тиклаб бўлмас... Бу – Жамолнинг фикрлари. Умрнинг маъно-моҳияти хусусидаги қарашлари. Ана шу ҳолатда нозик бир жихат бор. Ҳар кандай ижтимоий мухит, инсоннинг имон-эътиқодију одамийлик жихатларини синовдан ўтказади; бунда вижданни ҳакам. Энди, Искандар тақдири кандай кечди? У – ёши тўлмаган эса-да, урушга кетди, жангта кирди, ярадор бўлди, асир тушди. Уруш Искандарни тирик харобага айлатира олдими? “Истамбул фожиаси”да одамийлик хислатларига путур етган, ғайринсоний ижтимоий мухит – уруш фожиалари хусусида сўз боради. Уруш – одамлар феъли фаолиятига бир синов; худбинлик – хиёнатнинг илдизи қайда? Шоир ғайринсоний шароитдаги қаҳрамоннинг одамийлик жихатларини саклаб кола билишини фалсафий йўсинда тадқиқ этади.

Иброҳим Faфуров бадиаларидан, юкорида кузатилгани сингари сўз санъаткорларининг ижодий тажрибалари, бадиият сабоқлари асосида ўзининг адабий-танқидий, ахлоқий-маърифий қарашлари билан бўлишади. Ана шу фикр алмашишда мунакқид бадиаларининг яна бир фазилати, ўзига хослиги намоён бўлаётир. Ижодкор китобхон билан юзма-юз фикрлашиш имкониятига эга бўларкан, ҳаёт, адабиёт, бадиий ижод хусусидаги ўйларини ўқувчи қалбига кўчиради. Вокеликнинг мазмунни, давр суръати, ижтимоий тараккиётнинг хусусиятлари, бадиий ижоднинг ибратли моҳияти тўғрисида фикрлашишга даъват этади. Китобхонни ҳам адабиёт ишига янада фаол ёндошишга ундейди.

И.Фафуров бадиалари яна адилар дунёқарашини, адабий қаҳрамонлари табиатига сингдирилган ижтимоий-фалсафий, ахлоқий қарашларини ёритиши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир. Бадиий талқин маъноларини

очиши баробарида маҳорат кирраларини ҳам күрсатиши мұнаққид бадиаларига алохидан файз бағишилады. Адабиётшунослик илмимизда шаклланған Чүлпөншұнослик, Абдулла Қодирийшұнослик, Фитратшұнослик ривожига хизмат килади. Яна Ойбекшұнослик, Шайхзода шұнослик, Зулфияшұнослик, Эркин Воҳидовшұнослик сингари йұналишдаги илмий изланишлар учун ҳам күр, кадрли.

“Мұхаббатсиз одам қандай яшайды?” бадиасида ёлғизлик, мұхаббат масаласыға фалсафий йүсінде жавоб излайды. Қоя, тошсупа, лирик қаҳрамон ёлғиз. У қоядан, сой сувидан сұрагиси келади. Қандай чидаш мүмкін ёлғизликка?! Ахир, ёлғизлик ёлғиз Худога эп. Банда борки, баҳру баррдаги жамики жонзор борки, жуфт яшайды. “Рост, Навоидан сұрагим келар. Қандай чидаши у ёлғиз яшашға? Қандай чидаши таъналарға, фитнага? Қандай олди экан шунча мұхаббатни ҳаётдан? Умуман, яшашға қандай чидаши экан Алишер? Бирдан мушфиқ Пирим сойидан садо келади: – Тошдан сұра, тошдан сұрагил. Тош билади мұхаббатсиз қандай яшашни. Тош аввал ўт эди. Совиган у ва ҳаким бўлган” (20-21-бетлар).

Ёлғизлик фалсафаси ҳаётга, Аллоҳга мұхаббат тарқасида талқын этилаётір. У инсон күнгилдеги сүнмас аланға. Не тонгни, күнгли күл уюмиға айланған бандалар озмұнчами? Ахир, калби тошға айланғанлар ҳам бор (“Мұхаббати ўлғанлар тошдай мунглиғ яшарлар”, 21-бет). Ёлғиз ҳаёт шавқи Аллоҳ ишкі нур мисоли калбини ёруғлиқка чулғайды. Тириклигини улуғлады.

И. Ғафуровнинг Алишер Навоий дахосини ёритишта йұналтирилған бадиалари илмимизда янгилик. (“Навоий дүст деб кимни тушунади”, “Топмадим ахли замон ичра...”, “Навоий нега үйқуни тарқ этиб ётади” – адабий үқишилари, “Хозир Навоийни ким үқийди?”, “Наво-

ий ва Нилуфар”, “Одамнинг хоҳишилари”, “Кўнгилнинг нозиклиги”, “Алишер, адолат ва шахзодалар”, “Шоир ва амир”, “Муншаот – мактублар демак”, “Коинот, кўхнаравок ва Навоий”, “Навоийнинг хаёл кемаси”, “Минг йиллик булоқнинг сувини ич”, “Билсак ва англасак”, “Аччик ҳақиқат”, “Ота ризоси”, “Дилписанд”, “Икки дебоча аро” ва ҳ.к. “Навоийга унсият” туркуми). Навоий бадиияттін ислом фалсафаси, тасаввуф эстетикаси билан боғлиқ маъноларини ўқиши, мохияттін англаш, илмий-бадиий жиҳатдан ўрганиш, умумлаштириш маданияти билан нуфузлидир. Бадиаларидаги ўта нозик талқинлари эстетик таҳлил маданияттін гўзали намуналаридир. Ҳазрат Алишер Навоийнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари илдизини муқаддас Куръони Каримдан, ислом-тасаввуф фалсафасидан баҳрамандликда кўради. Қилқаламдек нозик нағис кузатишилари билан бўлишади. Кўнгилларга бадиий нағосат туйғуларини экади. Таассурот-тушунчалар оловини қалайди. Навоий бадиияттін фалсафий, ижтимоий-ахлоқий аҳамияти, умумбашарий қиммати таҳлил-талқин ва эстетик умумлашма-холосалар замиридан сизиб чиқади. Адабиётшұнослик илміда янги йұналиш сифатида бўй торгади.

Истиқлол даври адабий-танқидий тафаккурида шакланаётган янгича эстетик принципларнинг тамал тошларини Қодирийнинг эстетик қарашлари, Чўлпон эстетикаси, Фитрат фалсафаси, жадидчилик эстетикаси ташкил килади. Адабиёт – гўзаллик ҳодисаси сифатида ижтимоий тузумлар, ҳукмрон мағкуралар дастёри бўлиши мүмкін эмас. Ҳукмрон кучларнинг кўлига сув қўйиб, сочиқ туттгувчи югурдак ҳам эмас, деган фалсафий-эстетик қараш ушбу ҳодисанинг мағзини ташкил қилади. XX аср тонгидага оёқка турган жадидчилик хо-

дисаси санъаткор шахси ва фаолиятига, бадий маданиятга, адабий асарга башарий кадриятлар нуктаи назаридан ёндошишга ўргатади, тушунтиради, баҳолашга ундаиди. Сўз санъаткори мафкуралар сунургиси эмас, асло. У ҳаёт, ижтимоий воқелик такозоси ва маънавий эҳтиёжи тариқасида юзага келган. Адабий асарни давр хужжати сифатида эмас, бадиият намунаси – гўзаллик ходисаси деб англашни ўргатади. Бадий маданиятнинг моҳияти инсонда комиллик хусусиятларини камол топтириш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий, интеллектуал асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилиш, дея таъкидлайди (“Нега шоирлар девона бўладилар?”, “Ғайратсиз Туркистон жигарини эзди”, “Ватан иймондан нишона” сингари бадиалар).

Хусусан, Ҳамза дунёкарашидаги – жадидчилик ғояларида Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли сингари маърифатпарварлар таъсири кучли бўлганлигини очиб беради. Абдулла Авлонийнинг “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” асари Ҳамзанинг “Миллий ашуналар учун миллий шеърлар мажмуаси” киёсий ўрганилади; Авлоний сабоклари кўрсатилади. Ҳамзанинг миллий уйғониш ғоялари билан йўғрилган миллий ашуналари, “Заҳарли ҳаёт” пьесаси, “Янги саодат” миллий романни ёзилишида жадидчилик ғояларининг ўрни ва аҳамияти хусусидаги янги кузатишларини илгари суради. Булар Ҳамза асарларининг психологияси юзасидан билдирилган жиддий илмий мулоҳазалардир.

Чўлпон шахсияти ва шеъриятини озодлик орзусидан, озодлик фикридан холи тасаввур қилиш мумкин эмас, дейди “Нега шоирлар девона бўладилар?” мақолосида. У бутун ҳаётини озодликка бағишлиди. Озодлик Чўлпонни шоир қилди, дея таъкидлайди. “Унинг мухабbat ҳақидаги энг интим, энг туйгули шеърларида

Бадиий сўз эстетикаси ҳам озодлик, озод инсон ҳақидаги фикр марказда туради. Чўлпонни нега замон, расмий мафкура миллатчилик ва миллатпарастликда айблаб келди. Лекин шоирнинг миллатчилиги унинг озодликни соғинишидир”<sup>1</sup>.

Қулоғимга ол баҳт деб эщтилган  
Аzonларни шайтоний деб ўйладим.  
Шунинг учун баҳт берган малакка  
Турли-туман афсоналар сўйладим.

Чўлпон сатрларидан инган туйғу-таассурот талқинларга фикр бўлиб сингийди. Ва шеърнинг бадиий хусусиятларини ёритиши баробарида эстетик таҳлилнинг кўркам намунасига айланади (“Чўлпон озодлик саробга дўнгани, у алдов ва макр тўзонлари ичра кўмилиб кетгани, шайтоннинг азони каби ишониб бўлмас бир нарсага айланганини шундай тасаввур қиласи. Малак эса унинг кўз ўнгидаги оқиб бораётган чексиз қонли дарё манзарасини гавдалантиради. Шайтон эса баҳтинг, таҳтинг шу қонли зардоб дарёда деб шоирни васвасага солади. Шоир уни жонҳолатда кувади. “Кет, эй шайтон... Кет-кет. Қилич синган, қалқон тешилган. Кўрасанми? Мен эзилган ётаман. Устимга-да бало тоғи ёғилган...” Шундай холда Чўлпон яна, барибир ёлғиз малакдан – яъни озодликдан мадад ўтинади. У эса рўйхуш бермай девона қиласи шоирни”. 336–337-бетлар).

ИброҳимFaфуровнинг “Навоийга унсият”, “Адабий ўқишилар” бадиаларига эстетик яхлитлик баҳш этувчи бош омил – бу ижодкор “мени”, дунёкарашидир. Сўз санъаткори “мени” призмасидан ўтказилган НА

<sup>1</sup> Иброҳим Faфуров. Ҳаё – ҳалоскор. Мансуралар, бадиалар, адабий-танқидий эсселар, публицистик асарлар. 1-китоб. Тошкент, 2006, 333-бет (кейинги мисолларга шу нашр саҳифаси кўреатилади).

войи бадииятининг ижтимоий-фалсафий қуввати, салохияти нафосатга ташна күнгилларга қувват беради, фикрларга қанот бағишлийди. Китобхоннинг турлича маънавий-интеллектуал тайёргарликка эга эканлигини хам ҳисобга олади. Муаллиф самимияти ва эҳтироми юрагимизга кўчуб ўтади. Бизни ҳам ўзига шерик қиласиди, ўзига оғдиради; фалсафий, маърифий-ахлоқий карашларидан баҳрамандлик фикр-зикримиз пилигини бир неча баҳя кўтаради.

Демак, И.Фафуров бадиаларида адабий жараёнга, бадиий асарга, мумтоз адабиётимиз тарихига, ижодкор феноменига, диний-маданий меросга жаҳон адабиёти контекстидан қараш, ўрганиш ва эстетик баҳолаш файзиёб кўринишда. Ўзбек бадиий маданиятини жаҳон адабиётининг таркибий қисми сифатида кузатаркан, бадииятининг миллий, умумтипологик хусусиятларини ёритишга интилади. Жаҳон тамаддунидаги ўрни-ахамиятини кўрсатиш, Алишер Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби адилар бадииятининг қардош халқлар ижодкорларига кўрсатиб келаётган таъсирига бағишлиланган тадқиқотлар яратиш галдаги муҳим вазифалар сирасидандир, дея таъкидлайди.

Илдизлар бу халқимизнинг дарахтлар шаклига кирган тарихи, диний-адабий мероси, маънавий қадриятлари. И.Фафуров бадиаларида тарихийлик принципларининг изчилиги теран ва сермиқёс. Хусусан, ижодкор шахсияти, истеъоди, асарлари ўз даври билан вобаста олинади; яхлит боғликларда ўрганилади. Уларга ижтимоий-тарихий вокелик маҳсули сифатида қаралади, баҳоланади. Шунингдек, адабий-тарихий ҳақиқатларни янада ёрқин ёритишга, адабий дид ва эстетик савияларни юксалтиришга хизмат қиласиди. (“Миллатнинг билурланиши”, “Миллий хаёллар ва Садои Туркистан”,

“Беҳбудий шахсияти”, “Фитрат ва миллат танқиди”, “Амир нега Беҳбудийга кўл бермади?” сингари.) Яна, чинакам мерос туйғуси тарихий ҳақиқатни ҳақконий билишни, адабиётни холис тушунишини чукурлаштиради. Адабиётда акс этган хаёт ҳақиқатларини эстетик идрок қилиш ва баҳолаш маданиятини шакллантиради. Қувонарлиси, маданий мерос туйғуси бугунги тарихий-адабий жараёнда маънавий ҳаётимизнинг адолатли кўзгусига айланиб бормоқда. Адабий жараёнга, бадиият намуналарига, бадиий ижодга юксак санъат ҳодисаси сифатида муносабат билдириш танқидий тафаккурда шаклланган устувор эстетик мезон бўлиб колди. И.Фафуровнинг бадиалари, адабий-танқидий эсселари, адабий ўқишилари бу борада салмоқли, файзли ўринга эга.

И.Фафуров ижодий изланишларига, тадқиқотларига таяниб айтиш мумкинки, танқидчиликнинг назарий-эстетик савияси ниҳоятда юксалди. Бу нарса кичик-кичик бадиаларидан салмоқли тадқиқотларигача (“Ўрток шоир”, “Прозанинг шоири”) назарий масалаларни белгилашда, назарий хуносаларнинг теранлиги, кўламдорлигига эришишда намоён бўлмоқда.

### Шарм-ҳаё, андиша, орият – ахлоқий қадрият

Иброҳим Faфуровнинг эстетик ғоялари силсиласида ҳаё-андишанинг ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий хусусиятлари тўғрисида фикрлашиш устувор. Буюк Ф.М.Достоевский дунёни гўзаллик кутқаради, дейди. Мутафаккир олим И.Фафуров ушбу фикрни ривожлантириб, шарм-ҳаё дунёни тутиб турган асосий устунлардан, деган фикрни илгари суради. Ҳаё-уят, андиша одамийликнинг гули, гултожидир, деган фалсафий фикр “Аллоҳни соғиниши. Ҳаё – ҳалоскор” турсафий фикр “Аллоҳни соғиниши. Ҳаё – ҳалоскор” тур-

кумидаги “Одамнинг ўзаги. Ирода эркинлиги ва умуман ирода тўғрисида”, “Қаердан келганимиз, нима учун яшяяпмиз”, “Икки дунёда азиз” сингари бадеалари мағзини ташкил килади. “Адаб – одамийликнинг ўзаги. Балки одамийликнинг бари бошдан охир адабдан иборат. Адабнинг илиги эса – ҳаё. Илик қуриган ерда ҳаё бўлмайди. Ҳаёни ор-номус, хамият, орият, шаън, уят сингари тушунчалар каторига қўямиз. Буларнинг бир-бирларидан сира ажратиб бўлмайдиган томонлари, жиҳатлари бўлганидек, жуда нозик маънавий ўзига хосликлари ҳам ҳалқ ичидаги фарқ килинади”<sup>1</sup>.

Кишилик жамияти тарихида ҳалкларнинг маънавий бойликларини оёқости килиш, вахшийлик билан барбод этиш босқинчилик, зулм-зўравонликнинг асл муддаоси бўлган. Одамлар қалбидаги инсонийлик вахшийлик билан забт этилган. Ҳаё – андиша – жасорат ўзбек ҳалкининг миллий ахлоқий бойлиги, фазилатидир. Иброҳим Ғафуров шарм-ҳаёни инсоний кадриятларимиз ифодаси, деб талқин килади. Инсоннинг яшаш ҳукукларининг ахлоқий ифодаси, деб билади. Ҳаё, андиша, уят-ахлоқнинг лочин қанотлари. Ва лекин, кейинги пайтда андишанинг оти кўркок, уни йиғиштириб қўйиш керак, дегувчи фикрлар сапчиб қолди. Мунаккид ушбу ахлоқий қадриятларга ижтимоий ҳодиса сифатида карайди. Унинг илдизларини очишга, табиатини кенг тушуниришга интилади. Бу борада Навоий, Шекспир, А.Қодирий, Чўлпон, Ҳабибий ижодига мўл-мўл мурожаат килади.

Дарҳақиқат, ҳаё-андиша, ориятнинг ўзи нима, унинг тарихий илдизлари мавжудми, ўзига хос хусусиятлари,

<sup>1</sup> Иброҳим Ғафуров. Ҳаё – ҳалоскор. “Мангу латофат”. Бадиалар. Рисолалар. 2-китоб. Т., 2008, 346-бет (кейинги мисолларда ушбу нашр сахифаси матнда кўрсатилади).

маънавий-ахлоқий кадрияти нимада; фаолиятсизлик, юраксизлик, жасоратсизлик нишонасими? Шарм-ҳаёли, андишали бўлиш осонми? Бундай инсон оиласда, жамиятда қандай бўлиши керак, деган ўйлар одамни толдиради, фикр-зикрингни чулғаб олади. Ҳаёли-андишали одамлар андишасизлардан қандай фазилатлари билан фарқ килади. Ҳаё-андишанинг ижтимоий нуфузи нимада?

Ҳаё бошқа ҳалкларда, уларнинг маънавий-ахлоқий мероси сифатида қандай таркиб топганини билмадиму, аммо ўзбек ҳалкининг энг қадимий, унинг ўзига мансуб бўлган ва ўзга ҳалклардан фарқ қиладиган, ҳамиша эътиборга сазовор миллий-ахлоқий-маънавий фазилатларининг маҳсулидир. Бу фазилат асрлар давомида авлод-аждодларимиз томонидан амал килиниб, бойитилиб, сайдилланиб бизгача етиб келган. Ҳалкимизнинг кон-конига, бутун вужудига сингиб кетган ноёб ахлоқий хислатларидан бирига айланган. И.Ғафуров мутафаккир, донишманд (Аристотель, Навоий, Шекспир, У.Хайём, Ҳабибий) ижодкорларнинг одоб-ахлоқ ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига таянади (“Ҳаё ҳам, ундан кўра кенгрок тушуниладиган уят ҳам қалбнинг маҳсали. Ҳар бир ҳалкининг ҳаётида бу тушунчалар борасида поёнсиз тажриба конлари қазилган, дур-жавоҳирлар қазиб олинган”. 348-бет). Абу Али ибн Синонинг таъкидлашича, қадимда улуғлардан: “Ёшлиарнинг кайси хислатлари кадрли, кексалардаги кайси яхшиликлар афзал”, деб сўрашганда; “Ёшлиардаги ҳаё-орият, андиша, кексалардаги донишмандлик, хотиржамлик”, деб жавоб берган экан. Дарҳақиқат, ҳаёнинг турган-битгани яхшидир. Ҳаё факат яхшилик келтиради. Ҳаё – имондандир, деган фикр Иброҳим Ғафуров маколасидан бўртиб туради. Шарму ҳаё ва икки ўйлаб бир гапириш иймон-

нинг икки бўлгидир. Беҳаёлик билан маҳмадоналиқ, бетгачопарлик мунофикалиниң икки кирраси. Уятсиз одам мўмин эмас; кишининг уятсиз, ичикора – баҳил бўлгани ёмон одам эканлигига далил.

Ким одамлардан уялмаса Аллоҳдан ҳам уялмайди, дейилади муборак ҳадисларда. Қўлидан, тилидан одамларга озор бериш мусулмончиликка ётдир. Инсон – инсоннинг кўзгусидир, дейилади ҳазрат Пайғамбар ҳадисларида. “Қайси бир нарсада уятсизлик аралашса, уни албатта айбли киласди. Қайси бир жойда ҳаё бўлса, ўша жойни безайди”, “Одамлар кўриб колишини ёмон кўрган ишингни улардан холи бўлганингда ҳам килма”. Булар – Ҳазрат Пайғамбар ҳадисларидан.

Инсон ҳаёти бамисоли азим дарёниң икки сохили. Шарм-ҳаё, андиша, орият – инсон ахлоқининг таянч соҳиллари. Улар мана шу ҳаёт дарёсидан сув ичади. Бу соҳиллар мустаҳкам бўлмаса, дарё боши оккан томонга шоҳ ташлаши, кирғоқ нурай бошлиши мумкин. Ҳаё-андиша назокати ҳам, жувонмардлик суръати ҳам инсон маънавий дунёсининг кудратидан, инсон зохiri билан ботини-рухониятиниң, дили билан тилиниң, сўзи билан ишининг уйғунлигидан – виждонининг поклигидан далолат беради. Ҳар кандай жасоратда ҳаё-андиша иффати мавжуд бўлганидек, шарм-ҳаё, ориятда ҳам шижаат алангаси барқ уриб турмоғи мукаррар. Ҳаё-андишли кишилар кандай бўлишлари керак? И.Фафуров табиатдаги оқилоналиқ билан инсон рухониятидаги тўқисликни ўзаро мукояса қиласди: “Табиатда ҳар бир нарса ўлчоклик! Ҳар бир нарса харир пардага ўралган... Энг ялангоч бўлиб кўринган нарсаларниң ҳам пардаси мавжуд. Ердан тортиб уруғача пардасизми? Ер ўз ҳаёти, ҳаракати, бардавомлиги учун зарур барча катта-кичик нарсаларни мустаҳкам кобиқка ўраган. Ана

шу парда, ана шу қобиқ табиатнинг, онамиз Ернинг ҳаёси! Бу ҳаё факат ҳимоя учун, сақланиш учун яратилган. Ерни кават-қават қатламлардан, атмосферани қават-қават қатламлардан иборатлигини ҳамма билади. Аслида қатламлар – Ер ва Ҳавонинг муҳофаза пардалариdir. Улар барча тирик жонзот каби инсониятнинг яшши, баҳту саодати зарурати” (349-бет). Ҳаётда ҳаё-андишлиқ фазилатининг маъно-моҳиятини етарлича тушунмайдиган, уни нотўғри талқин этадиган одамлар ҳам учраб туради. Ҳаё-ориятни сусткашлик, тобелик, номустақиллик, хушомадгўйлик, мутелик, итоаткорлик, қарамлик, ожизлик, фаолиятсизлик нишонаси деб тушунтирадиганлар ҳам йўқ эмас. Улар, аксар ғайридинга мансуб “дўстларимиз”га мансуб. Юз йилдан кўпроқ Ўзбекистонда ёнма-ён яшаб, ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий фазилатларига фахм-фаросати етмаган айрим шахсларга тааллуқлидир. Ахир, дили бошқанинг сўзи бошқа, деган гап бор.

Фараз қилайлик, шарм-ҳаёни, ҳурмат-эҳтиром ориятни, уялишу ўзини тия билишни йиғиштириб қўйайлик. У ҳолда жамиятнинг нураб бораётган ахлоқий қадриятлари инқирозга учраб, адован, ҳаромхўрлик авжга олмасмикан? Ҳаё – беҳаёликка, андиша – андишасизликка, тамагирликка, номуссизликка, беорликка, сурбетликка, суллоҳликка, инсофесизликка, тажовузкорликка, худбинликка қарши кураш жараёнида ўз қадриятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳаё-андишли кишидан жасорат, ҳар бир жасоратдан ҳаё-андишлиқ талаб килинади. Бебурдлик, беорлик, ғаразгўйлик, қаноатсизлик, уятсизлик каби иллатлар ҳаёсизликнинг маҳсули, яққол намунасидир.

Инсон маънавий-ахлоқий мукамаллиги, жисмоний куч-кудрати, жасорат иқтидорига кўра мағрур-улуғвор-

дир. Лекин у хом сут әмған банда табиатан ожиз, ер фарзанди әмасми, баъзи нұксонларнинг бўлиши табиий. Ахир, ҳар тўқисда бир айб, деб бекорга айтилмаган. Бундай нұксонларга ҳаё-андишали кишиларда учрайдиган ийманиш, уятчанлик, кўнгилчанлик, тортичоклик, индамаслик, камсуханлик, мулоҳазаликдир. Бу тоифа кишилар бошқалар билан муюмала ва муносабатда дарҳол киришиб, тил топишиб кетолмайдилар, ийманадилар. Уларда чўчиш, гумонсираш, эҳтиёткорлик, бўлаjak ҳавф-хатардан ўзини ҳимоя қилиш, четга олиш, шубҳаланиш каби туйғулар кучли бўлади.

Эрта тонг лолага шабнамки тегар,  
Чаманда бинафша бўйнини эгар.  
Рост айтсан, ғунчадан жуда розимен,  
Чунки у кўтармас на этак, на бар.

Ҳаё ҳакидаги ушбу сатрлар Умар Хайёмга тегишли. Уятчан одамларда одоб саклаш, ор-номус, шарм-ҳаё, кўнгилчанлик туйғуси кучли бўлади. “Жонингни фидо килсанг кил, номусингни фидо килма”, “Орсизда ақл бўлмас, Акл бўлса ҳам накл бўлмас”, “Ҳаёси йўқниң имони йўқ” дейди ҳалқимиз. Улар камтарин, хуштабиат, мулойим, вижданан пок, ҳалол кишилардир. Инсонида уятли, шармандаю шармисор, беобрў бўлишдан ўзларини тортиб юрадилар. Кўпчилик олдида ўзларини уядан ноқулай ҳас қиласидар (И.Ғафуров – “Айтгим келади: номусни дараҳтдан ўрганинг! Қаранг, у ҳаёт шарбатлари югуратётган танасини қандай парда кобик билан ўрайди. Бир жойи кесилса, дарҳол шу кесилган ўринни кобик билан беркита бошлайди. Табиатда ҳаё хукмрон. Яшаш зарурати шуни такозо қиласи”, 349-бет).

“Яхши билан юрсанг етарсан муродга, ёмон билан юрсанг қоларсан уятга”; “Эр йигитнинг уялгани ўлгани”; “Уят, номус ўлимдан ҳам кучли”; “Йигитнинг моли бўлгунча ори бўлсин”; “Ори бўлмаган йигитдан номусли киз яхши” каби ҳалқ ҳикматида уятчанликнинг ибратли сифатлари ўз ифодасини топган. “Ўғрининг ишига тўғри уялар”, “Уялмагандан уял”, “Уяти йўқ ўғилдан, килиғи бузук қиздан ҳазар кил” дегандек ҳалол, покиза, андишали одамлар беҳаёлик, юзсизлик олдида ҳаммадан кўпроқ ўзларидан уяладилар.

Дилинг хушёр бўлса, кўзинг мукаммал,  
Ҳаммадан ҳам кўпроқ ўзингдан уял.

(Абдураҳмон Жомий)

Ўзгалар айбига тетик назар сол,  
Ўз айбинг кўргандек ундан ибрат ол.

(Низомий)

Сурбет, имонсиз, виждансиз одамлар борлигидан руҳан азият чекадилар; ҳазар қиласидар. Қаттиқ алам ва ориятдан, изтироб ва ҳаяжондан муборак юзларига кизил юришиб кетади. Аммо юзга сапчиган қизаришнинг тезда ўчиши мумкину кўнглидаги изтироб ва хижилликнинг даф бўлиши қийин. Ойда доф бўлса бўлсину кишида доф бўлмасин экан. Андишали кишилар ростга ўхшаган ёлғондан, ёлғонга ўхшаган ростдан, оқ бўлиб кўринган қорадан ўзларини узок тутадилар.

Инсоннинг фақат бошқаларнинг ножўя ҳатти-ҳарачатларидан әмас, балки ўз-ўзидан орланиш, ўз қилмишларидан пушаймон қилиш, ўзининг ножўя қиликлари, юриш-туриши учун ота-онадан, ўз-ўзидан, дўстлардан ва ёт одамлардан уялмаган, тап тортмаган киши хохлаган номаъкулчиликларни қиласеради. Ахлоқий қоидада

лар дастуруламал эканлигини унугиң күядилар. Бу борада мутафаккир И.Фауров талқинлари янада хикматли (“Уятчанликда оғриқдан, азобдан күркиш, ундан қочиш, үзини табиий тарзда асрашга интилиш яшириңгандир. Одамларнинг хаёти үзини ўзи асрашдан иборат... Хаё, Чўлпон яратган шеърий образга суюниб айтсан, бинафша, ё баланд тоғ чўққиларининг музниклари устида очилган бойчечак. У шунчалар қудратли ва дунё, коинот шиддатлари кархисида шунчалар титраб-калтираб туради. Унинг итоатчанлигига хар қандай зўравонликларга итоатсизлик барқ уриб туради”. 351-бет).

Уятчан кишилар үзининг номуносиб қиликларидан ларзага келади. Ўзига билдирилган ортиқча иззат-икромдан, ҳаддан ташқари илтифотлардан, ўринсиз такаллуф ва мулозаматлардан ийманади; ташвишга тушади, тортинади. Ўзларини ноқулай сезиб четга олади. Айрим фирибгар, товламачи, ўғри-муттаҳамлардан жиноий ишларининг гувохи бўла туриб ориятдан тескари қарайдилар. Кўра-била туриб ўзларини кўрмасликка олади. Кимки гуноҳ қилса жазосини ўзи тортади, деб ўйлайдилар. “Ахмоқ билан ўчакишма”, “Арбоб билан олишма”, “Пакир кишипанада” тарзида иш кўрадилар. Ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ-ойдин айтишга – фирибгарларни, нопок, харомхўр, беор ифлосларни фош этишга ботина олмайдилар. Юз-хотирлик қиласидилар (юз амри ширин-да). Бироқ андишасиз, уятсиз кишилар сурбет ва суллоҳ, мулозамат ва такаллуфларга ўч, талабгор бўладилар. Ўзларини “улуғвор” қилиб кўрсатишига уринадилар.

Айрим андишали ўғил-қизларимиз камтаринлиги, камсуқумлиги, камгаплиги туфайли ўз фикрларини ошкора айтишдан ийманадилар. Ўз ҳақ-хукуқларини химоя қила олмайдилар. Ҳатто ўз хис-туйгулари – сев-

гисини мароми билан изҳор килишга, жуфти ҳалолини танлашда кийналадилар. Баъзан эски яқин дўстларидан ажралиб ёлғизланиб, кўпчилик назаридан қоладилар. Ўзлигини, ўз иктидори-истеъодини тўла намоён қила олмайдилар. Ўзгаларда ўзига нисбатан нотўғри, салбий фикрлар хосил қилинишига сабабчи бўладилар. Биргина мисол “...Ота-она юзига тик қараб уф тортиш ҳаёсизлик, ух тортмаслик, ичиндан қиринди ўтаётган ҳолда ҳам буни билдиримаслик, бу – хаё. Тўғрироғи, хаёнинг ибтидоси. Узум гуллаганини кўрганмисиз? Илк ҳаё ана шу узумнинг гули. У ҳали ширин узум эмас, лекин усиз ширин узум хеч қачон етилмайди. Мард одамнинг мардлиги ҳам, қаҳрамон одамнинг қаҳрамонлигига ҳам шундай ҳаё гули мавжуд. Ҳаё бўлмаса ботирлик бўлмайди” (351-бет).

Айрим ҳаё-андишли кишиларда нодадиллик, кийинчиликлардан чўчиш, журъатсизлик, ўзига ишонмаслик каби аломатлар учраб туради. “Андишанинг оти кўрқок эмас” деган ибора айнан мана шундай кишилар тоифаси шаънига қаратилган таъна, киноя бўлиши эҳтимол. Кўрқоклик ҳам инсон ҳиссиёти билан алоқадор ходисадир. У ташки салбий таъсирга нисбатан шахснинг ички муносабатидир. Шахс даҳшатли воқеа-ходисалардан чўчиб, тўлқинланиб хаяжонланади. Рухий изтироб чекади. Хавф-хатарни сезиб безовталанади. Вахимага тушади. Унинг вужудида, феъл-атворида хайқиши, сес-каниш рўй беради. Унда нафрatlаниш, шубҳаланиш, ҳадиксираш, чекиниш ҳисси кучаяди. Кўрқоклик, жисмоний кучсизлик, рухий заифлик, парокандалик бўлса, андиша маънавий тўқислик ва мукаммаллик, жасоратдир. Уларнинг асли моҳияти бир-биридан фарқ килади. Ҳаё-андиша инсоннинг ички маънавий курдатига таянади.

Иброҳим Ғафуров ғарб матбуотида ёзилаётган маънавий тозаланиш масаласига муносабат билдиради: "...Лекин нечукдир хаёҳ ҳакида гап бормайди. Маънавий тозаришни хаёдан холи тарзда кўз ўнгига келтириб бўлармикан? Айрим файласуфлар XX асрда Освенцимдан сўнг Гарбда Худо ўлди деб ёзишади. Аслида ўлган хаёҳ эди! Худо ўлмайди. ...XXI аср хаёга қайтиш асри бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Сиёсатда хаёҳ инсониятни бундан кейин оғир талафотлардан асраши мумкин" (350-351-бетлар). Хўп, хаё-андишали кишилар кандай бўлишлари керак?

Назаримизда, хаёли, ориятли, андишали кишилар аввало ота-оналарининг, эл-юргонинг меҳр-шафқатига сазовор бўлган садоқатли, ўз халки, миллати, миллий маданиятининг ифтихорини, мустақиллик эркинлигини химоя қиласидиган маънавий баркамол, ахлокий пок кишилардир. Ҳаё-андишали киши одамшаванда, олийхиммат, эзгу ниятли, ўз хузур-ҳаловатидан кечиб ўзгаларга меҳр-шафқат улашадиган фидойи, муомала-муносабатда иболи ва иффатли, сабр-қаноатли, фахм-фаросатли, дилкаш, ҳис-туйғулари, ҳавас ва эҳтиросларини, фикр-мулоҳазаларини, нутқини оқилона, калб амрига кўра бошқара оладиган, ҳар қандай андишасизликка, ғайриахлоқий иллатларга қарши жасорат кўрсата оладиган кишилардир. Албатта, бундай фазилатга эришиш, ҳар бир шахсда уни мужассамлаштириш осон эмас. Ҳамма ҳам унга муносиб бўлавермайди. "Илохий китоб ўғит беради, – дейди И. Ғафуров, – иймонли одамлар кўзларини тийсинлар, аъзоларини сакласинлар. Кўз ҳаёси, аъзоларни пок сакламок ҳаёси – устун ҳаёдир. Қаҳрамонликларга ундан ҳаёдир... Яланғочни ер ҳам қабул килмайди. Одамийликда ҳаёҳ ҳалоскор. У ҳамиша разолатдан кутқаради" (354-бет).

## МАНСУРАНИНГ ЖАНР ИМКОНИЯТЛАРИ

Мансур, сочма, насрий шеър сингари шакллардаги изланишлар Иброҳим Ғафуровнинг узоқ йиллик заҳматли меҳнати самараси ўлароқ жанр сифатида шаклланди. Кейинги йиллар ўзбек лирикаси жанрлари тизимидан мансура номи билан қатъий жой олди; мустақим ўз ўрнини мустаҳкам эгаллади. Хўп, унинг ўзига хос жанр хусусиятлари кандай белгиларда намойиш топади?

"Насрий шеър – шартли термин; у насрий шаклда бир катор шеърий асарлар яратган И. Тургенев томонидан рус поэтикасига олиб кирилди, – деб ёзади А. Квятковский "Поэтик лугат" асарида. – Тургеневгача Ш. Бодлер "Насрдаги кичик поэмалар"ини ёзганди. У шаклан насрий, мазмунан поэтик бўлиб, эркин шеър билан наср ўртасидаги коришиқ бадий шаклдир. Унга зиддиян яратилган мазмунан насрий, шаклан поэтик ижод намуналари ҳам адабий ҳаётда кўплаб учрайди". "Адабиётшунослик терминлари лугати"да эса қўйида-гича таърифланади: "Прозаик шеър – лирик кечинмалар сочма бадий нутқ шаклида ҳам ифодаланади; бундай нутқ эмоционаллиги ва маълум ритм билан шеърга монанд бўлади. Сочма бадий нутқнинг шундай тури прозаик шеър (насрий шеър) ёки прозаик лирика деб юритилади"<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> А. Квятковский. Поэтический словарь. М., 1966. – с. 287.

<sup>2</sup> Ҳ. Ҳомидий, Ш. Абдуллаева, С. Иброҳимова. Адабиётшунослик терминлари лугати. Тошкент, 1967. – 171–172-бетлар.

Илмий-назарий адабиётлардаги таърифлар мансуранинг жанр табиатидаги етакчи аломатларини кўрсатишига кўра эътиборлидир: “Хозирги ўзбек поэзиясида бармок ва аruz вазнларидан ташқари эркин вазн ёки сочма вазн деб аталувчи шеърий тизим ҳам қўлланилади. Бу вазнда чўзиқ ва қискалик катъий бўлиши, мисраларда бўғинлар микдорининг тенглиги каби қоидаларга риоя қилинмайди. Бу вазнда бўғинлар сони ҳам, туроклар тартиби ҳам, қофияланиш системаси ҳам, бандлардаги мисралар микдори ҳам эркин бўлади. Бу вазнинг эркин дейилишининг боиси ҳам шундан. Бирок эркин вазнда ҳам ритмни, мусикийликни келтирувчи бир қанча воситалар мавжуд”<sup>1</sup>. Профессор Л.И.Тимофеев ва С.В.Тўраевлар томонидан тузилган “Адабиётшунослик терминлари луғати”да эса насрдаги назм анча муфассал тушунтирилган. “Лирик характердаги ҳажман кичик насрый асар. Унда, одатда, тасвирдаги хикоя йўсини эмас, субъектив баҳолаш устувор. Нутқда эмоционал бўёқдорлик катта аҳамият касб этади. Ва у ритм-оҳангдорликни таъминлайди. Насрдаги назм биз кўриб, ўқиб юрган, ўрганилган росмана шеърдан ўзининг хижо, бўғин, кофия сингари муайян “қолип”ларга солинмаган, сигмаган жихатлари билан тубдан фарқ килади. Насрдаги назм матни шаклига кўра кўпроқ насрга тортади. Нутқий-вазн тизими ҳам катъий тартибли эмас, “синдирилган” сатрлар тулага эга. Тургеневнинг “Насрдаги назмлар”, Бодлернинг “Насрдаги поэмалар”, Эдгар Понинг “Насрдаги шеърлар” сингари асарларини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Поэтик нутқнинг лирик монолог асосига курилишини алоҳида таъкидлаш жоиз”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Н.Шукуров, Ш.Холматов. Адабиётшуносликка кириш. Сармаканд, 1974. – 124-бет.

<sup>2</sup> Словарь литературоведческих терминов. М., 1974. – с.386.

Англашиладики, ҳаёт, ижтимоий воқелик, инсон манфаатларининг адабиёт-санъат зиммасига юклаган янги-янги вазифалари бадий-эстетик идрок ва ифода маданиятида ҳамиша янгича талқинларни, ўзгача тахлилларни тақозо этаркан. “Адабиётшунослик луғати”да мансуранинг янги сифатлар касб этган аломатлари дарж этилади. “Насрий шеър” (русчадан калька: “стихотворение а прозе”) – насрый йўлда ёзилган лирик асар; ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигига сочма, мансур шеър, мансура каби терминлар билан ҳам юритилади. Насрий шеър лирик қаҳрамон хис-туйғу ва кечинмаларини тасвирлаши, одатда, кичик ҳажмга эга бўлиши, эмоционаллиги каби жиҳатлардан лирик шеърнинг ўзи, ундан фактат нутқий ташкилланишига кўра фарқланади. Агар лирик шеър муайян ўлчов асосида тартибга солинган нутқ шаклига эга бўлса, насрый шеър ритмик жиҳатдан ўлчовга солинмайди. Иккиси ҳам лирикага мансуб бўлгани ҳолда шеър атамасини қўллашдаги турличалик (насрый шеър биримасида шеър сўзи турга – лирикага мансубликни, лирик шеър деганда эса нутқ шаклини билдиради); сабабки насрый шеър терминини ҳам ишлатиш зарурати юзага келади. Шу маънода насрый шеърни ритмик проза, сажъ (кофияли проза) каби эпос ёки сарбаст, оқ шеър каби лирика ходисалари билан чалкаштираслик керак”<sup>1</sup>.

Илмий-назарий адабиётларда насрый шеър – адабий ходиса сифатида чукур ўрганилмоқда; давр жамиятнинг талаб-эҳтиёжлари тақозоси билан касб этиб келади.

<sup>1</sup> Д.Куронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати. Тошкент, 2010. 201–202-бетлар.

ётган хусусиятлари кенг ёритилмоқда, таҳлил ва тадқик этилмоқда<sup>1</sup>.

Ёзувчи, филология фанлари доктори Хуршид Дўстмұхаммаднинг “Кўнгил нозиклиги”, “Зиёли фароғати”, адаб Олим Отаконнинг “Ижобат” мақолаларида хам мансуранинг мухим белгилари кўрсатилади. Иброҳим Фауров мансураларида хиссий тафаккур кечинималарга йўғрилган фалсафий мушоҳадакорлик, фикр феномени бош фигура сифатида бўй кўрсатади, дея таъкидланади.

Професор Н.И.Балашов Европа поэзиясидаги насрый шеър тажрибаларини типологик қиёсан ўрганади. Хусусан, XIX аср француз шоирларининг асарларига кўпроқ марожаат этади. Эварист Парининг “Мадегас кўшиклари” (“Мадегасские песни”), Шарль Бодлернинг “Насрдаги шеърлар – Париж тушкунликлари” (“Стихотворения в прозе – Парижский сплин”), Теодор де Банвиллнинг “Сехрли фонус” («Волшебный фонарь»), Лотреамоннинг «Мальдорор кўшиклари» (“Песни Мальдорора”), Артур Рембоннинг “Шаъшадорлик” (“Озарение”), Шарль Кронинг “Сандал дарахти кутиси” (“Сandalовой ларец”), Стефан Малларменинг “Насрий шеърлар” (“Стихотворение в прозе”) туркумларини тадқик этади. Жанр хусусиятларини белгилаш

<sup>1</sup> Тимофеев Л.И. Очерки теории и истории русского стиха. М., 1960; Жовтис А. Границы свободного стиха. «Вопросы литературы», 1966, №5; Жирмунский В.М. О ритмической прозе. «Русская литература», 1966, №4; Озеров Л.А. «Стихотворения в прозе Тургенева». в сб.: «Мастерство русских классиков». М., 1969; Озеров Л. Стихотворения в прозе. в кн.: «Необходимость прекрасного». Книга статей. М., 1983. –с.126–177; Борев Юрий. Эстетика. Теория литературы. Энциклопедический словарь терминов. М., 2003. –с.174; Гаспаров М.Л. Очерки истории русского стиха. М., 1984; Он же. Очерк истории европейского стиха. М., 1989 и др.

баробарида бадий-эстетик табиатини ҳам ёритади. Насрдаги назмларни бадий кашфиётлар тариқасида баҳолайди. Сўз санъаткорларининг дунёқарашидан келиб чиккан бадий методи ва ижодий индивидуалликларини кўрсатади.

Ўзбек адабиётшунослигига сочма, мансур шеър, насрдаги назм, ривоят, эркин шеър маданияти хусусида биринчилардан бўлиб атрофлича мулоҳаза-муҳокама юритган адабиётшунос Иброҳим Фауров бўлади. “Ёш қалбнинг тажрибалари” номли салмоли тадқиқот-мақоласи файзли, фазли ўрин тутади (“Лириканинг юраги”. Адабий ўйлар. Тошкент, 1982, 93 – 115-бетлар). Мансураларни яратиш – амалий фаолиятга киришишдан олдин унинг назарий асосларини ишлаб чиккан, эстетик табиатини белгилаб берган. Шеърий шаклларда хаёт, руҳоният иқлиmlарини, қалб хақиқатларини тасвирлаш маданияти тариқасида ёндошади. Ривоятлар пайдо бўлгандан бери у турлана-турлана ўзидан афсона, эртак, ҳикоят, латифа сингари фарзандларни яратди, дейди. Сўнг ундан қисса, ҳикоя, роман туғилганлигига, бадий асарлар бағрида ривоятлар жанрнинг ички имкониятларини кенгайтирганига, руҳини жонлантирганига диккатни кучайтиради. Тарихий бадий онгнинг гўзал ёдномалари сифатида баҳоланади. Насрдаги назмнинг Шарқ ва Фарбда юзага келган тарихий илдизларига мурожаат қиласкан, Сайдий, Жомий, Навоий ўлмас достонлари, Геродотнинг тарихий-биографик асарлари, Гомер поэмалари, Цицероннинг донишга тўлиқ рисолалари, Вергилийнинг достонлари интеллектуал шеър ва прозанинг ёркин на муналари, интеллектуалликнинг гўзал ёдномаларидир,

дея таъкидланади. Бадий онгнинг тарихий қатламлари инъикос этганлигини күрсатади<sup>1</sup>.

“Авесто”, “Панчтантра”, “Джамманада”, “Инжил”, Экклесиаст, Кеңалькоаттың китоблари – инсоният акл-татфаккурининг гултожидир; ушбу битиклар шеър билан проза ўртасидаги олтин ўрталықда яратилған (“Бугун ҳайратомуз улуғвор намуналарга эга бўлған замонавий проза ривоятлардан ўсиб чиқкан бўлса, ҳозир бизга янгилик бўлиб кўринадиган сочма шеърлар, мансур шеърлар, эркин хижоли ва эркин кофияли, эркин хижоли ва кофиясиз, муқим хижоли ва кофиясиз (ок шеър) шеърлар ҳам тарихан олиб караганда жуда узок замонларга бориб тақалади... Назаримда, буларда шундай бир шакл ўрталиги топилғанки, унинг ифодалари билан ҳатто музика ҳам етиб боролмайдиган – хиссийёт тубларига, фикр нозиклигига етилгандай бўлиб кўринади” (98-бет). И.Фафуров сочма, мансур шеър, эркин шеър илдизларини уч минг йил илгари яратилған муҳташам обидалардан излайди, топади ва ўз нуктаи назарларини тасдиқлайди.

Демак, насрдаги назм, мансур шеър кофияланган наср – саждан фарқ килади; уларда тасвир (фабула) прозаик кўринишда бўлади; экспрессивлик-тъсирчаник, кўтаринки ҳолат ҳис-туйгунинг бўртиб туришидан вужудга келади; фикрий умумлашмалар қабариқ, кучли, салмоқдордир. Иброхим ака ҳозирги сочмалардаги ва мансур шеърлардаги такрорийлик ва такрорнинг даврийлигини, илдизларини қадимги ёдномаларда учратади (“Зотан, бу оламда ҳеч қачон аламни алам билан

<sup>1</sup> Балашов Н.И. Алоизиос Бертран и рождение стихотворения в прозе (I. Новый жанр, созданный ценой жизни; II. Романтическая трагедия жизни Алоизиос Бертрана; III. Стихотворение в прозе – открытие на все века). В кн.: Алоизиос Бертран. Гаспар из тьмы. Фантазии в манере Рембрандта и Калло. М., 1981. – с.235 – 295.

йўқотиб бўлмайди. Лекин уни сакланмаса, йўқолади. Азал хикмат шу)<sup>1</sup>. Такрорийлик олийжаноб оҳангларни туғдиради ва сўзларнинг мияда ва қалб сахифаларида нақшланиб қолиши учун хизмат килади. Тъсирчаникка эришишнинг энг қисқа ва энг дохиёна йўли эканлигини тасдиқлайди. (“Лириканинг юраги”. Адабий ўйлар. Т., 1982. 100-бет.)

Эркин – мансур шеър ибтидоси туркий адабиётда кўхна тошибитикларга бориб боғланади.

Чур апасы барур

Інім ағім јыта адрылу бардымыз јыта.

Куіга кішіта јыта адрылу бардымыз.

Буны ашім кадашым јыта ... оклым... тма

Бунда окланым јыта.<sup>2</sup>

(Чур отаси олдда борур, жангда ўлур,

биз ундан ажралдик, қайғуга ботдик;

ака-укалар ҳам йитди, юрт етим колур.

Аёллар сиқтайди, қизлар соч юлар, охлар урар

ёлғиз ўғлоним ғам андухлар узра

бошини тупрокка кўюр).

Қадимги туркий ёдномалар матн-мазмуни кўплаб тадқиқотчилар диккат-эътиборини тортиб келаётир. Улар аждодларимиз ҳаётидан, тақдиридан, кечмишидан сўзлайди. Мўъжаз муҳтасар парчалар кечинмаларнишаби, ғамга ботган афтода ҳис-туйғулар пўртанаси мағлуб-ғолиблар қисматидан сўзлайди. Битик баланд

<sup>1</sup> Джамманада. М., 1951, – с 51, – с. 27. (И.Фафуров таржимаси).

<sup>2</sup> С.Е.Малов. Енисейская писменность тюрков. Тексты и переводы. М., 1952. – с.40. Яна шу муаллиф. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М., – Л., 1951.; шу муаллиф. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. М., – Л., 1959. Ушбу манбалар бу борада фикр юритиш учун көнг имкониятлар, ғоят бой материал беради.

фикр парвозини, кучли эмоционал ҳолатни ифодалаш эҳтиёжидан келиб чиккан. Битикдаги нутқ ритми қатъий изчиликка эга эмас. Фикрдаги мантиқдан, хис-туйғулар жунбишидан сизиб чиқаётган эмоционаллик ички оҳангдорликни вужудга келтирмоқда. Мазмун билан боғлиқ хис-туйғу тўлкини ўқувчи кўнглига кўчади; унинг кўнглида ҳам тасвирдаги ҳолат кайфиятини уйғотади.

Англашиладики, чинакам поэтик мазмун – бу факат колилларга солинган, қофияланган, қатъий ўлчовлар (хижо, туроқ) билан “жиловланган” сатрлар силсила-сидангина иборат эмас экан. Насрдаги назмда ҳам чинакам поэзия намуналарини яратиш мумкинлигини тасдиқлади. Юксак бадииятнинг ҳадлари беададлигини, имкониятлари ҳам тасаввурларга сифаслигини кўрсатади. Насрдаги назм вазнли наср қобигини ёриб чиқкан; эркин шеър ва насрнинг хос хусусиятларидан таркиб топган. Хўп, белгилари нималарда аёнлашади?

Тушиммиди, ўнгиммиди, билмайман. Кечаси  
билан бир дарвозани такиллатиб чиқдим. Ҳар кеча  
шу дарвозани такиллатаман. Бу дарвозани  
такиллататёtgанимга эллик йил бўлди.  
Йўқ дарвозани такиллатиб ётибман.  
Дарвоза йўқолган.  
Сиз айтасиз: Йўқолган дарвозани такиллатиб  
Бўлмайди. Лекин мен такиллатаман йўқолган  
ӯша дарвозани.<sup>1</sup>

Биринчи галда кўзга ташланадиган нарса мансура маълум вазнга ва изчил қофияга эга эмаслигидир. Ифода йўсини – тасвирда рамзийлик кучли, бадиий фикрда хикматга мойиллик устун. Риторик таъкидлар кўплиги,

<sup>1</sup> Иброҳим Гафуров. Илтижо. Мансуralар. Тошкент. 1991, 3-бет (кейинги парчалар ҳам шу нашрдан, сахифаси матнда кўрсатилиади).

эмоционалликнинг баландлиги мансураларга хос яна бир муҳим белгидир. Эътибор берайлик-да, гап бўлаклари оҳанг қурилиши жиҳатидан нисбий мустакилликка эга; нутқ шашти-шиддати (темпи) ҳам ранг-баранг. Шеърнинг ритмик-вазн тизими паузаларнинг кўплиги билан ҳам ўзинга хос жиҳатга эга. Ушбу аломатлар “Дарвоза” мансураси учун кўпроқ хос. Адибнинг барча мансураларида ҳам ушбу белги-хусусиятлар устувор дея олмаймиз. Ҳар бир мансурада адибнинг кўзланган бадиий-эстетик мақсадини ёритиш эҳтиёжи янги-янги ифода-тасвир имкониятларини тақозо этади.

Ва лекин, таъкидлаш жоизки, адиб мансураларининг барчаси учун фикр-тафаккур салмоғи, жозибали эмоционаллик, рамзийлик етакчи хусусият сифатида бўй кўрсатади.

Лирик қаҳрамон Амир Ҳайдардан домонгир. Боиси у Бибихоним дарвозасини кўпорган, тангалар ясатган бу дарвоздадан. Амир Ҳайдар тарихни чақага майдалаган. Уни етти маъдандан эритиб қуйилган мўъжиза дер эдилар. Қани энди у? Нодиршоҳ Туркистон дарвозасини Эронга олиб кетган. (“Рейдан излайми? Исфаҳон, Техрон, Ҳамадондан излайми бобомнинг дарвозасини”.)

Дарвоза ўз зиммасига юкланган фикр салмоғига кўра фалсафий мазмунни ёритаётган символга айланади. Лирик қаҳрамон молпараст эмас. Боболар меросини довлаётгани ҳам йўқ. У мўъжиза дарвозани очиб жаҳонга чиққиси келади. Коинотга учгиси бор. Бахру барда сузиш иштиёқида. Лекин қани у жаҳоннинг бир мўъжизаси? Олтин, темир, курч, қалай, пўлат, мис, кумушдан ясалган дарвоза? Бибихоним дарвозаси? Йўқолган дарвоза... Ўғирланган дарвоза...

Ўз Куддусининг эшигини йўқотган амир...  
Қайдан кидираман халқимнинг бу дарвозасини,

Юртим дарвазаси, етти жүш дарвоза...  
 Мағлублик дарвазани тангага майдалашдан бошлангай.  
 Дарвазасини ўғирлатган довини ҳам ўғирлатгай...  
 Эллик йилки мен такиллатиб чиқаман бу  
 дарвазани,  
 Бибихоним дарвазасини... (4-бет).

Шарх ножоиз. Фалсафий фикр – ҳақиқат изляяпти. Тарихий хатони ўнглаш,adolatни юзага чиқариш дарди иштиёқида ёзғирияпти. Эрон подшохи Нодиршох тимсолидаги ўғрилар Biбихоним дарвазасини ўрнига қайтара олармikan? Танга килиб майдаланган дарвазани қайтадан бунёд этиб бўлармikan? Гарчанд, мўъжиза дарвоза тангаларга айлантирилиб, йўқолиб кетган эса-да, ҳақиқат парчаланмайди; у оловларда ёнмайди, сувда чўкмайди. Тутунга эргашиб-ўрлаб ҳавога сингиб йўқолмайди. Тарихнинг бағрини ўйиб-ёндириб даврлар оша бош кўтариб тураверади. У адолатдир; адолат эса ҳамиша барҳаёт.

Демак, мансура – баланд эҳтирос, ҳис-туйғулар тўлкинига хос тафаккур теранлигини ифодалаётir. Унинг кечинмали-эмоционал таровати, фикрий кудрати эстетик бутунлиги ва яхлитлигидадир. Мабодо уни анъанавий шаклга, муайян ўлчовли (вазн, хижо, кофия) сатрларга солинса бадиий-эстетик нафосатини йўқотиши шубҳасиз. Демак, муайян “қолип”лар доирасини ёриб чиққан фикр ва ҳис-туйғу мансураларнинг зоҳирий бўй-бастини ҳам, ботиний мазмун-моҳиятини ҳам белгилаб бераркан. Англашиладики, эркин шеър-мансура шоирдан жуда баланд фикрлаш маданиятини талаб қиласкан. “...Бадииятнинг умумий устувор конуниятлари мансур шеър учун ҳам, эркин шеър учун ҳам баравар тааллуқлидир ва улардан ҳеч қачон кўз юмиб бўлмайди. Эркин шеър фикрлар шеъри. Бунда ёркин

фикрлар ва ёркин муҳокамалар биринчи ўринга чиқади. Фикрнинг кутилмаган ҳайратомуз ўзгаришлари эркин шеърни ҳам, мансур шеърни ҳам ўзига хос қурилишга асослашини такозо этади. Фикрнинг шиддатли харакати ялтироқликка ўрин колдирмайди” (“Лириканинг юраги”, 102-бет).

“Дарвоза” мансурасида кузатилганидек, бандлардаги мисраларнинг микдори, бўғинлар сони, туроклар тартиби ҳиссий тафаккурни ёркин ёритишга қаратилган. Бунда, биринчидан, бир хил жумлаларнинг мисраларда такрорланиб келиши ритмни-оҳангдорликни вужудга келтирмоқда.

Бибихоним дарвазаси?  
 Йўқолган дарвоза...  
 Ўғирланган дарвоза...  
 Танга килиб майдаланган дарвоза...

Ушбу парчада бўғинлар микдори ҳам, туроклар тартиби ҳам сақланмаган. Аммо шеърда ритм бор. Оҳангдорлик аввало бир хил жумлалар такоридан юзага чиқаётir. “Йўқолган”, “ўғирланган”, “майдаланган” бирикмалари мисраларда муайян ритмни вужудга келтираётir.

Ёхуд, “Киприк” мансурасида мусиқийликни таъминлаган омиллар ўзгача. Хусусан, лирик қаҳрамон кўхна бир китобни ўқиб ўтирган маҳали варақлар орасидан узун ва қоп-кора кош толаси тиззасига тушади. Тахайюл кучи ота соғинчини жонлантиради.

Не замонлар бўлган эди отамнинг ўлганига.  
 Не замонлар бўлган эди отамни соғинганимга.  
 Отамнинг коши тўқилди кўхна китоб саҳифасидан.  
 Соғинганимни билдими отам  
 Кошининг бир кора толасини жўнатди менга.

Хабар ол,  
Ёлғиз қўйма,  
Унутма  
Кош ахир кўзниң панохи бўлар,  
Хар дилнинг юракда бир охи бўлар... (7-бет)

Мисралар бошида ҳамда охирида айрим сўзлар ва жумлаларнинг такрорланиши ҳам ритмни вужудга келтираётir. Мансуранинг яна бир ўзига хос хусусияти – бу банд жиҳатдан бўлган эркинлик, шеърдаги оҳангдорлик шеърнинг бошидан охиригача мунтазам эмас, бўлиниб-бўлиниб келади. Кечинмалар шиддати, пўртанаворлиги фикрни бўрттириб ифодалашга хизмат килади. Эътибор беряпсизми, кечинма табиати бир тусли эмас. Кайфият ва ҳолатларга қараб туйғулар тархи (эмоция) ҳам жилоланади. Соғинч туйғуси киприк толасини кўрган заҳоти кўнгилда уйғонган эди. У охиста барг ёзиб, кўкара бошлайди. Лирик қаҳрамон кўксини фараҳга, сўлим кайфиятга чўмдиради (“Ота, номангизни олдим. Кўксимга тегди сўлим шабада. Сўнг авайлаб жойлаб кўйдим қошингизни яна ўша кўхна китоб саҳифасига”, 7-бет). Мансурада соғинч ҳисси фикр билан бирга туғилаётir. Кош толаси соғинч тимсолида зохир бўлмоқда. Мансурадаги соғинч ҳисси ота рухи билан чамбарчас боғланган. Шу боисдан ҳам шеърдаги эмоционалликни авж ҳолатда кўрамиз (“Бугун ҳиссиётларни ифодалашдан кўра ҳам фикрларни ифодлашга кўпроқ мойил бўлган Европа ва жаҳон шоирлариға эркин шеър жуда кўл келган. Улар эркин шеърни эркин имкониятлар деб тушунадилар”, 105-бет).

Демак, И.Фафуров мансураларидағи фалсафий-ахлоқий ғоялар талқини алоҳида ёндошувни тақозо этади.

## ХОТИМА

Биз ота-онамизни ўз майлимизга, хохиш-истакларимизга қараб танлай олмаганимиз каби шоир-ёзувчиларни ҳам, закий мунавварларни ҳам миллий бадиий маданиятлар юзага келтиради, тарбиялаб вояга етказади. Қайси миллий адабиёт узок тарихга ва бой анъаналарга эга бўлса, унинг заминида улкан санъаткорлару олимларнинг юзага келиши, дунё таниши шунчалик табиий ходисадир.

Халқимиз ижтимоий-маданий тараққиётининг ҳар бир босқичи янги-янги ижодкорлар авлодини етиштирмоқда. Ана шу сўз санъаткорлари бадиий дунёсини тадқик этувчи янги олимлар зумрасини ҳам вояга етказмоқда. Ҳассос олим-адиб ИброҳимFaфуров илмий-бадиий тафаккурининг шаклланишида Абдулла Қодирий, Ойбек, Faфур Ғулом, Максуд Шайхзода, Миртемир, Миркарим Осим, Зулфия сингари адабиётимиз сарбонларининг ижодиёти муҳим омил бўлди. Яна у мансуб адабиётшунослар авлоди (Умарали Норматов, Нуриддин Шукуров, Абдуғафур Расулов, Бегали Қосимов, Нажмиддин Комилов, Эрик Каримов, Хотам Умиров, Пирмат Шермуҳамедов ва х.к.) бадиий-эстетик дидининг шаклланишида мавжуд адабий муҳит ҳам катта роль ўйнади. Яна бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимги туркий адабиёт обидалари, жаҳон классикаси, миллий адабиётлар бадииятини мук тушиб ўқиб-ўрганиш, сувдек симириш, Шарқ ва Farb мутафаккирлари

*Нўймон Раҳимжонов*

(Бедил, Румий, Данте, Алишер Навоий, Гегел, Гердер, Тҳакур ва ҳ.к.)нинг фалсафий-эстетик меросини кунт билан ўзлаштириш Иброҳим Ғафуров учун илмий-назарий теранликка эришувда асос бўлиб хизмат қилди.

Гегел “Эстетика” асарида адабиётшунос-танқидчиларни ёзувчи деб биламан, дейди. Зоро, олим илмий фаолиятининг моҳияти сўз санъаткорлари сингари асарларининг илмий-назарий теранлиги, бадииятнинг янги қонуниятларини қанчалик ёритганлиги, бадиий-эстетик таъсир кучи билан белгиланади.

Ёзувчи ёки шоир бадиий образлар воситасида фикрлаб яратган асарлари билан ўзига хос дунёсини бунёд этади; адабиётшунос олим эса файласуф сингари мантикий тушунчаларга таяниб фикрлайди; таҳлиллар асосига кўрилган тадқиқотларини яратади. Бу хол бир-икки йилда амал топадиган ижодий жараён бўлмай, балки йиллар давомида ижодкордан бутқул умрини, иқтидорини, борлигини сафарбар этишликни тақозо этади.

Бадиий ижодда Алишер Навоий дунёси, Абдулла Қодирий олами, Чўлпон дунёси, Фитрат олами, илмда эса Беруний даври маданияти, Амир Темур даври адабиёти, санъати, фан ва маданияти сингари бетакорро ҳодисалар шу омиллар асосида юзага келади. Адабий фаолиятлари билан муштарак ҳолда ижодий жасоратлари эвазига юзага келган қонуниятдир.

XX аср адабиётшунослик илми мисолида кузатадиган бўлсак, Иззат Султон, Ҳомил Ёқубов, Озод Шарифдинов, Матёқуб Кўшжонов, Ботир Валихўжаев, Абдукодир Ҳайитметов ва ҳ.к. мунаварларимиз ижодий дунёсидан баҳрамандликни таъкидлаш жоиз. Бугунги бадиий-илмий маданиятимизда Иброҳим Ғафуров ижодий оламини яратишга эришган заҳматкаш олимларимиздандир. XX аср бадиий маданиятимиз намоянда-

лари (Абдулла Қодирий, А.Қаҳхор, М.Осим, Зулфия, Ҳ.Ғулом, Р.Бобоҷон, А.Мухтор, С.Аҳмад, С.Зуннунова, Э.Воҳидов, Т.Пўлатов, А.Орипов, О.Хожиева, Г.Нур, Г.Жўраева, Ш.Раҳмон ва ҳ.к.), XX аср ўзбек адабиёти, хусусан, наср, поэзия, таржимачилик тарихи ва назариясини яратишга қаратилган тадқиқотлари, мақолалари юкоридаги фикримиз тасдиғидир.

Иброҳим Ғафуровнинг шахсияти ва илмий-ижодий фаолиятидаги фазилатлар қаторида, айниқса, иккитасини алоҳида таъкидлагим келади. Хусусан, жаҳон ҳалқлари бадиий маданиятларининг **мумтоз** намуналаридан боҳабарлик, назарий ва амалий **пухта** билим-закийлик, нуктадонлик, кувваи-ҳофиза кўламининг бехад кенглиги тадқиқотлари ва мақолаларига теранлик бағишлийди. Бу – бир. Иккинчидан, асарларига алоҳида файз киритиб турган илмий-бадиий фикрлаш маданиятидаги шоирона эмоционаллик – идрок ва ифода жозибасидир.

Шеърият – бу сирли, сеҳрли ҳодиса. Поэтик жараённинг кечиши тамойилларини, моҳиятини англаб, эстетик таъсир кучини тушунтириб бериш, англатганда ҳам ўта нафис шеърий туйғу билан, шеър завки билан, шоирона тил билан илмий йўсинга айтиб бериш ғоят мушкул вазифа. Адабиётшунос Иброҳим Ғафуров ана шундай нозик ва ноёб шоирона дидли олим. Унинг илмий изланишлари моҳиятини ташкил этган, XX–XXI асрлар ўзбек адабиёти тарихини яратишга қаратилган тадқиқотларида ушбу хусусиятлар равшан балкиб туради.

И.Ғафуровнинг чуқур илмий кузатишлиари маҳсулни бўлган “Ўртоқ шоир”, “Усмон Носир”, “Она юрт куйчиси”, “Юрак – аланга”, “Лириканинг юраги”, “Ям-яшил дарахт” асарларида шеъриятимиз тадқики алоҳида ўрин тутади. Уларда ўтган асрнинг 60-йилларидан бугунги

кунгача лирикамиз тарихий тараккиётидаги бой, сермаксул ижодий мухит, адабий жараён манзаралари яратылған. И.Фауров тадқиқтарида поэтик асарлар таҳлили F.Ұулом, Ойбек, М.Шайхзода, Миртемир, Зулфия, А.Мухтор, Э.Вохидов, А.Орипов ва бошқа шоирларнинг адабиётимиз камолига қўшган улушларини кўрсатиш, бадиий маҳоратларини ёритиш, бадиий-эстетик тафаккур равнакидаги хизматларини дарж этишдан иборат. И.Фауров асарлари поэзиямиз тарихини яратишидек, адабиётимиз тарихий тараккиёт тенденцияларини, босқичларини назарий умумлаштиришдек моҳијати билан ҳам нажиб. Янаям мухими, мунакқид эстетик ғояларини мужассамлаштиргани билан кадрлидир.

И.Фауров шеърият жанрлари (достон, баллада, манзума, қасида, ғазал, сонет) ҳамда поэтик шакллар (иккилик, түртлик, олтилик, саккизлик, лирик миниатюралар) табиатидаги сифат ўзгаришларини таҳлил килади. Ҳар бир жанрда ҳәётий мухит-шароит такозоси билан юзага келган етакчи хусусиятларни очиб беради. Катта бир босқич – эллик йилдан ортиқ давр мобайнида бадиий-эстетик тафаккурнинг камолоти белгиларини умумадабиётимиз тараккиётининг етакчи тенденциялари билан боғлиқ текширади. Айни шу ҳолатда И.Фауров эстетик ғояларининг етакчи хусусиятларини кўришимиз, янги жиҳатларини кузатишимиз мумкин.

Биринчидан, поэтик образлар ва туйғу-кечинмалар манзараси асосида фикрларкан, мушоҳадалар юритар экан, сўзлар ҳолат, кайфият, маънони ёритишга хизмат килади. Тусмоллар, тахминлар, икки карра икки – тўрт қабилидаги силлогизмлар воситасида фикрлаш шеърият учун мутлақо ёт. Рамзларга, тимсолларга, образларга, тахайюлларга, туйғу-кечинмаларга таяниб фикрлаш шеърий санъатнинг кони ва жонидир. Мазкур қонуният

туйгулар ҳакиқатини, фикрга, ҳиссиятга эврилган маънони – калб ҳакиқатларини кўрсатишга қаратилгандир.

Иккинчидан, шеъриятнинг бош мақсади, асосий мундарижаси (предмети) ҳакиқатни кўрсатиш экан, буюк гўзаллик ҳакиқатда, адолатнинг оддий ва соддалигига мужассамлашган. Ҳакгўйлик, адолатпешалик асл бадиий ижоднинг устувор зарурати ва эҳтиёжидир. Шоир ҳәётни, воқеликни жонли ва табиийлиги, ҳәётйлиги билан ёлғон кўшмасдан, бежаб-бўямаудан, борини бордек килиб ифодалаши лозим ва лобиддир. “Мен ҳамиша ҳакиқатни ёқлайман. Ҳакиқат эса Худо томонида”, дейди адабий қаҳрамонлардан бири. Унда мунакқид И.Фауров эстетик қарашларининг мағзи синтезлашган.

Учинчидан, асар замирига сингдирилган бадиий ғоя узук-юлук, чала-чулла мазмунни қўлтиқтаёқ килиб олмайди. Аксинча, асарнинг барча ички унсурлари (компонентлари) яхлит, бус-бутун бадиий маънони ёркин тажассум этишга қаратилмоғи шарт. Зеро, бош маъно – бадиий-эстетик фикр жон ила тан мисоли бир вужудга айланмоғи керак. Мазкур нуктаи назар мунакқид эстетик ғояларининг яна бир етакчи хусусиятини инкишоғ этади.

Тўртингидан, ушбу ҳолатдан яна бир мухим жиҳат – маъно сизиб чиқаётир. Хусусан, бадиий асарда ёритилаётган мазмун шаклга, шакл эса маънога тўла мутаносиб бўлмоғи лозим. Зеро, илгари сурилаётган бадиий-эстетик ғоя тўқислиги шаклнинг ҳам ўзига мослигини такозо этади. Негаки, дарё суви арикларга сифмайди; ариклардан оккан эмас. Сувнинг шиддати ва қўламлиги микёсига монанд ўзанни, кирғокларни талаб қиласи.

Демак, шакл билан мазмун бир-бирини кувватлаши баробарида, бири иккинчисига таянаркан. Ботинидаги маънони кўрсатишда, оламни англаш ва тушунтиришда

бамисоли икки кўзга айланаркан. Шу маънода шоир сажия-салоҳияти билан санъатнинг табиатига зид боролмайди. Акс ҳолда у сўз санъаткори эмас, оддий омилкор бир каламкаш бўлиб қолаверади.

Демак, шоирнинг адабиётга олиб кирган янгилиги, янги маъно билан санъат табиатидаги азалий ва абадий қонуниятларни бойитишга, кучлантиришга хизмат килади; муайян ҳисса бўлиб кўшилади.

Демак, бадиий асар руҳоний дунёнинг кўримли, моддийлашган шакли. Сир эмас, аксар монографик тадқикотларда бир кемтик кўзга қадоқ солади. Ушбу бирёкламалик адаб ижодини, асарларини адабий жараённинг етакчи тамойиллари билан, жамият хаёти билан алокадорликда кўрсатилмаслигидир. Иброҳим Ғафуров асарларининг яна бир фазилати тадқик этилаётган бадиий маданият давр ҳаёти билан мустаҳкам боғланишда ёритилишида кўринади. Айни вақтда мавжуд тамойилларни вужудга келтиришдаги сўз санъаткорларининг конкрет хизматларини дарж этиш ҳам И. Ғафуров асарлари муваффакиятини белгилаган хусусиятлардан биридир.

Мунаққиднинг хоҳ “Ўртоқ шоир” ёки “Юрак – аланга”, хоҳ “Лириканинг юраги” ёхуд “Ям-яшил дарахт” асарларини оламизми, янги факт-маълумотларга бойлиги, янги-янги кузатишларга асосланган жозиб таҳлил шоирлар бадииятини чуқур ёритилиши билан эътиборни торгади.

Мунаққиднинг барча таҳлиллари, кузатишлари асар бадииятининг моҳиятини билишга, бадиий нафосатнинг етакчи аломатларини тўлаконли ёритишга картилган. Хусусан, ҳар қандай бадиий ғоя инсон билан, унинг феъл-фаолияти билан тирик. Зоро, инсон руҳоний дунёсини, кўнглига яширган асморларини жамият вокелиги билан алокадорликда тажассум этиш мухим. Негаки, инсон ўзи яшаётган жамиятдан айро-

тушолмайди. Ҳар қандай жамият ҳам ўз одамлари билан ҳаёт. Ҳар иккиси бир тану бир жон. Маънавий ҳаёт билан объектив вокелик ҳакиқатларини инкишоф этиш бадииятининг етакчи аломатларидан саналади. Бу жараёнда бири боғдан, иккинчиси тоғдан келмаслиги, яхлит вужудга айланмоғи бадииятининг устувор хусусияти сифатида таъкидланади. Бадиий нафосатда гўзаллик ва ҳакиқат мужассам. Уларнинг бир бутунликда зохир бўлиши асар бадииятининг яна бир белгисидир.

Иброҳим Ғафуров асар бадииятининг етакчи белгиларини дарж этаркан, ижтимоий мазмун мафкуравий манфаатдорликдан холи бўлини керак, деган фикрни илгари суради. Хусусан, ҳукмрон мафкура сиёсатининг еллиғичига, югурдагига айланиш бадииятининг энг ашаддий ғанимидир. Етмии таъкиддан ортиқ давом этган шўро диктатураси адабиётнинг руҳини – бадииятини барбод этди. Коммунистик манфаатдорликка қарамагитка (тарғибот-ташвиқот) адабиётида сиёсат бадиият ўрнини эгаллади, деган фикрни билдиради мунаққид. Шу маънода ижтимоий руҳ сиёсатдан холи англашлади, тушунтирилади. Ижтимоий мазмун шахс эрки, миллат ҳуррияти, юрт мустакиллиги ғояларини ифодалашига кўра бадииятининг яна бир етакчи хусусияти сифатида намоён бўлди. Зоро, XX аср бадиий маданиятини ижтимоий йўналишдан айрича англаш мумкин эмас. Юксак маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ сингари бадиий мазмун талкинидаги ижтимоий ҳакиқат ҳам бадииятининг етакчи белгилари тарикасида талкин этилади. Санъатнинг тарбиявий, ахлоқий хусусиятлари одам онгу шуурини жамият руҳониятини идрок ва ифода этишининг шакллари сифатида тушунтирилади. Шу жихатдан образларнинг индивидуаллигига, тўлақонлигига бадиий бутунлик бор, дейди мунаққид.

Инсон рухонияти, жамият психологияси, вокелик санъатнинг асосий тадқикот манбаи (объекти) экан, одамдаги одамийлик ҳамда ғайриинсонийликни, жамият тузумларининг гуманистик ёхуд зулм-истибоддога қурилган мазмун-моҳиятини кашф этиш барча замонларда бадииятнинг бош вазифаси бўлиб колган. Иброҳим ака адабиёт ва санъатнинг хиллари, кўринишларини олам билан одамни бадиий ўрганиш, англаш ва эстетик тушунтириш шаклларидир, дейди. Шу жумладан, бадиий тафаккур типлари (реалистик, романтик, натуралистик, модерн, рамз-тимсолли ва ҳ.к.), хиллари бадиий-фалсафий ғояни юзага чиқаришга камарбаста. Ҳаёт – вокеликнинг барча қатламлари, инсон ва жамият психологиясининг турфа ҳолатлари, манзараплари образли ифода этилишида санъатнинг бош конунияти мужассамлашган.

Илм-фан борлик ва йўкликни тушунчалар оркали англатар экан, образли-тимсолли тафаккур сўз санъатнинг бош белгисидир, дея тушунтиради мунаққид. Хусусан, оламни ва одамни англатиш онг-шуур, калб кўзи оркали кечади. Ана шу жараёнда туйғу-тафаккур хаёти манзарапларида асарнинг бадиий гўзаллиги жамулжамдир. Олим талқинига кўра ижтимоий ҳакиқатга етишиш, уни кўриш ва кўрсата билиш санъатида бадииятнинг нурпош хусусиятларини кўрамиз; Баҳраворлик туйғуларини туямиз.

Биргина Эркин Воҳидов шеърлари, достонлари бадииятини ёритаркан, ҳар биридаги ғоя, мазмун, образлар узвийлиги оркали ижодининг бадиий бутунлигини очиб беради. Эстетик таҳлил йўсими мунакқиднинг етакчи услуби сифатида гавдаланади. Адибларнинг ўзбек сўз санъати ривожига кўшган улушини белгилаш, уларни адабий жараён билан боғланишда кўрсатиш,

ҳар бир ёзувчи ижодинигина эмас, яна шахс ва санъаткор сифатидаги киёфасини очишга интилиш, бадиий асарни ижодкор шахсияти ва бадииятини ажралмас бирликда такшириш И.Ғафуров асарлари жозибасини белгилаган хусусиятлардир.

Хоҳ уруш даври адабиёти ёки 60-йиллар, яъни жамият ҳаётида хийла эркинлик, мухитнинг юмшаган даври бадиияти намуналари бўладими, хоҳ 80-йиллар турғунлик деб аталган боскичда яратилган асарлар ўрганиладими, асосан маънавий ҳаётга таъсир кўрсатувчи нурли белгилари текширилади. Мана шу таъсир масаласи мунаққиднинг асарга баҳо беришида, бадиий-эстетик, ижтимоий-фалсафий кимматини белгилашида бош мезон бўлиб хизмат килади.

Ғ.Үулом, М.Шайхзода, У.Носир, Миртемир, Зулфия ижодий лабораторияси анча чукур очиб берилган. Хусусан, адабий-эстетик қарашларига таяниб ижоди ва шахсини ёритишга эришган. Зулфия ижодидаги хижронзадалик некбин фазилатлар асосига курилгани И.Ғафуровнинг нозик таҳлил сахифаларини ташкил этади. Қиёсий-типологик таҳлил йўсими мунакқид асарлари илмий-назарий чукурлигини таъминлаган. Вокеликни бадиий акс эттириш, қаҳрамон образини яратиш принциплари, ғоявий – ижтимоий – эстетик хусусиятлари санъаткор бадиий маҳорати асосида ёритилади. Мухими, ҳалқимиз ижтимоий-маданий ҳаётининг ривожи бадиий-эстетик тафаккур камоли билан синкетик уйғунликда текширилади.

Илмимизда алоҳида фан сифатида шаклланган Ойбекшунослик, Шайхзодашунослик, Миртемиршунослик, Зулфияшунослик, Эркин Воҳидовшунослик равнакида Иброҳим ака асарлари алоҳида ўрин тутади. “Гўзалликнинг олмос кирралари”, “Она юрт куйчиси”,

“Жозиба”, “Дил эркинлиги” ва бошка асарлари адабиётшунослик илми равнақида маҳоратшунослик бобига файзли улуш бўлиб кўшилди.

Мазкур асарларда олимнинг тадкиқот обьектини чукур ўрганганлиги, ўзлаштирганлиги, мустакил илмий концепциялари яккол бўртиб кўриниб туради. Адабий қаҳрамонлар мънавиятидан, лирикасидан кўнглига инган эмоционал-интеллектуал таассуротлар билан сидкидилдан фикрлашади. Ана шу ёруғ таассуротлар шаклидаги туйғу-тафаккур ўкувчи қалбига, шуурига тиник фикрлар силсиласини олиб киради. Бу нарса, аввало чукур бир самимият эвазига юзага келган. У бевосита Иброҳим Faфуровнинг олийжаноб шахсияти, юксак интеллектуал маданияти билан боғлиқликда зухур топади. Ушбу фазилатлар шоир-ёзувчилар бадииятидан нур эмганлиги боисидан ҳам тадкиқотларида балкиб туради.

Абдулла Кодирийдан Хуршид Дўстмуҳаммадгача, Чўлпондан Э.Вохидов, Ш.Рахмонгача, Зулфиядан Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Аҳмедовагача бир неча авлодга мансуб шоир-ёзувчилар маҳорати, бадииятига оид китоблар, рисолалар, адабий-танқидий эсселар, мансуралар Иброҳим Faфуров номини ҳалқимиз кўнглига, илмимиз, бадиий маданиятимиз тарихига муҳрлайди, нақшлайди.



## МУНДАРИЖА

Иброҳим Faфуров ҳаёти ва ижодий фаолиятининг асосий саналари (*Муқаддима ўрнида*) ..... 3

### Бадиий онгнинг шаклланиши ва эстетик туйғу

Истеъодод табиати ..... 9  
Сўзга айланган зиё ..... 21  
Гўзаллик қонуниятлари ва бадиияти ..... 32

### Гўзалликнинг олмос талқинлари

Тахлил йўсинлари, эстетик талаб ва принциплар ..... 47  
Далиллаш санъати ..... 61

### Фаросат, андоз оҳанг ва сўз туйғуси

Сўз танлаш, сўз кўллаш меъёри ва бадиий маҳорат ..... 77  
Ҳикматли шеърият белгилари ..... 91  
Бадиий фикр такомили ва туйғулар тадрижи ..... 105

### Эстетик ғоялар тизимида қаҳрамон масаласи

Лирик характер яратиш майллари ..... 113  
Наср қаҳрамони ..... 124  
Достон – замон – қаҳрамон ..... 133

## Илмий-назарий тафаккур ҳадлари

Бадианинг илдизи, эстетик хусусиятлари.....	142
Адабий-маърифий қарашлари .....	172
Фалсафий-ахлоқий назар .....	186
Шарм-хаё, андиша, орият – ахлоқий кадрият .....	201
<b>Мансуранинг жанр имкониятлари.....</b>	<b>211</b>
Хотима.....	233

*Адабий-илмий нашир*

**НҮЙМОН РАХИМЖОНОВ**

## БАДИЙ СЎЗ ЭСТЕТИКАСИ

*(Адиб, адабиётчинос, таржимон  
Иброҳим Гафуровниң изходи саҳифалари)*

Мухаррир *Илҳом Зойиров*  
Бадиий мухаррир *Шўҳрат Мирфаёзов*  
Техник мухаррир *Дилмурад Жалилов*  
Мусаххих *Доно Тўйчиева*  
Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Алиева*

Нашир. лиц. А1 № 290. 04.11.2016.  
2017 йил 6 декабрда босишга руҳсат этилди.  
Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Офсет босма. Times New Roman  
гарнитураси. 12,39+0,63 шартли босма табок.  
10,2+0,58 нашр табоги. Адади 1000 нусха.  
538 ракамли буюртма. Бахоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа  
ижодий уйида чоп этилди  
100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29  
Факс: (371) 241-82-69

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz)

[info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)

**Рахимжонов, Нўъмон**

Бадиий сўз эстетикаси / Нўъмон Рахимжонов. – Тошкент:Faafur Гулом номидаги нашриёт-матббаа ижодий уйи, 2017. – 236 б. + 12 б. вкл.

УЎК 82.01:821.512.133(092) Гафуров И.  
КБК 83.3(5Ў)6



**НҮ'МОН РАҲИМЖОНОВ,  
филология фанлари доктори, профессор.**

“Давр ва ўзбек лирикаси” (1979), “Шоир ва давр” (1983), “Ўзбек адабиётида поэма” (1986), “Ўзбек поэмасининг тараққиёт жараёни” (1991), “Асқад Мухтор поэтикаси” (2003), “Ҳалима Худойбердиева лирикаси (ҳаммуаллиф, 2004), “Мустақиллик даври ўзбек шеърияти” (2007), “Бадиий асар биографияси” (2008), “Истиқлол ва бугунги адабиёт” (2012), “Адид эстетикаси” (2017) монографиялари ҳамда “Фалсафий лирика” (1983), “Ҳозирги замон адабиётшунослиги” (1986), “Илмий тафаккур жилолари” (1991), “Нур – боқийликдур” (2004), “Қодирийшунослик қирралари” (2015), “Бадиият – бош мезон” (2016), “Жимжит жолалар” (Қисса, эсселар, дилбитиклар, 2016) рисолалари нашр этилган.



ISBN 978-9943-5015-2-2

9 789943 501522